

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ
ВАЗИРЛИГИ**

ГУЛИСТОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ



“ИҚТИСОДИЕТ” КАФЕДРАСИ

**ИНСТИТУЦИОНАЛ ИҚТИСОДИЁТ.
ИЖТИМОЙ СОҲА ИҚТИСОДИЁТИ.**

**ФАНИДАН
ЎҚУВ-УСЛУБИЙ МАЖМУА**

билим соҳаси: 200000 – ижтимоий соҳа, иқтисод ва ҳуқуқ
таълим соҳаси: 230000 – иқтисод
таълим йўналиши: 5230100 – иқтисодиёт тармоқлар ва соҳалар
бўйича

ГУЛИСТОН – 2017

“Институционал иқтисодиёт. Ижтимоий соҳа иқтисодиёти” фанидан ўқув-услубий мажмуа Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус вазирлигининг 2016 йил 09 январда №БД 5230100 билан рўйхатга олинган ва 2016 йил 12 январдаги №22- сонли буйруғи билан тасдиқланган.

Тузувчилар:

Ш.Х.Махмудов, О.Х.Шоев - “Иқтисодиёт” кафедраси ўқитувчилари.

Такризчилар:

О.Сатторкулов - “Иқтисодиёт” кафедраси доценти, и.ф.н.;

А.Бурхонов - “Иқтисодиёт” кафедраси доценти, и.ф.н..

Ўқув-услубий мажмуа Гулистон давлат университети ўқув-услубий кенгашининг 2017 йил “26” августдаги №1- сонли қарорига мувофиқ ўқув жараёнига татбиқ этиш учун тавсия этилган.

МУНДАРИЖА

	Кириш	
I.	Ўқув материаллари	
1.1.	Маъруза материаллари	
1.2.	Амалий машғулот мавзулари	
	а) Асосий матн	
	б) Топшириқлар (мисоллар, кейслар, тестлар)	
	в) Назорат савоолари	
	г) Адабиётлар рўйхати	
II.	Мустақил таълим машғулотлари	
III.	Глоссарий	
IV.	Иловалар	
4.1.	Фан дастури	
4.2.	Ишчи ўқув дастури	
4.3.	Тарқатма материаллар	
4.4	Тестлар	
4.4.	Рейтинг тизими асосида баҳолаш мезонлари	

КИРИШ

Хар қандай жамият институционал муҳитини ташкил этувчи маълум бир институтлар доирасида фаолият юритади ва ривожланиб боради.

Ўзбекистонда мустақилликнинг дастлабки йилидан бошлаб бешта тамойил асосида босқичма-босқич амалга оширилган ислохотлар жараёнида ижтимоий-иқтисодий ҳаётнинг барча соҳаларида ўзгаришларга эришилди, иқтисодиётнинг янги ҳўжалик юритувчи субъектлари – йирик акциядорлик жамиятлари, холдинг компаниялар ва хусусий мулкчиликнинг турли шакллари барпо этилди. Шу билан бир вақтда улар фаолият юритиши шартларини белгилаб берувчи расмий қоидалар (конституция, қонунлар, фармонлар ва б.) ҳамда миллий кадриятлар, урф-одатлар ва бошқа норасмий нормаларни ўз ичига олган институционал асослар яратилди. Буларнинг барчаси жамиятда мулкчилик, ишлаб чиқариш ва тақсимот муносабатларининг такомиллашувига, моддий, табиий ва меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланишга кучли таъсир кўрсатади.

Шу боис институционал муҳитни фаоллаштириш, фаолият кўрсатаётган иқтисодиётнинг ривожланиш қонуниятларини билиш, уни модернизация қилиш йўллари танилаш ва ҳавф-хатарнинг олдини олишнинг самарали воситаси зарур. Институционал иқтисодиёт, шубҳасиз, ана шундай воситалардан бири ҳисобланади.

Мазкур мажмуа илғор хорижий тажрибани кенг ўрганиш, умумлаштириш ва ундан таълим ва тадқиқотлар жараёнида самарали фойдаланиш маҳсулидир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 26 май қарорида олий ўқув юртлари “Жаҳоннинг ривожланган мамлакатларидаги етакчи университетлар ва олий ўқув юртлари билан қалин ҳамкорлик доирасида кенг кўламда иштирок этган ҳолда 2016/2017 ўқув йили бошлангунга қадар барча ўқув режалари ва дастурлари тубдан қайта ишлаб чиқирилишини ниҳоясига етказишни таъминласин, фанларни ўқитишнинг эскирган, умрини ўтаб бўлган ёндашув ва услубларидан батамом воз кечишни, бакалаврият ва магистратурада жаҳон фани ва илғор педагогик технологияларнинг замонавий ютуқларига асосланган янги ўқув режалари ва дастурларини жорий этишни, шунингдек, таълим жараёнида уларни амалга ошириш ҳамда олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини ошириш учун ... етакчи хорижий олимлар ва ўқитувчиларни жалб этишни назарда тутсин”¹ деб алоҳида таъкидланган.

Ушбу қарорда белгиланган вазифаларни амалга ошириш мақсадида таълим ва тадқиқотларнинг мазкур ахборот-ресурс манбаини ишлаб чиқишда Данкин Университети, Массачусетс Технология институти ва Нью-Йорк Давлат Университети (АҚШ), Оксфорд Университети, Бат Университети ва Лондон Метрополитен Университети (Буюк Британия), Бремерхафен Университети (Германия), Васеда Университети (Япония), Кемёнг Университети (Корея Республикаси), Шанхай Университети (ХХР) ва бошқа етакчи хорижий университетлар бой ижобий тажрибасидан самарали фойдаланилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йилни биз **Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили**, деб эълон қилдик. Бугунги мажлисимизнинг асосий мазмунини айнан шу талабдан келиб чиққан ҳолда белгилашни таклиф этаман. Шу муносабат билан сизларнинг эътиборингизни қуйидаги энг муҳим масалаларга қаратишни зарур, деб ҳисоблайман.

Биринчидан, нима сабабдан ўтган йилда иқтисодиёт тармоқлари ва ҳудудларни ривожлантиришнинг айрим кўрсаткичларига эришилмади? Бунинг учун ким шахсан жавоб беради?

¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 26 майдаги “2016/2017 ўқув йилида Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларида ўқишга қабул қилиш тўғрисида”ги қарори. “Халқ сўзи” газетаси, 2016 йил 27 май, №103 (6538). Б.1

Иккинчидан, 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим йўналишлари ва устувор вазифаларини белгилаб олишимиз зарур.

Учинчидан, келгуси беш йил давомида қандай стратегик вазифаларни амалга оширишимиз керак?

Бугун мамлакатимизнинг барқарор ривожланиш йўлида изчил илгарилаб боришини таҳлил қилар эканмиз, ўтган йили принципиал муҳим ислохотларни амалга ошириш бўйича қатъий қадамлар қўйилди, деб айтишга барча асосларимиз бор.

Бу ислохотларнинг асосий мақсади – аҳоли учун муносиб ҳаёт даражаси ва сифатини таъминлашдир.

Жадал ва барқарор ривожланишга қаратилган бу сиёсат бундан кейин ҳам сўзсиз давом эттирилади.

Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик ҳар бир раҳбарни – бу Бош вазир ёки унинг ўринбосарлари бўладими, ҳукумат аъзоси ёки ҳудудлар ҳокими бўладими, улар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиб қолиши керак.²

Ҳозирги кунда институционал иқтисодиёт фани иқтисодий назариянинг узвий бир йўналиши сифатида дадил майдонга чиқди. Ушбу фан Белоруссия, Россия, Украина, Болтиқ бўйи ва бошқа ўтиш иқтисодиётига эга бўлган қатор мамлакатларнинг иқтисодиёт йўналишида кадрлар тайёрловчи олий ўқув юртларида кенг ўқитилмоқда ва мазкур фан бўйича кафедралар ташкил этилган.

Эътиборингизга ҳавола этилаётган ушбу маърузалар матнида янги институционал назариянинг методологик асосларига, асосий қоидаларига, тамойилларига, ушбу йўналиш вакиллариининг илмий қарашларига, жамиятдаги расмий ва норасмий нормаларни мувофиқлаштириш муаммосига, норасмий институтларнинг ролига муҳим аҳамият берилган.

Шунингдек, маърузалар матнида институционал иқтисодиётнинг тадқиқот усули сифатида ўйинлар назарияси ва моделлаштириш тавсифига, режа ва бозор институтлари фаолияти нормалари ҳамда шартномалар хилларига катта эътибор қаратилган. Трансакциялар ва трансакция харажатлари назарияси, трансформацион ёндашувнинг ўзига хос хусусиятлари ва унинг аҳамияти ҳамда таҳлилий усуллари, мулкчилик ҳуқуқлари ва мулк шакллариининг ривожланиши, давлат ва уй хўжалиги хиллари, фирмалар турлари ва улар фаолиятининг институционал асослари кенг ёритилган. Маърузалар матнида институтларни янги институционал муҳитга жорий этиш жараёнларини ўрганишга кенг ўрин берилган.

²Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак. – Тошкент: “Ўзбекистон” НМИУ, 2017. – 104 б.

I.ЎҚУВ МАТЕРИАЛЛАРИ

1.1.МАЪРУЗА МАШҒУЛОТЛАРИ МАТНИ

1-Мавзу. “Институционал иқтисодиёт” фанининг предмети ва мазмуни, тамойиллари

Режа

1. Институционал назарияларнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши тарихи
2. Институционализмнинг методологик асослари ва институционал таҳлилда бошланғич нуқта масаласи
3. Неоинституционал назариянинг асосий йўналишлари
4. Институционал иқтисодиётнинг ривожланиш хусусиятлари

ТАЯНЧ СЎЗ ВА ИБОРАЛАР: институт, институтпровайдер, институционаллаштыриш, ижтимоий адолат назарияси, мувозанат назарияси, институционал назария, Коуз теомаси

1. Институционал назарияларнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши тарихи

Илмий иқтисодий назариялар шаклланиши XVII асрда Европада дастлаб В.Петти, Буагильбер, кейинроқ эса, А.Смит ва Д.Рикардоларнинг классик иқтисодий таълимотлари билан тавсифланади. XIX асрнинг етмишинчи йилларига келиб, классик назариянинг К.Менгер, М.Жевонс, Л.Вальрас ва бошқа тадқиқотчиларнинг фаолияти замиридаги маржинал ёндашув билан кенгайиши неоклассик назария сифатида А.Маршаллнинг “Иқтисодиёт принциплари” асарида ўз ифодасини топди. Кейинчалик А.Маршаллнинг қарашлари Ж.Б.Кларк изланишларида такомиллашди.

Неоклассик назариянинг асосий тамойиллари икки қисмдан иборат. Асосий тамойилларнинг биринчи қисмини классиканинг “эски” тамойиллари, иккинчи қисмини эса, неоклассиканинг “янги” тамойиллари ташкил этади. “Эски” тамойиллар “қатъий негиз” бўлса, “янги” тамойиллар неоклассиканинг «ҳимоя қобиғи»ни ташкил этади³.

“Эски” тамойилларга қуйидагилар киради:

- бозорда ҳамма вақт мувозанат мавжуд, у ягона Парето (Вальрас-Эрроу-Добре) оптимуми талабларига мос келади;
 - бозорда индивидлар томонидан оқилона танлов амалга оширилади;
 - индивидларга ташқи омиллар таъсир кўрсатмайди, уларнинг бирор ҳолатни афзал билиши барқарор ва экзоген хусусиятга эга;
 - харажатларнинг ягона тури – ишлаб чиқариш харажатлари ҳисобга олинади.
- Айни чоғда айирбошлаш харажатлари эътиборга олинмайди.

“Янги” тамойилларга кўра:

- бозорда айирбошлашни амалга ошириш учун ресурсларнинг хусусий мулкни ташкил этиши асосий замин ҳисобланади;
- индивидларда битим тўғрисидаги барча ахборот мавжуд;
- айирбошлаш чегаралари камайиб борувчи фойдалилик тамойили асосида ҳамда ресурсларнинг дастлабки тақсимланишидан келиб чиқиб, белгиланади.

Классик назариянинг ривожланишида кузатиладиган исталган қоида тузатишлар ва аниқлаштиришлар жараёнида «Эски тамойиллар»ни ташкил қилувчи фикрлар ўзгаришсиз қолишини назарда тутлади. Улар тадқиқот парадигмаси, назарияни изчил қабул қилувчи ҳар қандай тадқиқотчининг танқиди қанчалик кескин бўлмасин, “эски” тамойиллардан воз кечилмайди. Аксинча, назариянинг ривожланишига қараб унинг тадқиқот предметида «янги тамойил»ни ташкил қилувчи қарашларга доимий тузатишлар, янги унсурлар киритилади.

«Эски» институционализм назариясининг моҳиятини янада тўлиқроқ кўриб чиқиш учун ушбу илмий йўналишнинг кўзга кўринган вакиллари Т.Веблен, К.Поляни ва

³ Alchian A., Demsetz H. The property rights paradigm // Journal of Economic History 1973. M. 33. № 1. P. 17.

Ж.К.Гэлбрейт қарашларига мурожаат этиш мумкин. Машинали ишлаб чиқаришнинг пайдо бўлишини таҳлил қилишда капиталист билан ёлланма ишчи ўртасидаги муносабатлар тизими меҳнат тақсмоти қабул қиладиган қуйидаги ташкилий шакллар орқали уларнинг ўзаро таъсирига эътибор қаратилди: табиий меҳнат тақсмоти → кооперация → мануфактура ва мутлақ қўшимча қийматни шакллантириш → хусусий ишчининг пайдо бўлиши → машиналарнинг пайдо бўлиши → фабрика → нисбий қўшимча қийматни шакллантириш.

Карл Поланьининг таъкидлашича, айнан миллий ресурслар ва меҳнат бозорининг шаклланиши асосида давлатнинг аралашуви ётади. Ғарбий Европанинг барча ички бозорлари маҳаллий бозорлар табиий эволюциясининг натижаси эмас, балки давлатнинг аралашуви орқали барпо этилган.

Т.Веблен «Бекорчи синф назарияси» (1899) [32] асаридаги одатлар тўғрисидаги таҳлилда холизм методологиясини қўллайди. Одатлар индивидларнинг бозордаги, сиёсий соҳадаги, оиладаги хатти-ҳаракатлари доираларини белгилаб берувчи институтлардан бири ҳисобланади. Инсонлар хатти-ҳаракати Веблен томонидан иккита жуда қадимий одатдан келиб чиқиб, таърифланади. Бу одатларни у рақиблик ҳиссиёти (бошқалардан биринчи бўлиш, умумийликдан ажралиб туриш истаги) ва маҳорат ҳиссиёти (ҳалол ва самарали меҳнат қилишга мослашиш) деб номлайди. Т.Вебленнинг фикрига кўра, рақиблик ҳиссиёти мулкчилик ва бозордаги рақобатнинг асосида ётади. Ушбу ҳиссиётнинг ўзи индивид ўз танловини амалга оширишда ўз фойдалилигини кўпайтиришни эмас, балки бошқаларнинг кўз ўнгида ўз нуфузини оширишни кўзловчи «ошқора истеъмол»ни изоҳлайди. Масалан, сотиб олмоқчи бўлган автомобилни танлашда истеъмолчи унинг нархига ва техник хусусиятларига эмас, балки муайян русумдаги машинага эгалик қилиш орқали таъминланадиган нуфузга эътиборни қаратади.

Ва ниҳоят, “эски” институционализм намоёндаси Ж.К.Гэлбрейт ўз таҳлилин ахборот ва ахборот алмашувининг иштирокчилар ўртасида тақсимланиши масалаларидан бошлайди. Унинг асосий фикри – ҳозирги бозорда ҳеч ким тўлиқ ахборотга эга эмас. Ҳар бир шахснинг билимлари ихтисослашган ва хусусий аҳамиятга эга, ахборот тўлиқлигига фақат ушбу тўлиқ бўлмаган билимларни бирлаштирувчи ташкилот доирасида эришиш мумкин, деб таъкидлайди. Бунда ҳокимият алоҳида шахсдан гуруҳга бирлашган, индивидуалликка эга бўлган ташкилотлар қўлига ўтади. Сўнгра мазкур ташкилот индивидларнинг хатти-ҳаракатига кўрсатадиган таъсирни таҳлил қилиб, индивидлар тавсифларини институционал муҳит функцияси сифатида кўриб чиқади. Масалан, унинг таъкидлашича, истеъмол талабининг ўсиши истеъмолчиларнинг ўз ички туйғулари юқори бўлишидан эмас, балки уларни ишонтириш учун рекламадан фаол фойдаланувчи корпорациялар манфаатларининг ўсишидан келиб чиқади.

Бозор иқтисодиёти муносабатларининг жадал ривожланиши баробарида иқтисодий тадқиқотлар кўлами янада кенгайди ва чуқурлашди. Бу билан ҳозирги замон иқтисодий таълимотларининг йирик йўналишлари шаклланди⁴.

Ҳозирги замон иқтисодий таълимотларини ўрганишнинг энг кенг тарқалган ёндашувларига кўра, улар учта йўналишни ўз ичига олади: неоклассика, институционализм ва кейнсчилик. Бироқ, мамлакатимизда мазкур йўналишлар – айниқса, институционализм йўналиши соҳасидаги илмий-назарий, ўқув-услубий жабҳалар яхлит баён этилган адабиётларни етарли, деб бўлмайди.

Институционализмнинг назарий йўналиш сифатида шаклланиши бевосита классик ва неоклассик назариялар билан боғлиқ. Бинобарин, неоклассика тамойилларидаги юқорида кўрсатилган чекловларни ҳисобга олган ҳолда, бозор моделини тузишга йўналтирилган назария – институционализм ҳисобланади. Ушбу назариянинг тадқиқот марказида институтлар – инсонлар томонидан барпо этиладиган ва ўзаро ҳамкорликни таркибловчи сиёсий, иқтисодий ҳамда ижтимоий меъёрлар ва қоидалар туради.

⁴ Dobb Maurice, Capitalist Enterprise and Social Progress, London: G. Routledge & Sons, 1925

Институционал назария қоидалари неоклассик ёндашувга нисбатан янги назария бўлиб, бозор муносабатларини таҳлил қилишнинг янги соҳасидир.

Институционализм бугунги кунда иқтисодийёт фанининг энг тез ривожланиб бораётган йўналишларидан бири ҳисобланади. Бу кўпроқ неoinституционал иқтисодий назарияга ёки янада кенгроқ қилиб айтадиган бўлсак, неoinституционал назарияга ёки неoinституционализмга тааллуқли.

Илмий манбалар [30, 32, 34, 40, 41, 47] гувоҳлик беришича, неoinституционализм чуқур тарихий илдизга эга. XIX аср охири – XX аср бошида юзага келган “эски” институционализмнинг асосчилари бўлиб Т.Веблен, Ж.Р.Коммонс ва У.Митчеллар ҳисобланишади. Ҳозирги замон иқтисодчилари уларнинг ишларидан бугунги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган ва иқтисодийёт фанининг анъанавий усуллари ёрдамида изоҳланиши қийин бўлган жараёнларни таҳлил қилиш имконини берувчи ғояларни топмоқда.

Бироқ ўтган асрнинг 60-70 йилларигача институционал йўналиш анча суст ривожланган. Кейинчалик эски ғоялар иккинчи босқич институционалистлари – Ж.К.Гэлбрейт, Р.Хайлбронер, Ф.Перру, Ж.Фурастье, Г.Мюрдаль ва бошқаларнинг ишларида ўз ифодасини топган.

“Эски” (замонавий) институционализмнинг учинчи босқичи асосан Ж.Ходжсон бошчилигидаги [55] “кембридж мактаби” олимларининг фаолияти билан боғлиқ.

Шу билан бирга турли иқтисодий мактабларга мансуб бир қатор иқтисодчилар [30, 31] институционал тизимларни таҳлил қилиш билан шуғулланиб, ўз тадқиқотларида институционал ёндашувдан бевосита ёки биравосита фойдаланишган.

Институционал назариянинг кўп сонли масалаларини ёритувчи адабиётларда [31, 39, 40, 50, 56] институционализм турли йўналишларининг методологик хусусиятлари тўғрисидаги фикр-мулоҳазаларга катта аҳамият берилган.

“Эски” институционализм билан неoinституционализмда кўплаб умумийликлар мавжуд – бу институтларни тадқиқ этиш, шунингдек ижтимоий-иқтисодий ҳодисаларни ўрганишга нисбатан эволюцион ёндашувнинг айрим жиҳатларини таҳлил қилишдир. Умуман олганда ушбу иккита ёндашув кесишув нуқталарига эга эмас.

Россиялик олим Р.Нуреевнинг фикрига кўра, “эски” институционализм билан неoinституционализм ўртасида, камида, учта асосий фарқ мавжуд⁵.

1) Агар “эски” институционалистлар замонавий иқтисодий назария муаммоларини жамиятдаги бошқа фанлар усуллари билан ўрганишга интилган ҳолда ҳуқуқ ва сиёсатдан иқтисодийёт томон боришса, неoinституционалистлар бунга тўғридан-тўғри қарама-қарши йўлдан боришади, яъни улар ўз таҳлилида неоклассик иқтисодий назария воситаларига таянади, замонавий микроиқтисодий усулларни қўллаган ҳолда сиёсий ва ҳуқуқий муаммоларни ўрганади.

2) “Эски” институционализм асосан индуктив усулга асосланиб, алоҳида ҳолатлардан умумлаштиришга томон интилди, бунинг натижасида, қатор иқтисодчиларнинг фикрига кўра, умумий институционал назария юзага келмади; неoinституционализм дедуктив йўлдан бориб, неоклассик иқтисодий назариянинг умумий тамойилларидан ижтимоий ҳаётнинг муайян ҳодисаларини изоҳлашга интилмоқда.

3) “Эски” институционализм радикал иқтисодий тафаккур оқими сифатида асосий эътиборни инсонлар манфаатларини ҳимояловчи жамоалар (асосан, касаба уюшмалари ва ҳукумат) хатти-ҳаракатига қаратди; неoinституционализм қайси жамоа аъзоси бўлиш унинг учун фойдали эканлигини ўз манфаатларига амал қилган ҳолда ҳал этувчи мустақил индивидга эътибор қаратади.

⁵ Нуреев Р. Институционализм: вчера, сегодня и завтра. В кн. «Институциональная экономика». Учебное пособие / А.Олейник. –М.: ИНФИМ, 2000. -5-7 б.

4) “Эски” институционализм методологик холизмдан фойдаланади, уни умумий тарзда қуйидагича таърифлаш мумкин: “институтлар бирламчи, индивидлар иккиламчи”. Ушбу ҳолат неoinституционал назарияга асос қилиб олинди.

Шу нуқтаи назардан “эски” ва “янги” институционал мактабларни бир биридан фарқлаш лозим. Инглиз иқтисодчиси Ж.Ходжсон [55] у ёки бу йўналишга мансуб олимларни қуйидагича тарзда таснифлашни таклиф қилади:

“Эски” институционал мактаб: Т.Веблен, Ж.Р.Коммонс, У.Митчеллар, Й.Шумпетер, Ж.К.Гэлбрейт, Ф.Найт, К.Полани, К.Айрес, Г.Мюрдаль.

“Янги” институционал мактаб: Р.Коуз, Д.Норт, О.Уильямсон, Р.Познер, М.Олсон, Ф.Хайек.

Ж.Ходжсоннинг фикрига кўра [55], агар “эски” мактаб дарвинизмга асосланиб, рақобатлашувчи институтлар тўғрисидаги асослардан фойдаланган ҳолда институтларнинг узок вақт мобайнида ривожланишини кўриб чиққан бўлса, “янги” мактаб ижтимоий дарвинизмдан йироқлашиб, ўз тадқиқотларини методологик индивидуализм нуқтаи назаридан олиб бормоқда. Шундай қилиб, Ж.Ходжсон “янги” мактабни кўп жиҳатдан танқид қилади. Унинг таъкидлашича, “янги” мактабнинг ночорлиги шунда намоён бўладики, тадқиқотларга жамият ўзининг “табiiй ҳолатида” асос қилиб олинган бўлиб, унда қандайдир инсоний муносабатлар мавжуд, лекин институтларсиз; институтлар урф-одатлар ва қоидалар билан биргаликда пайдо бўлиши, сўнгра эса инсонлар томонидан қонуният сифатида очилиши ҳисобга олинмайди. Масалан, К.Магнер пулнинг пайдо бўлиши муаммосини тадқиқ этишни жамиятнинг унда пул мавжуд бўлмаган институтлардан ҳоли бўлган ҳолатини таҳлил қилишдан бошлаб, сўнгра эса уларнинг пайдо бўлишига индивидуал агентларнинг оқилона қарорлари натижаси сифатида қарайди. О.Уильямсон ҳам асос сифатида институтлардан ҳоли макон – институтларсиз бозорни кўриб чиқади, сўнгра эса трансакция харажатларини қисқартирувчи тузилмалар сифатида фирмаларнинг пайдо бўлишини тадқиқ этган. Ж.Ходжсоннинг фикрича [55], неoinституционал оламнинг бундай тахмини нотўғри, чунки жамият азалдан институционаллашган. Ушбу хулоса, унинг таъкидлашича, кўплаб иқтисодчиларнинг “эски” мактаб институционалистларининг ғояларига қайтишига сабаб бўлди.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, “янги” институционал мактаб, неoinституционал назария ва янги институционал иқтисодиёт – буларнинг барчаси битта нарсаси эмас. “Янги” мактаб, Р.Нуреевнинг фикрича, ўз асосларига кўра бир-биридан фарқ қилувчи иккита сўнги йўналиш: неoinституционализм учун неоклассик назария ва янги институционал иқтисодиёт учун “эски” институционализм йўналишларига асос бўлиб хизмат қилди.

Янги институционал иқтисодиёт вакиллари томонидан нафақат ушбу йўналиш доирасида, балки бошқа йўналишлар доирасида ҳам тан олинди, кенг қўлланилган бир неча назария ишлаб чиқилди. Булар ўйинлар назарияси (Ж. Фон Нейман, О.Моргенштерн, Ж.Нэш) ва тўлиқсиз оқилоналик назарияси (Г.Саймон) ҳисобланади [30]. Янги институционал иқтисодиётнинг ҳозирги замон ишланмаларини француз мактаби иқтисодчилари – Л.Тевено, О.Фавро, А.Орлеан, Р.Буайе ва бошқалар ишларида учратиш мумкин [30, 31].

Бироқ, институционалистларнинг баҳс-мунозаралари бир йўналишнинг бошқа йўналишдан устунлигини исботлашга қаратилган. Бир қатор иқтисодчилар, хусусан, Т.Эггертсоннинг таъкидлашича⁶, “фақат вақт мунозараларда ҳакам сифатида иштирок этиши мумкин. Айнан методологик зиддиятлар туфайли Ж.Р.Коммонс бошчилигидаги эски америка институционалистларининг уринишлари муваффақиятсизликка учради, чунки, 1984 йилда Р.Коуз ёзганидек, “ҳеч қандай назарияга эга бўлмаган улар (америка

⁶ Эггертсон Т. Экономическое поведение и институты. –М.: ДЕЛО, 2001. – С. 18-19.

институционалистлари) ҳали англаб етишни талаб этувчи куруқ изоҳли материалдан бошқа ҳеч нарсани таклиф эта олишмади”.

2. Институционализмнинг методологик асослари ва институционал таҳлилда бошланғич нуқта масаласи

Ҳозирги вақтда неоинституционал ёндашувдан нафақат иқтисодчилар ва социологлар, балки юристлар ва сиёсатшунослар ҳам фойдаланишмоқда. Бу кўпроқ ҳам жаҳон ҳўжалик тизимини, ҳам алоҳида олинган миллий иқтисодиётни тадқиқ этишга тааллуқли, чунки фундаментал таҳлилни, хоҳ у иқтисодий назария, сиёсатшунослик, социология, ҳуқуқ бўлсин, бир фан доирасида олиб бориб бўлмайди.

Ҳозирги босқичда *иқтисодий империализм*⁷ иқтисодий фаннинг деярли барча оқимларига хос, бироқ неоинституционализмда у яққол намоён бўлади, бу бошқа методологик асослардан воз кечмаган ва неоклассиканинг “қатъий негизи”ни ўзгартирмаган ҳолда жамият ҳақидаги бошқа фанлар – психология, социология, сиёсатшунослик фанларининг ишланмаларидан фойдаланиш имконини беради. Бу ҳол таҳлил соҳасини сезиларли даражада кенгайтириб, уни бойитади ва аниқликка яқинлаштиради.

Неоинституционализм иккита умумий асосдан келиб чиқади, биринчидан, ижтимоий институтлар аҳамиятга эга, иккинчидан улар неоклассик назария воситалари ёрдамида тадқиқ этилади. Ушбу икки тарафлама хусусият неоинституционализмни “эски” институционализм ва неоклассик назариядан ажратиб туради.

Неоинституционализм неоклассик назариядан инсоннинг кўпайтирувчи хатти-ҳаракати ва методологик индивидуализм тамойилларини мерос қилиб олган ҳолда ўтган асрнинг 50-60 йилларга келиб шаклланди. Неоинституционализмнинг айрим вариантларида ўйинлар назариясидан фойдаланилади. Айрим неоинституционалистлар ўз тадқиқотларида эволюцион назария қоидаларига таянади.

Бироқ, уларнинг ўхшашлигига қарамай, неоинституционал ва неоклассик ёндашувларининг методологик хусусиятларини белгилаб берувчи бир қатор фарқларни ажратиш мумкин.

Неоинституционал назария ижтимоий жараённинг реал фаолият кўрсатувчи иштирокчилари сифатида гуруҳлар ёки ташкилотларни эмас, балки алоҳида индивидларни ўрганади. Шу тариқа ташкилотлар ичида индивидлар ўртасида юзага келадиган муносабатлар турли ташкилий тузилмаларнинг мавжуд бўлишини изоҳлаш учун ҳал қилувчи омил ҳисобланиб, неоинституционал назарияни ўрганиш объекти саналади, айни пайтда неоклассик назарияда фирма “қора кути” сифатида кўриб чиқилди. Фирманинг пайдо бўлиши масалалари ҳам неоклассиклар назаридан четда қолди, айни пайтда неоинституционал йўналиш вакиллариининг кўплаб ишлари, шу жумладан Р.Коуз ишлари [30]нинг мақсади “фирманинг мавжуд бўлишини изоҳлаш ва унинг фаолияти кўламларини белгилаб берувчи сабабларни қидириб топишдан иборат бўлди”.

Таъкидлаш лозимки, методологик индивидуализм бир қатор жараёнларни тадқиқ этиш учун анча жиддий чекловларни белгилайди. Масалан, давлатни ягона, уйғунлашган тарзда фаолият кўрсатувчи, бўлинмас организм сифатида аниқ тасаввур қилишга тўлиқ таянган тадқиқотни амалга ошириш муаммога айланди; давлатнинг мақсадли функциясини кўпайтиришга, индивидлар функцияларининг қисми (агрегати) ҳисобланмайдиган ўзига хос “ижтимоий неъмат функцияси”га асосланган ёндашувлардан фойдаланиш ҳам қийиндек туюлади. Иккинчи томондан, бундай асос тадқиқот натижасида олинадиган хулосаларнинг амалиёт нуқтаи назаридан аҳамиятини янада оширади, чунки улар реал маълумотларга асосланади.

Индивидлар ва институтларнинг ўзаро боғлиқлигини таҳлил этишда бошланғич нуқтага нисбатан иккита тамойил мавжуд. Биринчи тамойилда институтлар

⁷ Неоклассик ёндашувнинг асосида жамият тўғрисидаги фанларнинг бутун тарқоқ саналарини умумлаштириш (унификациялаш) ётади.

индивидларнинг манфаатлари ҳамда хатти-ҳаракатлари орқали тушунтирилади ва *методологик индивидуализм* деб номланади. Яъни, индивид институтларни таҳлил қилишда бошланғич нуқта ҳисобланади. Масалан, давлатни тавсифлашда унинг фуқароларининг манфаатлари ва ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқилади. Методологик индивидуализм тамойилининг давоми *ички сабаб натижасида вужудга келган эволюция* концепциясидир. Ушбу концепцияга кўра, институтлар инсонларнинг ҳаракатлари натижасида пайдо бўлади деган тахмин илгари сурилади. Яъни, индивидлар бирламчи, институтлар эса иккиламчи ўрин тутиши тўғрисидаги тахмин неоклассиклар қарашларида ўз аксини топган.

Аксинча, таҳлил учун бошланғич нуқта сифатида индивидлар эмас, балки институтлар белгиланиши иккинчи тамойилга асос бўлади. Шу тариқа иккинчи тамойилда *холизм* методологиясидан фойдаланилади. Бошқача айтганда, индивидлар институтларнинг таърифидан келиб чиқиб тавсифланади. Институтлар эса, ўзлари макродаражада муносабатлар тизимини такрор ишлаб чиқаришда бажарадиган функциялар орқали изоҳланади. Энди фуқаролар ўз ҳукуматини эмас, балки ҳукумат маълум хилдаги фуқароларнинг шаклланишига кўмаклашади. Сўнгра, ички сабаб натижасида вужудга келган эволюция концепциясига *институционал детерминизм* ғояси қарши туради ва у муҳим барқарорлаштирувчи омил ҳисобланади. Институтлар – ўтмишда содир бўлган «жараёнлар натижаси» бўлиб, улар ўтмиш ҳолатларига мослашган ва шунинг учун ижтимоий мўртлик, руҳий омили ҳисобланади ва барча кейинги ривожланиш «доираларини» белгилаб беради. Шундай қилиб, холизмда индивидларнинг манфаатлари ва хатти-ҳаракатлари уларнинг ўзаро ҳамкоригини олдиндан белгилаб берувчи институтларнинг тавсифи орқали изоҳланади. Яъни, бунда институтлар бирламчи, индивидлар эса, иккиламчи ўрин тутди.

3. Неоинституционал назариянинг асосий йўналишлари

Ўрганиш соҳалари ва объектларининг хилма-хиллиги шунга олиб келадики, неоинституционал назария мукаммал назарий тизим сифатида эмас, балки бир неча муҳим ғоялар билан бирлашган ёндашувлар тўплами сифатида намоён бўлади.

Неоинституционализмнинг асосий йўналишлари ичида ўз моҳиятига кўра кўп жиҳатдан бир-бирига яқин бўлган қуйидаги тадқиқотларни ажратиш мумкин [30, 37, 40, 42, 47, 52, 56]:

- мулк ҳуқуқи назарияси – Р.Коуз, А.Алчиян ва Г.Демсец, Р.Познер, С.Пейович ва Е.Фуруботн – шартномалар назариясига асос бўлди;
- трансакция харажатлари назарияси – Р.Коуз, О.Уильямсон, Д.Норт – иқтисодий ташкилот назарияси (фирма назарияси)га асос бўлиб хизмат қилди – М.Аоки, А.Алчиян ва Г.Демсец, С.Чунг, М.Женсен ва У.Миклинг, О.Уильямсон, Ю.Фама;
- ижтимоий танлов назарияси – Ж.Бьюкенен, Т.Таллок, М.Олсон – бюрократия назарияси – К.Эрроу, В.Нисканен, С.Паркинсон; жиноят ва жазолар иқтисодий назарияси – Г.Беккер, М.Фридмен, Ж.Стиглер, М.Олсон ва б.; коррупция иқтисодий назарияси – Э.Крюгер, Ж.Стиглер ва б.; хуфёна ва норасмий иқтисодиёт неоинституционал концепциясининг давоми бўлди – Э. де Сото, Э.Файг, К.Харт, Т.Шанин, Ф.Шнайдер;
- Д.Нортнинг институционал эволюция концепцияси янги иқтисодий тарихда ўз ифодасини топди – Б.Густаффсон, Д.Норт, Р.Томас ва б.

Россия иқтисодиёт фанида неоинституционал назария Р.И.Капелюшников, О.С.Сухарева, А.Н.Олейник, В.М.Полтерович, В.Л.Тамбовцева, А.Е.Шаститко ва бошқаларнинг ишларида ривожлантирилган [31, 34, 40, 41, 43, 48, 51, 56].

Хуфёна ва норасмий иқтисодиётнинг институционал жиҳатлари А.Аузан, Л.Косалс, А.Олейник, В.Радаев, Л.Тимофеев, Ю.Латов ва бошқаларнинг ишида ўз аксини топган [41, 47, 52].

Неоинституционал назариянинг санаб ўтилган йўналишлари ўртасида кўплаб фарқлар ҳам, умумий жиҳатлар ҳам мавжуд. Хусусан, Т.Эггертссон куйидагиларни ажратади [59]:

Биринчидан, барча ушбу муаллифлар алмашувни тартибга солишчи қоидалар ва шартномаларга нисбатан белгиланадиган чекловларни яққол кўринишда моделлаштиришга интилишади, бунда андоза сифатида кўпроқ неоклассик моделда мулк ҳуқуқларининг энг наъмунали йўлидан фойдаланилади.

Иккинчидан, тўлиқ ахборот ва алмашувнинг ноль даражали харажатлари тўғрисидаги неоклассик тахминлар ойдинлаштирилди, шунинг учун ижобий трансакция харажатларининг оқибатлари ўрганилмоқда.

Учинчидан, баҳоланадиган неъматларда фақат иккита ўлчов – нарх ва сифат ўлчовлари мавжуд, деган оддий тахмин анча юмшатилади, шу сабабдан иқтисодий натижалар ва иқтисодий ташкилот учун товарлар ва хизматлар сифат ўзгаришларининг оқибатлари тадқиқ этилмоқда.

Яна бир бор шуни таъкидлаш лозимки, неоинституционал назария ҳозирча тўлиқ шаклланмаган: таърифлар ва атамашунослик борасида тўлиқ уйғунликка эришилмаган, математик моделлардан микроиқтисодий назариядагига қараганда жуда кам даражада фойдаланилмоқда, эмпирик тестлашга катта эътибор қаратилади (бу айниқса ўтиш иқтисодиётидаги жараёнларни таҳлил қилишда, масалан, хуфёна секторни ўрганишда, турли маъмурий тўсиқларнинг самарадорлигини тадқиқ этишда яққол кўзга ташланади).

4. Институционал иқтисодиётнинг ривожланиш хусусиятлари

Институционал иқтисодиёт ривожланишидаги кейинги давр неоинституционал ҳамда янги институционал босқичлардан иборат. Босқичларнинг номланишидаги ўхшашлиikka қарамай, институтлар таҳлилида принципиал жиҳатдан турли концепциялар мавжуд. Биринчи номланиш неоклассиканинг қатъий негизини ўзгаришсиз қолдиради. Институтлар таҳлиliga янги унсурни киритиш неоклассика назариясининг «ҳимоя қобиғи» тўғрисидаги фикрларга тузатишлар киритиш ҳисобидан юз беради. Айнан шунинг учун неоинституционал иқтисодиёт «иқтисодий империализм»^{*} га мисол сифатида келтирилади: анъанавий микроиқтисодий қуролдан воз кечмаган ҳолда «империалистлар» илгари неоклассик назарияга бегана бўлган омиллар – мафкура, хатти-ҳаракат нормалари, қонунлар, оила ва ҳоказоларни тушунтиришга интилишади. Иккинчи номланиш, аксинча, институтларнинг неоклассиканинг илгариги қоидалари билан боғлиқ бўлмаган янги назариясини яратишга уринишни акс эттиради.

Роналд Коуз «Фирма табиати» (1937), «Ижтимоий харажатлар муаммоси» (1960) каби мақолаларида биринчи бор неоинституционализмнинг тадқиқот дастурини шакллантирган эди. Ушбу дастурда неоклассик назариянинг “ҳимоя қобиғи”га қуйидаги ўзгартиришлар киритилган.

Биринчидан, хусусий мулк билан бир қаторда мулкчиликнинг жамоавий, давлат, акциядорлик шакллари таҳлил қилинади ва уларнинг бозорда битимларни таъминлашдаги нисбий самарадорлиги таққосланади. Яъни, мулкчилик шакллари ва шартнома шакллариининг кенг доираси кўриб чиқилиб, улар асосида алмашув амалга оширилади *Мулкчилик ҳуқуқлари назарияси* (Р.Коуз, Р.Познер, С.Пейович) ва *оптимал шартнома назарияси* (Ж.Стиглиц, Й.Макнил)нинг тадқиқот дастури ана шундай. Бу ерда мулкчилик ҳуқуқларининг ўрнатилиши ва самарали ҳимояланиши учун масъул бўлган давлат назарияси, *ижтимоий танлов назарияси* (Ж.Бьюкенен, Г.Таллок), шунингдек, ижтимоий танлов назариясидан ҳосил бўлган *конституциявий иқтисодиёт* (В.Ванберг) ажралиб туради. Айниқса, конституциявий иқтисодиётнинг вазифаси неоклассика, «эски» институционализмнинг таркибий қисми ҳисобланган «тартиб назарияси» ҳамда “ижтимоий танлов” унсурларини уйғунлаштиришдан иборат.

^{*} Иқтисодий империализм – неоклассик ёндашув асосида жамият тўғрисидаги фанларнинг тарқок оиласини умумлаштириш.

Иккинчидан, неоклассик моделга *ахборот харажатлари*, яъни битим тўғрисидаги ва бозордаги вазият тўғрисидаги ахборотни кидириш ва олиш билан боғлиқ харажатлар тушунчаси киритилади. *Ахборот назарияси* (Ж.Стиглер) неоинституционализм ривожланишига катта таъсир кўрсатди.

Учинчидан, ишлаб чиқариш харажатлари билан бир қаторда *трансакция харажатлари* мавжудлиги неоинституционалистлар томонидан таъкидланди. *Трансакция харажатлари назарияси* (Р.Коуз, О.Уильямсон) учун марказий бўлган ушбу атама замирида битимларни амалга оширишда юзага келадиган барча харажатлар тушунилади. Трансакция харажатлари назарияси ва мулкчилик ҳуқуқлари назариясини қўллаш натижасида *Янги иқтисодий тарих* (Д.Норт), деб номланган тарихий таҳлил пайдо бўлди.

Институционал иқтисодиёт ривожланишидаги иккинчи босқич *ўйинлар назарияси* (Ж. фон Нейман, О.Моргенштерн, Ж.Нэш)нинг неоклассикадаги умумий мувозанат моделига нисбатан билдирган танқидий ҳулосаси билан бошланди.

Айнан ўйинлар назарияси янги институционал иқтисодиёт моделларининг тилини шакллантирди. Ўйинлар назарияси қуйидаги тахминларга асосланади:

- а) бир неча мувозанат нуқталари мавжуд бўлиши мумкин;
- б) мувозанат нуқталари Парето бўйича оптимум нуқталарига мос келиши шарт эмас;
- в) мувозанат умуман мавжуд бўлмаслиги мумкин.

Хулоса

XIX аср охири ва XX асрнинг бошларида бозор иқтисодиёти муносабатларининг жадал ривожланиши баробарида иқтисодий тадқиқотлар кўлами янада кенгайди ва чуқурлашди. Бу билан ҳозирги замон иқтисодий таълимотларининг йирик йўналишлари шаклланди. Улар уч йўналишдан иборат: неоклассика, институционализм ва кейнсчилик. Классик назариянинг маржинал ёндашув билан кенгайиши неоклассик назария сифатида намоён бўлди.

Институционализмнинг тадқиқот марказида институтлар – инсонлар томонидан барпо этиладиган ва ўзаро ҳамкорликни таркибловчи сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий меъёрлар ва қоидалар туради. Институционал назария қоидалари неоклассик ёндашувга нисбатан янги назария бўлиб, у бозор муносабатлари таҳлилининг янги соҳасидир. Индивидлар ва институтларнинг ўзаро боғлиқлигини таҳлил қилишда методологик индивидуализм ва холизм методологиясидан фойдаланилади. Улар институтлар ёки индивидларнинг бирламчилиги нуқтаи назаридан бир-биридан фарқ қилади.

Институционал иқтисодиёт ривожланишида ўзаро ўхшаш номдаги неоинституционал ҳамда янги институционал босқичлардан иборат. Биринчи босқичда мулкчилик ҳуқуқлари (Р.Коуз, Р.Познер, С.Пейович), оптимал шартнома, конституциявий иқтисодиёт (В.Ванберг), ижтимоий танлов (Ж.Бьюкенен, Г.Таллок), трансакция харажатлари (Р.Коуз, О.Уильямсон), ахборот (Ж.Стиглер) назариялари, иккинчи босқичга *ўйинлар назарияси* (Ж. фон Нейман, О.Моргенштерн, Ж.Нэш), Г.Саймоннинг тўлиқсиз рационаллик назарияси киритилган. Д.Норт тадқиқотларида индивидларнинг институционал доираларни ўзгартиришга қодирлиги таъкидланади.

Янги институционал иқтисодиётнинг энг ёйиқ кўринишдаги дастури *келишувлар иқтисодиёти* (Л.Тевано, О.Фавро, А.Орлеан, Р.Буайе)дир. Уни таҳлил қилиш марказида келишувлар туради. Келишувлар индивидлар ўртасидаги ўзаро ҳамкорликнинг умумий доиралари сифатида қабул қилинади.

Такрорлаш учун саволлар

1. Ҳозирги иқтисодий таълимотларининг йирик йўналишларини айтинг.
2. Институционализмнинг бошқа йўналишлардан фарқини айтинг.
3. «Эски» институционализм вакиллариининг қарашларини шарҳланг.
4. Институционализмнинг асосий назарияларига тариф беринг.
5. Мулкчи ва шартномавий муносабатларга оид назарияларни шарҳланг.

6. “Эски” ва “янги” институционал мактабларнинг принципиал фарқи.
7. Неоинституционал иқтисодий назарияни (неоинституционализмни) ривожлантириш учун нима асос бўлиб хизмат қилди?
8. Неоинституционал назариянинг асосий қоидалари қанақа? Уларнинг неоклассик назариянинг базавий асосларидан фарқи нимада?
9. Неоинституционал назарияда нима таҳлилнинг базавий бирлиги ҳисобланади?

2-Мавзу. Институтлар ва уларнинг жамият ривожланишидаги роли

Режа

1. “Институт” ва “норма” тушунчаларининг моҳияти
2. Расмий ва норасмий нормалар ва уларнинг шаклланиши
3. Институционал матрица
4. Институционал ўзгаришлар ва институтларнинг ўзаро боғлиқлиги.

Таянч сўз ва иборалар: индивидуал империализм, методлогик империализм, норма, институционал матрица, институционал ўзгаришлар, экспанция, мураса, уриниш.

1. “Институт” ва “норма” тушунчаларининг моҳияти

Институтлар жамият ҳаётида муҳим ўрин тутди. Агар бир дақиқага барча институтлар йўқ бўлиб кетишини тасаввур қиладиган бўлсак, у ҳолда тартибсизлик бошланиб кетган бўларди ва бу ҳол, ўз навбатида, абадий давом этмас эди. Чунки инсонларнинг ўз ҳаётини тартибга келтиришга уринишлари янги институтларнинг пайдо бўлишига олиб келган бўларди.

Институтлар табиатини янада чуқурроқ таҳлил қилиш глобал хусусиятларга эга бўлган қатор саволларга, хусусан, нима учун бозорлар “ишлайди” ёки “ишламайди”? Иқтисодий сиёсатнинг у ёки бу тадбирлари нима учун самарали ёки самарасиз бўлди? Иқтисодиётдаги қайси ўзгаришлар ички сабабларга кўра ёхуд ҳукуматнинг у ёки бу қарори туфайли юзага келди, деган саволларга жавоб топиш имконини беради.

Институтлар ўзи нима? Турли даврлар тадқиқотчилари институтлар моҳиятини ва уларнинг фаолият кўрсатиш механизмини ёритиб беришга неча таърифларни асослашган. Т.Веблен [32] институтларни қуйидагича таърифлаган: “*Институтлар* – бу инсонлар уларга амал қилган ҳолда турмуш кечирадиган одатий тафаккур тарзи” ёки “*Институтлар* – бу ўтмишда содир бўлган жараёнлар натижаси бўлиб, улар ўтмиш шароитларига мослашган ва, ўз навбатида, ҳозирги вақт талабларига тўлиқ мослашмаган”.

Е.Эрдуард томонидан [60] “*Институтлар* – бу қўллаб индивидумлар улардан ҳамма жойда ва ҳар куни фойдаланадиган ва асосан ўзининг ноёблиги билан тавсифланадиган ижтимоий неъматлар. Институтлар алмашув жараёнини соддалаштиради. Улар – қарорлар қабул қилиш жараёнининг яқка тартибдаги қарорларни ижобий қарорларга айлантирувчи ажралмас қисми”, дея таърифланган.

Ж.Ходжсоннинг таърифлашича [55], “*Институтлар* – анъана, урф-одат ёки қонунчилик чеклови орқали узоқ муддатли ва барқарор ҳулқ-атвор намуналарининг яратилишига олиб келувчи ижтимоий ташкилот”.

Институтларни кўз билан кўриб, уларни жисмонан ҳис этиб ёки ўлчаб бўлмайди. Бу инсон онги билан яратилган ўзига хос конструкциялар, кўзга кўринмайдиган механизмлардир. Институтлар инсонларнинг муайян жамоасига хос бўлган тафаккур тарзини акс эттиради.

Институтларнинг яна бошқа бир таърифи Б.З.Милнер томонидан Д.Норт [46] ёзган сўзбошишида келтирилган: “*институтлар* – бу инсонлар томонидан ишлаб чиқилган чекловлар ҳамда уларнинг ўзаро ҳамкорлигини таркиблантирувчи мажбурлаш омиллари. Буларнинг барчаси биргаликда жамият ва иқтисодиётнинг ундовчи таркибини ҳосил қилади”.

Юқорида келтирилган таърифлар институтларнинг асосий хусусиятларини қамраб олган ҳолда, уларнинг асосий функцияларини ҳамда ривожланиш қонунларини акс эттиради ҳамда жамиятни ривожлантириш учун институтларнинг муҳимлигини таъкидлайди. Юқорида кўрсатилган барча ҳолатларни умумлаштирган ҳолда, институтчиликнинг ҳозирги замон талқинларига асосан институтларни қуйидагича таърифлаш мумкин:

Институт – бу жамият аъзолари ўртасидаги ўзаро муносабатларни белгилаб берувчи расмий қоидалар ва норасмий нормалар тизими. Институтлар асосини унинг таркибий қисмлари ҳисобланган нормалар ташкил этади.

Норма – институционал муҳитда индивидларнинг ўз танловини амалга оширишда фойдаланиладиган асосий унсур ҳисобланади. Ушбу унсур: тартибни сақлаш функциясига эга; ўзаро ҳамкорликлар тизимида мажбурий хатти-ҳаракат бажарилишини талаб этади; шахслар хатти-ҳаракатидаги ижтимоий, иқтисодий, юридик санкцияга таянувчи мунтазамлик ҳамда муқаррарликни акс эттиради; шахснинг турли вазиятларда ўзини қандай тутиши лозимлигини белгилайди. Норма амал қилиши учун талаб этиладиган таркиб бешта унсурдан иборат:

- ♦ индивидларнинг гуруҳланиш белгилари;
- ♦ муқаррарлик омили (керак ёки керак эмас);
- ♦ мақсад;
- ♦ норма ҳаракатда бўлган шарт-шароитлар;
- ♦ санкциялар.

Ажратилган ушбу 5 та унсур нормаларнинг турли хилларини, яъни ҳамкорлик стратегиясини, хусусан, норманинг ўзини (тор маънода) ва қоидаларни чеклаш имконини беради. Норма хиллари қуйидагилардан иборат:

Ҳамкорлик стратегияси = белги + мақсад + шарт-шароит;

Норма = белги + муқаррарлик омили + мақсад + шарт-шароит;

Қоида = белги + муқаррарлик омили + мақсад + шарт-шароит + санкция.

Шаҳарда ёки супермаркетда бир-бирларини йўқотган одамларни қидириш ҳамкорлик стратегиясига мисол бўлади. Бунда: индивидларнинг гуруҳланиш белгиси – бир-бирини йўқотганлик факти; мақсад - бир-бирини топиш; шарт-шароит – учрашиш эҳтимоли яқин бўлган кўзга ташланувчи нарса ёки буюмнинг мавжудлиги бўлади.

Торроқ маънода норма келишув тушунчасига мос келади. Чунки келишув кўрсатмасини бажариш ўта ихтиёрий хусусиятга эга. Қоидага ўтишда кўрсатмаларни бажаришнинг ихтиёрий хусусияти йўқолади, яъни бунда санкция ишга тушади.

Норманинг инсон хатти-ҳаракатига таъсири ҳақидаги мунозара социология ва иқтисодий назария ўртасидаги чуқур тарихий илдизга эга бўлган қарама-қаршилик билан боғлиқ. Социологлар нормада инсонлар хатти-ҳаракатининг уларга ташқаридан берилган ва *экзоген* хусусиятга эга бўлган мутлақ намунасини кўрадилар. Homo sociologicus хатти-ҳаракати умуман олганда жамиятнинг норматив таркиби билан аниқланади. Нормаларнинг ўзлари эса, социологларнинг фикрига кўра, жамият хусусиятларидан ҳосил бўлган ва уни такрор ишлаб чиқариш вазифасини кўзлайди.

Иқтисодчилар эса классик сиёсий иқтисод давридан буён нормаларнинг бундай талқин этилишига қўшилмайдилар. Чунки норма танлаш эркинлигини истисно этади. Homo economicus ўз танловида, шу жумладан норма томонидан қўйиладиган чекловлардан ҳоли. Иқтисодчилар шахс танловининг институционал чекловчиси сифатида нормаларнинг мавжуд бўлишини умуман инкор этади⁸. Ёки нормаларга оқилона изоҳ беришга, аниқроғи, уларда ташқаридан берилган хатти-ҳаракат натижасини эмас, балки *англаб етилган танлов натижасини* кўришга интилади.

⁸ Dobb Maurice, Capitalist Enterprise and Social Progress, London: G. Routledge & Sons, 1925

Умуман олганда, ижтимоий танлаш назариясида нормалар: оқилона танлаш натижаси сифатида қаралади. Келишувлар иқтисодётида эса нормалар оқилона хатти-ҳаракатнинг омили сифатида таҳлил қилинади.

Ижтимоий танлаш назарияси (Д.Бьюкенен) биринчи ғалда сиёсий танлов натижасини акс эттирувчи ва ҳуқуқда қайд этиладиган юридик нормани ўрганади. Юридик нормаларни изоҳлаш учун оқилона танлашнинг неоклассик моделидан фойдаланилади. Хусусан, шу нарса назарда тутиладики, Бьюкенен учун сиёсат - бу ҳудди инсонлар бозорда фақат ўз афзал билишларига амал қилган ҳолда товарни харид қилгани каби, унинг асосида улар турли хил муқобил вариантларни, уларни ўз кадр-қиммати билан қиёслаган ҳолда, танлайдиган мураккаб институционал жараён ҳисобланади. Бошқа сўз билан айтганда, норма ва қоидалар сиёсат бозорида шахслар ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик натижасида пайдо бўлади. Бундан нормаларни баҳолашнинг навбатдаги мезони – уларнинг самарадорлиги келиб чиқади. Нормалар фақат улар ўзига хос кадр-қимматга асосланганда самарали бўлиб, якка манфаатларни ўзаро фойдали тарзда амалга оширишга қўмаклашади [47].

Ижтимоий танлаш назариясига хос бўлган оқилона танлов модели ёрдамида нормаларни талқин қилишдан фарқли равишда, келишувлар иқтисоди нормаларга амал қилишда (бунда нормалар ташқаридан берилган) экзоген ҳисобланишига қарамасдан, оқилона хатти-ҳаракатнинг омилини кўришни таклиф этади. Бундай бир қарашда ўзига хос хусусиятга эга бўлган оқилона танлаш натижаси ҳисобланмаган нормаларни бажариш, оқилона хатти-ҳаракатнинг шартига айланади. Аммо бозордаги битимлар иштирокчиларининг оқилоналик талаби ушбу ўзига хосликни изоҳлаш имконини беради.

Келишувлар иқтисоди нормани бозорда иштирокчилар томонидан истаклар ва афзалликларнинг ўзаро талқин этилиши учун замин сифатида кўриб чиқишни таклиф этади (2.1-жадвал). Шу нуқтаи назардан нормага амал қилиш шахс учун ўз мақсадлари (signaling) ҳақидаги хабарларни контрагентгача етказиш усулига айланади. Шахслар ўз хатти-ҳаракатига нисбатан бир-бирини истисно этувчи талабларни мувофиқлаштиришга ва ўз томонларининг ҳаракатларига нисбатан ишончли фикрларни билдиришга қодир бўлмай қолади. Кўриб чиқиладиган ёндашув доирасида келишувлар нисбатининг қуйидаги вариантлари таҳлил қилинади.

1. *Экспансия* – унда ўзаро ҳамкорликни ташкил қилиш илгари бошқа келишувлар устуворлик қилган соҳалардаги келишувлардан бирининг нормалари асосида амалга ошадиган келишувлар нисбати. Масалан, сиёсий соҳа сиёсий бозорга айланиши мумкин, бунда фуқаролик келишувининг нормалари бозор келишуви нормалари томонидан сиқиб чиқарилади.

Бозор келишувининг экспансияси ўта хавфли, у бойликнинг ўта номутаносиб тақсимланишига ва ундан сиёсий ҳокимият омили сифатида фойдаланишга олиб келган ҳолда жамият ривожланишини барқарорликдан маҳрум этади.

2. *Уриниш* – унда бир ўзаро ҳамкорликнинг ўзи бир-бирини истисно этувчи нормалар асосида амалга оширилиши мумкин бўлган келишувлар нисбати. Шу нуқтаи назардан биринчи бўлиб К.Эрроу томонидан тадқиқ этилган қон топшириш бунга айнан мос мисол бўлади. Гап шундаки, қон одатда пулга (бозор келишуви) ёки бирдамлик нуқтаи назардан бепул (фуқаролик келишуви) топширилади. Ушбу ноўхшатишлик шахсларнинг қон топшириш юзасидан ўзаро ҳамкорлигида ноаниқликнинг юқори даражасини белгилаб беради.

3. *Муроса* – унда турли келишувлар талаблари ўртасидаги зиддиятга барҳам берувчи эгиловчан нормалар намоён бўладиган келишувлар нисбати. Масалан, ҳар қандай реклама кампанияси бозор келишуви ва ижтимоий фикр талаблари ўртасидаги муросани топишни назарда тутди. Ушбу икки келишув ўртасидаги муросага бошқа мисол – кўр-кўрона истеъмол, бунда шахс ўз истеъмол танловида товар ёки хизматни истеъмол қилишдан фойдалиликни оширишни эмас, балки у истеъмол қилиш туфайли қўлга киритадиган ҳурматга эришишни кўзлайди.

Бозор иштирокчиларининг ўзаро келишувлар бўйича хатти-ҳаракатлари нормаси*

Келишувлар хили	Хатти-ҳаракатнинг асосий нормаси	Келишув предмети	Ахборот манбаи	Вақт (ҳозир, ўтмиш ва келажак)	Фаолият соҳаси (мисол)
Бозор	Бошқа шахслар эҳтиёжларини қон-дириш орқали фойдалиликни ошириш	Товар ва пул	Нарх	Ҳозирги вақтни назарда тутиш	Классик бозор
Индустриал	Ишлаб чиқариш узлуксизлиги, ҳамкорликни технология талабларига бўйсундириш орқали таъминлайди	Технологик жиҳозлар	Стандартлар	Битимлар келгусини ҳозирги даврга акс эттириш	Ҳарбий-саноат мажмуи
Анъанавий	Анъаналарнинг тақдорланишини таъминлайди; катталик тамойили	Ўтмишга хос бўлган буюмлар	Одатлар, анъаналар	Битимлар ўтган даврни акс эттириш ҳисобланади	Оила
Фуқаролик	Жамоавий манфаатларга бўйсунуш, мўлжал - Парето оптимум	Ижтимоий бойлик	қонун	Ҳозирги даврни назарда тутиш	Сиёсий ҳаёт
Ижтимоий фикр	Машҳурликка эришиш, жамоат эътиборини жалб этиш	Нуфузли буюмлар	Дув-дувлар	Ҳозирги даврни назарда тутиш	Оммавий ахборот воситалари
Ижодий фаолият	Ўхшаши йўқ, бетакдор натижага эришиш	Ихтиро	Иқтидор	Дискрет вақт	Ижодий фаолият
Экологик	Табиат билан уйғунлашув, экология талабларига бўйсундириш	Табиат объектлари	Атроф муҳит ҳақидаги ахборот	Вақтнинг даврийлиги: табиий даврийлик	Табиат муҳофазаси

* Манба Олейник А. Норма как базовый элемент институтов / Вопросы экономики. –М.: 1999, №2. –С.142.

2. Расмий ва норасмий нормалар ва уларнинг шаклланиши

Институтционализм асосчиларидан бири Д.Норт [46] институтлар таркибида уларни учта асосий қисмга ажратади:

- расмий қоидалар (конституциялар, қонунлар, суд қарорлари, маъмурий ҳужжатлар ва б.);
- норасмий нормалар (анъаналар, урф-одатлар, ижтимоий шартлилик);
- қоидаларга амал қилинишини таъминловчи (судлар, полиция ва ҳ.к.) мажбурлаш механизмлари (масалан, жазолаш тизими).

“Институт”нинг юқорида келтирилган таърифи (2.1)дан келиб чиқиб, институтлар инсон томонидан онгли равишда яратилган турли ҳужжатлар (конституциялар, қонунлар ва ҳ.к.) қўринишидаги расмий, “ёзилган” қоидаларда ифодаланиши мумкин. Шу билан бирга улар умумий қабул қилинган шартлилик, хатти-ҳаракат кодексларида, яъни норасмий, “ёзилмаган” нормаларда намоён бўладиган, жамиятнинг барча соҳаларига кириб бориб, анъаналар, урф-одатлар қўринишида ёки бошқа шаклда амал қилинадиган инсон онгининг маҳсулини ўзида намоён этиши мумкин.

Агар расмий қоидалар тизими инсонлар (давлат)нинг қонун ижодкорлиги фаолиятини ўзида акс эттирса, у ҳолда норасмий нормалар тизими қай тарзда шаклланади, деган савол туғилади.

Т.Веблен [32]нинг концепциясига кўра, институтларнинг ўзгариши табиий танлаб олиш қонунига мувофиқ равишда кечади. Инсоннинг жамиятдаги ҳаёти, худди бошқа турдаги ҳаёт каби – бу яшаш учун курашиш ва, ўз навбатида, танлаб олиш ва мослашиш. Унинг фикрига кўра, ижтимоий тузум эволюцияси ижтимоий институтларни табиий танлаб олиш жараёни бўлди. Институтлар – инсон жамияти ва инсон табиатининг ривожланишда давом этиши ва шу нуқтаи назарда эришилган тараққиётни умумий кўринишда энг кўп мослашган тафаккур тарзини табиий равишда танлаш ва индивидларни жамият ривожланиши билан изчил ўзгариб турадиган янги шароитларга мажбурий мослаштириш жараёни, дейиш мумкин. Шундай қилиб, Т.Вебленнинг талқинида ижтимоий-иқтисодий ривожланиш (“ижтимоий тузум эволюцияси”) турли хилдаги институтларни “табиий танлаш” жараёнини амалга ошириш сифатида намоён бўлади.

Т.Вебленнинг нуқтаи назари Ф.Хайек⁹нинг қарашларига яқин. Хайекнинг фикрига кўра, жамиятда қарор топган ахлоқ қоидалари ва нормаларини танлашни биологик танловга қиёслаш мумкин. Унинг ҳисоблашича, расмий қоидалар билан бир қаторда (анъаналар ва урф-одатлар кўринишида) норасмий нормаларнинг мавжуд бўлиши шу билан шартланганки, “танлаб олиш жараёнида, шаклланган урф-одатлар ва ахлоқда ҳақиқий ҳолатлар сони ҳисобга олинishi мумкин – индивидлар қабул қилиши мумкин бўлган нарсалардан кўпроқ; бунинг оқибатида, анъана маълум жиҳатларда инсон онгидан устун туради”. Жамият қанчалик кўп хилма-хилликка йўл қўйса, ижтимоий мақсадга мувофиқ институтларни танлаб олиш шунчалик самарали кечади.

Юқорида келтирилган фикрлардан шу нарса келиб чиқадики, агар расмий қоидалар сунъий тарзда ўйлаб топилиши ва мажбуран жорий этилиши мумкин бўлса, Ф.Хайекнинг таъкидлашича, норасмий нормалар “қандайдир ўтмишдаги воқеалар билан белгиланади, лекин қандайдир тузилма ёки модел (институционал матрица)нинг онгсиз тарзда ўзини ўзи ташкил этиши жараёнининг таркибий қисми сифатида шаклланади”¹⁰. Бошқача айтганда, норасмий институтлар – бу шартлилик, ўзини ўзи қўллаб-қувватловчи, учинчи томон (давлат)нинг аралашувисиз, ўз ўзидан бажариладиган қоидалардир. Таъкидлаш лозимки, “эволюция” атамасидан фойдаланилса-да, табиий танлаш назарияси изчил институционал ўзгаришларга нисбатан ҳамма вақт ҳам қўлланилмайди. Чунки энг “яхши” институт ҳамма вақт ҳам яшовчан бўлмайди. Иккинчи томондан, институтларнинг бир ҳолатдан иккинчи ҳолатга доимий равишда ўтиши ҳамма вақт ҳам ташқи омиллар таъсири остида кечмайди. Баъзи бир институтлар норматив тарзда мустақамланиб норасмий турдан расмий институтларга айланади, бошқалари эса, расмий институтлар сифатидаги аввалги аҳамиятини йўқотиб ва ҳуқуқий тизимдан чиқарилган ҳолда норасмий кўринишга эга бўлиши мумкин.

Амалиёт шуни кўрсатмоқдаки, кўп ҳолатларда норасмий нормалар жамиятда “тартибни” таъминлашда расмий қоидаларга қараганда ғоят катта роль ўйнайди. Бунга қатор омиллар хизмат қилади:

1. Ҳар қандай жамиятда фаолиятнинг алоҳида соҳалари расмий қоидалар мавжуд бўлмаганда фақат норасмий нормалар билан тартибга солинадиган вазиятни кузатиш мумкин. Хўжалик юритишнинг жамоа шакли пайдо бўлиши даврида уруғдошлик ва улар аъзолари ўртасидаги муносабатлар ёки мафия (криминал) гуруҳлар ўртасидаги муносабатлар, Ўзбекистонда маҳаллада яшовчи аҳоли орасида кенг тарқалган одатлар ва қоидалар бунга мисол бўлиб хизмат қилади.

Қоидаларга зарурат ҳамма вақт, биттадан кўп субъект мавжуд бўлиб, улар ўртасида қандайдир муносабатлар юзага келган тақдирда, туғилади. Бунда субъектларнинг турли гуруҳларидаги қоидалар бир хил бўлиши ҳам, бир-биридан яққол фарқ қилиши ҳам мумкин. Алоҳида оила ёки алоҳида жамоа доирасидаги муносабатлар ана шундай қоидаларга энг оддий мисол бўлиб хизмат қилади. Оила доирасидаги муносабатлар

⁹ Хайек Ф.А. Пагубная самонадеянность. Ошибка социализма. –М.: Новости, 1992. –С.133.

¹⁰ Хайек Ф.А. Пагубная самонадеянность. Ошибка социализма. –М.: Новости, 1992. –С. 20.

норасмийлигича қолади, жамоанинг қариндошлар бўлмаган аъзолари ўртасидаги муносабатлар эса, аксарият ҳолларда шартнома ёки бошқа ҳужжат кўринишида (фуқаролик кодексида давлат доирасида) расмий тарзда мустаҳкамланди.

2. Норасмий нормалар жамиятда расмий қоидаларга қараганда анча олдин пайдо бўлиб, кўп жихатдан расмий, қонунчилик билан мустаҳкамланган нормалар учун асос бўлиб хизмат қилди. Норасмий нормаларнинг расмий қоидалар сифатида мустаҳкамланишига исталган мамлакатнинг тарихида кўплаб мисолларни учратиш мумкин.

3. Институционал матрица

Институционал матрица социология фани доирасида ишлаб чиқилган бўлиб, унда социологик тушунчалардан фойдаланилади. Аммо ушбу концепция жамиятнинг барча соҳаларида, шу жумладан иқтисодиётда ҳамда ҳуқуқий жараёнларни таҳлил қилишда қўлланилиши мумкин.

Шуни ҳисобга олиб, институционал матрицанинг нисбатан янги концепциясини кўриб чиқамиз. Институционал матрицанинг назарий ғояси жамиятни таҳлил қилишга нисбатан таркибий-тизимли ёндашувни амалга оширади.

Институционал матрица – бу тарихан барқарор шаклланган, дастлабки давлатларнинг пайдо бўлишини ва барча кейинги институционал тузилмаларнинг ривожланишини белгилаб берган, ўз навбатида, моҳияти ҳамон сақланиб қолган бирламчи моделни такрор яратишга хизмат қилувчи базавий ижтимоий институтлар тизими.

Бу ерда институтлар социум яшовчанлигининг ташқи шароитлари билан шартланган жамият аъзолари ўртасидаги муайян ва муқаррар алоқалар тизими сифатида тушунилади. Ушбу ҳолатда гап инсоннинг такрор шаклланишини тартибга солувчи ижтимоий институтлар (улар жумласига оила, саломатлик ва бошқа институтлар киради) ҳақида эмас, балки давлатларнинг такрор шаклланишини ва ижтимоий ҳаётнинг асосий соҳаларини тартибга солувчи социал институтлар ҳақида бормоқда.



2.1-расм. Жамиятнинг институционал матрицаси

Институтлар жамиятнинг унинг тарихий барқарорлигини ва ижтимоий яхлитликнинг такрор шаклланишини таъминловчи ўзига хос тузилишини (қобирғасини) ҳосил қилади. Институционал матрица чизма кўринишида жамиятда тенг аҳамиятли мавқени эгаллаб турган ягона учта: сиёсий, иқтисодий ва ҳуқуқий соҳаларни бирлаштирувчи ижтимоий шакл сифатида намоён этилган (2.1-расм). Асосий матрицалар [30] С.Кирдинанинг “Институционал матрицалар ва Россиянинг ривожланиши” китобидан олинган. Бироқ уларга айрим ўзгартиришлар киритилган, хусусан сиёсий ва мафкуравий соҳалар бирлаштирилган, чунки жамиятда мафкура кўп жихатдан бошқарувчи сиёсатчиларга боғлиқ бўлиб, улар фаолиятининг натижаларидан бири ҳисобланади. Матрицада ижтимоий соҳа алоҳида ажратилган ва институционал тизимни шакллантиришда у катта роль ўйнайди.

Матрицаларнинг асосий ва қўшимча институтларнинг муайян тўплами билан тавсифланувчи иккита хили мавжуд – ғарбий (бозор, демократик) ва шарқий (буйруқбозлик, диктатура ёки деспотия) матрицалар.

4. Институционал ўзгаришлар ва институтларнинг ўзаро боғлиқлиги

Институтлар қандай ишлаётганлигини, нима учун улар асрлар мобайнида мавжуд бўлиши ва ривожланишини, уларнинг “хаётийлиги” ёки барқарорлигини тушуниш учун институционал ўзгаришларга олиб келувчи сабабларни ўрганиб чиқиш лозим.

Жамиятнинг ривожланиш жараёнида институтлар шаклининг ўзгариши рўй беради. Агар расмий қоидаларни у ёки бу қонун, фармонни қабул қилиб ўзгартириш мумкин бўлса, анъаналар ва урф-одатларда ифодаланадиган норасмий чекловларни бир кунда ўзгартириб ёки тугатиб бўлмайди. Улар яна узоқ вақт амал қилишда ва жамият ривожига таъсир кўрсатишда давом этади.

Бироқ институционал тизимнинг ўзида доимий равишда ўзгаришларга эҳтиёж сезилиб бўлиб туради. Т.Вебленнинг таъкидлашича, институционал ўзгаришларнинг асосий сабаби шаклланган институтлар билан ўзгарган шароитлар, ташқи муҳит ўртасидаги ўзаро номувофиқлик ҳисобланади [40].

Д.Норт [40] институционал ўзгаришлар субъекти сифатида якка тартибдаги тадбиркорни, институционал ўзгаришлар манбаи сифатида эса нархлар нисбатидаги фундаментал силжишларни ажратади.

Ўзгаришлар механизми қуйидагича: нисбий нархлар таркибидаги силжишлар ишлаб чиқариш омиллариининг нархлари ўртасидаги нарх улушига, ахборот қийматига ва технологиялардаги ўзгаришларга таъсирни назарда тутди. Ушбу ўзгаришлардан айримлари экзоген хусусиятга эга (инқироз, эпидимия ва ҳ.к.), бироқ аксарият ўзгаришлар эндоген хусусиятга эга бўлиб, инсонларнинг жорий фаолияти кенгайиши натижаларини акс эттиради. Нархлар нисбатидаги фундаментал ўзгаришлар вақт ўтиши билан хатти-ҳаракат эски одатларининг ўзгаришига ва инсонлар томонидан хатти-ҳаракат стандартларини ҳосил қиладиган омиллариининг аглаб етилишига олиб келади. Бироқ, нархлар ўзгаришининг ғояларга таъсири даражаси тўғрисидаги масала ҳозирча кам ўрганилганлигича қолмоқда.

Д.Нортнинг фикрига кўра [46], мафкура институционал ўзгаришларнинг яна бир манбаи ҳисобланади. Мафкура деганда, у инсонлар улар орқали атрофдаги оламни қабул қиладиган ва баҳолайдиган субъектив моделни тушунади. Мафкуравий майиллик ҳам иқтисодий ҳисоб-китоблардан ҳоли эмас: оламнинг субъектив манзараси кимнингдир фойдали имкониятларини чегаалаши қанчалик катта бўлса, уни қайта кўриб чиқишдан манфаатдорлик шунчалик кучли бўлади.

Шундай қилиб, институционал ўзгаришлар техника тараққиёти, янги бозорларнинг очилиши, аҳоли сонининг ўсиши ва ҳоказолар, яъни улар натижасида ташкилий ва институционал ўзаро ҳамкорликнинг илгари мувафақиятли фаолият кўрсатган алоҳида шакллари “фойдасиз” бўлиб қоладиган жараёнлар оқибатида юз бериши мумкин. Янги расмий нормалар ўрнига бошқалари қабул қилинади, норасмий нормаларга амал қиладиган инсонлар сони камайиб бориши билан улар аста-секин йўқолиб боради.

Институтлар пайдо бўлишининг ўзига хос жиҳатлари шундаки, улар ўзлари пайдо бўлишидан аввал амал қилган нормалар ва шароитларга боғлиқ ҳисобланади. Шу тариқа, ҳар қандай янги институт, мавжуд иқтисодий ёки ижтимоий шароитлар (институционал матрица) томонидан белгилаб берилади. Институционал ўзгаришлар сезиларсиз тарзда кечиши ҳам, ёки ўзгаришлар, жамиятдаги мавжуд ижтимоий-иқтисодий тизимнинг тезда такомиллашувига олиб келиши ҳам мумкин.

Институционал ўзгаришлар эски ва янги институтлар ўртасидаги ўзаро боғлиқлик хусусияти ҳам катта роль ўйнайди. Д.Норт боғлиқликнинг қуйидаги турларини таъкидлайди [46]:

Биринчиси – ривожланишнинг аввалги йўлига боғлиқлик – чуқур алоқа, янги институтларнинг фақатгина эски институтлар негизида пайдо бўлишини таъминловчи янги институтларнинг эски институтларга кучли боғлиқлиги.

Иккинчиси – мутлақ янги институтларнинг пайдо бўлишига бўшлиқ мавжудлиги орқали белгиланадиган нисбатан камроқ.

Боғлиқликнинг ушбу икки хили эволюцион хусусиятга эга, чунки эски институтлардан янги институтларга ўтишда изчилликка амал қилинади. Эволюцион ўзгаришлар жиддий иқтисодий ларзалар содир бўлмаган ва уларнинг жаҳон ишлаб чиқаришидаги улуши устун бўлган бозор иқтисодиёти ривожланган мамлакатларнинг институционал тизимларига хосдир. Изчиллигига қарамай эволюцион ўзгаришлар сифат жиҳатдан илгари силжишларни истисно этмайди – миқдорий-сифат ўзгаришлар диалектикаси ўз кучида қолади.

Д.Норт томонидан ажратилган боғлиқликнинг учинчи хили – эски ва янги институтлар ўртасида яққол алоқа (боғлиқлик)нинг мавжуд эмаслиги – инқилобий хусусиятга эга. Инқилобий ўзгаришлар жамият ривожланишининг аввалги ўзгариш чизиғига амал қилишни назарда тутмайди ва тафаккур тарзи одатлари ва анъаналарининг тубдан ўзгариши билан кузатилади.

Хатто иқтисодий тизим самарадорлигининг ошишига хизмат қилувчи инқилобий ўзгаришлар ҳам аҳолининг кўплаб гуруҳлари учун жиддий ижтимоий оқибатларни келтириб чиқариши мумкин. Бунга бир яққол мисол тариқасида XV-XVIII асрларда Англияда рўй берган аграр соҳадаги туб бурилишлар билан боғлиқ институционал ўзгаришларни келтириш мумкин.

Расмий қоидалар ва норасмий нормаларни мувофиқлаштириш. Расмий қоидалар ва норасмий нормаларнинг мувофиқлаштирилиши жамиятда муҳим роль ўйнайди, чунки у институтлар мавжуд тизими фаолият кўрсатишининг самарадорлигига катта таъсир кўрсатади.

Одатда, инсонлар баъзан институтлар таркибий унсурларидан бири ҳисобланган жазолаш тизимининг самарадорлигига зиён етказган ҳолда жазолашнинг анча юмшоқ шакллари назарда тутучи нормаларни расмийлаштиришга интилишади. Ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисидаги баҳс-мунозаралар бунга мисол бўлади.

Келишмовчилик натижасида институционал низо келиб чиқиши мумкин. Бир ҳолатда, институционал низо ҳеч бир ўзгаришсиз институтларнинг пайдо бўлишига, бошқа ҳолатда эса самарасиз бўлса-да барқарор ҳосилалар – институционал тузоқларнинг пайдо бўлишига олиб келади.

Эски ва янги институтлар ўртасидаги инқилобий боғлиқлик доирасида улар ривожланишининг учта эҳтимолий йўлини таъкидлаш лозим:

- биринчиси – мавжуд институционал матрицага қарама-қарши бўлган расмий институтларнинг пайдо бўлиши (одатда, ҳамма жойда чуқур ислохотлар даврида, масалан, ўтиш иқтисодиётида қонунлар, фармонлар кўринишида) ва уларнинг илдиз отиши (кенгайиб бориши) ҳамда қабул қилинган расмий нормаларга мос келувчи янги норасмий нормаларнинг шаклланиши;
- иккинчиси – қабул қилинаётган расмий қоидаларнинг норасмий нормаларга тўлиқ мос келмаслиги шунга олиб келадики, норасмий нормалар анча “ҳаётий” бўлиб чиқади ва бунинг натижасида янги қабул қилинган расмий қоидаларнинг норасмий институционаллашуви юз беради;
- учинчиси – янги расмий қоидалар илдиз отмайди, бу уларнинг йўқолиб кетишига олиб келади.

Институционал тизим самарадорлигига институтлар билан бир қаторда ташкилотлар ҳам таъсир кўрсатади. Д.Нортнинг фикрига кўра [46], институтлар иқтисодий назария билан ёритиладиган стандарт чекловлар билан бир қаторда жамият аъзоларининг имкониятларини ҳам шакллантиради.

Институционал доиралар қайси ташкилотлар (сиёсий органлар, иқтисодий тузилмалар, жамоат муассасалари) ҳосил бўлиши ва ишлашини белгилаб беради. Бошқача айтганда: институтлар – бу “ўйин қоидалари”, ташкилотлар эса – “ўйинчилар”. Бироқ бу ҳол ўйинчилар жамиятда ўрнатилган “ўйин қоидалари”га мажбурий тарзда амал қилишини англатмайди. Худди институтлар каби ташкилотлар ҳам инсонлар ўртасидаги ўзаро муносабатларни таркиблаштиради. “Ташкилотлар аниқ мақсадга йўналтирилган тарзда фаолият кўрсатувчи, ташкилотчилар томонидан бойлик, даромадни кўпайтириш учун ёки бошқа мақсадларда ташкил этилган бирликлар ҳисобланади. Ушбу мақсадларни кўзлаган ҳолда, ташкилотлар аста-секин институционал таркибни ўзгартиради” [46].

Ташкилотлар (корхоналар, фирмалар)нинг институционал жараёндаги роли ҳозирча кам ўрганилган, бироқ институционал назария доирасида, хусусан, Г.Клейнер томонидан ўтказилган сўнгги тадқиқотлар шуни кўрсатдики, ташкилот нафақат товар ва хизматлар ишлаб чиқарувчиси, балки қуйидаги асосий функцияларни бажарувчи ўзига хос “институт-провайдер” ҳисобланади [30]:

- ишлаб чиқариш институтлари ва келишувлар ишлаб чиқувчиси ва тарқатувчиси роли. Алоҳида ташкилотнинг муваффақиятли тажрибаси, унда фойдаланиладиган шартномалар тизимининг самарадорлиги, одатда, бундай тузилмаларни ташкилотнинг ушбу усулларида фойдаланишга ундайди;

- институтлар инкубатори роли. Ташкилотнинг фаолият кўрсатиши натижасида ушбу тузилманинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олувчи ва якуний натижаларнинг катта самарадорлиги билан фаолият кўрсатувчи янги расмий қоидалар ва норасмий нормалар шаклланади ёки, бошқача айтганда, тегишли институционал муҳитда янги институтлар ҳосил қилинади;

- яқка тартибдаги институционал интегратор роли (ушбу нормага амал қилувчилар таркибига янги индивидларни жалб қилиш).

Институционал ёндашувга мувофиқ давлатни алоҳида ташкилот сифатида кўриб чиқиш лозим. Давлатни институт (ижтимоий шартнома негизида расмий қоидалар тизимини шакллантириш ва уларга амал қилиш механизми) сифатида ҳам, ташкилот (давлат бошқарув аппарати таркиби, қонуний жазолаш ва мажбурлаш тизими) сифатида ҳам тадқиқ этиш мумкин.

Хулоса

Институтлар жамият ривожланишининг барча босқичларида муҳим роль ўйнаб келган. Улар жамиятда қарорлар қабул қилиш, инсонлар ва иқтисодиёт иштирокчиларининг ўзаро муносабатларини белгиловчи нормалардан таркиб топган расмий ва норасмий қоидалар ҳисобланади. Расмий қоидалар мамлакат конституциясида, қонунларда, маъмурий ва бошқа ҳужжатларда ўз аксини топади. Норасмий нормалар эса урф-одат, анъаналар ва шу каби бошқа ҳаёт тарзи орқали юзага келган қоидаларда ифодаланади.

Жамият ривожланиши билан мавжуд институтлар ва улар негизини ташкил этувчи расмий ва норасмий қоидалар ҳам ўзгариб боради, такомиллашади. Бундай ўзгаришларни ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий шароитлар белгилаб беради.

Такрорлаш учун саволлар

1. Институтлар нима? Уларнинг таърифларини келтиринг.
2. Институтлар таркибий қисмларига нималар киради?
3. Расмий ва норасмий нормалар қандай юзага келади?
4. Норасмий қоидаларнинг жамиятдаги роли нимада?
5. Институционал матрица таърифини келтиринг ва унинг ғояси нимадан иборат?
6. Норма базавий институт эканлигини изоҳланг.
7. Ўзаро ҳамкорликни қуришда норманинг ўрни қандай тавсифланади?
8. Ўзингизнинг одатий қунигизни эрталабдан кечгача келишув (муроса, экспансия, уриниш) лар атамаларида ёритишга уриниб кўринг.

9. Институционал ўзгаришларга нималар сабаб бўлади? Эски ва янги институтлар ўртасида қандай боғлиқликлар мавжуд?

10. Расмий ва норасмий нормаларни мувофиқлаштириш зарурати нима билан белгиланади?

11. Ташкилотлар институционал жараёнда қандай функцияларни бажаради?

3-Мавзу. Ўйинлар назарияси ва ўзаро ҳамкорликларни моделлаштириш

Режа:

- 1. Ўйинлар назариясининг асосий тушунчалари**
- 2. Мувозанатлар турлари ва уларни қидириш йўллари**
- 3. Ўйинлар назарияси таянч моделларининг таснифи**

Таянч сўз ва иборалар: ўйинлар назарияси, мувозанат, Паретто бўйича мувозанат, Штакельберг бўйича мувозанат, Устун стратегияли мувозанат, Неш бўйича мувозанат, кооператив (коалицияли) ўйинлар, нокооператив (коалициясиз).

1. Ўйинлар назариясининг асосий тушунчалари

Маълумки, неоклассиканинг «қатъий негизи»даги ўзаро ҳамкорликларни таҳлил қилишда дифференциал ҳисоблашдан фойдаланилган. Институционал иқтисодий назарияда юқоридаги тадқиқот усулини таянч усул сифатида қўллаш унчалик қулай эмас. Институционал иқтисодий назариянинг предметини индивидларларнинг ўзаро ҳамкор(ҳаракат)лиги ҳамда ушбу ҳамкорликни таъминловчи тузилмалар ташкил этади.

Институционал иқтисодиёт формал моделларни тузиш учун Жон фон Нейман ва Оскар Моргенштерннинг «Ўйинлар назарияси ва иқтисодий хатти-ҳаракат» (1944) китобидаги фикрларга асосланган *ўйинлар назариясидан* фойдаланади [47]. Ушбу назариянинг ривожланиши Джон Нэш 1950 йилда киритган мувозанат вазияти тушунчаси билан боғлиқ. Бу билан нокоалицион ўйинларнинг ечиш усули ишлаб чиқилди. 1994 йилга келиб, бирданига уч тадқиқотчи “нокооператив ўйинлар” назариясидаги мувозанатни биринчи бор таҳлил қилиб чиққанлиги учун иқтисодиёт бўйича Нобель мукофотиغا сазовор бўлдилар. Булар: Райнхад Селтен (Германия), Жог Нэш (АҚШ), Жон С.Харсани (асли венгриялик – АҚШ). Ушбу тадқиқот усулининг ўзига хос асосий белгилари ичида куйидагиларни ажратиш лозим. Биринчидан, ўйинлар назарияси индивидларнинг ўзаро шартлашилган хатти-ҳаракатлари вазиятини таҳлил қилиш билан шуғулланади: ҳар бир шартнинг ҳал этилиши ўзаро ҳамкорлик натижасига ва ўз навбатида, қолган индивидларнинг қарорларига таъсир кўрсатади. Индивид ўз ҳаракатлари масаласини ҳал этаётиб, ўзини контрагентлар ўрнига қўйиб кўриши керак. Иккинчидан, ўйинлар назарияси, мукамал калькулятор сифатидаги индивиддан тортиб то робот сифатидаги индивидгача қатор моделлардан фойдаланган ҳолда, индивидларнинг тўлиқ рационаллигини талаб қилмайди. Учинчидан, ўйинлар назарияси ўзаро ҳамкорликлардаги мувозанатнинг мавжудлиги, ягоналиги ва Парето-оптималлигини назарда тутмайди. Ушбу сабаблар ўйинлар назарияси ёрдамида қурилган институтларнинг формал моделларига бўлган қизиқишни орттиради.

Ўйинлар назариясидаги формал моделни ташкил этиш учун: иштирокчи индивидларнинг мавжудлиги; ҳар бир иштирокчининг имкониятлар тўплами; иштирокчиларнинг стратегиялари ҳисобга олинishi лозим.

Ўйинлар назарияси таркибий жиҳатдан кооператив (коалицияли) ва нокооператив (коалициясиз) назарияларга ажратилади. Бунда ўйин иштирокчиларининг ўзаро келишуви даражасига кўра, кооператив(коалицияли) ва нокооператив(коалициясиз) ўйинлар назарда тутилади. Шартли равишда айтиш мумкинки, биринчи гуруҳ назариялар макродаражадаги таҳлилга, иккинчи гуруҳдагилар эса, микродаражага эътиборни қаратадилар.

Кооператив (коалицияли) ўйинлар – бу иштирокчилар ўртасида ахборот алмашиш ва иттифоқ тузиш мумкин бўлган вазиятлар. Нокооператив (коалициясиз) ўйинларда якка иштирокчи таҳлил қилишнинг бошланғич нуқтаси ҳисобланади, бунда иштирокчилар ўртасида ахборот алмашиш ва иттифоқ тузиш мумкин эмас. Ўйинлар асосан матрица шаклида намоён этилади. Нокооператив (коалициясиз) ўйинларда иштирокчилар ўзаро зиддиятли муносабатда бўладилар. Ҳар бир иштирокчи ўз ютуғини оширишга ҳаракат қилади. Бирининг ютуғи иккинчисининг ютқизишига олиб келади. Ҳар бир ўйин иштирокчисининг зиддиятли вазиятларни ҳал этиш борасидаги ҳаракат дастури ўйин иштирокчисининг стратегияси дейилади.

$$G=F(N,St,P)$$

Демак, ўйин (G)ни таҳлил этишда уч қисм: ўйинчилар сони (N); стратегиялар мажмуаси (St); иштирокчиларнинг ютуқ (P)лари асос бўлади.

2. Мувозанатлар турлари ва уларни қидириш йўллари

Ҳар бир ўзаро ҳамкорлик учун мувозанатларнинг турли хиллари мавжуд бўлиши мумкин: *устун стратегияли мувозанат, Нэш бўйича мувозанат, Штакельберг бўйича мувозанат ва Парето бўйича мувозанат*. **Устун стратегияли мувозанат** – бошқа иштирокчининг ҳаракатларидан қатъи назар иштирокчига энг юқори фойдалиликни таъминловчи ҳаракатлар режаси. **Нэш бўйича мувозанат** – ўйинчиларнинг ҳеч бири ўз ҳаракатлари режасини ўзгартирган ҳолда ўз ютуғини бир томонлама ошира олмайдиган вазият. **Штакельберг бўйича мувозанат** – ҳеч бир ўйинчи ўз ютуғини бир томонлама тартибда ошира олмайдиган вазият. Бунда қарор дастлаб биринчи ўйинчи томонидан қабул қилинади, сўнгра иккинчи ўйинчига маълум бўлади. **Парето бўйича мувозанат** – ўйинчилардан бирининг ҳолатини, иккинчи ўйинчининг ҳолатини ёмонлаштирмаган ҳолда, яхшилаб бўлмайдиган вазият.

Устун стратегия деб иштирокчига бошқа иштирокчининг ҳаракатларидан қатъи назар ўйинчининг максимум фойдалилигини таъминловчи ҳаракатлар режасига айтилади. Ўз навбатида ўйиндаги иккала иштирокчи устун стратегияларининг ўзаро кесишуви устун стратегиялар мувозанати бўлади. Нэш бўйича мувозанат – ҳар бир ўйинчининг стратегияси бошқа ўйинчининг ҳаракатига яхши жавоб бўладиган вазият. Штакельберг бўйича мувозанат ўйин иштирокчилари томонидан қарорлар қабул қилинишида вақт омили мавжуд бўлганда юзага келади, яъни: улардан бири бошқаси қандай йўл тутганлигини билган ҳолда қарор қабул қилади.

Шундай қилиб, Штакельберг бўйича мувозанат қарорлар бир вақтнинг ўзида қабул қилинмаган шароитда ўйинчиларнинг максимум фойдалилигига мос келади. Устун стратегиялар мувозанати ва Нэш бўйича мувозанатдан фарқли ўлароқ мувозанатнинг ушбу тури ҳамма вақт мавжуд бўлади. Ва ниҳоят, бир вақтнинг ўзида иккала ўйинчининг ҳам фойдалилигини ошириб бўлмайдиган ҳолатда Парето бўйича мувозанатга эришилади. Қуйидаги мисолда мувозанатнинг барча тўртта турини қидириш технологиясини кўриб чиқамиз.

Фараз қилайлик, А фирма Б фирманинг муайян маҳсулотни ишлаб чиқариш учун монополиясини бузишга уринади. А фирма бозорга чиқиш-чиқмасликни, Б фирма эса, борди-ю А фирма бозорга киришни ҳал қилса, ишлаб чиқариш ҳажмини пасайтириш масаласини ҳал қилади. Б фирмада ишлаб чиқариш ҳажми ўзгармай қолган тақдирда, иккала фирма ҳам ютқазади. Агар Б фирма ишлаб чиқариш ҳажмини пасайтиришга қарор қилса, у ўз фойдасини А фирма билан «баҳам кўради» [47].

Кўрсаткичлар		Б фирма -ишлаб чиқариш ҳажмини	
		сақлаб қолиш	пасайтириш
А фирма-бозорга	кириш	-3; -2	4; 4[N ₂ St _A P]
	кирмаслик	0; 10 [N ₁ St _B]	0; 10

Устун стратегияли мувозанат. А фирма иккала вариантдаги воқеалар ривожда ўзи ютуғини таққослайди (агар Б фирма нарх-наво «урушини» авж олдирмаса, -3 ва 0) ва (агар Б фирма ишлаб чиқариш ҳажмини пасайтиришга қарор қилса, 4 ва 0). У ҳолда А фирма учун Б фирманинг ҳаракатларидан қатъи назар энг кўп ютуқни таъминловчи стратегия мавжуд эмас:

$0 > -3 \Rightarrow$ агар Б фирма ишлаб чиқариш ҳажмини аввалги даражада сақлаб қолса, «бозорга кирмаслик»;

$4 > 0 \Rightarrow$, агар Б фирма ишлаб чиқариш ҳажмини пасайтирса, «бозорга кириш».

Б фирмада устун стратегия мавжуд: у А фирманинг ҳаракатидан қатъи назар ишлаб чиқариш ҳажмини пасайтиришдан манфаатдор $4 > -2$, $10 = 10$,. Демак, устун стратегиялар мувозанати мавжуд эмас.

Нэш бўйича мувозанат. Б фирманинг ишлаб чиқариш ҳажмини аввалги даражада сақлаб туриш тўғрисидаги қарорига А фирманинг энг яхши жавоби - бозорга кирмаслик, ишлаб чиқариш ҳажмини пасайтириш қарорига эса, - бозорга кириш.

А фирманинг бозорга кириш тўғрисидаги қарорига Б фирманинг энг яхши жавоби - ишлаб чиқариш ҳажмини пасайтириш, бозорга кирмаслик қарори қабул қилинганда эса – иккала стратегия ҳам бир хил натижа беради. Шунинг учун, Нэш бўйича иккита (N_1 , N_2) мувозанат $(4; 4)$ ва $(0; 10)$ нукталарида турибди: А фирма бозорга киради, Б фирма эса ишлаб чиқариш ҳажмини пасайтиради; ёки А фирма бозорга чикмайди, Б фирма эса ишлаб чиқариш ҳажмини пасайтирмайди. Бунга ишонч ҳосил қилиш осон, чунки ушбу нукталарда иштирокчилардан ҳеч бири ўз стратегиясини ўзгартиришдан манфаатдор эмас.

Штакельберг бўйича мувозанат. Фараз қилайлик, биринчи бўлиб А фирма қарор қабул қилади. Агар у бозорга киришга қарор қилса, пировардида $(4; 4)$ нуктада бўлади: Б фирманинг танлаши ушбу вазиятда бир хил, $4 > -2$. Агар у бозорга чиқмасликка қарор қилса, яқун икки нукта $(0; 10)$: Б фирманинг қарори иккала вариантни ҳам қўллаш имконини беради. Буни билган ҳолда, А фирма, 4 ва 0 ни таққослаб, ўз фойдасини $(4; 4)$ нукталарда кўпайтиради. Қарорлар бир хил ва Штакельберг бўйича биринчи мувозанат $St_A (4; 4)$ нукталарда бўлади. Худди шу тариқа, биринчи бўлиб қарорни Б фирма қабул қилганда, Штакельберг бўйича мувозанат $St_B (0; 10)$ нукталарда бўлади.

Парето бўйича мувозанат. Парето бўйича оптимумни аниқлаш учун, биз «Ўйиннинг исталган бошқа якунига ўтиш бир вақтнинг ўзида иккала иштирокчи учун ҳам фойдалиликнинг ошишини таъминлайдими?» деган саволга жавоб бераётиб, ўйиннинг барча тўртта якунини изчил танлаб олишимиз зарур. Масалан, $(-3; -2)$ якундан биз кўрсатилган шартни бажараётиб, исталган бошқа якунга ўтишимиз мумкин. Фақат $(4; 4)$ якундан биз, бунда ўйинчилардан ҳеч бирининг фойдалилигини камайтирмаган ҳолда, ҳаракатлана олмаймиз ва бу Парето бўйича – Р мувозанат бўлади.

3. Ўйинлар назарияси таянч моделларининг таснифи

Ўйинлар назарияси учун бир неча таянч моделлар мавжуд [40]. Ушбу моделлар Нэш бўйича мувозанат нукталарининг сони билан ва уларнинг Штакельберг бўйича ва Парето бўйича мувозанат нукталарига мос келиши ёки мос келмаслиги билан фарк қилади.

Умумий кўринишда моделлар типологияси ўйинлар назариясида фойдаланиладиган иккала иштирокчиси учун қуйидаги кўринишга эга бўлади:¹¹

St/N	2	1	0
=	I. $N_1=St_1=St_2=P \neq N_2$	II. $N=St_1=St_2=P$	
		III. $N=St_1=St_2 \neq P$	
	IV. $N_1=St_1=P_1 \neq (N_2=St_2=P_2)$	V. $N=St_1=P_1 \neq (St_2=P_2)$	VII. $St_1=P \neq (St_2=P)$

¹¹ Олейник А.Н. Институциональная экономика. Теория игр и моделирование взаимодействий / Вопросы экономики. №3, 1999. –С. 141-6.

\neq	VI. $N=St_1 \neq (St_2=P)$	VIII. $St_1=P \neq St_2$
--------	----------------------------	--------------------------

I модел. Масалан, иккита талаба томонидан учрашув жойининг танланиши вазиятини акс эттиради. Улардан ҳар бирини ё кутубхонада ёки буфетда топиш мумкин. Буфетдаги учрашув иккала талабага ҳам фойдалиликни таъминлаши назарда тутилади: улар кофе ёки бирор хил шарбат устида суҳбат ўтказишлари мумкин.

1-талаба	2-талаба	
	Кутубхонага бориш	Буфетга бориш
Кутубхонага бориш	0; 1	2; 2[N_2]
Буфетга бориш	3; 3[$N_1 St_1 St_2 P$]	1; 0

Бу ўйин унинг ёрдамида «фокал нукта» - иккала талаба томонидан ўзлари танлайдиган учрашув жойи ғояси акс этирилиши туфайли қизиқарли. Агар иккаласи ҳам бир-бирини яхши билса, улар бир бирини топиши мумкин бўлган жойни тахмин қилиш унчалик қийинчилик туғдирмайди. «Фокал нукта» буфет бўлиши эҳтимоли кўпроқ.

II модел. Эр-хотин ўртасидаги қатъий шаклдаги кескин вазиятни намоён этади. Эр-хотин иккита муқобил – концертга ёки футболга бориш вариантыдан бирини танлаш йўли билан кечки вақтни қандай ўтказишни ҳал этади. Ҳар бирининг фикри равшан: хотин - концертга, эр - футболга боришни афзал кўради. Бунда эр-хотин кечки вақтни биргаликда ўтказишдан ҳордиқ чиқаришни анча паст баҳолашади.

Эр	Хотин	
	Концертга бориш £	Футболга бориш
Концертга бориш	1; 3	0; 0
Футболга бориш £	2; 2[$N_1 St_1 St_2 P$]	3; 1

Ўйин шуниси билан қизиқки, бу ерда иккала иштирокчида ҳам устун стратегия мавжуд (£) «концертга бориш» – хотин учун, «футбол матчида бориш» - эр учун.

III модел. «Маҳбуслар дилеммаси» муҳокамаси.

1-гумондор	2-гумондор	
	Айбни тан олиш £	Айбни тан олмаслик
Айбни тан олиш £	1; 1 [$N St_1 St_2$]	3; 0
Айбни тан олмаслик	0; 3	2; 2 [P]

IV модел. Эр-хотин ўртасидаги аввалги қаттиқ шаклдаги ихтилофли вазиятнинг юмшоқроқ варианты. Қатъий шаклдаги ихтилофли вазиятнинг юмшоқ шаклдан фақат битта фарқи мавжуд, эр-хотин биргаликда ўтказилган кечки вақтдан кўрилган манфаатни юқори баҳолашади:

Эр	Хотин	
	Концертга бориш	Футболга бориш
Концертга бориш	2; 3 [$N_2 St_2 P_2$]	0; 0
Футболга бориш	1; 1	3; 2 [$N_1 St_1 P_1$]

V модел. Ушбу модель қуролсизланиш муаммосини ифодалайди. А мамлакат Б мамлакатга нисбатан уруш бошлаш масаласини ҳал этади, Б мамлакат эса қуролланиш ёки қуролсизланиш вариантларидан бирини танлайди. Муаммо шундан ибортки, қуролсизланган Б мамлакат тажоввузкор А мамлакат учун осон ўлжага айланади, қуролланган мамлакат эса тажоввузга тажоввуз билан жавоб қайтариши мумкин:

А мамлакат	Б мамлакат	
	Қуролланиш	Қуролсизланиш £
Уруш эълон қилиш	0; 0	3; 1 [$N St_1 P$]
Уруш эълон қилмаслик	2; 2[$St_2 P$]	1; 3

VI модел. Бирон-бир романни ўқиш тўғрисида қарор қабул қилиш билан боғлиқ оғир маънавий танлаш вазиятини акс эттиради. Биринчи китобхон, агар у китобни ўқий олмаса, афсус чекади, лекин, агар у ушбу романни барибир ўқишни бошласа, ўзи бундан уялади. Иккинчи китобхон – мунофиқнинг фикрига кўра, китобни ўқишни ҳаммага таққиллаш лозим, лекин агар романни ўқиш керак бўлса, у ҳолда фақат унинг ўзи ўқиши лозим:

1-китобхон	2-китобхон	
	Ўқимаслик £	Ўқиш
Ўқимаслик	0; 3	3; 1 [St ₂ P]
Ўқиш	1; 1 [N St ₁]	2; 0

VII модел қуйидаги ўйин кўринишида амалга оширилади. Ҳар бир ўйинчи ўйин бошида 2 долларга эга ва ушбу сумманинг ярмини кутига солиб қўяди. Сўнгги кути биринчи ўйинчига топширилади, у ушбу суммани ўзида қолдириши ёки қудуққа ташлаб юбориши мумкин. Иккинчи иштирокчи биринчи ўйинчининг хатти-ҳаракатини олдиндан айтиб бериши лозим ва, агар у бунинг уддасидан чиқса, 1 доллар олади. Бундан ташқари, агар кути қудуққа ташланмаса, ўйинчилар ундаги суммани ўзаро бўлиб олишади:

1-ўйинчи	2-ўйинчи	
	Қудуққа ташлаш	Қудуққа ташламаслик
Қудуққа ташлаш	0; 2	2; 0
Қудуққа ташламаслик	3; 1 [St ₂ P]	1; 3 [St ₁ P]

VIII моделда давлат билан сармоядор ўртасидаги ўзаро муносабатлар ифодаланади. Сармоядорда ҳаракатларнинг иккита варианты мавжуд – мамлакатда инвестицияни амалга ошириш ёки оширмаслик. Давлат эса инвестициялардан олинadиган даромадларга юқори солиқ белгилаши ёки солиқни умуман бекор қилиши мумкин:

Давлат	Сармоядор	
	Инвестиция киритмаслик	Инвестиция киритиш
Солиқ жорий этиш	0; 1	3; 0
Жорий этмаслик	1; 2 [St ₂]	2; 3 [St ₁ P]

Юқорида изоҳланган моделларни кўриб чиқиш индивидлар ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик жараёнида юзага келадиган қатор муаммоларни аниқлаш ва таҳлил қилиш имконини беради:

- *мувофиқлаштириш муаммоси* Нэш бўйича иккита нуқта мавжуд бўлган ҳолларда пайдо бўлади (I, IV моделлар). Мувофиқлаштириш муаммосининг ҳал этилиши қўшимча институционал шарт-шароитлар жорий этилиши, «фокал нуқталар» ёки келишувлар мавжуд бўлишини талаб қилади. Масалан, эр-хотиннинг қизиқишлари бир жойдан чиққан ҳолларда, улар ўз ҳаракатларини мувофиқлаштириши анча осонлашади;

- *бирга бўла олишлик муаммоси* Нэш бўйича мувозанат мавжуд бўлмаган вазият учун хосдир (VII, VIII моделлар). Агар институтлар стратегияларни танлашни чекламаса ва «йўналтирмаса», индивидлар ўз ҳаракатларини мувофиқлаштира олишмайди. Масалан, давлат билан сармоядор ўртасидаги ўзаро муносабатга давлатнинг нуфузи омилининг жорий этилиши (2, 3) якунда тўхталиш имконини беради;

- *кооперация муаммоси* - Нэш бўйича мувозанат мавжуд, у ягона, лекин Парето бўйича оптимал эмас (III модел - «махбуслар дилеммаси»). Ушбу вазиятда ҳам институционал чекловнинг жорий этилиши Парето бўйича оптимал натижага эришишни таъминлайди;

- *адолатчилик муаммосининг* долзарблиги - Нэш бўйича ягона мувозанат асимметрик, ютуқнинг ўзаро ҳамкорлик иштирокчилари ўртасида адолатсиз тақсимланиши билан тавсифланади (V, VI моделлар). Адолатсизлик муаммосини ҳал

этиш вариантларидан бири такрорланадиган ўйинларга ўтиш ва «аралаш» стратегиялар асосида нормаларни яъни, t_0 вақт лаҳзасида индивид А стратегияни, t_1 вақт лаҳзасида эса Б стратегияни танлаганда бўлади.

Хулоса

Институционал иқтисодий назариянинг предмети индивидларнинг ўзаро ҳамкорлиги ҳамда ушбу ҳамкорликни таъминловчи тузилмалар ташкил этади.

Жон фон Нейман ва Оскар Моргенштерннинг «Ўйинлар назарияси ва иқтисодий хатти-ҳаракат» (1944) китобидаги фикрлар институционал иқтисодиётда *ўйинлар назариясини татбиқ этиш* учун асос бўлган. 1994 йилга келиб, биринчи бор “нокооператив ўйинлар” назариясидаги мувозанат таҳлили учун бир варакайига уч тадқиқотчи иқтисодиёт бўйича Нобель мукофотиغا сазовор бўлди. Булар: Райнхад Селтен (Германия), Жон Нэш (АҚШ), Жон С.Харсани (асли венгриялик – АҚШ). Ўйинлар назариясидаги формал моделни ташкил этиш учун: иштирокчи индивидларнинг мавжудлиги; ҳар бир иштирокчининг имкониятлар тўплами; иштирокчиларнинг стратегиялари ҳисобга олиниши лозим.

Ўйинлар назарияси таркибий жиҳатдан кооператив(коалицияли) ва нокооператив (коалициясиз) назарияларга ажратилади. Ўйин (G)ни таҳлил этишда уч қисм: ўйинчилар сони (N); стратегиялар мажмуаси (St); иштирокчиларнинг ютуқ (P)лари асос бўлади.

Ҳар бир ҳамкорлик учун мувозанатларнинг турли хиллари мавжуд бўлиши мумкин: устун стратегияли мувозанат, Нэш бўйича мувозанат, Штакельберг бўйича мувозанат ва Парето бўйича мувозанат

Такрорлаш учун саволлар

1. Нима учун институционал назарияда математик аппарат неоклассикаси учун анъанавий ҳисобланган математик аппарат тилидан эмас, балки ўйинлар назариясидан фойдаланилади.
2. Индивидлар ўртасидаги ўзаро ҳамкорликнинг қайси асосий муаммолари ўйинлар назарияси ёрдамида моделлаштирилади?
3. Кооператив (коалицияли) ва нокооператив (коалициясиз) назарияларнинг хусусиятларини изоҳланг.
4. Устун стратегияли мувозанатни шарҳлаб беринг.
5. Нэш бўйича мувозанатни шарҳлаб беринг.
6. Штакельберг бўйича мувозанатни шарҳлаб беринг.
7. Парето бўйича мувозанатни шарҳлаб беринг.

4-Мавзу. Режа ва бозор институтлари

Режа

1. Иқтисодиёт конституцияларининг шаклланиши
2. Буйруқбозлик иқтисодиёти нормалари
3. Бозор конституцияси нормалари
4. Мулкчилик ҳуқуқларини иқтисодий асослаш

ТАЯНЧ СЎЗ ВА ИБОРАЛАР: бозор конституцияси, иқтисодий конституция, Мураккаб утилитаризм Рационал мақсадли феъл-атвор Деперсонификацияланган ишонч Эмпатия Ижобий маънода эркинлик Қонунга ихтиёрий бўйсунуш Оддий утилитаризм Персонификацияланган ишонч Мафкуравий кадрият рационалиги «Сен – менга, мен – сенга», Қонунга тилда бўйсунуш

1. Иқтисодиёт конституцияларининг шаклланиши

Нормалар индивидларнинг ўзаро мувофиқ муносабатлари барқарорлигининг асосий кафолати ҳисобланади. Индивид контрагент ҳаракатларини тушуниш ва ўз ҳаракатини улар билан мувофиқлаштириш учун у ёки бу нормани танлаш баробарида

умуман тизимнинг барқарорлигини таъминлайди. Индивид нормадан четга чиқса, уни нормага қайтарувчи тартибга солиш механизмининг мавжудлиги нормалар тизимини шакллантиради. Шунингдек, нормалар тизими макро ва микродаражалар ўртасидаги асосий боғловчи бўғинга айланади.

Индивидларнинг иқтисодий фаолият кўрсатишини таъминловчи нормалар тизимига иқтисодиёт конституцияси дейилади. Иқтисодиёт конституцияси буйруқбозлик ва бозор тизимларидаги ўзаро зид нормаларга амал қилади. Масалан, бозор тизими фақат индивидлар ўзларининг кундалик иқтисодий фаолиятида у асосланадиган нормалардан фойдаланган даражага қараб барқарор ва такрор ишлаб чиқаришга қодир бўлади. Ўзининг шахсий манфаатларини кўзловчи индивидлар ўртасидаги битимлардан макроиқтисодий даражага ўтиш бозор хатти-ҳаракатлари нормалари орқали амалга оширилади.

Буйруқбозлик иқтисодиётининг нормалар тизими сурункали тақчиллик, яъни ресурсларнинг етишмаслигини ўзида намоён этади. Тақчилликнинг маълум даражада барқарорлашуви ҳамда иқтисодий агентлар ушбу даражага мослашуви тизимда *нормал тақчиллик* ҳолатини юзага келтиради. Бунда буйруқбозлик иқтисодиёти учун хос бўлган навбатнинг нормал узунлиги, ресурслар ва тайёр маҳсулотларнинг нормал захиралари ва ҳоказолар тушунилади. Бошқача айтганда, нафақат Вальрас бўйича умумий мувозанат иқтисодий тизимнинг барқарор ҳолати билан чекланилади, балки тизим ҳатто мувозанатсиз ҳолатда ҳам барқарорлашиши мумкинлиги намоён бўлади.

Умуман олганда, буйруқбозлик ва бозор тизимларида қўлланиладиган нормаларнинг таркибий тузилишини қуйидаги жадвалда кўриш мумкин.

Қуйида ушбу нормаларнинг иқтисодиётда намоён бўлиши кўриб чиқилган.

4.1.-жадвал

Иқтисодиёт конституциялари нормаларининг гуруҳланиши

Бозор конституцияси	Буйруқбозлик иқтисодиёти конституцияси
Мураккаб утилитаризм	Оддий утилитаризм
Рационал мақсадли феъл-атвор	Мафкуравий қадрият рационалиги
Деперсонафикацияланган ишонч	Персонафикацияланган ишонч
Эмпатия	«Сен – менга, мен - сенга»,
Ижобий маънода эркинлик	
Қонунга ихтиёрий бўйсунуш	Қонунга тилда бўйсунуш

2. Буйруқбозлик иқтисодиёти нормалари

Буйруқбозлик иқтисодиётининг нормал ҳолатлари учун зарур бўлган нормалардан бири оддий утилитаризм ҳисобланади. Бунда индивид томонидан ўз фойдалилигини оширилиши ўзига хос равишда намоён бўлади. Яъни, **оддий утилитаризм** - индивиднинг самарали фаолияти билан боғлиқ бўлмаган ҳолда ўз фойдалилигини оширишга интилишидир.

Индивид истеъмол маданиятидаги оддий утилитаризм “квартира – машина – дала ҳовли” учлигида акс этади. Индивидда бундай идеалнинг тарқалиши ва қулай ҳаёт шароитларини таъминлашга интилиш шўролар (советлар) жамияти намунасида XX асрнинг 70-80-йиллардаги ўзига хос шаклга эга тенденциялар билан тавсифланади. Бунда истеъмолнинг маълум даражасига эришиш учун ноёб (тақчил) ресурслардан фойдаланиш имконияти самарали меҳнат бўйича эмас, балки маълум касб тоифасидаги ходимлар (савдо соҳаси, бюрократик аппарат, темир йўл ва ҳаво йўли транспорти ходимлари, чет элга чиқиш имкониятидагилар) ўртасида бўлинган эди.

Яъни, утилитаризм нормаси буйруқбозлик иқтисодиётида фақат оддий шаклда – индивиднинг самарали фаолият билан боғлиқ бўлмаган ҳолда фойдалиликни оширишга интилиши сифатида мавжуд бўлган. Иккинчидан, тақчиллик шароитидаги истеъмолда

фойдалиликни оширишга интилиш навбатда туриш зарурлиги, асаббузарликлар, оврагарчиликлар, жанжаллар (низолар) туфайли келиб чиққан юқори рухий кечинмалар билан чекланиди. Буйруқбозлик тизимининг бу тавсифи «сабр чегараси» тушунчаси билан ҳам изоҳланади. Сабр чегараси деганда низолар ва кескинликлар жамланишининг ундан кейин иқтисодий агентлар шикоят қила бошлайдиган ва норозилик намоёиш этадиган даражаси тушунилади. Шундай қилиб, буйруқбозлик иқтисодиётининг биринчи нормаси *оддий ва чекланган утилитаризмдан* иборат.

Буйруқбозлик иқтисодиёти нормалари тизимининг иккинчи унсури тўлиқсиз рационал фаолият билан изоҳланади. Бунда, биринчи навбатда ахборотнинг чекланганлиги ва тўлиқсизлиги билан шартланган тўлиқсиз рационаллик тушунилади. Иқтисодий агентлар эркин шаклланмаган нарх ва тақчил ресурслар шароитида нархлардаги мавжуд ахборотни нархга тааллуқли бўлмаган – захиралар ҳажми, навбатларнинг узунлиги ва ҳоказолар ҳақидаги маълумотлар билан тўлдирадилар. Соф кўрсаткичларда ахборот олиш эса, ҳамма вақт уни йиғиш билан боғлиқ юқори даражадаги харажатларни келтириб чиқаради. Натижада тизимда «низо», яъни сотувчилар ва харидорлар позицияларини мувофиқлаштиришда кечикишлар пайдо бўлади. Низо прогнозлардаги хатолар, манфаатдор шахсда бошқа субъектларнинг ҳолати ва мақсадлари тўғрисида ахборотнинг мавжуд эмаслиги, манфаатдор шахснинг қарор қабул қилишдаги беқарорлиги, ўзгарувчан шароитга мослашишдаги ўнғайсизлиги шаклига эга бўлади. Бундан ташқари, тўлиқсиз рационал фаолият, иқтисодий агент учун фақат ташқаридан белгиланган мақсадларга эришиш воситаларини танлаш эркинлиги билан шартланган. Мафкура билан белгиланган партия-хўжалик аппаратининг мафкуравий мақсадлари режа топшириқлари шаклини қабул қилувчи муайян маъмурий ва хўжалик вазифаларига айланади. Бошқача айтганда, буйруқбозлик иқтисодиётида иқтисодий субъектларнинг фаолияти – мафкуравий қадрият рационаллиги нормасига асосланади.

Ишонч нормаси иккита шаклда давлатга ишонч сифатида ва бир бирини яхши билган шахслар доираси билан чекланган микродаражадаги ишонч сифатида мавжуд бўлади. Ҳар қандай аҳамиятли битимнинг давлат органига: партия, режа, таъминот органига мурожаат этиш билан боғлиқлиги сабабли давлатга ишонмасдан туриб, йўл тутишнинг иложи йўқ. Бундай вазиятда бевосита контрагентга ишониш мутақо ортиқча – давлат учинчи томон сифатида битим шартларининг бажарилишини кафолатлайди. Бироқ микродаражадаги *ишонч* барибир *максимал индивидуаллашган* шаклда мавжуд бўлади.

Бу норма ҳам уй хўжалигида, ҳам корхонада амал қилади. Уй хўжалигининг ижтимоий ва иқтисодий ҳаётида оғирлик марказининг оила-қариндошчилик таркибига, дўстлар ва таниш-билишларга кўчирилади. Масалан, ўзаро ҳамкорлик умуман врач, сартарош билан эмас, балки *таниш* врач ёки сартарош билан амалга оширилади. Корхоналар хатти-ҳаракатини ҳам худди шундай таърифлаш мумкин. Улардан ҳар бири барқарор шерикчилик доирасига эга бўлиб, бунда ушбу корхоналар раҳбарлари ўртасида шахсий даражада ишончли муносабатлар йўлга қўйилади. Яъни, директорлар ўртасида ўзаро ёрдам ва ўзаро ишонч тамойиллари асосига қурилган корпоратив муносабатлар шаклланади.

Буйруқбозлик иқтисодиётининг навбатдаги базавий нормаси «*сен – менга, мен - сенга*», ёки ўзаро хизматлар кўрсатиш тўғрисидаги келишувдир. Тақчил ресурсни олишнинг кенг тарқалган вариантларидан бирига кўра, истеъмолчи ва етказиб берувчи вақти вақти билан вазифаларини алмаштириб туради, яъни “бугун мен пўлат бериб тураман, сен эса эртага болтдан ёрдам қилиб турасан”. Айнан ҳар қандай бартер битимининг асосида «Сен – менга, мен - сенга» нормасидан фойдаланиш ётишига ишонч ҳосил қилиш мумкин. Ҳатто, бартер алмашуви занжир бўйича амалга оширилиши мумкин бўлса-да, ушбу нормага локал ва таниш-билишлар доираси билан чекланган хусусиятни йўқотиш имконини бермайди.

Ва ниҳоят, *қонунга бўйсунуши* нормаси. Ҳар қандай ўзаро муносабатнинг давлат назорати остида бўлишига қарамай буйруқбозлик иқтисодиёти доирасида қонунлар

партия манфаатларига бўйсунган. Бунинг учун расмий асос бўлмаса-да, партия қарорлари *де факто* қонун кучига эга бўлган. Ҳатто эълон қилинган *де юре* умумхалқ мулкчилиги шакли ҳам *де факто* мулкчилиги шакли билан, хусусан, бюрократик органлар – «идоралар» (вазирликлар ва идоралар) мулки бўлган. Бюрократиянинг бундай ўзбошимчалиги оддий фуқароларнинг қонунга нисбатан муносабатига акс таъсир ўтказган. Бошқача айтганда, буйруқбозлик иқтисодиётида иқтисодий субъектларнинг хатти-ҳаракати *қонунга тилда буйсуниш* нормаси сифатида тавсифланади. Демак, буйруқбозлик иқтисодиёти конституциясининг асосий нормалари тизимнинг мувозанатсиз ҳолатини барқарорлаштирига хизмат қилади.

3. Бозор конституцияси нормалари

Бозор конституцияси – бозорда битимларни амалга ошириш ва унда мувозанатга эришиш имконини берувчи хатти-ҳаракатларнинг ўзаро шартланган нормалари йиғиндисини ташкил этади. Бозорлардаги барқарор мувозанат бозор нормаларидан фойдаланишнинг натижаси ҳисобланади. Бозор конституциясининг асосида ётувчи биринчи норма – *мураккаб утилитаризм* нормаси бўлиб, у нафақат индивидни ўзининг фойдалилигини оширишга йўналтиришни, балки унинг олинадиган фойда билан ўзининг самарали фаолияти ўртасидаги алоқани англаб етишини назарда тутди. **Яъни, мураккаб утилитаризм** – индивид томонидан ўз фойдалилигининг самарали фаолият асосида оширилишидир.

Мураккаб утилитаризм нормаси индивиднинг эҳтиёжлар даражаси ва самарали фаолияти ўртасидаги номувофиқликни истисно этади. Баъзан, бундай номувофиқлик юқори ишлаб чиқариш салоҳиятига ва юқори меҳнат самарадорлигига эга бўлмаган мамлакат аҳолиси ўртасида юқори истеъмол стандартларининг тарқалишида юзага келадиган «номувофиқ кутишлар инқилоблари» асосида ётади. Ушбу вазиятда асосан оммавий ахборот воситалари орқали юз берадиган янги истеъмол стандартини қабул қилиш жамиятда ҳукмронлик қилувчи самарали фаолият моделига тааллуқли бўлмайди.

Бундан ташқари, қулай шароитлар мавжуд бўлганида оддий утилитаризм фойдалиликни оширишни рентани қидиришга айлантиришни назарда тутди. Мукамал рақобат вазиятидан ҳар қандай четга чиқиш, алмашиш (тарифлар, квоталар) учун чекловлар ўрнатилиши оддий утилитаризм саъй-ҳаракатларини рентани қидиришга ёки, бошқача айтганда, фойдага самарасиз йўналтирилишга айлантиради. Индивиднинг рентани кўпайтиришга интилишини норматив чеклаш сифатида мураккаб утилитаризм, яъни индивид томонидан бошқалар зиёнига эмас, балки фақат ўз фаолияти ҳисобидан ютуққа эришиш мумкинлигининг тан олинishi муқобил вариант ҳисобланади.

Агар утилитаризм нормаси индивиднинг мақсадли функциясини белгиласа, ***рационал мақсадли феъл-атвор (ҳуққ, хатти-ҳаракат)*** нормаси фойдалиликни муайян вазибаларнинг ҳал этилиши билан боғлаган ҳолда оширишни муайянлаштиради. Маълумки, рационал мақсадли феъл-атвор индивид томонидан ўзининг рационал қўйилган ва ўйланган мақсадига эришиш учун ташқи олам предметлари ва *инсонларнинг* маълум феъл-атворидан фойдаланишини назарда тутди. Ахборотнинг тўлиқсизлиги ва уни қайта ишлаш бўйича когнитив қобилиятларнинг чекланганлиги шароитида рационал мақсадли феъл-атвор найранг қилишга айланади: агар индивид катта ҳажмдаги ахборотга эга бўлса, у ўзининг ҳамкори билан найранг қилади. Индивид шу усул билан атрофидагиларни ўз мақсадига – фойдалиликни оширишга эришиш воситасига айлантиришга уринади.

Айрим агентларнинг фойдаланилган автомобиллар бозори ва «маънавий хатар» билан боғлиқ суғурта бозорида бошқаларни зиёнга учратиши ахборот асимметриясидан фойдаланишга классик мисол бўлади. Бундай айёрлик, яққол ёки нозик шаклда алдаш билан шахсий манфаат кўзланадиган хатти-ҳаракатга оппортунизм номи берилган. Рационал мақсадли феъл-атворни оппортунизмга айлантиришга қарши кафолатлар барча

иштирокчилар фаолиятининг қуйидаги ё таркибий ёки расмий-ҳуқуқий жиҳатлари билан тавсифланади:

- мукамал когнитив қобилият ва алмашувда тўлиқ ахборотга эга бўлиш;
- шартнома тузишда махсус таомиллардан фойдаланиш.

Иккинчи жиҳат оптимал шартнома назариясини махсус ўрганиш предмети ҳисобланади, шунинг учун бу ерда бозор конституциясининг иккинчи унсури сифатида *тўлиқ рационаллик* мезонларига жавоб берувчи *рационал мақсадли феъл-атвори*ни таъкидлаш лозим.

Мақсадли рационал феъл-атвор шаклланишининг асослардан бири атроф-муҳит предметлари ва одамларнинг феъл – атворини кутилаётган воқеликка нисбатан мос равишда айта олишдир. Индивид томонидан қабул қилинадиган қарорлар хатарининг ҳамкор фаолияти асосида аниқланган вазиятлари кутилаётган воқеликка контрагент ҳаракатларининг мос бўлиши учун ўта аҳамиятлидир. Ўзаро боғлиқлар шароитида индивидлар ўртасидаги муносабатларни тартибга солувчи норма сифатидаги ишонч бўлган тақдирда мақсадли рационал ҳаракатга эришилади. Индивидга ўз ҳаракатини бошлашдан олдин атрофдаги ҳаракатлар аниқ бўлиб, индивид танловига айрим атрофдаги ҳаракатлар бўйича кутилишларнинг таъсир қилишига ишонч дейилади. Бозордаги битим билан индивидуаллашмаган ишонч ўртасидаги боғлиқлик олдиндан тўловларнинг амал қилишида намоён бўлади. Бу энг оддий бозор битими ҳисобланади. Иқтисодийети ривожланган малакатларда ишончнинг индивидуаллашмаганлиги бўйича ўтказилган сўровларга жавоблар (Дания-94 %; Германия-90 %; Франция-84%)да юқори натижалар олинган.

Бозор конституциясининг яна бир нормаси эмпатия бўлиб, бунда индивид ўзини ҳамкор ўрнига қўйиб кўради ва унинг барча кечинмалари, қизиқишлари ва мўлжалларини бозор субъекти сифатида ўзидан ўтказишга ҳаракат қилади. Айрим шахслар доираси билан чекланмаган эмпатия индивиднинг ўз ҳаракатларида эркинликка чиққани билан боғлиқ. Инсоннинг фаолияти қанча эркин бўлса, у атрофдагиларнинг ҳаракатини шунча яхши тушунади ва уни олдиндан айта олади. Бу эркинлик нормасининг рационал асосланган мақсадга эришишда тўсиқ эмас, балки муваффақият шартига айланишини таъминлайди. Сўнгги норма легализм бўлиб, бунда қонунни ҳурмат қилиш ва ўз ихтиёрига кўра, унга бўйсиниш тушунилади. Бу норма айни чоғда, мулккий ҳуқуқларнинг самарали ҳимоя қилинишига ҳам йўл очади. Юқорда баён этилганлардан шу нарса келиб чиқадики, бозор конституцияси нормаларида ҳам айрим нуқсонлар мавжуд бўлгани ҳолда, уларнинг ўзаро боғлиқ тарзда амал қилиши тизимнинг мунтазам такомиллашувида хизмат қилади.

4. Мулкчилик ҳуқуқларини иқтисодий асослаш

Индивидлар учун мулкчилик ҳуқуқларини ўрнатиш ҳамда ушбу ҳуқуқларга уларнинг амал қилиш зарурати қонунга ихтиёрий бўйсунуш нормалари билан ўзаро узвий боғланган. Мулкчилик ҳуқуқлари индивидлар ўртасида юзага келадиган ўзаро муносабатлардаги ноаниқликни камайтирувчи институтлардан бири ҳисобланади.

Мулкчилик ҳуқуқларини таҳлил қилиш учун иккита фермер ўз подаларини бири паст ҳосилдор бўлган иккита яйловда ўтлатиши мисолини кўриб чиқамиз [47]. Берилган ҳолатга кўра, ем-ҳашак заҳиралари ушбу яйловларнинг ҳар бирида бир вақтнинг ўзида иккита подани ўтлатиш имконини бермайди.

Фермерларнинг яйловларан фойдаланиш имкониятлари

Кўрсаткичлар		2-фермер	
		Биринчи яйловда ўтлатиш -P ₂	Иккинчи яйловда ўтлатиш-1- P ₂
1-фермер	Биринчи яйловда ўтлатиш - P ₁	2; 2	8; 4 [N ₂ P ₂ P St ₁]
	Иккинчи яйловда ўтлатиш -1- P ₁	4; 8 [N ₁ P ₁ St ₂]	1; 1

Ушбу ҳолатда Парето бўйича оптималлик нуқтаи назаридан иккита бир хил якун (4; 8) ёки (8; 4) мавжуд. Якунлардан бирини қайд этувчи институционал қарорлар бир нечта бўлиши мумкин. Улардан энг оддийси яйловдан фойдаланишдаги устуворликни унга биринчи бўлиб ўз подасини олиб келган фермерга берувчи қондани қўллашдан иборат. Келиш тартиби бўйича ноёб ресурс (яйлов)ни тақсимлаш – навбат институти фаолият кўрсатишининг асосида ётувчи тамойиллардан бирини акс эттиради. Бироқ навбат институтидан фойдаланиш подани қайси яйловга олиб бориш тўғрисида қарор қабул қилиш вақтида фермерларнинг иккиланишини камайтирмайди, балки оширади. Бундан ташқари, иккиланиш ундан кейин ҳам ҳар сафар яйловни танлашда такрорланади.

Яйловда мулкчилик ҳуқуқларининг ўрнатилишигина масалани ҳал этишнинг муқобил варианты бўлади. Масалан, 1-фермер биринчи яйловнинг, 2-фермер эса иккинчи яйловнинг мулкдори ҳисоблансин. Ҳатто фермерларнинг нафлилиги нуқтаи назаридан бундай қарорнинг номуносивблигини ҳисобга олган ҳолда, *иккаласининг* ҳам манфаатлари йўлида мулкчилик ҳуқуқларини тан олиш ва ҳурмат қилиш лозим. Кам ҳосилли яйловни олувчи иккинчи фермернинг мулкчилик ҳуқуқлари жорий этилгунга қадар ва ундан кейинги нафлилигини таққослайлик.

Мулкчилик ҳуқуқлари ўрнатилгунга қадар иккинчи фермер, агар у подасини биринчи яйловга олиб борса, $2P_1 + 8(1 - P_1) = 8 - 6P_1$ га, агар у подасини иккинчи яйловга олиб борса, $4P_1 + 1(1 - P_1) = 3P_1 + 1$ га эга бўлади. Сўнгра, иккинчи фермер томонидан биринчи яйловнинг танланиши эҳтимолини ҳисобга олган ҳолда, $P_1, EU = P_2(8 - 6P_2)(3P_1 + 1)$ га, оддий ҳолатда $P_1 = P_2 = 1/2$ га эга бўламиз, бу $EU = 3,75$ ни беради. Мулкчилик ҳуқуқлари ўрнатилганидан кейин эса иккинчи фермерга 4; яъни, $4 > 3,75$ га тенг бўлган ютуқ қафолатланган.

Иккала фермер ҳам бир вақтнинг ўзида битта яйловдан фойдаланган ҳолларда паст ютуқларга эришишига алоҳида эътиборни қаратиш лозим. Мазкур ҳолат очик фойдаланишда бўлган ресурсларни нооқилона истеъмол қилишда ўз аксини топадиган «жамоат мулки фожиасини» намоён этади. Бундай ресурслардан фойдаланишнинг хусусий ва жамоат сарф-харажатларининг номувофиклиги уларнинг тугашига олиб келади. Бошқача айтганда, ресурсга нисбатан мулкчилик ҳуқуқлари аниқ ўрнатилмаган ҳолларда унинг истеъмол қилиниши салбий ташқи таъсирлар ёки экстерналларнинг пайдо бўлиши билан боғлиқ. Яна мисол тариқасида иккала фермер томонидан бир вақтнинг ўзида бир яйловдан фойдаланилишини тасвирловчи ҳолатни кўриб чиқаймиз. Мисолда ишлаб чиқаришнинг фақат иккита омили – фермерларнинг ери ва меҳнати ҳисобга олинсин.

Фараз қилайлик, яйловга қўшимча меҳнат бирлиги сарфланган, яъни биринчи фермер эгаллаган яйловга иккинчи фермер ўз подасини олиб келди. Ушбу ҳолатда қўшимча меҳнат сарфининг самараси пасаяди. Ишлаб чиқариш (етиштириш) умумий ҳажми ошгани ҳолда қўшимча меҳнат қилган фермернинг манфаатдорлиги пасаяди ва ўртача маҳсулотнинг камайиши юз беради. Агар яйлов хусусий мулкчиликда бўлса, у ҳолда мулкдорнинг шахсий сарф-харажатлари кўпроқ самара келтиради ва рента энг юқори бўлади. Агар яйлов умумий фойдаланишда бўлса, меҳнат сарфи самарадорлигининг даражаси пасайиб, рента йўқолади. Юқорида баён этилганларга якун

ясаб, таъкидлаш лозимки, мулкчилик ҳуқуқларининг ўрнтилиши камида иккита сабабга кўра иқтисодий агентлар манфаатларига мос келади, яъни уларнинг ўзаро ҳамкорлигидаги ноаниқлик (иккиланиш) камаяди ва ресурслардан фойдаланиш оптималлашади.

Хулоса

Нормалар индивидларнинг ўзаро мувофиқ муносабатлари барқарорлигининг асосий кафолати ҳисобланади. Иқтисодиёт конституцияси деб индивидларнинг иқтисодий фаолият кўрсатишини таъминловчи нормалар тизимига айтилади. Буйруқбозлик ва бозор тизимларида иқтисодиёт конституциясининг нормалари ўзаро зид ҳолда амал қилади. Буйруқбозлик иқтисодиётининг нормалар (оддий утилитаризм, максимал индивидуаллаштириш, «сен – менга, мен - сенга», қонунга тилда буйсуниш) тизими сурункали тақчиллик, яъни ресурсларнинг етишмаслигини намоён этади. *Бозор конституцияси* – бозорда битимларни амалга ошириш ва унда мувозанатга эришиш имконини берувчи хатти-ҳаракатларнинг ўзаро шартланган нормалари (мураккаб утилитаризм, рационал мақсадли феъл-атвор, деперсонификацияланган ишонч, эмпатия, легализм) йиғиндисини ташкил этади.

Такрорлаш учун саволлар

1. Иқтисодиёт конституцияси тушунчасининг моҳиятини шарҳланг.
2. Агар буйруқбозлик иқтисодиёти ҳатто сурункали тақчиллик мавжуд бўлганда ҳам барқарор ҳолатда турувчи тизимни ўзида намоён этган бўлса, у ҳолда ўтиш иқтисодиётининг туб беқарорлигининг сабаблари нимада?
3. Буйруқбозлик иқтисодиётининг унсури ҳисобланган утилитаризм нормаси утилитаризмнинг бозор нормасидан нима билан фарқ қилади?
4. Америкалик машҳур сиёсатшунос ва иқтисодчи Фрэнсис Фукуяма ўзининг сўнгги китобларидан бирида бозор иқтисодиётидаги кўтарилиш ва пасайишларни унинг субъектлари ўртасидаги ишонч орқали кўриб чиқади. Бундай ёндашув қанчалик асосли?

5-мавзу. Трансакция ва трансформация харажатлари ҳамда уларни таҳлил қилишга нисбатан ёндашувлар

Режа

- 1. Трансакция харажатлари ва уларни таҳлил қилишга нисбатан Коуз-Уильямсон ёндашуви**
- 2. Трансформация харажатлари ва уларни таҳлил қилишга нисбатан Норт ёндашуви**
- 3. Трансакция харажатларини оптималлаштириш тажрибаси**

Таянч сўз ва иборалар: трансакция харажатлари, Коуз – Уильямсоннинг трансакцион ёндашуви, Норт ёндашуви, Трансформация харажатлари, мулоқот тузиш харажатлари, ўлчаш харажатлари.

1. Трансакция харажатлари ва уларни таҳлил қилишга нисбатан Коуз-Уильямсон ёндашуви

Тадбиркорлик фаолиятини юритувчи иқтисодиёт субъектлари (юридик ва жисмоний шахслар) фаолияти жараёнида мулкчилик ҳуқуқни алмашиши (шартномалар асосида маҳсулотни сотиш ёки сотиб олиш ва шу каби бошқа ҳолатларда), бошқа шахслар томонидан мулкга нисбатан ноқонуний хатти-ҳаракатлар содир этилган шароитларда уни химоя қилиш ёки иқтисодий ислоҳотлар жараёнида аввал фаолият юритиб турган институтларни ва нормаларни янгилари билан алмаштириш зарурияти юзага келади. Шундай вазиятларда тадбиркор ёки давлат томонидан турли харажатлар қилишга зарурат пайдо бўлади. Бундай харажатлар хорижий манбаларда “трансакция харажатлари” тушунчаси билан юритилади ва у институционал иқтисодиёт назариясининг таркибий қисмларидан бири сифатида институтлар билан бир қаторда унинг категорияси ҳисобланади.

Трансакция харажатлари тушунчаси билан бир қаторда трансформация харажатлари тушунчаси ҳам мавжуд бўлиб, ушбу тушунчаларни тўғри англаб етиш уларни таҳлил қилиш учун муҳим аҳамиятга эга.

Трансакция харажатлари тушунчасини қўллаган ҳолда дастлабки тадқиқотлар Р.Коуз [42] томонидан фирмалар фаолиятини таҳлил қилиш учун ўтказилган. Бунга 1960-йилларда саноати ривожланган етакчи мамлакатларда ижтимоий-иқтисодий муаммоларнинг кескинлашуви сабаб бўлган. Ягона ҳўжалик тизимини яратишга бўлган интилиш, меҳнат тақсимотининг чуқурлашуви, мулкнинг янги турлари, масалан интеллектуал мулкнинг пайдо бўлиши, мулк ҳуқуқларининг алоҳида ваколатларга бўлиниб кетиши – буларнинг барчаси трансакция харажатларининг сезиларли даражада ўсишига олиб келди.

Трансакция харажатлари назарияси доирасида ўтказиладиган тадқиқотларни микро ва макродаражаларга бўлиш мумкин. Микродаражада гап жараёнларни корхона (фирма), алоҳида иқтисодий субъектлар даражасида таҳлил қилиш ҳақида, макродаражада эса умуман иқтисодий тизимни таҳлил қилиш ҳақида боради. Ушбу таҳлил қилиш белгисига мувофиқ трансакция харажатлари назариясида иккита ёндашув мавжудлигини изоҳлаш мумкин: биринчиси, Коуз – Уильямсоннинг трансакцион ёндашуви (барқарор фаолият кўрсатувчи институтларни таҳлил қилиш учун) ва иккинчиси Нортнинг трансформацион ёндашуви (институционал ўзгаришларни таҳлил қилиш учун).

Бундай ёндашувлар ўтиш иқтисодиётига эга бўлган мамлакатларда трансформацион жараёнларнинг институционал жиҳатларини тадқиқ этиш имконини беради. Хусусан биринчи ёндашувни давлат ва хусусий мулкчилик тузилмаларининг самарадорлигини қиёсий таҳлил қилиш, норасмий институтларнинг шаклланиш жараёнларини, жамият ва иқтисодиётнинг криминаллашувини изоҳлаш учун, иккинчи ёндашувни эса буйруқбозлик тизимидан бозор иқтисодиёти тизимига ўтишнинг институционал сабабларини, ўтиш иқтисодиётига эга бўлган мамлакатларда ислоҳотлар жараёнларининг бориши ва натижаларини таҳлил қилиш учун қўллаш мумкин.

Трансакция харажатларини иқтисодий таҳлилга киритиш, Р.Коузнинг фикрига кўра, бозорга қарама-қарши бўлган фирма каби ўзини-ўзи онгли равишда назорат қилиш имконига эга бўлган “оролчалари”нинг мавжуд эканлигини тушунтириш учун зарур бўлган.

Ўзининг “Фирма табиати”, деб номланган мақоласида (1937) Р.Коуз трансакция харажатларини “нархлар механизмидан фойдаланиш харажатлари”, “очиқ бозорда алмашув трансакцияларини амалга ошириш харажатлари” ёки “бозор харажатлари” сифатида белгилаган. Кейинчалик “Ижтимоий харажатлар муаммоси” мақоласида (1960) Р.Коуз “бозор трансакция харажатлари” иборасидан фойдаланган. Уларнинг моҳиятини у қуйидагича ифодалаган: “бозор трансакциясини амалга ошириш учун ким билан битим тузиш маъқуллигини аниқлаб олиш, ким билан ва қандай шартларда битим тузишни истаётганлиги ҳақида барчага маълум қилиш зарур, дастлабки музокараларни ўтказиш, шартномани тайёрлаш, шартнома шартларининг бажарилишига ишонч ҳосил қилиш учун маълумотларни йиғиш ва ҳоказолар”¹².

Аммо, иқтисодиёт адабиётида “трансакция харажатлари” ибораси мустаҳкам ўрин эгаллаган. Бунда трансакция харажатларига берилган қуйидаги таъриф кенг тарқалди: “трансакция харажатлари – ахборотни йиғиш ва қайта ишлаш харажатлари, музокаралар олиб бориш ва қарорлар қабул қилиш, шартноманинг бажарилишини назорат қилиш ва юридик ҳимоялаш харажатлари”.

Илмий манбаларда берилган таърифларга мувофиқ трансакция харажатларини қуйидаги тарзда таснифлаш мумкин:

- 1) ахборотни излаш харажатлари (нархлар, мавжуд товарлар, етказиб берувчилар ва истеъмолчилар тўғрисида ахборотни йиғиш ва қайта ишлаш учун сарфланган вақт);
- 2) музокаралар олиб бориш харажатлари;
- 3) алмашувга кирган товарлар ва хизматларнинг миқдори ва сифатини ўлчаш харажатлари;
- 4) тафсирлаш ва мулкый ҳуқуқларни ҳимоялаш харажатлари;
- 5) оппортунистик хатти-ҳаракатдан ҳимоялаш харажатлари, бунда битим шартларини бузувчи ёки бир томонлама фойда олишга йўналтирилган ноинсофлик хатти-ҳаракат тушунилади.

Трансакция харажатларини таснифлашга нисбатан турлича ёндашувлар мавжуд. Таснифлашни битимни тузиш босқичларига мувофиқ амалга оширган маъқул. О.Уильямсон трансакция харажатларини битим тузилгунча ва битим тузилганидан сўнг юзага келадиган харажатлар, дея таърифлайди. Агар шерикни қидириб топиш, манфаатларни мувофиқлаштириш, битимнинг бажарилишини назорат қилиш битим тузишнинг босқичлари сифатида ажратилса, у ҳолда трансакция харажатларини таснифлаш қуйидаги 5.1-жадвал кўринишга эга бўлади.

5.1.-жадвал

Трансакция харажатларининг таснифланиши

Битим тузилгунча амалга оширилган харажатлар	Битим тузилганидан кейинги харажатлар
Ахборотни қидириб топиш харажатлари - имкониятли шерик ҳақидаги, бозордаги вазият ҳақидаги ахборотни қидириб топиш харажатларини, шунингдек қўлга киритиладиган тўлиқсиз ва номукамал ахборот билан боғлиқ йўқотишларни ўз ичига олади.	Мониторинг ва оппортунизмни олдини олиш харажатлари - битим шартларига риоя этилишини назорат қилиш ва ушбу шартларнинг бажарилишидан бош тортилишини олдини олиш харажатлари

¹² Коуз Р. Фирма, рынок и право. – М.: Дело ЛТД, 1993. – 8-9 б.

Мулоқот юритиш харажатлари - алмашув шартлари, битим шаклини танлаш ҳақида мулоқотлар олиб бориш харажатларини ўз ичига олади	Тафсирлаш ва мулкчилик ҳуқуқларини ҳимоя қилиш харажатлари - судлар, ҳакамлар харажатлари; шартномани бажариш жараёнида бузилган ҳуқуқларни тиклаш учун зарур бўлган вақт ва ресурслар сарфлари, шунингдек мулкчилик ҳуқуқларининг яхши тафсирланмаган ва ишончсиз ҳимоядан қўрилган йўқотишлар
Ўлчаш харажатлари - битим предмети бўлган товарлар ва хизматлар сифатини ўлчаш учун зарур бўлган харажатлар	
Шартнома тузиш харажатлари - битимни юридик ёки хуфёна (норасмий) расмийлаштириш харажатлари	Учинчи шахслардан ҳимоялаш харажатлари - учинчи шахслар (давлат, уюшган жиноятчилик ва ҳ.к.)нинг битим натижасида олинadиган фойдали самара қисмига эътирозларидан ҳимоялаш харажатлари

Трансакция харажатларининг бундай таснифланиши уларни миқдорий баҳолаш масаласига нисбатан микро ва макроиктисодий даражада ёндашиш имконини беради. Масалан, квартирадан фойдаланиш ҳуқуқининг мулкдор томонидан ижарачига топширилишини назарда тутувчи квартирани ижарага олиш бўйича битим тузишда ижарачининг трансакция харажатлари қуйидаги шаклларга эга бўлади (5.2.-жадвал).

5.2.-жадвал

Квартира ижараси бўйича трансакция харажатлари

Харажат мазмуни	Харажат шакли
Ижарага топшириладиган квартиралар, уй-жой бозоридаги нархлар ҳақидаги ахборотни қидириб топиш харажатлари: махсус нашрларни харид қилиш ва эълонлар бўйича қўнғироқлар ёки риэлторлик фирмасига мурожаат этиш;	Пул шаклидаги харажатлар ва вақт сарфлари;
Танланган квартиралар мулкдорлари билан ижаранинг алоҳида шартлари ҳақида мулоқотлар олиб бориш харажатлари;	Воситачи сарфлари ва вақт сарфлари;
Танланган квартираларни бориб қўриш жараёнида уй-жой сифатини баҳолаш харажатлари	Воситачи зиммасига юклатиш мумкин бўлган вақт сарфлари ва транспорт харажатлари
Ижара шартномасини юридик расмийлаштириш, уни нотариал тасдиқлаш харажатлари;	Пул шаклидаги харажатлар;
Мулкдорнинг ижара шартларини ўзгартириш (ижара тўловини ошириш) бўйича оппортунизмни олдини олиш харажатлари;	Вақт ва асаб сарфлари;
Мулкдор ижарачига квартирани сақлаб туриш юзасидан эътироз билдирган ва / ёки шартномани муддатидан олдин бузишни хоҳлаган тақдирда шартнома амал қилиши муддатига берилган фойдаланиш ҳуқуқини ҳимоя қилиш харажатлари	Вақт сарфлари ва судга мурожаат этиш билан боғлиқ пул шаклидаги харажатлар

Шундай қилиб, уй-жойни ижарага олишда юзага келадиган трансакция харажатларини миқдорий баҳолашга ё воситачилик фирмаларининг даромадларини

таҳлил қилиш, ёки ўртача соатлик иш ҳақиға кўпайтирилган бевосита пул харажатлари ва вақт сарфларини қўшиш ёрдамида эришиш мумкин.

Трансакция харажатларининг кўплаб турлари бевосита кузатилмайди ва шунинг учун бундай тоифа харажатлар ҳажми статистик қийин ўлчанади.

Инсонлар ҳамма вақт, ҳеч қандай харажатларни қилмасдан, натижада ишлаб чиқариш қиймати ошиши учун ҳуқуқларни қўлга киритиш, бўлиш ва ўрин алмаштириш тўғрисида келишиб олишлари мумкин. Бу “ноль даражали трансакция харажатлари” деб юритилади ва бу ҳуқуқий чегараларга боғлиқ ҳисобланади.

Ноль даражали трансакция харажатларида ишлаб чиқарувчи шартномаға пировард натижада ишлаб чиқариш қийматини ошириш учун зарур бўлган барча нарсани киритади. Агар трансакция харажатлари мавжуд бўлмаса, фирманинг фаолият кўрсатиши учун ҳеч қандай иқтисодий асос бўлмайди.

Қандайдир баланд трансакция харажатларига эға бўлган аниқ ҳолатда шартномаларнинг кўпчилиги тузилмайди ва амалға оширилмайди. Чунки уларни ижро этишдан келадиган фойда харажатларға қараганда анча кам бўлади. Шу тариқа, трансакция харажатлари амалға ошириладиган трансакциялар сонига таъсир кўрсатади (трансакция – шартнома шаклидаги битим). Шуларни инобатға олганда корхоналар нисбий устунлигини ошириш учун трансакция харажатларини тежаш имкониятларини кидириш зарурдир.

Микродаражада турли хусусий ташкилий тузилмаларда харажатларни таҳлил этишда қуйидаги тамойиллар қўлланилиши лозим:

1. Трансакция (битим-шартнома) – бу таҳлилнинг базавий бирлиги.
2. Ҳар қандай муаммони, бевосита ёки билвосита шартномавий муаммо, деб қараб, уни трансакция харажатларини камайитиш нуқтаи назаридан ўрганиш фойдалидир.
3. Трансакция харажатларини тежашға турли трансакцияларни уларни бошқариш тузилмаларига табақалаштирилган тарзда бириктириш йўли билан эришилади.
4. Ташкилий тузилмани танлаш муқобил вариантларни қиёсий институционал баҳолаш асосида кечади.

Микродаражада трансакция харажатлари – бу корхонада ишлаб чиқариш жараёни билан боғлиқ бўлмаган харажатлар ҳисобланади. Бунда қуйидаги харажатлар, яъни шартнома лойиҳасини тузиш, музокаралар юритиш ва келишув қафолатларини таъминлашда юзаға келадиган харажатлар, шунингдек шартномани самарасиз мослаштириш, унга тузатиш киритиш билан боғлиқ бўлган, шартномани амалға ошириш бўйича танланган йўлда қайтиш, шартномадаги хатолар ва кутилмаган ташқи низолар натижасида юзаға келадиган харажатлар фарқланиш лозим.

Шуни инобатға олган ҳолда, иқтисодиётда институтларни шакллантиришда, улар фаолиятини самарадорлигини оширишда трансакция харажатлари асосий роль ўйнайди. Шу нуқтаи назардан¹³ О.Уильямсоннинг қуйидаги хулосаси диққатға сазовор: “моддий ва хомашёларға кам харажатлар билан кўп маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган жамият эмас, балки маҳсулотни ишлаб чиқаришда трансакция харажатлари улуши паст бўлган жамият ютукға эға бўлади”.

2. Трансформация харажатлари ва уларни таҳлил қилишға нисбатан Норт ёндашуви

Микродаражада трансакция харажатларини таҳлил қилишға нисбатан Коуз – Уильямсон ёндашуви трансакцион ёндашув, деб юритилса, макродаражада Норт ёндашуви трансформацион ёндашув, деб юритилади [46].

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, дастлаб трансформация харажатларини ўрганиш ишлаб чиқариш назарияси доирасида олиб борилган ва харажатларнинг ушбу тури

¹³ Уильямсон О.И. Экономические институты капитализма: фирмы, рынки, «отношенческая контрактация». – СПб.: Лениздат, CEV Press, 1966. –с. 640-641.

кўпинча ишлаб чиқариш харажатлари – материални жисмоний ўзгартириш, бунинг натижасида муайян қийматга эга бўлган маҳсулот олинадиган жараёнидаги харажатларга тенглаштирилган. Ушбу харажатларга нафақат материалга ишлов бериш харажатлари, балки ишлаб чиқариш жараёнини режалаштириш ва мувофиқлаштириш билан боғлиқ харажатлар ҳам киритилган. Шундай қилиб, бундай талқин этишда трансформация харажатлари тушунчаси кенг маъно касб этади, чунки ушбу ишлаб чиқариш харажатларига уларни фақатгина шартли равишда ишлаб чиқариш харажатлари, деб аташ мумкин бўлган трансформация харажатлари ҳам киради.

Мазкур ҳолатда трансформация харажатлари муайян маҳсулотни ишлаб чиқариш билан эмас, балки институционал тизимни ўзгартириш билан боғлиқ. Шундай қилиб, трансформация харажатларига қуйидаги умумий таърифни бериш мумкин: трансформация харажатлари – бу эски институтларни тугатиш, иқтисодий тизимда янги институтларни шакллантириш (ёки импорт қилиш) ва мослаштириш билан боғлиқ харажатлар. Булар таркибига нафақат юқорида санаб ўтилган харажат турлари, балки янги институтлар, шу жумладан янги тадбиркорликни ташкил этиш ва бу фаолиятни юритиш билан боғлиқ бўлган харажатларни ҳам киритиш мумкин.

Трансформацион ёндашувга мувофиқ жамиятдаги эски расмий ва норасмий қоидаларнинг тугатилишига ва янгиларининг белгиланишига олиб келувчи ўзгаришлар трансформация харажатларининг ошишига сабаб бўлади.

Республикамизда амалга оширилган мулкни давлат тасарруфидан чиқариш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, суд-ҳуқуқ тизимини ўзгартириш, янги қонунчилик тизимини барпо этиш, бозор тизимларини шакллантириш ва шу каби бошқа институтларни ташкил этиш билан боғлиқ харажатлар шулар жумласига киради.

Трансформация ва трансакция харажатлари ўртасида фарқ мавжуд бўлишига қарамай, ушбу харажатлар ўзаро узвий боғланган. Т.Эггертссон томонидан ифодаланган қуйидаги фикр унинг моҳиятини очиб беради: агар трансакция харажатлари катта бўлмаса, у ҳолда иқтисодиёт ундаги мавжуд сиёсий ва бошқа институтлар тўпламидан қатъи назар ҳамма вақт оптимал йўналиш бўйича ривожланади. Яъни институционал тизим фаолият кўрсатишининг трансакция харажатлари катта бўлмаганда ҳар қандай ўзгаришларга юқори трансформация харажатларининг таҳдиди тўсқинлик қилади, техник тараққиёт ва (жисмоний ва инсон) капитални жамғариш эса автоматик тарзда иқтисодий ўсишни таъминлайди.

Таъкидлаш лозимки, институционал тизимни ўзгартириш нафақат трансформация харажатларининг ўсишига, балки илгариги тизимда мавжуд бўлмаган бир қатор трансакция харажатларининг пайдо бўлишига ҳам олиб келади.

Юқорида айтилганларнинг барчаси кўп жиҳатдан самарасиз институтларнинг узок вақт мавжуд бўлишини ва иқтисодий ташкилот турғун шакллариининг фаолият кўрсатишини ҳам изоҳлайди.

Ўзгаришларга тўсқинлик қилувчи асосий кучлар Д.Норт томонидан ҳам кўриб чиқилган. Улар жумласига қуйидагиларни киритиш мумкин:

- 1) давлат – агар бу ғазна даромадлари билан харажатлари ўрасидаги фарқни камайтиришга ёрдам берса;
- 2) ўзининг шахсий манфаатларини кўзловчи нуфузли гуруҳлар;
- 3) жамиятнинг унинг аввалги ривожланиш йўналишига боғлиқлигини белгилаб берувчи институционал матрица.

Ўз навбатида, юқори трансформация харажатлари, юзага келган институционал тизимнинг самарадорлигидан қатъи назар, унинг ўзига хос барқарорлаштирувчиси ҳисобланади.

Янада самарали институционал қоидаларнинг жорий этилиши ва институтларнинг ташкил этилиши катта миқдордаги трансформация харажатлари билан боғлиқ, бироқ янги институтлардан (трансакция харажатларини тежашдан) келадиган самара анча катта бўлиши мумкин.

Ислоҳотларга сарфланган маблағлар оддий инвестицияларга қараганда катта хатарлар билан боғлиқ бўлишига қарамай янги институтларнинг кўпроқ самарадорлигини кутиш, шунингдек бошқа мамлакатлар тажрибаси институтларни импорт қилувчи ислоҳотчиларни ҳаракатга келтиради.

Бундай ўзгаришларни трансформация харажатларининг юқори даражасига эга бўлган ўтиш иқтисодиётида ҳам кузатиш мумкин. Ўтиш иқтисодиётида трансформация харажатларига қуйидаги омиллар таъсир кўрсатади:

1. **Ресурсларни инвестициялашнинг анъанавий соҳаларидан янги институтларни барпо этишга йўналтириш.** Эски хўжалик механизмини тугатиш, нархни шакллантириш ва солиқ солишнинг янги усулларига ўтиш, хусусийлаштириш механизмларини яратиш, молия ва банк тизимини тубдан ўзгартириш – буларнинг барчаси ресурсларни инвестициялашнинг анъанавий соҳаларидан четлаштириш билан боғлиқ.

2. **Қайта таъкил қилиш харажатлари.** Унинг иккита жиҳатини фарқлаш лозим. Биринчидан, ислоҳотлар жараёнида эски тизимининг бузилиши янги тизимнинг самарадорлиги намоён бўлгунга қадар юз беради. Бозорни эгаллаб олиш бўйича қатъий курашда иштирок этувчи кўп сонли иқтисодиёт субъектларининг фақатгина бир қисми ўз лойиҳаларини амалга оширади, натижада – жамият йўқотишларга дуч келади. Иккинчидан, мувозанатга томон ҳаракатланиш жараёнида турли субъектлар, шу жумладан давлатнинг ҳам, ҳаракатларининг уйғунлашмаганлиги. Ушбу жиҳат ислоҳотчилар томонидан етарлича баҳоланмаган ва бу ханузгача етарлича ўрганилмаган.

3. **Ўтиш рентасини қайта тақсимлаш харажатлари.** Буйруқбозлик тизимида жамиятдаги мавжуд ресурсларнинг қатъий тартибга солиниши алоҳида гуруҳлар учун имтиёзларнинг пайдо бўлишига олиб келди, бу рента даромади билан бир хил бўлади. Улгуржи ва чакана нархлар, шунингдек ички ва жаҳон нархлари ўртасидаги фарқлар ҳисобидан олинган рентанинг катта қисми давлатга келиб тушиб, турли ижтимоий гуруҳлар ўртасида қайта тақсимланди, уларнинг кичик қисми эса амалдорлар ва хуфёна бозор субъектлар томонига ўтди. Иқтисодиётнинг эркинлаштирилиши ушбу хилдаги рента даромадлари ва суиистеъмол қилиш имкониятларининг йўқолишига олиб келиши лозим.

Трансформация харажатларининг турларини таҳлил қилиш ўтиш иқтисодиётига эга бўлган мамлакатларда уларнинг ўсиши механизмини тушунтириш имконини беради: институтларнинг дастлабки сифати қанчалик ёмон бўлса, уларни такомиллаштириш учун шунчалик кўп инвестициялар йўналтирилади; тизим мувозанатдан қанчалик йироқ бўлса, ўтиш жараёни шунчалик узоқ давом этади ва тугатиш йўқотишлари шунчалик кўп бўлади; мувозанатдан йироқлик ўтиш рентасини қайта тақсимлаш кўламларининг катталигини, демак у учун курашиш оқибатида йўқотишлар катта бўлишини аңлатади. Таъкидлаш лозимки, ислоҳотлар харажатлари ва фойдаси аҳолининг турли гуруҳлари ўртасида нотенг тақсимланади, бу кўп жиҳатдан турли ижтимоий гуруҳларнинг ўзаро ҳамкорлигига боғлиқ бўлган трансформациялар динамикасида ўз аксини топади [103].

Ҳозирги вақтда ўтиш иқтисодиётига эга бўлган мамлакатлар, шу жумладан Ўзбекистонда ҳамда ривожланаётган мамлакатларда юз бераётган кенг кўламли институционал ўзгаришлар муносабати билан катта ҳажмдаги трансформация харажатлари муаммоси ғоят кескин турибди. Бу ўринда трансформация харажатларини қандай қилиб қисқартириш мумкин ва уларни қисқартириб бўладими деган савол туғилади.

Институционал муҳитни сунъий равишда ўзгартиришда (мавжуд институтларни ўзгартиришда ёки мутлақо янги институтларни импорт қилишда) кўп жиҳатдан уларда бундай институтлар жамият эволюцияси жараёнида шаклланган ва муваффақиятли фаолият кўрсатиб турган мамлакатлар тажрибасини пухта ўрганиш трансформация харажатларининг қисқаришига кўмаклашиши мумкин.

Афсуски, трансформация харажатлари муаммосига олимлар ва иқтисодчилар фақат сўнгги йилларга келиб эътибор қарата бошлади ва, трансформация харажатлари ўтиш иқтисодиёти ва ривожланаётган мамлакатлар иқтисодиётининг иқтисодиёт фанида энг зарур ва муҳим унсур ҳисобланишига қарамай, улар кам ўрганилган омил бўлиб қолмоқда.

Шу билан бир қаторда янги институтларини ташкил этишнинг у ёки бу усуллари фойдасига ҳал этиш нафақат уларнинг фаолият кўрсатиш самарадорлиги турлича эканлиги туфайли, балки инсонлар ўртача чамаланган баҳони чиқаришда кўрсаткичларни ўлчашнинг турли усулларида фойдаланиши сабабли ҳам фарқ қилиши мумкин.

Шу нуқтаи назардан трансакция ҳамда трансформация харажатларини ўлчаш муаммоси муҳим аҳамият касб этади. Чунки трансакция харажатлари кўпинча ушбу таркибий қисмнинг ўлчаб бўлинмаслиги билан тавсифланади. Ушбу соҳада тадқиқот олиб борган мутахассислар фикрига кўра, иқтисодий таҳлилга трансакция харажатларининг киритилиши деярли барча ҳодисаларни трансакция харажатларини камайтириш йўли билан эришилган самарадорлик нуқтаи назаридан изоҳлаш имконини берган бўлар эди. Трансакция харажатларини ўлчаш имконини берувчи усулларнинг ишлаб чиқилиши ушбу соҳада эришилган самарали қадам бўлди.

Таҳлилларга кўра, ўлчаш муаммосини шартномалар тузишнинг турли усулларидаги трансакция харажатларини таққослаш йўли билан ҳал этиш мумкин. Бошқарувнинг муқобил аниқ (мавжуд) тузилмаларини таққослашни кўпинча мураккаб математик аппаратни қўлламасдан ёки чегара қийматларни ҳисоблаб чиқмасдан туриб амалга ошириш мумкин. Иккита қийматнинг бир бирига мос келмаганлигини кўрсатиб бериш учун ушбу қийматларнинг чегара қийматлари тенглигига эришиладиган шароитларни аниқлашдаги каби нозик ва мураккаб усуллар талаб этилмайди.

Айрим иқтисодчилар ҳар бир муайян ҳолатда харажатларни аниқ тафсирлашни таклиф этади, масалан, бир ҳолатда – бу хусусий тадбиркорликни ташкил этиш харажатлари (тадбиркорлик шаклини рўйхатдан ўтказиш, лицензия олиш ва ҳ.к.), иккинчи ҳолатда мулкий ҳуқуқларнинг ҳаракатини таъминловчи харажатлар, учинчи ҳолатда шартномаларни тузиш ва ҳимоялаш билан боғлиқ харажатлар, тўртинчи ҳолатда корхона ичида қарорлар қабул қилиш билан боғлиқ харажатлар бўлиши мумкин ва ҳ.к.

Трансакцион ёндашувни қўллашдаги ўзига хос мураккабликлар шундан иборатки, айрим трансакция харажатлари ушбу турдаги харажатларнинг пайдо бўлишига олиб келган трансакцияларнинг мавжуд эмаслиги туфайли тафсирланиши ва ҳисоблаб чиқилиши мумкин эмас. Бундай харажатларнинг ушбу турлари “виртуал харажатлар”, деб аталади.

3. Трансакция харажатларини оптималлаштириш тажрибаси

Ўзбекистонда мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб Президент И.Каримов асослаб берган 5 та тамойил асосида босқичма-босқич олиб борилган бозор ислохотлари натижасида иқтисодиётнинг барча тармоқлари ва соҳаларида хусусий мулкчилик шаклидаги йирик ва кичик бизнес корхоналари ташкил этилиб, уларнинг бошқарув тизими бозор муносабатларига мос талаблар негизида ўзгартирилди. Улар иқтисодиётимизда салмоқли ўрин эгаллаб, ривожланиб бормоқда. Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримовнинг жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозига бағишланган асарида¹⁴ ҳамда 2010 йил 29 январда бўлиб ўтган Вазирлар Маҳкамаси мажлисида сўзлаган нутқида¹⁵ мамлакатимизнинг инқироздан кейинги даврда тараққиётини ва жаҳон бозорларида рақобатбардошлигини таъминлаш бўйича устувор вазифалар белгилаб берилган. Корхоналарда “қатъий тежамкорлик тизимини жорий этиш,

¹⁴ И.Каримов. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Т.: Ўзбекистон, 2009. – 56 б.

¹⁵ И.Каримов. Асосий вазифамиз – Ватанамиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. – Т.: Ўзбекистон, 2010. – 80 б.

ишлаб чиқариш харажатлари ва маҳсулот таннархини камайтиришни рағбатлантириш ҳисобидан маҳсулотлар рақобатбардошлигини ошириш” ана шундай вазифалар жумласига киради. Ушбу вазифаларнинг бажарилиши натижасида амалда саноат тармоқларида ишлаб чиқарилаётган маҳсулот таннархи 18 фоизга, Олмалик кон-металлургия комбинати, “Ўзметкомбинат” акциядорлик ишлаб чиқариш бирлашмаси, “Ўзэлтехсаноат” уюшмаси, “Ўзқурилишматериаллари” компанияси ва бошқа корхона ҳамда тармоқларда 20-25 фоизга камайган¹⁶. Бундай натижалар корхоналар ва улар маҳсулотларининг жаҳон бозорларида рақобатбардошлигини оширишнинг асосий шартлари ҳисобланади.

Маълумки, иқтисодиёт субъектлари сарф-харажатларининг маълум қисмини трансакция харажатлари ташкил этади. Ушбу тоифага кирувчи харажатларни камайтириш иқтисодиётни модернизация қилиш ва ишлаб чиқаришни диверсификациялаш жараёнларида муҳим аҳамият касб этади.

Хорижий экспертларининг фикрига кўра, фирманинг умумий чиқимларидан трансакция харажатларининг улуши улар анъанавий бозорда фаолият кўрсатганда 1,5 фоиздан 5 фоизгачани, янги сотиш бозорларига чиқишда эса 10-15 фоизни ташкил қилади. Ривожланган мамлакатларда трансакция харажатларининг энг катта улуши хўжалик алоқалари субъектлари сонининг ўсиши, демак, улар томонидан амалга ошириладиган трансакциялар сонининг ошиши билан боғлиқ. Ўтиш иқтисодиётига эга мамлакатларда эса, трансакция харажатларининг юқори даражада бўлишига яна бир сабаб – уларда ҳанузгача давлат органлари билан тадбиркорлик субъектлари ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик механизми пухта ишлаб чиқилмаган. Ривожланаётган мамлакатларда муаммо шундан иборатки, давлатнинг суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш харажатларининг асосий қисми иқтисодий субъектнинг зиммасига тушади. Бундан ташқари, трансакция харажатларининг таркибига муайян маҳсулотни сотиш бозорларининг ўзига хос хусусиятлари катта таъсир кўрсатади.

Хорижий манбалар маълумотларига кўра, АҚШ ЯММда хусусий сектор томонидан кўрсатиладиган трансакция хизматларининг улуши 1870 йилги 23 фоиздан 1970 йилда 41 фоизгача, давлат томонидан кўрсатиладиган трансакция хизматларининг улуши 1870 йилги 3,6 фоиздан 1970 йилда 13,9 фоизгача ошган, бу умумий кўринишда 26,1 фоиздан 54,7 фоизгача ўсишни ташкил қилади. Юз йил мобайнида ушбу ўсиш қисми трансакция харажатларининг нобозор соҳадан бозор соҳасига томон силжишини акс эттирди, лекин унинг бошқа қисми эса ресурсларнинг реал инвестиция қилинишини намоён этди.

Ўзбекистонда трансакция хизматлари давлат ва нодавлат секторлари тақшилотлари томонидан олиб борилади. Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, савдо ва инвестициялар вазирлиги, Ўзстандарт, Олий хўжалик суди, Адлия вазирлиги, Давлат божхона қўмитаси ва бошқа давлат органлари экспортчилар шартномаларини рўйхатга олиш, рухсат бериш ва бошқа назорат хизматларини олиб боради. Трансакция хизматларни кўрсатувчи нодавлат ташкилотлари Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси, ахборот-маслаҳат ва консалтинг марказлари, мулкни баҳоловчи ташкилотлар, маркетинг хизматлари ва бошқа идоралар тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш, маслаҳат ва ахборот хизматларни кўрсатади. Таҳлиллар шуни кўрсатадики, тадбиркорга турли трансакция хизматларини кўрсатиш, айниқса уларнинг ўз ишларини очиш билан боғлиқ харажатлар ушбу соҳада хизмат кўрсатувчи давлат сектори тузилмалари зиммасига тўғри келади. Шуларни инобатга олиб, мамлакатимизда Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозига қарши чора-тадбирлар дастури доирасида тадбиркорларга рухсат бериш билан боғлиқ амалда бўлган трансакция харажатлари (тўлов миқдори) қисқартирилди ва улар оптималлаштирилди.

Маълумки, тадбиркор ўз фаолиятини бошлаши учун белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтиши лозим. Бунинг учун тадбиркор давлат рўйхатини юритувчининг

¹⁶ И.Каримов. Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. – Т.: Ўзбекистон, 2010. – 38-б.

хизмати учун, яъни туман хокимлиги бўлинмасига пул тўлаши талаб этилади. Аввал ана шу ҳақ 5 та энг кам иш ҳақи (ЭКИХ) миқдорида бўлган. Ҳозир эса тадбиркор ҳукумат қарорига асосан 2 та ЭКИХ миқдорида пул тўлаб, давлат рўйхатидан ўтади. Ёки тадбиркор рўйхатдан ўтиш учун 140,2 минг сўм тўпланган бўлса, ҳозир бу 56,1 минг сўмгача ёки 60 фоизга камайтирилди. Ушбу амалга оширилган чора туфайли 2009 йилда давлат рўйхатидан ўтган тадбиркорлар сони 2008 йилга нисбатан 6 минг нафардан кўпни ташкил қилди. Шу билан бирга банкда ҳисоб рақами очиш учун тўлов 28 минг сўмдан 14 минг сўмгача камайтирилди. Шунингдек, ер участкаларини расмийлаштириш хизмати харажатлари ҳам 56 фоизга ёки 130 мингдан 58 минг сўмгача қисқартирилган.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, тадбиркор томонидан қурилиш лойиҳаларини амалга ошириш ёки қурилиш ишларини бажариш бўйича танловларда қатнашиш, лойиҳаларни экологик экспертизадан ўтказишга рухсат олиш жараёнлари учун тўланадиган тўловлар суммаси илгари бирмунча баланд бўлган. Масалан, тадбиркор аввал қурилиш архитектура-режа топшириқ тўпламини олиш учун 1 млн. 120 минг сўм маблағ тўлаган, ҳозир эса ушбу сумма 4 баробарга қисқартирилиб, 280,4 минг сўм миқдорида белгиланган. Ёки лойиҳа-смета ҳужжатларини экспертиза қилиш харажати 280,4 минг сўмдан 84,1 минг сўмгача камайтирилган. Шунингдек, экологик экспертиза харажатлари ҳам 701,4 минг сўмдан 28 минг сўмгача ёки 96 фоизга қисқартирилган. Ушбу йўналишда энг катта қисқариш норматив лойиҳаларини экспертизадан ўтказиш бўйича кузатилади, яъни бундай экспертиза учун аввал 2,1 млн. сўм тўланган бўлса, ҳозирда бу кўрсаткич 28,1 минг сўмга тенг ёки қисқариш 99,7 фоизни ташкил этади.

Рухсат бериш жараёнлари харажатларини қисқартириш, ЎзР Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси маълумотларига кўра, лицензия ва рухсатномалар қийматисиз 5,4 млн. сўмдан қарийб 831 минг сўмга ёки 6,1 мартага пасайтирилган. Жами ҳар битта тадбиркор ҳисобига иқтисод қилинган маблағ 4,2 млн. сўмни ташкил этади.

Шу билан бир вақтда “Ўзтелеком”, “Ўзстандарт”, “Қишлоқхўжаликкимё”, “Ўзагроташсервис” ҳамда қурилиш материаллари ишлаб чиқариш тизимларида 30 тадан ортиқ монопол маҳсулот ва хизматларнинг қийматини (нархини) пасайтириш чоралари амалга оширилди. Жумладан, интернет провайдерлар учун техник биноларни ижарага олиш нархи 20 фоизга, уларга техник хизмат кўрсатиш 10 фоизга камайтирилган. Шунингдек, “Ўзстандарт” тизимида синов ўтказиш, метеорология хизматлари, сертификат бериш, калибровка қилиш, сифат тизимини жорий этиш, сертификатлаш хизматларини кўрсатишнинг ўртача нархи 12 фоиздан 20 фоизгача пасайтирилган. “Ўзагроташсервис” уюшмаси тизимида 1 гектар майдондаги ғаллани ўриб-йиғиб олишнинг ўртача нархи 91,3 минг сўмдан 63,2 минг сўмга ёки 30,7 фоизга пасайтирилган. “Чирчиққишлоқхўжмаш” заводида ишлаб чиқариладиган пулуг нархи 6,5 фоизга, “Жиззахпластмасса” заводининг полиэтилен пленкаси нархи 10,7 фоизга пасайтирилган. Қурилиш индустрияси корхоналарида ишлаб чиқариладиган темир-бетон, шифер, электрод, ғишт ва шу каби бошқа материаллар нархи 11 фоиздан 34 фоизгача камайтирилган.

Тадбиркорларга рухсат бериш учун тўлов харажатларини қисқартириш билан бирга кўплаб чекловлар ва рухсатномаларнинг амал қилиш муддатлари ҳам қайта кўриб чиқилган. Жумладан, илгари маҳсулотлар гигиеник сертификатининг амал қилиш муддати 3 йил белгиланган бўлса, ҳозирда бу чеклов муддати бекор қилинган. Фитосанитария ҳулосаларни бериш муддати узайтирилди, иссиқлик ва электр тармоқларига уланиш учун техник шартларни бериш бир ойдан 3 кунга қисқартирилди. Рекламани жойлаштириш тарифлари ўртача 20 фоиздан 30 фоизга пасайтирилди. Электр энергиясидан фойдаланиш учун тузилган шартнома шартларига тадбиркорлар манфаатларидан келиб чиқиб ўзгартиришлар киритишг юзасидан қарорлар қабул қилинди.

Трансакция харажатларини пасайтириш ва улар таркибини оптималлаштириш тадбиркорларни молиявий-иқтисодий салоҳиятини кўтаришнинг таъсирчан йўли бўлиб, у

тадбиркорлар томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотларининг ички ва ташқи бозорларда рақобатбардошлигини оширишга, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилашга кўпроқ ички инвестицияларни ажратишнинг самарали воситаси бўлиб хизмат қилади.

Хулоса

Трансакция харажатлари иқтисодий назарияси унда трансакцияни таҳлил қилишнинг базавий бирлиги сифатида иштирок этадиган иқтисодий ташкилотни ўрганишга нисбатан қиёсий институционал ёндашувни ўзида намоён этади.

Трансакция харажатлари назарияси институционализмнинг таркибий қисмларидан бири ҳисобланади. Трансакция харажатлари эса институтлар билан бир қаторда унинг асосий категориясидир.

Асосий восита сифатида “трансакция харажатлари” категориясини қўллаган ҳолда дастлабки тадқиқотлар фирма фаолиятини таҳлил қилиш учун амалга оширилди ва бу Р.Коуз номи билан боғлиқ.

Трансакция харажатлари назарияси қайсидир маънода неоклассик иқтисодий назария босиб ўтган, фирмани тадқиқ этишдан то иқтисодий тизимни таҳлил қилишгача бўлган йўлни такрорлади.

Трансакция харажатлари – бу мулкчилик ҳуқуқларини алмашиш ва ҳимоялаш билан боғлиқ барча харажатлардир. Трансакция харажатлари пайдо бўлишини изоҳлашнинг камида учта варианти мавжуд: трансакция харажатлари назариясининг ёндашуви, ижтимоий танлов назариясининг ёндашуви ва келишувлар назариясининг ёндашуви. Трансакция харажатларини тавсифлашга нисбатан О.Уильямсон ёндашуви, яъни трансакция харажатларининг битим тузилгунча ва битим тузилганидан сўнг юзага келадиган харажатларга ажратилиши уларни таҳлил қилишнинг асосий усули сифатида қабул қилиниши мумкин.

Такрорлаш учун саволлар

1. “Трансакция харажатлари”га уларнинг моҳиятини тўлиқ очиб берадиган таърифни беринг.
2. Трансакция харажатларининг турларини санаб беринг. Оппортунистик хатти-ҳаракатдан ҳимоялаш харажатлари нима?
3. Трансакция нима?
4. “Трансформация харажатлари”га таъриф беринг. Трансформация харажатлари ишлаб чиқариш ва трансакция харажатлари билан қандай боғланган?
5. Трансакция харажатларини ўлчаб бўладими? Виртуал ва реал трансакция харажатлари нима?
6. Жамият ривожланиши билан боғлиқ ҳолда пайдо бўладиган трансакция харажатларининг янги турларига мисоллар келтиринг.
7. Муайян ҳолатда трансакция харажатларининг алоҳида турларини ҳисоблаш имкониятини баҳоланг.
8. Ўзбекистонда трансакция харажатларини пасайтириш ва улар таркибини оптималлаштириш учун қандай чоралар амалга оширилган.

6-Мавзу. Хуфёна иқтисодиёт

Режа

- 1. Хуфёна иқтисодиётнинг келиб чиқиши сабаблари**
- 2. Хуфёна иқтисодиёт турларининг таснифи ва уни баҳолашга нисбатан ёндашувлар**
- 3. Хуфёна бозор институционал тизим сифатида**
- 4. Жаҳонда хуфёна иқтисодиёт**

ТАЯНЧ СЎЗ ВА ИБОРАЛАР: Хуфёна иқтисодиёт, сохта иқтисодиёт, нолегал иқтисодиёт, рўйхатга олинмаган иқтисодиёт, ҳисобшга олинмаган иқтисодиёт, мафия, “коска”,

1. Хуфёна иқтисодиётнинг келиб чиқиши сабаблари

Норасмий иқтисодиёт билан боғлиқ муаммоларни ўрганиш иқтисодиёт фанида алоҳида ўрин тутади. Бу ҳол музкур фаолиятнинг кенг кўламлилиги ва айни пайтда унинг тўлиқ ҳажини ўлчаб бўлмаслиги билан изоҳланади.

Халқаро валюта фонди (ХВФ)нинг баҳоларига кўра, 2000-2001 йилларда жаҳонда хуфёна фаолиятдан олинган даромад бир йилда 1 трл. доллардан 3 трл.долларгачани ташкил қилди, бу жаҳон ялпи маҳсулотининг 2 фоизидан 3 фоизигачасига тенг кўрсаткичдир.

Сўнгги вақтларда иқтисодиётнинг хуфёна сектори иқтисодчилар, социологлар, сиёсатшуносларнинг диққатини кўпроқ ўзига жалб этмоқда. Хусусан, унинг пайдо бўлиши ва жамиятда янада тарқалиши сабаблари батафсил таҳлил қилинмоқда. Бунда, айниқса, чет элда ва Россияда кўп сонли адабиётларни юзага келтирган янги институционал ёндашувнинг қўлланилиши энг самарали восита ҳисобланмоқда.

Янги институционал ёндашув асосий эътиборни инсоннинг хўжалик фаолиятини белгилаб берувчи ва чекловчи “ўйин қоидалари” билан иқтисодий ривожланиш жараёни ўртасидаги боғлиқликка қаратади. Анъанавий неоклассик назария, ривожланиш жараёнини таҳлил қилаётиб, ишлаб чиқаришни ресурслар (ер, ишчи кучи, капитал) сарфи ва ишлаб чиқариш технологиясини товарлар ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш билан боғловчи тизим сифатида кўриб чиққан ҳолда, уни тор маънода таърифлайди. Институционал ёндашув эса иқтисодиёт билан иқтисодий алмашувда “ўйин қоидалари”ни белгилаб берувчи институтлар ўртасидаги тескари боғлиқликка эътибор қаратган ҳолда, ушбу асосий қоидаларни янада кенгайтиради.

Тадбиркорларнинг ҳаракатлари ўрнатилган “ўйин қоидалари”га мос келиб, улар билан ҳимояланса, иқтисодиёт расмий секторининг унсурлари ҳисобланади. Ва аксинча, ушбу қоидаларга амал қилинмаган ҳолларда, тадбиркорлар иқтисодиёт хуфёна секторининг унсурлари сифатида кўриб чиқилади. Бошқача айтганда, ўрнатилган қоидаларга итоаткорлик “қонуний” иқтисодиётда иштирок этишнинг биринчи даражали мезони ҳисобланса, айни пайтда ўрнатилган қоидаларга амал қилмаслик ёки уларни четлаб ўтиш эса хуфёна иқтисодиётда иштирок этиш мезони ҳисобланади.

Қонуний равишда қайд этилган ҳуқуқларга эга бўлган алмашувнинг юқори даражадаги трансакция харажатлари ҳамма вақт ҳам энг самарали мулкдорларга мулкчиликнинг зарур ҳуқуқларига эгалик қилиш имконини бермайди. Бу ҳол алмашув умуман содир бўлмаётганлигини ва иқтисодий агентлар мулкчилик таркиби нооптималлигича қолишига рози бўлганлигини англатмайди. Аксинча, иқтисодий агентларнинг муқобил қарорни қидириши мулкчилик ҳуқуқларини тафсирлашга ва улар билан хуфёна, яъни давлатнинг иштирокисиз, алмашишни ташкил қилишга уриниши кўринишида амалга оширилади.

Хуфёналик – шахсларнинг кундалик фаолиятни ташкил қилишда мавжуд ҳуқуқ (қонун) нормаларидан фойдаланишдан бўйин товлаш ва ёзилмаган ҳуқуққа, яъни анъаналар ва урф-одатларда қайд этилган нормаларга ҳамда мулкчилик ҳуқуқларини

алмашиш ва ҳимоялаш юзасидан келиб чиққан низоларни ҳал этишнинг ҳуқуқ доирасидан четга чиқувчи механизмларига мурожаат этишидан иборат. Мулкчилик ҳуқуқларини дастлабки тафсирлаш жараёнида давлат уни энг самарали мулкдорларга бера олмайдиган, ҳуқуқлар билан алмашиш эса юқори трансакция харажатлари туфайли мумкин бўлмаган, тақиқланадиган даражадаги танг вазиятдан чиқиш йўли ҳудди шу тариқа топилади.

Мулкчилик ҳуқуқларининг ошкора ва хуфёна тизимлари амалга оширилишига кўплаб мисоллар мавжуд. Маъмурий-буйруқбозлик иқтисодиётида, қонунда мустаҳкамланган «мулкчиликнинг умумхалқ хусусияти»га қарамасдан, асосий ҳуқуқлар ҳам партиявий, ҳам маъмурий (вазирликлар, юқори ташкилотлар) буюрократия қўлида эди. Тегишлича савдолар ва битимлар шаклини ҳосил қилган низоларни ҳал этишнинг муқобил механизмлари ҳам мавжуд эди, бунда алмашув предмети сифатида нафақат товарлар ва хизматлар, балки «жамиятдаги мавқе, ҳокимият ва бўйсунуш, қонунлар ва уларни бузиш ҳуқуқи» ва ҳатто ишлаб чиқариш давлат режалари ҳам иштирок этган.

Перулик олим Эрнандо де Сото тадқиқотларида Лотин Америкаси мамлакатлари мисолида хуфёна иқтисодиёт масалалари жиддий таҳлил этилган. Уларда давлат суд-ҳуқуқ тизими ва у ҳимоя қиладиган мулкчилик ҳуқуқлари алмашувларнинг фақат кичик бир қисми механизмини шакллантиради. Уларда – чакана савдо, жамоат транспорти, қурилиш каби иқтисодиётнинг бир қатор секторлари фаолияти мулкчилик ҳуқуқларининг хуфёна тизимига асосланади. Масалан, Перу пойтахти Лима шаҳрида янги кўп қаватли турар жой биносини қуриш мەрияда рухсат олишдан эмас, балки биринчилик тамойили бўйича қурилиш учун участкани эгаллаб олишдан бошланади. Шу тариқа мулкчилик ҳуқуқларининг ўрнатилиши хуфёна қайд этилган мулкчилик ҳуқуқи даражаси билан эмас, балки ижтимоий санкциялар ва оддий ҳуқуқ билан ҳимояланади.

Иқтисодий фаолиятни хуфёна амалга ошириш, биринчи навбатда, қонун доирасидаги ҳаракат билан, яъни юқори трансакция харажатлари билан боғлиқ. Трансакция харажатларининг таснифига асосланган ҳолда, таъкидлаш лозимки, бунда асосан шартномани тузишдаги юқори харажатлар, мулкчилик ҳуқуқларини тафсирлаш ва ҳимоялаш харажатлари ва учинчи шахслардан ҳимоялаш харажатлари назарда тутилади. Де Сото ушбу харажатларни «қонунга бўйсунуш баҳоси», дея таърифлайди. У куйидагиларни ўз ичига олади:

- қонундан фойдаланиш харажатлари (юридик шахсни рўйхатга олиш, лицензия олиш, банкда ҳисобварақлар очиш, юридик манзилга эга бўлиш ва бошқа расмийликларни бажариш харажатлари);

- қонун доирасида фаолиятни давом эттириш зарурати билан боғлиқ харажатлар (солиқларни тўлаш; меҳнат муносабатлари соҳасида қонун талабларини бажариш (иш кунининг узунлиги, энг кам иш ҳақи, ижтимоий кафолатлар); ошкора суд тизими доирасида низоларни ҳал этишда суд харажатларини тўлаш).

Таъкидлаш жоизки, қонунга бўйсунуш баҳоси нафақат тўғридан-тўғри харажатларни, балки у ёки бу тадбирларни бажариш учун вақт сарфларини ҳам ўз ичига олади. Бунда унинг айнан ушбу таркибий қисми қатор ҳолатларда жуда катта бўлади. Масалан, Лима шаҳрида уй-жойни қуриш учун рухсат олиш тадбири тахминан 4 йилу 1 ой, майда улгуржи бозорини ташкил қилиш учун рухсат олиш 17 йил, кичик дўконни очиш учун рухсат олиш 43 кун вақтни олган. «Учинчи дунё» айрим мамлакатларида юридик шахсни рўйхатга олиш учун талаб этиладиган харажатлар 6.1-жадвалда келтирилган.

Айрим мамлакатларда юридик шахсни рўйхатга олиш харажатлари

Мамлакатлар	Вақт сарфи (кунда)	Пул шаклидаги харажатлар (кутилаётган йиллик фойдага нисбатан %да)
Боливия	15-30	0,3-3
Бразилия	31-60	3-8
Чили	12-65	3-6
Эквадор	60-240	15-24
Мексика	83-240	-
Уругвай	75-90	6-160
Гватемала	179-525	4-9
Венесуэла	170-310	6-24

Россияда 1998 йилда корхонани рўйхатга олиш учун вақт сарфи унчалик катта эмас, лекин шу билан бирга қонун доирасида фаолиятни давом эттириш харажатлари тақиқланадиган даражада юқори бўлган. Биринчи навбатда, бу солиқ тўловларига тааллуқли бўлиб, қўшилган қиймат солиғи 20 фоизни, айланмадан тўланадиган солиқ 4 фоизни, фойда солиғининг ўртача ставкаси 35 фоизни, иш ҳақи фондига тўловлар (шу жумладан даромад солиғи ва бюджетдан ташқари фондларга тўловлар) 60 фоизни ташкил қилган. Ушбу рақамларни «учинчи дунё» мамлакатларига ҳос бўлган қонун доирасида фаолиятни давом эттириш харажатлари миқдори билан солиштириш мумкин (6.2-жадвал). Айнан қонунга бўйсунининг юқори баҳоси корхонанинг кундалик фаолият кўрсатишини таъминлаш учун қонун меъёрларини қўллашнинг паст фоизини изоҳлайди.

**Айрим мамлакатларда қонунчилик меъёрларига амал қилувчи корхоналарнинг
улуши (%да)**

Мамлакат- лар	Патент ҳуқуқи	Ер солиғи	Фойда солиғи	ҚҚС	Энг кам иш ҳақи	Меҳнат хавфсизлиги	Иш куни нинг узунлиги	Ижтимоий ҳимоя
Жазоир	м.й.	53	83	83	54	29	30	58
Эквадор	72	м.й.	63	40	87	м.й.	49	36
Ямайка	м.й.	м.й.	м.й.	м.й.	46	27	33	20
Нигер	66	29	9	12	2	7	2	5
Таиланд	м.й.	20	60	м.й.	34	42	33	40
Тунис	85	75	м.й.	м.й.	26	52	60	49
Свазиленд	54	м.й.	16	39	16	19	41	7

2. Хуфёна иқтисодиёт турларининг таснифи ва уни баҳолашга нисбатан ёндашувлар

Турли қонунчилик меъёрларига амал қилинмаслик ҳолатларининг тез-тез учраб туриши хуфёна иқтисодиёт ўлчамининг индикатори бўлиб хизмат қилади. Бироқ, унинг миқдорий ўлчови вазифасини ҳал этишга киришишдан олдин хуфёна иқтисодиётнинг турли унсурларини таърифлаш лозим. Умуман олганда хуфёна иқтисодиёт – унда иқтисодий фаолият қонун доирасидан ташқарида амалга ошириладиган, яъни битимлар қонундан, ҳўжалик турмушининг ҳуқуқий меъёрлари ва расмий қоидаларидан фойдаланилмаган ҳолда амалга ошириладиган соҳа. Хуфёна иқтисодиёт бир нечта унсурдан таркиб топади.

Хуфёна иқтисодиётнинг машҳур иқтисодчи Э.Файг¹⁷ томонидан таклиф этилган таснифи диққатга сазавордир.

Файгнинг фикрига кўра, ҳар бир алоҳида хуфёна иқтисодиёт турининг тафсифи унинг вакиллари бузадиган институционал қоидалар тўплами билан белгиланади, яъни уларнинг фаолияти қоидалар ва нормаларнинг ўрнатилган тизими доирасидан ташқарига чиқади ёки уни четлаб ўтади ва, ўз навбатида, ўлчанмайди ва ижтимоий жиҳатдан ҳисобга олинмайди.

У ёки бу ҳолатда қанақа қоидаларнинг бузилиши хуфёна иқтисодиёт турларини фарқлаш мезони ҳисобланади. Ушбу мезондан таснифлаш тизими учун асос сифатида фойдаланган ҳолда, Э.Файг хуфёна иқтисодий ҳаракатларнинг тўртта хилини ажратади: нолегал (махфий, яширинча), ҳисобга олинмаган, рўйхатга олинмаган ва норасмий иқтисодий фаолият.

1. Нолегал иқтисодиёт. Нолегал иқтисодиёт тижоратнинг қонуний шакллари соҳасини белгилаб берувчи, юридик нормативларни бузувчи иқтисодий фаолият томонидан ишлаб топилган даромаднинг синоними сифатида иштирок этади. Нолегал тадбиркорлар тақиқланган товарлар ва хизматларни ишлаб чиқаришда ва уларни тақсимлашда иштирок этади (гиёҳвондлик моддаларини ноқонуний ишлаб чиқариш, чайқовчилар томонидан валюта айирбошланиши ва ҳ.к.). Бундай тақиқланган иқтисодий ҳаракатлар, қонунни четлаб ўтган ҳолда, фойдали даромад манбаи ҳисобланади. Шунингдек, сиёсий, иқтисодий ва юридик муассасалар барқарорлигига путур етказишга хизмат қилади.

2. Ҳисобга олинмаган иқтисодиёт. Ҳисобга олинмаган иқтисодиёт институционал жиҳатдан ўрнатилган, солиқ кодексида қайд этилган фискал қоидаларни четлаб ўтувчи ёки улардан бўйин товловчи иқтисодий фаолиятни ўз ичига олади. Ҳисобга олинмаган иқтисодиётдан олинган даромадлар солиқ органларига хабар қилинмайди. Бунда “солиқ бўшлиғи” – солиқ тушумларини назарда тутувчи сумма билан амалда олинган даромад ўртасидаги фарқ юзага келади.

Ҳисобга олинмаган даромадларни тадқиқ этиш ривожланган мамлакатларда солиқ солиш соҳасидаги турли ўзгаришларга туртки бўлди. Солиқ тўғрисидаги қонунларнинг соддалаштирилиши ва солиқ ставкаларининг пасайтирилиши солиқ солиш базасининг кенгайишига ва солиқ тизими харажатларининг қисқаришига олиб келди. Шу билан бир вақтда ривожланаётган мамлакатларда ҳисобга олинмаган иқтисодиёт, перулик иқтисодчи Э. де Сато “меркантилист тизим” сифатида таърифлаган самарасиз фискал институтлари мустаҳкамланган ҳолда, фаолият кўрсатишда давом этмоқда.

3. Рўйхатга олинмаган иқтисодиёт. Рўйхатга олинмаган иқтисодиёт ҳукумат статистика органларининг талабларига кўра белгиланган институционал қоидаларни четлаб ўтувчи иқтисодий фаолият туридан таркиб топган. Бу ерда давлат миллий статистика тизимида рўйхатга олинмаган даромад суммаси асосий кўрсаткич ҳисобланади. Э.Файгнинг фикрига кўра, рўйхатга олинмаган даромад – бу амалдаги умумий даромад билан статистика тизими томонидан қайд этиладиган даромад ўртасидаги фарқдир.

Ривожланаётган мамлакатларда уйда ишлаб чиқариш рўйхатга олинмаган иқтисодий фаолиятнинг муҳим таркибий қисмларидан бири ҳисобланади. Миллий даромадни ҳисоблаш методикаси уйда ишлаб чиқаришнинг миллий ҳисобга киритилишини назарда тутса-да, мазкур сектор, одатда, уни ўлчашнинг қийинлиги туфайли, эътибордан четда қолади. Э.Файгнинг таъкидлашича, уйда ишлаб чиқаришнинг мавжуд баҳолари шуни кўрсатмоқдаки, у ривожланган мамлакатларда рўйхатга олинган ЯИМнинг 25-50 фоизини ташкил қилади.

¹⁷ Файг Э. Определение и оценка подпольной и неформальной экономики: нео-институциональный подход. –М.: РТТУ, 2000. -147 с.

Таъкидлаш лозимки, ҳисобга олинмаган ва рўйхатга олинмаган иқтисодиёт ўртасидаги фарқ, юқорида келтирилган таърифлардан келиб чиқиб, ғоят шартли. Агар фаолият статистика органлари томонидан рўйхатга олинмаса, у ҳисобга ҳам олинмайди.

4. Норасмий иқтисодиёт. Норасмий иқтисодиёт жамият фойдасини ҳамда мулкчилик муносабатларини, лицензиялашни, меҳнат шартномаларини, молиявий кредитлаш ва ижтимоий суғурталаш муносабатларини тартибга солувчи қонунлар ва маъмурий қоидалар билан белгиланган ҳуқуқларни бузган ҳолда алоҳида харажатларни тежовчи иқтисодий фаолиятни ўз ичига олади. У норасмий фаолият юритувчи иқтисодий агентлар томонидан олинадиган даромадлар билан ўлчанади.

Иқтисодиётнинг ушбу хилига уйда ишлаб чиқаришни киритиш мумкин, чунки иқтисодий нуқтаи назардан у ҳисоблашнинг қийинлиги туфайли ҳисобга олинмайди.

Норасмий секторнинг ҳозирги таърифлари, Э.Файгнинг фикрича, одатда, норасмийликнинг ҳуқуқий концепциясини назарда тутувчи Э. де Сатонинг ғояларини ўзида акс эттиради. Норасмий сектор тўғрисидаги адабиётларнинг катта қисми шаҳар иқтисодиётига бағишланган бўлса-да, албатта, қишлоқ норасмий иқтисодиёти янада катта.

Хуфёна ҳўжалик айланмаси, табиийки, расмий статистикага киритилмаслиги боис, хуфёна иқтисодиёт ўлчамларини баҳолаш муаммоси ўта долзарб ҳисобланади. Ушбу мақсад учун қуйидаги ёндашувлардан фойдаланилади:

- монетар усул, у хуфёна ҳисоб-китобларда фақат нақд маблағлардан фойдаланилиши тўғрисидаги гипотезага асосида курилади (нақд пул массаси ҳаракатининг динамикаси хуфёна иқтисодиётнинг ўлчамлари ҳақида фикр юритиш имконини беради);

- харажатлар ва даромадлар баланслари усули, унда декларация қилинадиган даромадлар харажатлар суммаси, товарлар ва хизматлар истеъмолининг реал ҳажмлари билан таққосланади;

- бандликни таҳлил қилиш, у шуни назарда тутадик, узоқ вақт мобайнида сақланиб келаётган рўйхатга олинмаган ишсизликнинг юқори даражаси хуфёна секторда бандлик учун кенг имкониятлар мавжудлигидан далолат беради (рўйхатга олинмаган ишсизлар сони хуфёна иқтисодиётнинг ўлчамларидан билвосита далолат беради);

- технологик коэффициентлар усули, у харажатларнинг маълум технологик коэффициентлари асосида маҳсулот ишлаб чиқаришнинг реал ҳажми ҳақидаги маълумотларни олиш имконини беради (масалан, истеъмол қилинадиган электр энергиясининг динамикаси ва декларация қилинадиган маҳсулот ишлаб чиқариш динамикаси тўғрисидаги маълумотлар таққосланади);

- уй ҳўжаликлари ва корхоналар раҳбарлари ўртасида сўров ўтказиш усули, у хуфёна иқтисодиётнинг ўлчамига эксперт баҳоларини беради;

- социологик усул, у хуфёна битимлар амалга ошириладиган алоҳида меъёрларни, уларнинг жамиятда тарқалганлигини, битимларни тузишда қанчалик қўлланишини таҳлил қилишдан иборат.

Ёритилган ёндашувларнинг турли хиллиги сабабли олинадиган натижаларни кўпинча таққослаш қийин бўлса-да, хуфёна иқтисодиёт миқдорининг айрим баҳоларини келтириш мумкин: (ЯИМга нисбатан фоиз ҳисобида): Италия - 15-30, Бельгия - 4-13, Швеция - 0,5-17, Буюк Британия - 2-16, Франция - 15, США - 3-28, Перу -27-28. Россияда 80-йилларнинг охирида ЯИМнинг 20 фоизга яқини, 1996 йилда 23 фоиз.

Юқорида айтиб ўтилганидек, қонунга бўйсунининг юқори баҳоси ва хуфёна иқтисодиётнинг катта ўлчамлари ўртасида тўғридан-тўғри боғлиқлик мавжуд. Бирок хуфёна режимда алмашувларни амалга ошириш ҳам харажатлар билан боғлиқ. Харажатларнинг бир турида тежалишга эришган хуфёна иқтисодиётда фаолият юритувчи субъектлар бошқа харажатларни кўпроқ амалга оширишади – улар «хуфёналик баҳоси»ни тўлашга мажбурдирлар. Хуфёналик баҳоси бир неча унсурлардан таркиб топади.

Ҳуқуқий қоидалардан бўйин товлаш билан боғлиқ харажатлар қуйидагиларни ўз ичига олади: солиқ ва бошқа молиявий маслаҳатчилар хизматларига ҳақ тўлаш; ишлаб

чиқариш ҳажмининг чекланиши ва реклама натижасида йўқотилган фойда (корхона қанчалик катта бўлса ва у реклама кампаниясини қанчалик фаол юритса, назорат қилувчи органларнинг эътибори доирасига тушиш имконияти унда шунчалик катта); «иккиёқлама» бухгалтерияни юритиш харажатлари ва шу муносабат билан юзага келадиган корхонадаги ҳисоб юритиш ва назорат қилишдаги қийинчиликлардан кўриладиган йўқотишлар.

Даромадлар трансферти билан боғлиқ харажатлар. Ҳатто солиқлар тўлашдан бош тортувчи иқтисодий субъектлар ҳам ўз фаолиятдан фойдали самарани давлат билан баҳам кўради, бироқ бунда улар бунинг эвазига давлатдан ҳеч нарса олишмайди. Гап шундаки, барча иқтисодий субъектлар билвосита солиқлар ва инфляция солиғини тўлашади (биринчи навбатда бу хуфёна алмашувлар чоғидаги мутлақ нақд пулларга тааллуқли). Лекин трансфертлар бир томонлама хусусиятга эга – ошкора иқтисодий субъектлардан фарқли ўлароқ, хуфёна иқтисодий субъектлар бузилган мулкчилик ҳуқуқларини ҳимоялаш юзасидан давлатга мурожаат эта олишмайди. Бунга, шунингдек, кредит олиш билан боғлиқ қийинчиликларни ҳам кўшимча қилиш лозим – чунки ўз фаолиятини яширувчи субъектлар ўзининг кредитга лаёқатлилигини бухгалтерия балансида асослай олишмайди.

Солиқлар ва иш ҳақига ҳисоблаб ёзишлардан бош тортиш билан боғлиқ харажатлар. Даромад солиғи, ижтимоий суғурта фондига ва пенсия жамғармасига мажбурий тўловлардан бош тортиш корхонага иш ҳақини тўлашга тежаш имконини беради, лекин бунда меҳнатнинг ўрнини сармоя билан босиш ва техника билан қайта жиҳозлашдан манфаатдорликни пасайтиради. Арзон меҳнат корхонани «йўлдан оздиради». Бундан ташқари, кўшилган қиймат солиғини ундириш тадбири хуфёна фаолият соҳасини фақат ишлаб чиқариш занжирининг четки бўғинлари – чакана савдо ва хомашёга ишлов беришнинг бошланғич босқичлари билан чеклайди. Чунки ишлаб чиқариш жараёнининг айнан бошланғич босқичларида ҚҚСни тўламасликдан кўриладиган фойда энг кўп миқдорга етади, айти пайтда оралиқ босқичларда оралиқ маҳсулотнинг хуфёна ётказиб берувчилари ошкора ётказиб берувчиларга қараганда ютказиш ҳолатига тушиб қолишади.

Қонуний қайд этилган мулкчилик ҳуқуқларининг мавжуд эмаслиги билан боғлиқ харажатлар. Мулкчилик ҳуқуқларини хуфёна тафсирлаш фақат ижтимоий санкциялар ва муносабатларни индивидуаллаштириш йўли билан ижтимоий тузилмалар доирасида амалга оширилиши мумкин. Мулкчилик ҳуқуқлари ошкора (фуқаролик келишуви асосида) эмас, балки ижтимоий (анъанавий келишувлар асосида) белгиланади ва ҳимояланади. Шунинг учун фақат барча трансакциялар ижтимоий тузулма - қабила, оила-қариндошчилик ёки кўшни жамоа, миллий доиралар ичида амалга оширилганда, ҳуқуқларни алмашиш ва ҳимоялаш харажатлари жуда паст бўлади. «Четдан» инсон иштирокидаги ҳар қандай битимда мулкчилик ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг иқтисодий механизмлари амал қилмай қолади. Демак, ҳуқуқлар фақат улар ичида энг юқори нархни тўлашга тайёр бўлган (яъни энг самарали ҳуқуқ эгаси) харидор топилиши шарт бўлмаган инсонларнинг қатъий чегараланган доирасига мумкин. Коуз теоремасининг бажарилмаслигидан ташқари, мулкчилик ҳуқуқларини капиталлаштириш, ҳуқуқларни эркин ўтказишнинг иложсизлиги ҳам маълум шахслар доираси томонидан ҳуқуқлар билан алмашувни чеклашнинг натижаси ҳисобланади (ўзбошимчалик билан эгаллаб олинган ер участкасини сотишнинг иложи йўқ). Де Сото хуфёна қайд этилган мулкчилик ҳуқуқларини таърифлаш учун «жонсизлантирилган капитал» атамасидан фойдаланади: ушбу капиталдан гаров сифатида фойдаланиш, уни гаровга инвестиция қилиш, эркин сотиш, баъзан эса шунчаки мерос қилиб қолдириш мумкин эмас.

Шартнома тизимидан фойдаланишнинг имконсизлиги билан боғлиқ харажатлар. Шартномаларни тузишнинг хуфёна тадбири унда кўплаб иқтисодий субъектлар иштирок этадиган узоқ муддатли лойиҳаларнинг амалга оширилишини қийинлаштиради. Чунки узоқ муддатли лойиҳага маблағлар қўйишга ундовчи омил бўлиб унда иштирок этувчи инсонларнинг шахсий нуфузи эмас, балки нима бўлишидан қатъи назар сармоядорларнинг

ҳуқуқлари ҳимояланишига ишонч ҳисобланади. Ҳақиқатдан ҳам, шартномани қайта кўриб чиқиш зарурати туғилган ҳолларда иштирокчилар битимнинг томонларнинг ҳеч бири ундан манфаатдор бўлмаган барча икир-чикирларига эътибор қаратиши лозим бўлган суд ёки арбитражга мурожаат эта олишмайди.

Хуфёна битимнинг мутлақ икки томонлама хусусияти билан боғлиқ харажатлар. Фаолиятни ва унинг натижаларини қонундан яширишга уриниш хуфёна битим иштирокчилари доирасини мумкин қадар чеклашга ундайди. Хуфёна битим кўпроқ икки томонлама хусусиятга эга. Битимдан манфаатдор бўлган учинчи шахслар (масалан, стихияли юзага келадиган бозорлар яқинидаги мавзелар аҳолиси) унинг иштирокчилари доирасидан чиқарилган ва, демак, уларнинг манфаатлари битимда ҳисобга олинмайди. Бошқача айтганда, зарарли фойдаланиш ҳуқуқи, одатда, хуфёна ҳуқуқни тартибга солиш соҳасидан ташқарида қолади.

Низоларни ҳал этишнинг хуфёна тартиботларидан фойдаланиш харажатлари. Ошкора суд-ҳуқуқ тизими низоларни ҳал этишнинг қатор субинститутларига – оилавий-қариндошчилик ва мафия механизмларига эга. Юзага келган низоларни ҳал этиш учун иккала муқобил вариантдан ҳам фойдаланиш харажатлар билан боғлиқ. Биринчидан, кўп сонли қариндошлар, юртдошлар ва бошқа «ўзиникилар» билан яхши муносабатларни ушлаб туриш эътибор белгиларини қаратиш учун вақт ва хизматлар алмашиш учун маблағлар талаб қилади. Иккинчидан, суд ва кучлилик тузилмалари функциясини бажарувчи мафия хизматларига мурожаат этиш ўзига хос солиқни тўлаш зарурати билан шартланган. Ҳатто Италияда ушбу солиқ алоҳида – *pizzo* номига эга бўлган. Ушбу солиқнинг миқдори ё корхона айланмасига нисбатан фоизларда, ёки мафия томонидан бизнесни ҳимоялаш ва низоларни ҳал этиш бўйича кўрсатилган хизматларга тенг (эквивалент) ҳисобида ҳисоблаб чиқилади. Бунда давлатдан фарқли равишда мафия ўз хизматларининг ҳар бир фойдаланувчисига «солиқнинг» алоҳида миқдорини белгиллаган ҳолда монопольчини камситувчи сиёсатни олиб боришга қодир бўлади. Ошкора тузилмага қараганда мафия фаолиятининг локал хусусияти ахборот манбаларининг анча кенг доирасидан фойдаланишда ўз ифодасини топади.

3. Хуфёна бозор институционал тизим сифатида

Хуфёна сектор билан боғлиқ энг катта хавф-хатар – бу бозор конституциясидан кескин фарқ қилувчи хатти-ҳаракатлар ва битимлар тузишнинг алоҳида меъёрлари шаклланишидир. Хуфёна меъёрларнинг асосида уларнинг амал қилиши ҳудудий жиҳатдан ва / ёки шахсларнинг маълум доираси томонидан чегараланган ижтимоий механизмлар ётади - қонунга бўйсунуш меъёрларининг мавжуд эмаслиги, меъёрларнинг ижтимоий мансублигидан қатъи назар барча иқтисодий субъектларга амал қилишига имкон бермайди.

Хуфёна меъёрларнинг ёзилмаган ва яқка ҳол хусусияти туфайли хуфёна битимлар тузиш учун барчага мос келадиган ўйин қоидаларини ифодалаб бўлмаса-да, хуфёна иқтисодиёт «конституцияси»нинг асосий унсурларини аниқлаш мумкин. Илмий манбаларда бунга мисол тариқасида иқтисодчилар ва социологлар томонидан яхши ўрганиб чиқилган Италия, Сицилия, Калабрия ва бошқа ривожланган хуфёна секторга эга бўлган мамлакатлар келтирилган.

Давлатнинг (дастлаб Испания, сўнгра Италия давлатининг) кам иштироки ва унинг маҳаллий аҳолининг турмушини ва мулкчилик ҳуқуқларини ҳимоялашни таъминлашга лаёқатсизлиги Италия жануби тарихий ривожланишининг муҳим омиллари бўлган. Давлат ушбу минтақаларнинг узокда жойлашганлиги ва ўзи олиб борадиган «бўлиб ол ва ҳокимият ўрнат» сиёсат туфайли уларнинг мавжудлиги ҳақида шунчаки унутиб қўйди. Шунинг учун, айниқса феодал ҳуқуқнинг бекор қилиниши ва майда мулкдорлар синфининг шаклланиши муносабати билан мулкчилик ҳуқуқларини тафсирлаш ва шартномалар бажарилишини таъминлашнинг давлатнинг аралашувида муқобил механизмлари талаб этилди. Мулкчилик ҳуқуқларини тафсирлаш ва ҳимоялаш бўйича

давлатга муқобил институт сифатида мафия ҳақида дастлабки тилга олинishi феодализмдан майда ва ўрта ер мулкчилигига ўтишнинг айнан шу палласига тааллуқли. «Мафия» атамаси одатда турли маъноларда ва турли хилдаги ҳодисаларни ёритиш учун қўлланилади. Иқтисодий таҳлилда ушбу атамадан асосан битимларни тузишда амалга ошириладиган ҳатти-ҳаракатнинг алоҳида меъёрлари ва наъмуналарини белгилаш учун фойдаланилади. Яъни, мафия расмий ташкилот бўлмасда, ҳатти-ҳаракат ва ҳукмдорлик муносабатларининг алоҳида хили ҳисобланади. Бошқача айтганда, мафия институт сифатида шахсларга ўзининг иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий соҳалардаги фаолиятини мувофиқлаштириш имконини берувчи ўйин қоидаларининг йиғиндисидир.

Биринчи меъёр «ўйин конституцияси» ўзаро ҳамкорлик мақсадларини аниқлашга тааллуқли, уни шаън меъёри сифатида ифодалаш мумкин. Мафиянинг авжига чиққан классик даври (1890-1970 йиллар)да Италия жануби аҳолисининг асосий мақсади ўзининг фойдалилигини оширишдан эмас, балки ўз шаънини ва ўз оиласининг шаънини сақлаб қолишдан иборат бўлган. Ҳатто ўзини мафия деб ҳисоблаган инсоннинг ўзини номлаши – «шаън одами» - унинг фаолияти мақсадининг анъанавий хусусиятини тасдиқлаган. Келишувлар назарияси атамасидан фойдаланган ҳолда, шаън меъёрини анъанавий келишув жумласига киритиш мумкин, чунки гап оиланинг шаъни ва обрўси ҳақида, биринчи галда, эр-хотиннинг шаъни ҳақида кетаяпти. Шаъннинг йўқотилиши ижтимоий ўзаро муносабатлар соҳасидан чиқарилишга олиб келади – уни йўқотган инсонлар ҳатто алоҳида, қишлоқларнинг чеккаларида яшашади ва фақат ўз муҳити доирасида мулоқатда бўлишади. Ҳақиқий мафиоз учун ҳатто тижорат соҳасидаги муваффақият ҳам мустақил қадр-қиммат эмас, балки шаън белгиси сифатида кўриб чиқилади.

Агар утилитаризм меъёрини оқилона ҳаракат меъёри тўлдирса, шаънни ҳимоя қилиш ва тасдиқлашнинг асосий воситаси – «ҳасад рақобатчилиги», эркаклар эга бўлган зулм ўтказиш салоҳиятини доимий равишда таққослаш (таъкидлаш лозимки, мафиянинг маданий соҳаси – «мачизм», яъни эркакка сиғиниш)дир. Шахс томонидан ҳамкорлар эҳтиёжларини қондириш орқали фойдалиликни оширишнинг бозор тамойили (унга кўра алмашувнинг барча иштирокчилари ютади)дан фарқли ўлароқ, ҳасад рақобатчилигида иккита ғолиб бўлиши мумкин эмас: фақат битта ғолиб мавжуд – қолганлар ҳаммаси – мағлублар. Кундалик турмушни тартибга солувчи восита сифатида зулм ўтказишдан фойдаланиш учун тақиқларнинг мавжуд эмаслиги, зулм ўтказишни монополлаштиришга уриниш иқтисодий соҳадаги мафия вакилларининг ҳатти-ҳаракатларига ҳам ўз таъсирини ўтказмоқда. Мафия билан боғлиқ тадбиркорда фойда олишга чеклашлар ошқора тадбиркорликка қараганда кам. Хуфёна тадбиркор зарур ҳолларда зулм қўлланилиши билан тўхтаб қолмайди, ошқора тадбиркор эса зулм ўтказиш учун давлат монополияси оқибатида эркинликнинг ушбу даражасидан маҳрум этилган. Шунинг учун мафия билан боғлиқ корхоналарнинг рақобат жиҳатдан устунликлари рақобат натижасида эмас, балки яқка (алоҳида) монополияни ҳосил қилиш ва рақобатни чеклаш натижасида юзага келади. Мафия қоидалари бўйича фаолият кўрсатувчи бозор мукаммал рақобат шартларидан йироқлашади, бундай қоидаларнинг мавжуд бўлиши иқтисодий механизмларнинг амал қилиши тартибини ўзгартиради.

Навбатдаги меъёр – ишонч – анъанавий хусусиятга эга, чунки у оила доирасида локализациялашган. Оила ичида ишонч бўлмаса, унинг бошлиғининг шаъни тушунчаси ўз кучини йўқотади. Шу нуқтаи назардан ишонч анъанавий тарзда оила турмушининг базавий тамойилларидан бирини акс эттиради ва унинг ташқарисига амал қилмайди, демак, у бозор конституциясида кўзда тутилганидек, оқилона ҳаракатнинг шарти бўлиши мумкин эмас. Мафиянинг базавий ташкилий бирлиги – *cosca* – 15-20 (кўпи билан 70-80, камида 7) кишидан иборат ва оила-қариндошчилик алоқалари асосида шаклланидиган гуруҳни ўзида намоён этади. *Cosca* фаолияти доирасига тушган барча шахслар унинг аъзолари билан дўстона муносабатлар орқали бир-бирига боғлиқ.

Оила ичидаги муносабатларни қуриш учун фойдаланиладиган ишонч мафиянинг иқтисодий фаолиятини ҳам белгилаб беради. Мафия билан боғлиқ тадбиркорларнинг

рақобат жиҳатдан яна бир устунлиги бўлиб ишонч асосида шартнома муносабатларини куриш ҳисобланади – мафия шартнома мажбуриятлари бажарилишининг энг яхши кафолати ҳисобланади. Д.Гамбетта ёзганидек, мафияни бозорнинг ишончнинг «табiiй» даражаси ҳаддан зиёд паст бўлган ва битим тузиш имконини бермайдиган секторларида ва ана шундай минтақаларда (Италия Жанубида бундай ҳолат ўрин тутади) ишончни туғдириш, реклама қилиш ва сотиш билан шуғулланувчи алоҳида корхона сифатида намоён этиш мумкин. Шунингдек, ишонч юқори бўлмаган шароитда амалга ошириладиган ошкора товарлар билан исталган хуфёна битимларга ва тақиқланган товарлар (қурол, гиёҳвандлик моддалари) билан исталган битимларга ҳам эътибор қаратилади. Товар сифатида ишончнинг ўзига хос жиҳатини ҳисобга олган ҳолда, мафия уни сотишни ғайриоддий усул билан – оила-қариндошчилик, дўстона ёки мижозлик алоқалари соҳасига манфаатдор табиркорни аралаштириш орқали амалга оширади. Хусусан, мафиянинг иқтисодий фаолиятини ёритиш учун кўпинча мафиянинг оилавий алоқалари асосида ташкил этиладиган «тармок» тушунчасидан фойдаланилади. Айнан ўзгарувчан шароитларга тез мослашувчи тармоқлар доирасида «ўзлариники» ўртасида юқори ишонч салоҳиятидан фойдаланувчи мафиянинг асосий иқтисодий фаолияти амалга оширилади.

Битимлар бўйича ҳамкорларни «ўзиники» ва «бегона» тоифасига бўлиш принципиал жиҳатдан муҳим, бу ерда гап иккита стандарт, икки хил хатти-ҳаракат ҳақида боради. «Ўзиники» доирасида шаън ва обрўга биргаликдаги саъй-ҳаракатлар орқали эришилади ва ҳимоя қилинади, муносабатлар ишонч асосида курилади. «Ўзиники» ва «бегона» ўртасида «ҳасадгуйлик рақобатчилиги» бўлиши муқаррар, ишонч эса душманлик ва зулмга ўз ўрнини бўшатиб беради. Хатти-ҳаракатнинг икки ёқлама стандарти мантиғига яна бир муҳим меъёр – махфийлик киритилади. Ушбу меъёр ташқи олам билан, айниқса, давлат вакиллари билан муносабатларда тўлиқ ёпиқликни белгилаб беради, унинг тескари томони сифатида тўлиқ очиклик ва оила аъзоларидан фақат ҳақиқатни гапиришни талаб қилиш иштирок этади. Ҳақиқий мафиозлар ҳамма вақт жим туришади.

4. Жаҳонда хуфёна иқтисодиёт

Хуфёна иқтисодиёт иқтисодий тизимларнинг барча хилларига хос бўлиб, унинг кўламлари ривожланган мамлакатларда ҳам, ривожланаётган мамлакатларда ҳам ғоят кенг.

2015-йилларнинг иккинчи ярмида ривожланган мамлакатларда хуфёна иқтисодиёт ЯИМнинг ўртача 12 фоизига, ўтиш иқтисодиётига эга мамлакатларда 23 фоизига, ривожланаётган мамлакатларда эса 39 фоизига тенг бўлган.

2015 йилда ушбу кўрсаткич бўйича **Греция (ЯИМнинг 29,0 фоизи), Италия (27,8%), Испания (23,4%), Бельгия (23,4%) “етақчилик қилди”.** Ирландия, Канада, **Францияда ҳам** хуфёна иқтисодиётнинг кўламлари кенг – 14,9 фоиздан 16,3 фоизгача. Бу борада **Австрия (9,1%), АҚШ (8,9) ва Швейцария (8,0) энг қулай ҳисобланади**¹⁸.

Хуфёна иқтисодиёт кўламлирининг энг тез суръатлар билан ўсиши **Греция, Италия, Швеция, Норвегия ва Германияда кузатилмоқда. Масалан, Германияда 2016 йилда** хуфёна секторнинг ўсиши 3,5 фоизни, айти пайтда ЯИМнинг ўсиши эса 1 фоизни ташкил қилган. Жами хуфёна сектор ЯИМнинг 16,5 фоизини ташкил қилади.

Хуфёна сектор ривожланаётган мамлакатларда энг кенг кўламлarga эга. Масалан, хуфёна сектор **Нигерияда** ЯИМнинг 76 фоизини, **Тайландда 71** фоизини, Мисрда 68 фоизини, **Боливияда 66** фоизини, Панамада 62 фоизини ташкил қилади.

XX асрнинг сўнги ўн йиллиги собиқ социалистик мамлакатларда амалга оширилган чуқур ислохотлар билан боғлиқ. Ҳам сиёсий, ҳам ҳуқуқий тизимнинг

¹⁸ Эксперт. 2015. №12 (223) от 27 марта.

беқарорлиги иқтисодий соҳага ҳам салбий таъсир кўрсатди¹⁹. Ушбу мамлакатларда хуфёна иқтисодиётнинг ўсиш суръатлари 7.2-жадвалда келтирилган.

Қуйидаги жадвал маълумотлари ўз муаллифлари томонидан электр-мувазанат усули ёрдамида ҳисоблаб чиқилган. Мазкур усул ғояси шундан иборатки, электр энергиясини ғамлаб бўлмайди ва шунинг учун истеъмол қилинаётган энергия ҳажмининг ўсиш суръатлари ЯИМ ўсиш суръатларига қараганда юқори бўлиши энергиянинг хуфёна истеъмол қилинаётганлигидан далолат беради.

6.3-жадвал

Ўтиш иқтисодиётига эга бўлган мамлакатлар учун хуфёна иқтисодиётнинг ЯИМдаги улуши динамикаси (ЯИМга нисбатан фоиз ҳисобида)*

Мамлакатлар	1989	1990	1991	2012	2013	2014	2015
Озорбайжон	12,0	21,9	22,7	39,2	51,2	58,0	60,6
Беларусь	12,0	15,4	16,6	13,2	11,0	18,9	19,3
Болгария	22,8	25,1	23,9	25,0	29,9	29,1	36,2
Венгрия	27,0	28,0	32,9	30,6	28,5	27,7	29,0
Грузия	12,0	24,9	36,0	52,3	61,0	63,5	62,6
Қозоғистон	12,0	17,0	19,7	24,9	27,2	34,1	34,3
Латвия	12,0	12,8	19,0	34,3	31,0	34,2	35,3
Литва	12,0	11,3	21,8	39,2	31,7	28,7	21,6
Молдова	12,0	18,1	27,1	37,3	34,0	39,7	35,7
Польша	15,7	19,6	23,5	19,7	18,5	15,2	12,6
Россия	12,0	14,7	23,5	32,8	36,7	40,3	41,6
Руминия	22,3	13,7	15,7	18,0	16,4	17,4	19,1
Словакия	6,0	7,7	15,1	18,0	16,4	17,4	19,1
Ўзбекистон	12,0	11,4	7,8	11,7	10,1	9,5	6,5
Украина	12,0	16,3	25,6	33,6	38,0	45,7	48,9
Чехия	6,0	6,7	12,9	16,9	16,9	17,9	11,3
Эстония	12,0	19,9	26,2	25,4	24,1	25,1	11,8

- Манба: Jensen M. Politics and Enterpreneurships in Transition Economies / M.Jensen, P.Kaufmann, A.Sheifer // Working Paper, - 1997/ WDI. - № 57.

Хуфёна сектор дастлабки беш йилда Озорбайжон ва Грузияда энг кенг кўламларга эга бўлган – тегишлича ЯИМнинг 60,6 ва 62,6 фоизини ташкил қилди. Кейинги ўринларда Россия (41,6%), Болгария (36,2%), Молдова (35,7%), Латвия (35,7%) ва Қозоғистон (34,3%) туради. Ўзбекистонда эса ушбу кўрсаткич бошқа давлатларга нисбатан энг паст даражада бўлган.

Хулоса

Иқтисодий субъект томонидан ўз бизнеси учун институционал муҳитни – ошқора ёки хуфёна – танлаш тўғрисидаги қарор биринчи ва иккинчи ҳолатларда битимларни амалга оширишда юзага келадиган трансакция харажатларини қиёслаш орқали белгиланади. Бошқача айтганда, қонунга бўйсунуш нормаси яна бир бор оқилона асосланади: шахс унинг талабини мутлақ императивнинг таъсири остида эмас (қонуний нарсаларнинг ҳаммаси яхши), балки қонунга амал қилишдан кутиладиган фойдалар туфайли бажаради. Қонунга ихтиёрий бўйсунушга ундовчи омиллар шахсда фақат, давлат иқтисодиётининг ошқора секторида трансакция харажатларини пасайтириш йўли билан унинг манфаатларини амалга оширишга қодир бўлган тақдирда, пайдо бўлади.

Иқтисодий соҳада хуфёна битимлар амалга ошириладиган ўйин қоидаларида, биринчи галда бозор конституциясидан битимларнинг барча иштирокчиларини «ўзиники» ва «беғоналарга» ажратиш билан катта фарқ қилади. Ўзиникиларга нисбатан оппортунизмни олдини олишнинг ижтимоий механизмлари амал қилади, ишонч ва ўзаро

¹⁹ Jensen M. Politics and Enterpreneurships in Transition Economies / M.Jensen, P.Kaufmann, A.Sheifer // Working Paper, - 2016/ WDI. - № 57

ёрдам меъёрлари ҳукмронлик қилади. Аксинча, «бегоналарга» нисбатан оппортунизм меъёр бўлиб қолади. Хуфёна иқтисодиёт «ҳасадгуйлик рақобатчилигига» асосланган «ёввойи» бозор моделига жуда яқин. Ва ниҳоят, хуфёна иқтисодиёт энг юқори даражада турли кўринишга эга ва у тўлиқ тизим шаклини қабул қилмайди ҳамда бозорнинг барча иштирокчилари учун ягона ва мажбурий бўлган конституцияни қабул қилмайди. Бундан кўриниб турибдики, қонунга бўйсунганининг юқори баҳосига муқобил вариант ҳам ғоят қиммат туради.

Такрорлаш учун саволлар

1. Фақат иқтисодиётнинг хуфёна сектори субъектларига нисбатан куч ишлатиш чораларини қатъийлаштириш ёрдамида ушбу секторнинг ўлчамларини қисқартиришга эришиш мумкинми?
2. Хуфёна сектор ялпи ички маҳсулотига юқори улушга билан тавсифланадиган мамлакатда бозор ислохотларининг дастлабки босқичлари қандай бўлиши керак?
3. Бозор ислохотлари сиёсатининг стандарт дастурига қандай тузатишлар киритилиши лозим?
4. Хуфёна иқтисодиётнинг қандай унсурлари мавжуд?
5. Хуфёна иқтисодиёт ўлчамларини баҳолаш ёндашувларини изоҳланг.
6. Хуфёналик баҳосининг унсурлари нималардан иборат?
7. «Мафия» атамасининг келиб чиқишини шарҳланг.

7-Мавзу. Мулк ҳуқуқлари назарияси ва мулкчилик шакллари ривожланишининг эволюцияси

Режа

1. Мулк ҳуқуқлари назариясининг асосий қоидалари
2. Мулкчилик таърифларининг таҳлили
3. Мулкчилик муносабатларини амалга оширишнинг тарихий шакллари
4. Мулк ҳуқуқлари
5. Мулк ҳуқуқлари тақсимотини таҳлили

Таянч сўз ва иборалар: мулк ҳуқуқи, мулк ҳуқуқи назарияси, Р.Коуз ва А.Алчиян мулк ҳуқуқлари назарияси, “Оноре рўйхати, эгалик қилиш фойдаланиш бошқариш даромад олиш ашёдан ўзгалар фойдасига воз кечиш хавфсизлик ҳуқуқи зарарли фойдаланишни тақиқлаш ундириш кўринишидаги жавобгарлик қолдиқ хусусият

1. Мулк ҳуқуқлари назариясининг асосий қоидалари

Мулк ҳуқуқлари назарияси ўтган асрнинг 60-70 йиларида шаклланди. Ҳозирги вақтда унинг ривожланиши алоҳида мустақил концепция сифатида эмас, балки иқтисодий таҳлилнинг учта йўналиши – ҳуқуқ иқтисодиёти, янги иқтисодий тарих ва иқтисодий ташкилот назариясининг методологик ва умумназарий асоси сифатида давом этмоқда.

Америкалик машҳур иқтисодчилар – Р.Коуз ва А.Алчиян мулк ҳуқуқлари назариясининг асосчилари ҳисобланади. Мазкур назариянинг кейинги ривожига узоқ хориж мамлакатларининг Й.Барцель, Д.Норт, Р.Познер, С.Пейович, О.Уильямсон, Ю.Фама, Э.Фуруботн, С.Чунг каби олимлари ўз ҳиссасини қўшишди. Россия иқтисодий адабиётларида мулк ҳуқуқлари назарияси Р.Капелюшников, В.Радаев, А.Радигин ва бошқаларнинг ишларида ривожлантирилди.

Ўзбекистонда мулк муносабатларини ислоҳ қилиш, мулкнинг ҳуқуқий асослари ва мулк назариясининг бошқа жиҳатлари Х.Абилқосимов, Н.Юсупова, Н.Неделькина, Ш.Шодмонов, Т.Шодиев, С.Ғуломов ва бошқарларнинг ишларида кўриб чиқилган.

Мулк ҳуқуқлари назарияси ҳуқуқий механизмнинг жамиятнинг кундалик ҳўжалик ҳаётидаги ролини ўрганади. Бунда мулк ҳуқуқларини оптимал тақсимлаш масаласи марказий муаммо сифатида эътироф этилади. Институционал иқтисодиёт назариясига кўра, ким мулкдор ҳисобланиши тўғрисидаги масала эмас, балки мулк ҳуқуқларини тафсирлаш тўғрисидаги масала анча муҳим ҳисобланади.

Мулк ҳуқуқлари деганда, неъматларнинг мавжуд бўлиши муносабати билан инсонлар ўртасида юзага келадиган ва улардан фойдаланишга тааллуқли бўлган рухсат этилган кундалик муносабатлар тушунилади. Ушбу муносабатлар неъматлар борасидаги ҳатти-ҳаракатнинг исталган шахс бошқа инсонлар билан ўзаро ҳамкорлик қилишда уларга амал қилиши ёки уларга амал қилмаганлик учун ҳаражатлар қилиши лозим бўлган нормаларини белгилайди. Қуйида мулк ҳуқуқлари назариясининг Р.Капелюшников²⁰ томонидан санаб ўтилган асосий қоидаларини кўриб чиқамиз:

- мулкчилик муносабатлари “инсон/ашё” муносабатлари сифатида эмас, балки инсонлар ўртасидаги муносабатлар сифатида талқин этилади: мулк ҳуқуқлари атамаси инсонлар билан ашёлар ўртасидаги муносабатларни эмас, балки инсонлар ўртасидаги ноёб ашёлардан фойдаланиш борасидаги муносабатларни ёритади;
- мулкчилик муносабатлари ноёблик муаммосидан келиб чиқади: ноёбликнинг қандайдир омилсиз мулкчилик ва адолатлилик ҳақида гапиришдан маъно йўқ;
- мулк ҳуқуқларининг талқини ўзига ҳам моддий, ҳам жисмсиз объектларни (шахсий эркинликкача) ўзлаштирган ҳолда, барча нарсаларни қамраб олувчи хусусиятга эга. Мулк ҳуқуқлари инсоннинг исталган турдаги ноёб ресурслардан фойдаланишга нисбатан нуқтаи назарини қайд этади;
- мулкчилик муносабатларига жамият томонидан рухсат этилган муносабатлар сифатида қаралади (давлат томонидан рухсат этилган муносабатлар бўлиши шарт эмас). Ўз навбатида, улар нафақат қонунлар ва суд қарорлари кўринишида, балки ёзилмаган қоидалар, анъаналар, урф-одатлар, ахлоқий нормалар кўринишида мустаҳкамланиши ва ҳимоя қилиниши мумкин;
- мулк ҳуқуқларига ҳатти-ҳаракат маъноси берилади – бир ҳатти-ҳаракат усуллари улар қўллаб-қувватлайди, бошқаларини эса йўқ қилади.

Рухсат этилмаган ҳатти-ҳаракатлар ҳам мулк ҳуқуқлари назариясининг диққат марказида туради. У иқтисодий жиҳатдан тушунилади: тақиқлар ва чекловлар уни бартараф этмайди, балки у билан боғлиқ ҳаражатларни (эҳтимолий жазо кўринишида) оширган ҳолда салбий омил сифатида таъсир кўрсатади. Рухсат этилган ҳатти-ҳаракат нормаларига амал қилиш ҳам, уларни бузиш ҳам оқилона иқтисодий танлов ҳаракатларига айланади.

Мулк ҳуқуқлари назарияси доирасида “мулк” тушунчаси одатда турли шахслар ўртасида ҳар хил улушларда тақсимланган ҳуқуқлар тўплами сифатида талқин этилади. Мулк ҳуқуқларининг инглиз ҳуқуқшуноси А.Оноре томонидан тақлиф этилган (Оноре рўйхати) ва қуйидаги 11 та унсурни ўз ичига олган таърифи “тўлиқ” ҳисобланади:

- 1) эгалик қилиш, яъни ашё устидан мутлақ назорат қилиш ҳуқуқи;
- 2) фойдаланиш, яъни ашёдан шахсий фойдаланиш ҳуқуқи;
- 3) бошқариш, яъни ашё ким томонидан ва қандай фойдаланилиши мумкинлигини ҳал этиш ҳуқуқи;
- 4) даромад олиш, ашёдан аввалги шахсий фойдаланишдан ёки башқа шахсларга ундан фойдаланишга рухсат этишдан келиб чиқадиган неъматларни олиш ҳуқуқи (бошқача айтганда – ўзлаштириш ҳуқуқи);
- 5) ашёдан ўзгалар фойдасига воз кечиш, уни истеъмол қилиш, ўзгартириш ёки йўқ қилиш ҳуқуқини назарда тутувчи “капитал қиймат” ҳуқуқи;
- 6) ҳавфсизлик ҳуқуқи, яъни экспроприацияга қарши иммунитет;
- 7) ашёнинг мерос бўйича ёки васиятнома бўйича ўтиши ҳуқуқи;

²⁰ Капелюшников Р.И. Экономическая теория прав собственности. – М.: ИМЭМО, 1990.

8) муддатсизлик;
9) зарарли фойдаланишни тақиқлаш, яъни ашёдан ўзгалар учун зарарли усул билан фойдаланишдан ўзини тийиш;

10) ундириш кўринишидаги жавобгарлик, яъни ашёни қарзни тўлаш учун олиб кўйиш имконияти;

11) қолдиқ хусусият, яъни кимгадир ўтказилган ваколатларнинг уларнинг ўтказиш муддати тугагач ёки исталган бошқа сабабга кўра ушбу ўтказиш ўз кучини йўқотган ҳолларда, “табiiй” равишда қайтарилишини кутиш.

Ушбу таърифлар аниқдек туюлганига қарамай, бу 11 та унсур Л.Беккернинг фикрига кўра, “кўп сонли – тахминан 1,5 мингта комбинацияни амалга ошириш имконини беради, агар уларнинг ҳуқуқ субъектлари ва объектлари бўйича вариацияланишини ҳисобга олсак, у ҳолда мулк шаклларининг хилма-хиллиги, ҳақиқий ваҳимали омилга айланади”²¹.

Мулк ҳуқуқлари назариячиларининг нуқтаи назаридан, мулк ҳуқуқи мавжуд бўлган ва у мавжуд бўлмаган вазиятлар ўртасида қатъий чегара ўтказиладиган ёндашув унчалик ҳам тўғри эмас. Мулк ҳуқуқи – бу қатъий белгиланган нуқта эмас, балки узлуксиз қатор. А.Алчиан ва Г.Демсецнинг таъкидлашича²², ашёга бўлган у ёки бу ваколат мулкдорга қай даражада тегишли эканлиги ҳақида унинг қарори ашёдан ҳақиқий фойдаланишни қанчалик белгилаб беришига қараб фикр юритиш мумкин. Мулк ҳуқуқлари назарияси ҳар қандай алмашув ҳаракати аслида ваколатлар тўплами билан алмашиш эканлиги тўғрисидаги базавий тасаввурдан келиб чиқади.

Ҳуқуқшуносалар ва иқтисодчиларнинг фикрига кўра, “Оноре рўйхати”даги унсурлардан энг заифи – бу тўққизинчи унсур – *зарарли фойдаланишни тақиқлаш* унсуридир. Зарарли фойдаланишни тақиқлаш билан боғлиқ муаммо шундан иборатки, бошқа шахсларга зиён етказишнинг кўплаб усуллари нафақат тақақланмаган, балки қонун билан ҳимояланади. Хусусий мулкчилик ҳуқуқий ҳолати шароитида, одатда, бегона мол-мулкнинг истёсмол қийматига бевосита таъсир этиш йўли билан жисмоний зиён етказиш мамкин эмас, лекин унинг алмашиш қийматини пасайтирган ҳолда билвосита йўл билан зиён етказиш мумкин. Тадбиркор рақобатчининг фирмасига ўт кўйиб, уни ҳонавайрон қилишга ҳақли эмас, лекин у ўзининг ишлаб чиқариш самарадорлигини кескин оширган ҳолда, рақибни ҳонавайрон қилишга ҳақли. Ўрта асрлар цехларида хатти-ҳаракатнинг ушбу усули ҳам ноқонуний ҳисобланар эди. Зарарли фойдаланишни тақиқлаш билан боғлиқ ҳуқуқ ҳажмини аниқ белгилашнинг мураккаблиги мулк ҳуқуқларини чеклашнинг йўл кўйилдадиган чегаралари тўғрисидаги асосий муаммони юзага чиқаради. Ушбу ҳуқуқнинг маъноси шундан иборатки, ҳатто тўплаганга “тўлиқ таъриф”даги барча унсурларни киритиш ҳам мулк ҳуқуқини чексиз қилмайди.

2. Мулкчилик таърифларининг таҳлили

Ўзбекистон Республикаси Конституциясидаги жамиятнинг иқтисодий негизларига оид XII бобда қуйидагилар баён этилган: “Бозор муносабатларини ривожлантиришга қаратилган Ўзбекистон иқтисодиётининг негизини турли шакллардаги мулк ташкил этади. Давлат истёсмолчилар ҳуқуқларининг устунлигини ҳисобга олиб, иқтисодий фаолият, тадбиркорлик ва меҳнат қилиш эркинлигини, барча мулк шаклларининг тенг ҳуқуқлигини ва ҳуқуқий жиҳатдан тенг муҳофаза этилишини кафолатлайди. Хусусий мулк бошқа мулк шакллари каби дахлсиз ва давлат ҳимоясидадир. Мулкдор фақат қонунда назарда тутилган ҳолларда ва тартибдагина мулкидан маҳрум этилиши мумкин (53- модда). Мулкдор мулкига ўз хоҳишича эгалик қилади, ундан фойдаланади ва уни тасарруф этади. Мулкдан фойдаланиш экологик муҳитга зарар етказмаслиги, фуқаролар, юридик шахслар ва давлатнинг ҳуқуқларини ҳамда қонун билан кўриқланадиган манфаатларини бузмаслиги шарт” (54-модда). Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик

²¹ Becker LS. Property rights: philosophical foundations. — Cambridge, 1977. P. 21.

²² Alchian A., Demsetz H. The property rights paradigm // Journal of Economic History 1973. M. 33. № 1. P. 17.

Кодексига мулкчиликнинг эгалик қилиш, фойдаланиш ва тасарруф этиш триадаси (164-модда) асос қилиб олинган. Ушбу Кодексда мулкчиликнинг хусусий ва оммавий шакллари мавжудлиги (167-модда) таъкидланади.

Демак, иқтисодиёт ва уни ташкил этишнинг бозор модели учун муайян-тарихий шаклдаги мулкчилик институти талаб этилади. Мулкчилик институтининг негизини мулк тушунчаси ташкил этади. Мулк – ресурслар чекланганлиги шароитининг оқибатидаги ноёблик муаммосини ҳал қилинишининг ягона воситаси ҳисобланади. Бу восита мулкдорга ҳуқуқлар тутамини тақдим этади. Албатта, мулккий ҳуқуқлар тутами эгалик қилиш ва бошқа ҳуқуқлар (фойдаланиш, тасарруф этиш ва бошқалар) билан биргаликда ташкил этади. Ҳуқуқлар тизими хўжаликлар ва шахслар ўзаро муносабатларга киришишлари учун ҳам мулкдорни, ҳам мулкни ҳимоялайди. Шахснинг жамиятдаги эркинлиги ҳуқуқ билан кафолатланади ва чегараланади. Ундаги барча мавжуд ҳуқуқлардан энг тўлиғи мулкчилик ҳуқуқидир. Ушбу ҳуқуқ шахс ва жамият учун ўзаро қарама-қарши бўлган бегоналашув хусусиятини ҳам намоён этади. Илмий манбаларда мулкчилик муносабатлари умумий тан олинган ягона таърифга эга эмаслиги сабабли қатор талқинлар мавжуд (**7.1-жадвал**).

7.1-жадвал.

Мулкчилик институтига оид талқинларнинг туркумланиши

Ёндашув номи	Мулкчиликнинг асосий белгилари
1. Классик йўналиш	Даромад келтириш қобилияти мужассамланган капитал
2. Файласуфлар ва неоклассиклар	Ташқи дунё объектлар устидан назоратни уларни ўзлаштириб (эгаллаб) олиш асосида амалга ошириш
3. Диалектик усул тарафдорлари	Шахснинг табиатдан ҳам, ижтимоий ҳаёт жамоатчилигидан ҳам бегоналашишида ҳамда ишлаб чиқарувчини ишлаб чиқариш воситасидан ажратишда намоён бўлувчи ижтимоий алоқаларни таркиблаш, мураккаблаштириш шакли
4. Немис тарихий мактаби	Ижтимоий ўзаро ҳамкорликнинг асосий тамойили ҳисобланган ахлоқ нормасида жамият томонидан олий ва муқаддас қадрият ҳамда индивид мустақилигининг кафолати. сифатида тан олиш
5. Неоинституционал йўналиш	Турли шахслар ўртасида бир буюмда турли ҳуқуқларнинг намоён бўлиш имконияти. буюмга қарашли ваколатлар тутами
6. Ҳуқуқшунослар	Шахснинг буюм устидан ҳуқумронлиги ва бошқа шахслар имкониятларини чеклаш.
7. Социологлар	Иқтисодий буйсундириш асосида ижтимоий иерархияни ўрнатиш усули
8. Эрнандо де Сото (Перу)	Қийматга айланишда иштирок этиш ва даромад келтириш қобилияти

Жадвалдан кўриб турганимиздек, мулкчиликни ўзлаштириб олиш билан тенглаштириш неоклассик иқтисодий тафаккур вакилларига хос бўлса, ҳуқуқшунослар учун шахснинг *буюм устидан ҳуқумронлиги* имкониятларини чегаралаш мулкдан бошқа шахсларнинг зиёнига фойдаланишга рухсат бермаслик сифатида таърифланади. Мулкчилик – бу шахс ва буюм ўртасидаги эмас, балки инсонлар ўртасидаги муносабат сифатида гавдаланиши керак.

Мулкчилик ҳуқуқлари назарияси нафақат бошқарув, хавфсизлик, меросга топшириш ҳуқуқларини қўшган ҳолда ҳуқуқлар тўпламини кенгайтиради, балки ҳуқуқларнинг ўзларининг айланувчанлигига, олди-сотди объектлари бўлиб буюмларнинг ўзи эмас, балки уларга нисбатан ҳуқуқ ҳисобланишига эътиборни қаратади. Масалан, ер участкасидан фойдаланиш ҳуқуқи; мол-мулкдан фойдаланишдан келадиган даромадни олиш ҳуқуқи ва б.

Ҳуқуқшуносларнинг фикрича, мулк – бу мутлақ ҳуқуқ. Мулкдорга қонун билан тақиқланмаган ҳамма нарса рухсат этилган. Мутлақ ҳуқуқ ижобий чеклов эмас, балки салбий чеклов (нима мумкин эмас) билан ёритилади.

Агар ҳуқуқларнинг муайян тўплами, масалан, А.Оноре томонидан санаб ўтилган 11 та ҳуқуқнинг аксарияти иккиламчи ҳисобланади. Мисол учун, хавфсизлик ҳуқуқини олайлик. Унинг ўзи етарли эмас, чунки ҳуқуқ фақат давлат томонидан муҳофаза қилинган тақдирда, классик нуқтаи назардан ҳуқуқ ҳисобланади. Воз кечиш ҳуқуқи – бу тасарруф этиш ҳуқуқининг бир қисми. Жавобгарлик ҳуқуқи мулкчилик ҳуқуқини эмас, умуман фуқаролик ҳуқуқини ўзида намоён этади.

Иқтисодий нуқтаи назардан турли ҳуқуқларни ҳисоблаб чиқиш техникаси ўта самарали. Мулкдор, мулкдорлигича қолиб, фойдаланиш ҳуқуқидан ҳам, бошқариш ҳуқуқидан ҳам, даромад олиш ҳуқуқидан ҳам вақтинчалик воз кечиши мумкин. Товар эса нафақат ўзининг жисмоний хусусиятларининг йиғиндиси сифатида, балки имкониятлар ва чекловларнинг маълум тўплами сифатида намоён бўлади. Бироқ, бошқа муҳим иқтисодий мавҳумлик сингари – қиймат, мулк таркибий қисмларга бўлинади, лекин улардан таркиб топмайди. Шунинг учун мулкчиликни ҳуқуқларнинг мураккаб тутами сифатида таърифлаш мазмунга эмас, балки технологик хусусиятга эга.

3. Мулкчилик муносабатларини амалга оширишнинг тарихий шакллари

Иқтисодиётда, хусусан мулккий муносабатлар шаклларини ўрганишда мулкни таснифлаш муҳим ўрин тутаяди. Кўпчилик иқтисодчилар ва файласуфлар учун таснифлаш мезони сифатида мулк субъекти олинади. Агар мулк бир шахсга тегишли бўлса, у – хусусий. Агар у бир неча шахсга тегишли бўлса – жамоавий. Агар у бутун жамиятга тегишли бўлса – умумхалқ ёки давлат мулки ҳисобланади. Бундай ёндашув Ғарбдаги тадқиқотчилар учун мулкнинг учта шаклини ифодалашга асос бўлган: хусусий, жамоавий ва ижтимоий. Баъзан уларга акциядорлик (корпоратив) ва давлат шакллари ҳам қўшимча қилинади. Баъзида акциядорлик мулкни жамоавий шакл деб, давлат мулкни эса ижтимоий шакл деб ҳисоблашади. Лекин бундан моҳият ўзгармайди.

• ихтиёрий шаклдаги мулкнинг намоён бўлиши қатор омилларга боғлиқ. Жумладан:

- меҳнат шароитлари ва натижаларини ўзлаштириб олиш усуллари;
- меҳнат шароитлари ва натижаларини тасарруф этиш хусусиятлари;
- меҳнат шароитларини такрор яратиш;
- фаолият турлари бўйича алмашишнинг асосий усули;
- натижалари қайта тақсимлаш усуллари;

1. Мулкчиликнинг энг дастлабки шакли **жамоавий мулк** Ғарб ҳуқуқий тизимининг асос (антик тараққиёт)ини ташкил этади. У учта асосий хусусият билан тавсифланади:

• жамоавий мулк жамиятга – уни тўлақонли аъзолар деб тан олувчи индивидлар йиғиндисида тегишли;


- жамоавий мулкни қайта тақсимлаш ҳуқуқи мутлақ жамиятга тегишли;
- жамоавий мулк жамоавий ҳуқуқ нормалари билан тартибга солинади.

Жамоавий мулкнинг асосий тавсифлари қуйидагилардан иборат:

- а) бошқариш (тақсимлаш) ижтимоий;
- б) эгаллик қилиш хусусий;
- в) жамоавий мулк объектдан воз кечиш тақиқланган;
- г) ижтимоий мажбуриятлар тизими;

д) ишлаб чиқарувчининг ўз фаолияти натижаларига мулкчилиги.
 Жамоавий мулкнинг ривожланиши давлатчиликни юзага келтирган. Ушбу босқичида давлат мажбур этиш аппарати сифатида ҳали жамиятга қарши турмайди.

Мулкчилик муносабати тарихан қандай шаклларда ривожланганлиги катта кизиқиш уйғотади



7.1-расм. Мулк шакллари ривожланиши

2. *Олий мулк* давлат мулкнинг дастлабки шаклидир. Давлатни ташкил этиш кўп ҳолларда мулкни, масалан, ерни зўрлик билан тортиб ва босиб олишлар оқибати бўлган. Олий мулкнинг асосий тавсифлари қуйидагилардан иборат:

- а) мулк ва ҳокимиятнинг бўлинмаслиги;
- б) хизмат учун мукофот сифатида ресурсни ҳадя қилиш шаклида фаолият билан алмашиш;
- в) меҳнат шароитларини ишлаб чиқарувчиларга бириктириш (хусусий эгалик);
- г) бириктирилган ресурсларни тасарруф этиш учун давлат монополияси;
- д) ишлаб чиқарувчининг ўз фаолияти натижаларига мулкчилиги.

Давлат бошлиғи бундай мулкнинг «олий мулкдори» айланган ва уларни ўз фуқароларига тарқатган (ҳадя қилган). Ерни эгаликка олиш ва ундан фойдаланиш шarti давлатга хизмат қилишдан иборат бўлган. Олий ҳокимият ихтиёрида энг муҳим таъсир этиш воситаси – тортиб олиш (тасарруф этиш) ҳуқуқи қолдирилган. Бу бир вақтнинг ўзида иккита ўзаро боғлиқ вазифани ҳал этиш имконини берган: ишлаб чиқарувчининг эҳтиёжларини қондириш ва ишлаб чиқарувчини ўзи фойдаланадиган ресурсни такрор етиштиришга мажбур қилиш.

Аста-секин вақт ўтиши билан олий мулкчилик институти шароитида, давлат монополияси хўжалик фаолияти маҳсулотлари билан алмашув ривожланишига тўсқинлик қила бошлаган. Иқтисодий эҳтиёжларнинг таъсири остида мулкчилик институти ўзгара бошлади. Натижада турли ишлаб чиқариш усуллари хос бўлган икки хил институт шаклланди: табақали ва кўп поғонали мулк.

3. *Табақали мулк* – олдинги даврда асосий меҳнат шarti бўлган табиий ресурсларга табақали монополияларнинг шаклланиши билан тавсифланади,

дворянларнинг ўзларига «бириктирилган» мол-мулкни тасарруф этиш ҳуқуқининг кенгайиб бориши билан изоҳланади.

Табақали мулкчиликнинг асосий хусусиятлари:

- а) мулкдорлар синфининг пайдо бўлиши;
- б) ишлаб чиқариш воситалари чекланган айланмасининг пайдо бўлиши;
- в) ҳокимият ҳуқуқларига нисбатан мулккий ҳуқуқларнинг чекланган хусусияти;
- г) ишлаб чиқарувчининг ўз фаолияти натижаларига мулкчилиги;
- д) мулкдан олинадиган даромадни қайта тақсимлаш янги шаклининг пайдо бўлиши. Ривожланишнинг Европа моделига хос бўлган табақали мулкчилик институти давлат мулкчилигидан хусусий мулкчиликка ўтиш босқичи сифатида таърифланади.

4. **Хусусий мулкчилик** индивиднинг жамоавий хўжалик фаолиятидан ажралиб чиқишини ўзида намоён этади ва қуйидаги асосий хусусиятлар билан тавсифланади:

- иқтисодий агентларнинг мустақиллиги;
- меҳнат шароитлари ва натижаларининг эркин айланиши;
- ҳокимият ҳуқуқларига қараганда мулккий ҳуқуқларнинг етарлилиги;
- мулкдорнинг мулккий жавобгарлиги.

Хусусий мулк институтининг шаклланиши тобеликнинг янги шакли – иқтисодий тобеликнинг пайдо бўлишига олиб келди. Ходимнинг ишлаб чиқариш воситаларидан ажралиши билан бир қаторда ишлаб чиқарувчининг ўз меҳнатининг маҳсулига бўлган ҳуқуқидан маҳрум этилиши юз берди.

5. **Корпоратив мулк.** Кўплаб тадқиқотчилар корпоратив мулкни хусусий мулк билан тенглаштириб, корхонани ташкил этишнинг корпоратив шаклини мулккий мажмуани ишончли бошқариш шакли сифатида талқин этишни таклиф қилишади. Корпоратив мулкчиликнинг асосий хусусиятлари қуйидагилардан иборат: мулкнинг айрим шахсларга тақсимланганлиги; иқтисодий агентларнинг тобелик муносабатлари; иқтисодий агентлар жавобгарлигининг чекланганлиги; қайта тақсимлаш муносабатлари соҳасида мулкдан келадиган даромадлар ролининг кескин ортиши; мулкдор – корпорация ҳуқуқларини билвосита ҳимоялаш орқали меҳнат шароитларини такрорий яратиш.

6. **Ижтимоий мулк.** Ижтимоий мулк юридик ва жисмоний шахслар мулки билан бирга мавжуд бўлади. Жамият мулки, кўп ҳолатларда давлат томонидан бошқарилишига қарамай, унга тегишли эмас. Жамиятнинг муаммоси ресурсларни такрорий ишлаб чиқариш ва мулкдан даромад – монопол рентани олиш устидан назорат ўрнатишдан иборат.

Ижтимоий мулкчиликнинг асосий хусусиятлари қуйидагиларни ўз ичига олади:

- а) жамиятнинг ҳокимият аппарати сифатида давлатдан ажратилиши;
- б) жамиятнинг табиий ресурсларга монополияси;
- в) ижтимоий мулк объектларидан фойдаланишнинг концессион механизми;
- г) ишлаб чиқарувчининг ўз фаолияти натижаларига мулкчилиги;
- д) ижтимоий мулкдан келадиган даромадлардан жамият аъзоларининг ижтимоий аҳамиятли эҳтиёжларини кондиритиш учун фойдаланиш.

7. **Кўп пагонали мулкчилик**нинг вужудга келиши мулкдор ваколатларининг турли хўжалик юритувчи субъектлар ўртасида тақсимланиши жараёнини ўзида намоён этади.

Кўп пагонали мулкчиликнинг асосий хусусиятлари:

- а) мол-мулк ва ҳокимиятнинг ажратилмаганлиги;
- б) мол-мулк учун тўлиқ ҳуқуқларига эга бўлган шахсларнинг мавжуд эмаслиги;
- в) мулкдор ваколатларини амалга оширишда иштирок этишнинг хизмат хусусияти;
- г) улар ўртасида мулкчилик ваколатлари тақсимланадиган субъектлар ўртасидаги тобелик муносабатлари;
- д) меҳнат шароитларининг ишлаб чиқарувчиларга бириктирилиши.

Таъкидлаш лозимки, **кўп пагонали** мулкчилик институти барча хўжалик юритувчи субъектларнинг меҳнат шароитларини тасарруф этишдаги ҳуқуқларини сезиларли даражада чеклагани ҳолда, меҳнат натижаларининг эркин айланишинини истисно этмади. Демак, табиий

ресурслар эмас, балки хўжалик фаолиятининг маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг асосий воситаларига айланишига қараб мазкур институтнинг иқтисодий асоси нурай бошлади. Лекин бу ноиқтисодий мажбурлашга асосланган ҳокимият ўз мавқеини осонгина бўшатиб берганлигини англатмайди. *Кўп пағонали* мулкчилик институти ўз шаклини ўзгартирди. Тарихга ушбу ўзгаришнинг иккита йўналиши маълум: тоталитар ва бюрократия мулкчилиги.

8. *Тоталитар мулкчиликка* собиқ СССРда мавжуд бўлган «давлат мулкчилиги» институти яққол мисол бўлади.

Тоталитар мулкчиликка мос келувчи режали-тақсимлаш иқтисодиётида хўжалик юритувчи субъектлар ўзларига бириктирилган мол-мулкка фақат амалда эгалик қилишади ва ўзлари ишлаб чиқарган маҳсулотнинг ҳам, уни сотишдан олинган маблағларнинг ҳам эгаси ҳисобланмайди. Тоталитар мулкчиликнинг асосий хусусиятлари:

- ҳокимият ва мулкнинг ажратилмаслиги;
- ишлаб чиқариш воситаларига давлат монополияси;
- меҳнат шароитларининг хўжалик юритувчи субъектлар ўртасида марказлашган тарзда қайта тақсимланиши;
- ишлаб чиқарувчининг ўзи етиштирган маҳсулот ва уни сотишдан олинadиган даромадни тасарруф этиш ҳукукидан маҳрум этилиши;
- меҳнат шароитларини марказлашган режалаштириш механизми ёрдамида такрорий яратиш.

9. Бюрократия мулкчилиги кўп пағонали мулкчилик ривожланишининг табиий маҳсули ҳисобланади. Ишлаб чиқариш эмас, балки қайта тақсимлаш катта миқдордаги пулларни пайдо қилади. Унинг асосий хусусиятлари:

- а) мулкчилик ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг самарали тизими мавжуд эмаслиги;
- б) ресурслар ва маҳсулотларни қайта тақсимлаш жараёнида амалдорлар иштирокининг қонунчиликда белгиланган имконияти;
- в) нархлар ва тарифларнинг бюрократик тартибга солиниши;
- г) хуфёна иқтисодиётнинг катта улуши;
- д) меҳнат шароитларини такрор яратиш самарали механизмнинг мавжуд эмаслиги.

Ҳокимият ва мулкнинг ажралмаслигининг расмана тан олиниши билан хусусий мулкчилик ҳуқуқини бузмасдан қолмайди. Ноиқтисодий мажбурлашга асосланган ҳокимият мулкдорнинг эркин иродасига қараганда иқтисодий ҳаётнинг муҳим омили ҳисобланади. Ҳокимият тузилмаларида иштирок этиш орқали бериладиган имкониятлар хўжалик фаолиятидан келиб чиқадиган имкониятларга қараганда анча юқори. Ҳокимияга эга бўлган амалдорлар шахсий бойликни кўпайтириш учун ҳокимият имкониятидан фойдаланишади. Лекин ҳокимият ўз эгасига мулкдан кўра кўпроқ нарсани беради, уларнинг сабъ-ҳаракатлари биринчи навбатда ҳокимиятни сақлаб қолишга йўналтирилган. Ҳокимиятни йўқотиб, улар, одатда, мулкни ҳам йўқотишади.

4. Мулккий ҳуқуқлар

1. Мулк-эгалик қилиш. *Мулкдор.* Эгалик қилиш ижтимоий институт сифатида ноёб ресурсларни такрорий етиштириш вазифаси пайдо бўлган вақтда юзага келади. Дастлаб меҳнат шароитлари эгалик қилиш объекти ҳисобланади.

2. Мулк-имтиёз. *Монополист.* Вақти келиб ижтимоий-иқтисодий рол иккита янги ролга бўлинади: табиий ресурслар мулкдорининг роли ва ишлаб чиқарувчининг роли. Эгалик қилиш ҳуқуқи фойдаланиш ҳукукидан, эгалик қилиш объекти эса хўжалик юритувчи субъектдан ажралиб чиқади. «Мулк-имтиёз» тушунчаси пайдо бўлади. Бу ерда мулкдор-монополистнинг рента – ўзига тегишли ресурслардан даромад олиш ҳуқуқига дуч келамиз. Мулк-имтиёз аҳолининг маълум қисми пешона териси билан ўзининг тирикчилиги учун нон топиш мажбуриятидан озод бўлиши учун имконият, яъни фан, санъат ва ҳарбий ишни ривожлантириш имконияти яратади.

Ишлаб чиқарувчи. Хўжалик фаолиятини амалга оширувчи-ишлаб чиқарувчининг шахсий мақсади ўз эҳтиёжларини қондириш учун маҳсулот ишлаб чиқаришдан иборат. Кўплаб хўжалик юритувчи субъектлар шахсий мақсадларига эришишга интилиш натижасида ижтимоий аҳамиятга молик миссиянинг амалга ошиши – жамиятни такрорий ишлаб чиқариш содир бўлади.

3. *Мулк-корхона.* Товар алмашувининг ривожланиши ролларнинг янгидан бўлинишига дастлабки тарихий сабаб ҳисобланади. Ишлаб чиқарувчининг табиий ҳуқуқи ҳисобланган маҳсулотга бўлган ҳуқуқ ишлаб чиқариш воситаларининг мулкдори – хўжайинга ўтади. Хусусий мулк мажбурлашга асосланган ҳокимиятни ҳамда обрўга асосланган ҳокимиятни тарихнинг четига сиқиб чиқаради. Мулк-корхонанинг пайдо бўлиши билан бирга ёлланма ходим ва хўжайин, ишлаб чиқариш воситаларига бўлган мулкчиликдан маҳрум этилган ва ўзининг меҳнат қобилиятини сотишга мажбур бўлган иқтисодий агент ҳамда хўжаликнинг янги хили – корхонани ташкил этувчи иқтисодий агентнинг роли пайдо бўлади.

Хўжайин. Хўжайиннинг шахсий мақсади – қўшимча қийматни олишдан иборат. Бу уни иқтисодий самарадорликни ошириш имконини берувчи барча янги нарсаларни жорий этишга ундайди. Хўжайин ўта муҳим ижтимоий-иқтисодий миссия – иқтисодий фаолиятни рационалаштириш эгасига айланади.

Ёлланма ходим. Ходим – бу фақат ўзининг меҳнат қилиш қобилияти унинг ҳуқуқининг объекти ҳисобланган индивид (ишчи кучи). Лекин бу қобилият, сўзсиз, унинг ўзига тегишли, яъни ходимнинг ўзи кимнингдир ҳуқуқларининг объекти ҳисобланмайди. У: а) эркин танлаш ҳуқуқини қўлга киритади ва б) ўз фаолиятининг маҳсулотларига бўлган ҳуқуқни йўқотади. Ходимнинг ижтимоий-иқтисодий миссияси меҳнатни тақсимлаш самарадорлигини оширишдан иборат.

4. *Мулк-капитал.* Мулк-имтиёз ҳолатида бўлгани каби мулк-корхона ўз эгасига қўшимча маҳсулотни ўзлаштириб олиш ҳуқуқини беради. Албатта, энди ушбу маҳсулот ортқча маҳсулотда эмас, балки қўшимча қиймат – корхона хўжалик фаолиятининг харажатлари ва натижалари ўртасидаги фарқ шаклида намоён бўлади. Мулк-капитал пайдо бўлиши билан хўжайиннинг роли капиталист ва менежер, тақсимлаш жараёнини назорат қилувчи иқтисодий агент ҳамда ишлаб чиқариш жараёнининг ўзининг ташкилотчиси ролларига бўлинади.

Капиталист. Капитал эгаси хўжайин сингари қўшимча қиймат олишдан манфаатдор. Лекин ишчи кучини ишлаб чиқариш воситалари билан бирлаштириш эмас, балки капитални тўғри сарфлаш капиталист учун ушбу қийматни олиш усули ҳисобланади.

Менежер. Капиталистга менежер – ишлаб чиқариш жараёнининг раҳбари, хўжайин функциясини бажарувчи, лекин мулкни йўқотиш хатарига эга бўлмаган иқтисодий агент карама-қарши туради.

Менежернинг ижтимоий-иқтисодий роли ва ёлланма ходимнинг роли ўртасида ўта муҳим фарқ мавжуд. Ходим ўз ишчи кучини – меҳнат қобилиятини, менежер эса ишлаб чиқариш фаолиятини ташкил қилиш бўйича хизматни сотади. Битим тузилгач, ходим ижрочиға, менежер эса корхона раҳбарига айланади. Менежер даромадининг асосини у раҳбарлик қиладиган корхона фаолиятининг натижалари учун мукофот ташкил қилади.

5. *Мулк-бизнес. Тадбиркор.* Мулк микдори «қиймат» деган мавҳум тушунчага айланган шароитда саҳнага янги шахс – тадбиркор ва янги мулк объекти – бизнес чиқади. Чунки нафақат меҳнат, ер ва капитал, балки фаолиятнинг алоҳида тури – тадбиркорлик ҳам «қийматни яратиш» хусусиятига эга. Шахсий бойиш масаласини ҳал этаётиб тадбиркор муносиб ижтимоий миссия иқтисодий фаолият самарадорлигини оширишни амалга оширади. У топган янги қарорлар аста-секин ижтимоий нормага айланади. Лекин янги қарорлар – бу нафақат янги имкониятлар, балки янги хатарлардир. Бир вақтнинг ўзида мулкдор ва тадбиркор сифатида иштирок этувчи мулкдор-сармоядор қисмларга ажрала бошлайди. Шу тариқа тадбиркор аста-секин мулкдордан ажралиб чиқади. Унда ҳатто ўзининг, мулкдордан алоҳида мулк объекти – бизнес пайдо бўлади.

Сармоядор. Тадбиркорнинг ўзга мулкка бўлган талаби капитални қийматга эга бўлган чекланган ресурсга айлантиради. Бир вақтнинг ўзида тадбиркорлик фаолиятдан воз кечган ва ўзига тегишли чекланган ресурс – капиталдан фойдаланиш ҳуқуқини тўлов эвазига сотувчи сармоядор-мулкдорнинг ижтимоий-иқтисодий роли пайдо бўлади.

Сармоядорнинг шахсий мақсади мулкдан (капиталдан) олинадиган даромадни кўпайтиришдан иборат.

6. *Мулк-талаб*. Сармоядор ролининг ички қарама-қаршилиги шу нарса билан боғлиқки, тадбиркорлик фаолияти юқини кўтаришни истамаган ҳолда, у истар-истамас ушбу фаолият билан боғлиқ мулкни йўқотиш хатарини ўз зиммасига олади. Ўз навбатида, бу мулкдан оладиган даромаднинг иккита таркибий қисми ўз ичига олади: чекланган ресурс учун тўлов ва хатар учун тўлов.

Сармоядор ролининг ушбу икки тарафламалиги оқибати – яна бир бўлиниш: иштирокчи роли ва кредитор роли, тадбиркорлик фаолиятида иштирок этиш мақсадини кўзловчи сармоядор ва мулкни йўқотиш хатарини камайтирувчи сармоядор ролининг пайдо бўлиши.

Иштирокчи – бу мол-мулкка нисбатан мулкчилик ҳуқуқидан жамиятга нисбатан талаб ҳуқуқи эвазига воз кечувчи иқтисодий агент. Ўз навбатида жамиятнинг ўзи ва унинг мол-мулки эмас, балки хўжалик жамиятига нисбатан мажбурият ҳуқуқлари иштирокчининг мулки ҳисобланади.

Иштирокчининг шахсий мақсади – жамиятнинг фойдасида иштирок этишдан иборат. Тегишлича у бу билан боғлиқ хатарларнинг бир қисмини ўз зиммасига олади. Натижада мазкур лойиҳалар хатарларини кўплаб иштирокчилар ўртасида тақсимлаш асосида ўта қиммат ва узоқ муддатли лойиҳаларни амалга ошириш мумкин бўлади. Иштирокчининг ижтимоий-иқтисодий миссияси, шу тариқа, хатарлар ва жавобгарлик дисперсиясидан иборат.

Кредитор. Агар сармоядор – бу тадбиркорлик ролидан воз кечган капиталист бўлса, у ҳолда кредитор – бу тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ хатарлардан воз кечган сармоядордир. Профессионал молиявий воситачилардан фойдаланиш эса хатарларни пасайтириш усули ҳисобланади.

7. *Мулк-акция*. Жамиятнинг кўп сонли иштирокчилари нафақат унинг хўжалик фаолияти натижалари учун жавобгарликнинг, балки бошқарувчилар томонидан иштирокчилар ишончининг суиистеъмол қилиниши имкониятининг ҳам тақсимланишини юзага келтиради. Янги ижтимоий-иқтисодий рол пайдо бўлади: назоратчи – хўжалик жамиятига нисбатан алоҳида функцияларни: жамият мол-мулки ва даромадларининг тасарруф этилиши устидан назоратни амалга оширувчи унинг иштирокчиси.

Назоратчининг шахсий мақсади хўжалик жамиятини капиталлаштиришнинг ўсишига эришишдан иборат.

Акциядор. Жозибадорлигини йўқотаётган бизнесдан чиқиш ҳам хўжалик жамиятларининг фаолияти билан боғлиқ хатарларни соддалаштириш усули ҳисобланади. Ушбу имконият жамиятда иштирок этишнинг алоҳида воситаси – акцияларнинг пайдо бўлиши билан таъминланади.

Расмий жиҳатдан акциялар ўз эгаларига жамиятга нисбатан мажбурият ҳуқуқларини, хусусан: бошқарув органларида иштирок этиш ҳуқуқи, жамият фойдасининг бир қисмини олиш ҳуқуқи ва жамият тугатилган тақдирда унинг мол-мулкининг бир қисмига эга бўлиш ҳуқуқини берувчи қимматли қоғозларни ўзида намоён этади.

Бироқ ушбу ҳуқуқлар кўп жиҳатдан деклоратив ҳисобланади. Бошқаришда иштирок этиш ҳуқуқини фақат акцияларнинг катта миқдордаги пакетларига эгалик қилувчи акциядорлар – мажоритарийлар амалга оширишлари мумкин. Жамият тугатилган тақдирда унинг мол-мулкининг бир қисмини олиш ҳуқуқини эса амалга оширишнинг иложи йўқ: жамиятга нисбатан акциядорлар уларнинг талаблари ижро этиш учун қолган барча шахслар қондирилганидан кейин қабул қилинадиган сўнгги навбатдаги кредиторларни ўзида намоён этишади.

Акциядорларининг компаниядан чиқиши туфайли юзага келган унинг акциялари курсининг тушиб кетиши янги инвестицияарни жаб этиш имкониятини кескин пасайтиради.

Акциядорнинг шахсий мақсади муайян компанияни капиталлаштиришнинг ўсиши эмас, балки ўзига тегишли акциялар пакетларининг курс қийматидан ютишдан иборат. Ушбу мақсадга акциялар бозор котировкаларининг ўзгариши тенденцияларини доимий равишда кузатиш орқали эришилади. Бу эса, ўз навбатида, акциядор ижтимоий-иқтисодий миссиясининг амалга оширилишига олиб келади. Унинг саъй-ҳаракатлар туфайли капитал ҳаракатининг тезлиги кескин ошади.

5. Мулкӣ ҳуқуқлар тақсимо̀тининг таҳлили²³

Барқарор бозор иқтисодиётига эга ҳуқуқӣ-демократик жамият куришнинг асосий йўналишларидан бири – чуқур институционал ўзгаришларни амалга оширишдан иборат. Бунда нафақат эски марказлашган иқтисодиёт институтларини ислоҳ қилиш, балки иқтисодий муносабатларнинг ўзагини ташкил этувчи мулкчилик ва шартномавий муносабатларни ҳам бозор иқтисодиётига мос равишда такомиллаштириш талаб этилади. Бу борадаги амалий ишлар мамлакат мустақиллигининг дастлабки йиллариданок бошланган эди ва ҳозирги паллада ўзининг юқори босқичига кўтарилиб бормоқда. Мамлакатимиз Президенти И.Каримов Олий Мажлис Қонунчилик Палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасида республикамызда ушбу йўналишда қилинган ишларга тўхталиб, “хусусий мулкни ҳуқуқӣ жиҳатдан ҳимоя қилишни кучайтириш, мамлакатимызда ҳар томонлама бақувват мулк эгалари синфини шакллантириш, фермерлик ҳаракатини мустаҳкамлаш, иқтисодиётни янада либераллаштиришни таъминлаш, тадбиркорлик, аввало кичик бизнес фаолиятини ривожлантириш учун қулай шароитлар яратиш, кенг тармоқли бозор инфратузилмасини барпо этиш бўйича бутун бир мажмуа ишлари амалга оширилган”,²⁴ дея таъкидлаб ўтди.

Маълумки, мулкчилик муносабатлари ишлаб чиқариш муносабатларнинг негизини ташкил этади. Мулкчилик муносабатларининг таркиби мулкчилик институти билан боғлиқ. Мулкчилик институти моҳиятига кўра ижтимоий институт бўлиб, инсонларга ўз орзу-умидларини шакллантириш имконини беради. Мулкчилик институти мулкӣ ҳуқуқлардан иборат бўлиб, ушбу ҳуқуқларни билиш инсонларга истиқболдаги ўзлари муносабатга киришадиган бошқа инсонларнинг хатти-ҳаракатлари ҳамда фойда ва харажатларни ҳисоблашга имкон беради. Бундай ҳуқуқлар мавжуд бўлмаганда эди, инсонлар ўз ҳамкорларини хатти-ҳаракатларини олдиндан ҳисобга олишлари мумкин бўлмас эди.

Ана шуларни инобатга олиб, Ўзбекистонда мулкӣ ҳуқуқларни амалга оширишни тартибга солувчи бир қатор қонун ҳужжатлари қабул қилинди. Уларда мулкӣ ҳуқуқ субъектлари (фуқаролар, юридик шахслар ва давлат), мулкӣ ҳуқуқ объектлари (ер, ер ости бойликлари, сувлар, ҳаво бўшлиғи, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси, бошқа табиий ресурслар, корхоналар, ашёлар, шу жумладан бинолар, квартиралар, иншоотлар, асбоб-ускуналар, ҳомашё ва маҳсулот, пул, қимматли қоғозлар ва бошқа мол-мулк, шунингдек интеллектуал мулк), мулкӣ ҳуқуқ турлари (эғалик қилиш, фойдаланиш ва тасарруф қилиш) ҳамда уни амалга ошириш қоидалари ва ҳимоялаш қафолатлари мажмуи қабул қилинди. Улар 7.2-расмда келтирилган.

Иқтисодий нуқтаи назардан мулк объектига нисбатан мавжуд мулкӣ ҳуқуқлардан фойдаланган ҳолда ушбу объектни самарали ишлатилишига эришадиган мулк эгасини топиш мулкӣ муносабатларни ўзгартиришнинг асосий моҳиятини ифодалайди. Мулкӣ муносабатларни ўзгартириш институционал ислохотлар воситасида амалга оширилади. Унинг механизми мулкӣ ҳуқуқлар тақсимо̀тини амалга оширишдан иборат. Чунки мулкӣ ҳуқуқлар иқтисодий назариясига кўра жамиятда содир этиладиган ҳар қандай алмашув акти бу – мулкӣ ҳуқуқлар билан алмашувдир.

²³ Ушбу қисм Р.Ташматов билан ҳамкорликда ёзилган.


²⁴ Каримов И.А. Асосий вазиғамиз – Ватанамиз тараққийети ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. – Т.: “Ўзбекистон”, 2010. – 9 б.

Ўзбекистонда мулк хусусий ва оммавий шаклда бўлади. Хусусий мулк ҳукуқи шахсининг қонун ҳужжатларига мувофиқ тарзда қўлга киритган мол-мулкка эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш ҳуқуқидир. Яъни хусусий мулк шаклида юқоридаги мулк ҳуқуқлар бир шахс (жисмоний ва/ёки юридик шахс)да жамланади (7.3-расм), шунинг учун ҳам ушбу мулк шакли самаралироқ ҳисобланади. Чунки, бозор иқтисодиётида ўзаро муносабатлар турли мулк шаклларига асосланган субъектлар ўртасида олиб борилади. Уларнинг ҳар бири ўз мулкӣ ҳуқуқлари ва ўз манфаатларига эга. Уларнинг мулкӣ ҳуқуқлари жуда аниқ белгиланган, унинг ҳимояси қонун билан қафолатланган тақдирда ўзаро битимга келишиш осон кечади. Бу мулкӣ ҳуқуқлар ўзининг ҳақиқӣ эгалари, мулкдан энг унумли тарзда фойдалана оладиганлар қўлига ўтиши учун ҳам муҳимдир.

Ўзбекистон қонунчилигида, юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, мулкӣ ҳуқуқларнинг уч тури келтирилган. Лекин ривожланган бозор иқтисодиёти амал қилаётган мамлакатларда амалда бўлган умумӣ ҳуқуқда янада кўпроқ мулкӣ ҳуқуқлар ажратилади. Чунки, иқтисодӣ агентларнинг бозор тамойиллари нуқтаи назаридан ўзаро алоқалари мураккаб ҳодиса бўлиб, у мулкӣ ҳуқуқларни чуқурроқ аниқлаштиришни талаб қилади. Юқорида баён этилганидек, мулкӣ ҳуқуқлар А.Оноре рўйхати бўйича қуйидагича тақсимланади: эгалик қилиш ҳуқуқи, фойдаланиш ҳуқуқи, тасарруф қилиш ёки бошқариш ҳуқуқи, ўзлаштириш ҳуқуқи, капитал қиймат ҳуқуқи, хавфсизлик ҳуқуқи, ашёнинг мерос ёки васият бўйича ўтишига бўлган ҳуқуқ, муддатсизлик ҳуқуқи, зарарли фойдаланишни тақиқлашга бўлган ҳуқуқ, ўндириш кўринишидаги жавобгарлик ҳуқуқи, қолдиқ хусусият ҳуқуқи.

Мулкӣ ҳуқуқларни аниқлашга бундай ёндашиш бозор иқтисодиёти шароитида индивидлар ўртасида ресурслардан фойдаланиш бўйича ҳар қандай мураккаб музокараларни олиб бориш ва битишувга келишда самарали ҳисобланади. Чунки, бугунги кунда тадбиркорлик фаолиятида кенг қулоч ёётган ижара, лизинг, франчайзинг каби шакллари мулкӣ ҳуқуқларни янада кўпроқ субъектлар ўртасида тақсимланишини тақозо этади. Демак, юқоридаги ҳуқуқларни улардан энг унумли фойдаланувчи субъектларга аниқ мустаҳкамланиши трансакцион харажатларни қисқартиради ва самарали хўжалик юритишга ижобӣ таъсир кўрсатади.

Давлат корхоналарини хусусийлаштириш Давлат дастурларига мувофиқ очик акциядорлик жамияти доирасида мулкӣ ҳуқуқларнинг тақсимои турли вариантлари назарда тутилди. Масалан, меҳнат жамоасининг аъзолари акциялар умумӣ улушида 10 фоиздан ошмайди, лекин ҳар бир ходим акцияларни олиш ҳуқуқига эга ҳисобланади. Натижада, мулк субъектлари ва ҳуқуқларининг тақсимланиши қуйидаги 7.2-жадвалдаги кўринишига эга.



7.3-расм. Ўзбекистонда хусусий мулк эгалари субъектлари²⁵

7.2-жадвал

Очиқ акциядорлик жамияти акцияларига бўлган мулкый ҳуқуқларнинг тақсимланиши*

Мулкый ҳуқуқ турлари	Мулкый ҳуқуқ субъектлари			
	Акциядор, корхона ходими	Акциядорлар йиғилиши	Ижро этувчи орган, корхона дирекцияси	Давлат мулки қўмитаси
Эгалик қилиш ҳуқуқи	+		+	+
Фойдаланиш ҳуқуқи	+		+	+
Тасарруф этиш ҳуқуқи	+		+	+
Даромад олиш ҳуқуқи	+		+	+
Капитал қиймат ҳуқуқи		+		
Хавфсизлик ҳуқуқи			+	+
Мерос ва васиятнома бўйича ўтиш ҳуқуқи	+			
Муддатсизлик ҳуқуқи	+			

²⁵ Расм Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасида мулкчилик тўғрисида”ги Қонуни ва Фуқаролик Кодексига асосан тузилган

Зарарли фойдаланишни тақиқлаш ҳуқуқи				+
Ўндириш кўринишидаги жавобгарлик ҳуқуқи	+	+		
Қолдиқ хусусият ҳуқуқи		+		

*Жадвал Ўзбекистон Республикаси “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуни асосида тузилган

Мулкӣ ҳуқуқларнинг 1-жадвалдаги тақсимланиши бирламчи тақсимот босқичи ҳисобланади. Ушбу босқичда, яъни ҳуқуқларнинг ҳар бири ундан самарали фойдаланишдан манфаатдор бўлган мулкдорнинг қўлида бўлган вазиятда мулкнинг оптимал таркибига эришиш муҳим ўрин тутди. У ёки бу имкониятли мулкдорнинг мулкӣ ҳуқуқларидан самарали фойдаланишдан манфаатдорлик даражаси ҳақида мулоҳаза юритишда Коуз теоремаси²⁶ асос бўлиб хизмат қилади.

Бошқача айтганда, мулкӣ ҳуқуқларнинг дастлабки тақсимланиши ишлаб чиқаришнинг таркибига таъсир ўтказмайди, чунки пировардида ҳуқуқларнинг ҳар бири ушбу ҳуқуқдан энг самарали фойдаланиш асосида у учун энг юқори нархни таклиф этишга қодир бўлган мулкдорнинг қўлида бўлади.

Энди бу ҳолатни хусусий корхоналар мисолида кўриб чиқамиз. Амалдаги қонунчиликка²⁷ асосан хусусий корхона мулкдори билан унинг ишчилари ўртасида мулкӣ ҳуқуқлар тақсимоти 7.3-жадвалда келтирилган шаклда намоён этилиши мумкин.

7.3-жадвал

Хусусий корхоналарда устав фондига бўлган мулкӣ ҳуқуқлар тақсимоти*

Мулкӣ ҳуқуқ турлари	Мулкӣ ҳуқуқ субъектлари		
	Корхона бошлиғи (директори)	Корхона ишчилари (ҳодимлари)	Давлат
Эгалик қилиш ҳуқуқи	+		
Фойдаланиш ҳуқуқи	+	+	
Тасарруф этиш ҳуқуқи	+		
Даромад олиш ҳуқуқи	+	+	
Капитал қиймат ҳуқуқи	+		
Хавфсизлик ҳуқуқи	+		+
Мерос ва васиятнома бўйича ўтиш ҳуқуқи	+		
Муддатсизлик ҳуқуқи	+		
Зарарли фойдаланишни тақиқлаш ҳуқуқи	+		
Ўндириш кўринишидаги жавобгарлик ҳуқуқи	+	+	
Қолдиқ хусусият ҳуқуқи	+	+	

²⁶ Агар мулкӣ ҳуқуқлар аниқ тақсимланиб, трансакция харажатлари нолга тенг бўлса, у ҳолда, агар даромад самарасидан фикрни бошқа томонга бурсак, мулкӣ ҳуқуқларнинг тақсимланишидаги ўзгаришлардан қатъи назар, ишлаб чиқаришнинг таркиби ўзгармасдан қолади.

²⁷ Ўзбекистон Республикасининг “Хусусий корхона тўғрисида”ги қонуни. 11 декабр 2003 йил.

* Жадвал Ўзбекистон Республикасининг “Хусусий корхоналар тўғрисида”ги ҳамда “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги қонунлари ҳамда Фуқаролик Кодекси асосида тузилган.

Хулоса қилиб айтганда, мулкӣ ҳуқуқларнинг бўлиниш ва маълум бир уйғунликда бирлашиш хусусиятлари боис улар таркибидаги ҳар қандай ўзгариш иқтисодий рағбатлар тизимида ҳам шунга мутаносиб силжишларга олиб келади. Бу эса хўжалик жараёни иштирокчиларининг хатти-ҳаракатларида ҳам маълум ўзгаришларга сабаб бўлади. Демак, мулкӣ муносабатлар хўжалик юритишнинг ҳаракатлантирувчи омили бўлиб, турли хўжалик юритиш тизимлари учун ўзига хос мулкӣ муносабатлар шаклланади.

Ўзбекистонда фермер хўжаликларига қарашли мол-мулк ва уларга бўлган мулкӣ ҳуқуқлар давлат ҳимоясида. Улар мол-мулкига қуйидагилар киради: бинолар, иншоотлар, қишлоқ хўжалик экинзорлари ва кўчатзорлари, дов-дарахтлар, чорва моллар, паррандалар, етиштирган маҳсулот, қишлоқ хўжалик техникалари, инвентарь, асбоб-ускуналар, транспорт воситалари, пул маблағлари, интеллектуал мулк объектлари ва бошқалар (7.4-расм).



7.4-расм. Фермер хўжаликларида мулкӣ ҳуқуқлар объектлари таркиби*

*Манба: 2004 йил 26 августда қабул қилинган “Фермер хўжалиги тўғрисида”ги

Қонун асосида тузилган.

Фермер хўжаликларида ерга бўлган мулкӣ ҳуқуқларни таҳлил қиладиган бўлсак, бу ерда мулкӣ ҳуқуқлар иккита субъект – фермер хўжалиги ва давлат ўртасида тақсимланган (7.4-жадвал).

7.4-жадвал.

Фермер хўжаликларида ерга бўлган мулкый ҳуқуқлар тақсимооти*

Мулкый ҳуқуқ турлари	Фермер хўжалиги	Давлат
Эгалик қилиш ҳуқуқи	-	16 -м. ЕК
Фойдаланиш ҳуқуқи	13 -м. ФХқ, 53 –м. ЕК	-
Тасарруф этиш ҳуқуқи	-	16 -м. ЕК
Даромад олиш ҳуқуқи	17-м. ФХқ, 173 м. ФК	-
Капитал қиймат ҳуқуқи	-	16 -м. ЕК
Хавфсизлик ҳуқуқи	17 -м. ФХқ	-
Мерос ва васиятнома бўйича ўтиш ҳуқуқи	13 , 21 -мм. ФХқ	-
Муддатсизлик ҳуқуқи	-	10,16 -м. ЕК
Зарарли фойдаланишни тақиқлаш ҳуқуқи	-	36 -м. ЕК, 173 -м. ФК
Ўндириш кўринишидаги жавобгарлик ҳуқуқи	227 -м. ФК	16 -м. ЕК
Қолдиқ хусусият ҳуқуқи	-	36 -м. ЕК

Изоҳ: ФК – Ўз Фуқаролик Кодекси, ЕК – ЎзР Ер Кодекси, ФХқ – ЎзР “Фермер хўжалиги тўғрисида”ги қонуни, м. – модда.

*Манба: Амалдаги қонунчилик ҳужжатлари асосида тузилган

7.5-жадвал.

Фермер хўжаликларида лизинг орқали олинган техникага бўлган мулкый ҳуқуқлар тақсимооти*

Мулкый ҳуқуқ турлари	Лизинг олувчи (фермер хўжалиги)	Лизинг берувчи ташкilot (компания)	Лизинг сотувчи муассаса (банк)
Эгалик қилиш ҳуқуқи	589 -м. ФК, 2 -м. Лқ	-	-
Фойдаланиш ҳуқуқи	589 -м. ФК, 2 -м. Лқ	-	-
Тасарруф этиш ҳуқуқи	-	597 -м. ФК, 11 -м.Лқ	598 -м. ФК
Даромад олиш ҳуқуқи	183 -м. ФК, 6 -м. Лқ	590 -м. ФК, 22 -м.Лқ	-
Капитал қиймат ҳуқуқи	-	11 -м. Лқ	11 -м. Лқ
Хавфсизлик ҳуқуқи	593 -м. ФК, 19 -м.Лқ	19 -м. Лқ	-
Мерос ва васиятнома бўйича ўтиш ҳуқуқи	21 -м.ФХқ	-	-
Муддатсизлик ҳуқуқи	15 –м. Лқ	-	-
Зарарли фойдаланишни тақиқлаш ҳуқуқи	594, 595 -м. ФК, 24 -м. Лқ	24 -м. Лқ	-
Ўндириш кўринишидаги жавобгарлик ҳуқуқи	227 -м. ФК, 12, 24 -м. Лқ	592 -м. ФК, 11 -м. Лқ	-
Қолдиқ хусусият ҳуқуқи	-	12, 20 -м. Лқ	-

Изоҳ: ФК – ЎзР Фуқаролик кодекси, ФХқ – ЎзР “Фермер хўжалиги тўғрисида”ги Қонун, Лқ – ЎзР “Лизинг тўғрисида”ги Қонуни, м. – модда.

*Манба: Амалдаги қонунчилик ҳужжатлари асосида муаллиф ишланмалари

Маълум муддатга ижарага олинган ер участкаси учун фермер томонидан давлатга ижара ҳақи тўланади. Давлат, ўз навбатида, фермернинг ер участкасига бўлган ҳуқуқини шу муддат ичида мустаҳкам ҳимоясини таъминлайди. Яъни бу ҳолатда фермер учун ушбу ҳуқуқларни ўз ички имкониятлари билан ҳимоялашдан кўра, бу вазифани давлатга юклаб, ўзи ижара ҳақи тўлагани фойдалироқдир.

Маълумки, фермер хўжаликлари мавсум пайтида турли кишлок хўжалиги техникаси (машина, трактор ва бошқа транспорт воситалар)га муҳтожлик сезади. Тегишли техникани лизинг орқали олиш ушбу муаммонинг самарали ечими ҳисобланади. Лизинг орқали олинган техникага бўлган мулкый ҳуқуқларнинг тақсимои 7.5-жадвалда кўрсатилган.

7.5 -Жадвалдан кўриниб турибдики, ушбу ҳуқуқлар бир субъект учун белгиланмаган, балки учта (фермер хўжалиги, лизинг компаниялари ва банклар) ўртасида тақсимланган. Фермер томонидан лизинг шартномаси асосида олинган кишлок хўжалиги техникасидан фойдаланиш ҳуқуқи фермернинг ўзига тегишли, айти пайтда ушбу техникага эгалик қилиш ҳуқуқи, фермер лизинг тўловини тўлиқ амалга оширунига қадар, уни маблағ билан таъминлаган банкка тегишлидир.

Фермер хўжаликларининг асосий фаолияти кишлок хўжалиги маҳсулотини етиштиришдан иборат. Ушбу мулкка бўлган ҳуқуқлар “тутами” вазияти олдингиларга ўхшаш, яъни фермер хўжалиги, ушбу маҳсулотни қабул қилувчи (қайта ишловчи) корхоналарга ҳамда давлатга тегишли (7.6-жадвал). Чунки фермер хўжаликлари нафақат ўз эҳтиёжлари учун, балки давлат буюртмаси ёки контракция шартномасига асосан маҳсулот етиштиради. Биринчи ҳолатда ушбу мулкка бўлган деярли барча ҳуқуқлар “тутами” ер участкасига бўлган ижара муддати тугагунга қадар фермер хўжаликларида мужассам, у мутлақ эгаси ҳисобланади. Иккинчи ва учинчи ҳолатда эса ҳуқуқлар фермер хўжалиги маҳсулотни мулк қилиб топширгандан кейин қайта ишловчи ташкилот ёки давлат корхоналарга ўтади. Айнан шундай ўхшаш мураккаб мулкый ҳуқуқлар тақсимои бошқа айланма воситаларга, масалан пул маблағлари, минерал ўғитлар, ёқилғи-мойлаш материалларида ҳам кузатилади.

7.6-жадвал.

Фермер хўжаликларида етиштирилган маҳсулотларга бўлган мулкый ҳуқуқлар тақсимои*

Мулкый ҳуқуқ турлари	Фермер хўжалиги	Қайта ишловчи ташкилот	Давлат
Эгалик қилиш ҳуқуқи	8 -м.Тқ	-	-
Фойдаланиш ҳуқуқи	8 -м. Тқ	-	-
Тасарруф этиш ҳуқуқи	16 –м. Фхқ, 8 -м. Тқ	386 -м.ФК	386 -м.ФК
Даромад олиш ҳуқуқи	16, 24 –м. Фхқ, 20 -м. Тқ	-	-
Капитал қиймат ҳуқуқи	16, 24 -м. Фхқ	-	-
Хавфсизлик ҳуқуқи	464, 467 -м. ФК	466 -м. ФК	463-м. ФК
Мерос ва васиятнома бўйича ўтиш ҳуқуқи	21 -м. Фхқ	-	-
Муддатсизлик ҳуқуқи	13 -м. Фхқ	-	-
Зарарли фойдаланишни тақиқлаш ҳуқуқи	38 -м. Тқ	466 -м. ФК	464 -м. ФК
Ўндириш кўринишидаги жавобгарлик ҳуқуқи	-	-	35 –м.Фхқ
Қолдиқ хусусият ҳуқуқи	19 -м. Фхқ, 14 -м. Тқ	-	-

Изоҳ: ФК – ЎзР Фуқаролик кодекси, Фхқ – ЎзР “Фермер хўжалиги тўғрисида”ги Қонун Тқ – ЎзР “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонун, м. – модда.

***Манба:** Амалдаги қонунчилик ҳужжатлари асосида тузилган

Хулоса қилиб айтганда, қишлоқ хўжалигида мулк шаклларидаги таркибий ўзгаришлар асосан мулк хуқуқлар тақсимланишининг давлат томонидан тартибга солиниши оқибати бўлиб, айнан мулк хуқуқлар тақсимои ҳақиқий мулкдорлар ва хўжалик юриштиринг самарали шакллариини вужудга келтиришда муҳим аҳамият касб этади. Шу билан бирга 7.2-7.5-жадвалларда келтирилган мулк хуқуқлар тақсимои амалдаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш ҳамда мулкдорлар хуқуқини ҳимоя қилишга доир хуқуқий нормаларини яратишга асос бўлиб хизмат қилади. Чунки Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларида мулкка эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш хуқуқлари нормаларигина қонун ҳужжатларига киритилган, қолган 8 та мулк хуқуқи тури ҳали қонун ҳужжатларида тўлиқ ўз ифодасини топмаган.

Хулоса

Мулк хуқуқлари назарияси мулк хуқуқларнинг иқтисодиёт субъектлари (юридик ва жисмоний шахслар) ўртасида тақсимланиши ҳамда мулк муносабатлар муаммоларини ўрганади. Мулк хуқуқи – бу, бир томондан, субъектив ашёвий хуқуқ. Ўз мазмунига кўра мулк хуқуқи барча ашёвий хуқуқлар ичида энг кенг хуқуқдир: мулкдор ўз мулкига эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш хуқуқига эга бўлиши лозим.

Хорижий манбаларда мулк хуқуқи 11 та турга ажратилган ҳолда ўрганилади. Бу эса мулк хуқуқини кенгрок талқин этиш имконини беради

Мулк муносабатлар тарихан турли шаклларга эга бўлган ва улар мулк хуқуқларнинг табақаланишида намоён бўлади.

Ўзбекистонда мулк шакли хусусий ва оммавий турларга бўлинади. Оммавий мулк шакли давлат мулкини ҳам ўз ичига олади.

Фермер хўжалигининг мулки фермер ва хўжалик аъзоларининг мулки ҳисобланади.

Такрорлаш учун саволлар

1. Мулк хуқуқи деганда нима тушунилади?
2. Мулк ўзи нима? Унинг қанақа шакллари мавжуд?
3. Оноре рўйхатига кирувчи мулк хуқуқлари турларини айтинг ва уларнинг моҳиятини тушунтиринг.
4. Мулк хуқуқининг таснифи нима ва уни Ўзбекистон иқтисодиётининг амалиётида қўллаш имкониятларини изоҳлаб беринг.

8-Мавзу. Шартномалар назарияси

Режа

1. Шартнома тушунчаси
2. Сотиш тўғрисидаги шартнома ва ёллаш тўғрисидаги шартнома
3. Шартномаларнинг хиллари
4. Ташкилот тушунчаси ва институт билан ташкилот ўртасидаги чегара
5. Қишлоқ хўжалигида шартнома муносабатлари


Таянч сўз ва иборалар: шартнома, сотиш тўғрисида шартнома, ёллаш тўғрисида шартнома, ташкилот, контрактация, муносабатли одам, принципал, агент, принципал-агент муаммоси

1. Шартнома тушунчаси

Шахслар ўзаро ҳамкорлигининг умумий доиралари институтлар томонидан белгиланади. Битимларни тузиш шартларининг муайян доиралари эса ўзаро ҳамкорликнинг турли иштирокчилари ўртасида қайд этилади. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 9-боби (101-112-моддалар) битимларга бағишланган. Агар мулкчилик ҳуқуқлари назариясининг атамаларидан фойдалансак, мулкчилик ҳуқуқлари билан алмашиш ва уларни ҳимоялаш тўғрисидаги ҳар қандай келишувни шартнома, деб аташ мумкин. Шартномани тузишда шахслар расмий ва норасмий меъёрларни муайян битим эҳтиёжлари учун қўллаган ҳолда, улардан фойдаланишади. Бошқача айтганда, шартнома белгаланган институционал доираларда амалга ошириладиган алмашув мақсадлари ва шартларининг шахслар томонидан онгли равишда ва эркин танланишини акс эттиради.

Шартнома – белгаланган институционал доираларда шахсларнинг онгли равишда ва эркин танлаши натижаси ҳисобланган мулкчилик ҳуқуқлари билан алмашиш ва уларни ҳимоялаш тўғрисидаги келишув.

Шундай қилиб, институционал таҳлил оқилона танлов моделининг умумий эмас, балки хусусий ҳолатини кўриб чиқиш учун замин яратади. Ушбу модел универсал эмас, у алоҳида институционал доираларда шахсларнинг хатти-ҳаракатни ёритиш билан чегараланади, бунда шахслар ушбу доираларга чекланган даражада таъсир кўрсатади. Оқилона танлов моделини институционал доираларга жойлаштириш «доира самараси» деб ном олди. Бироқ оқилона танлов институционал доираларини фақат чегаралаш (гиёҳвондлик моддалари, қурол-аслаҳа, бошқа ижтимоий хавфли товарлар ва хизматлар олди-сотдиси тўғрисида шартномалар тузиш учун қонуний тақик) сифатида талқин этиш нотўғри бўлади. Институционал доиралар нафақат чеклайди, балки оқилона танловни амалга ошириш учун замин яратиши мумкин. Шу тариқа, ишончнинг норасмий меъёри ҳам, томонларнинг шартномадан келиб чиқувчи *мажбуриятларининг* пайдо бўлиши тўғрисидаги расмий қоида ҳам, хатто шартнома тузиш ва уни бажариш лаҳзаси ўртасида анча вақт ўтган тақдирда ҳам ҳуқуқлар билан алмашиш имконини беради. Бундай институционал доираларда амал қилувчи «муносабатли» одам, ўз хусусиятларига кўра *homo oeconomicus*дан фарқ қилади – биринчи тушунча иккинчисига қараганда анча кенг.



8.1-расм. Шартномавий мажбурият доираси

«Муносабатли» одам оқилона мақсадли ҳаракат меъёрига амал қилади, лекин шу билан бирга у ўз хатти-ҳаракатини ишонч, эмпатия ва бозор конституциясини ташкил қилувчи бошқа меъёрлар асосида ҳам куради.

Уни тузиш ва бажариш лаҳзаларининг вақт бўйича мос келмаслигини назарда тутувчи шартнома одатий ҳолатни ўзида намоён этади.

Бозор конституциясига кўра, шахс хатти-ҳаракатига «табиий» омилларнинг таъсирини аниқ олдиндан айтишнинг иложи йўқ. Чунки бозор конституцияси *шахс* ва «*табиат*» ўртасидаги эмас, балки *шахслар ўртасидаги* ўзаро ҳамкорликни тартибга солувчи меъёрлар

йиғиндисини ўзида намоён этади. Шахслар ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик натижаларига «Табиат» таъсирининг учта варианты мавжуд.

1. «Табиат» ўзаро ҳамкорлик натижаларига таъсир кўрсатмайди, шахслар ушбу ҳолатда *аниқлик* шароитида бўлади

2. «Табиат» ўзаро ҳамкорлик натижаларига таъсир кўрсатади, лекин унинг таъсирини олдиндан айтиш мумкин. Шахс томонидан қабул қилинадиган қарорни муқобил натижаларнинг пайдо бўлиши эҳтимоли маълум бўлганида «ҳисоблаб чиқиш» мумкин.

3. «Табиат» ўзаро ҳамкорлик натижаларига таъсир кўрсатади, лекин унинг таъсирини олдиндан айтиб бўлмайди. Қарор қабул қилиш натижаларини «ҳисоблаб чиқиш» мумкин эмас, чунки қарорни қабул қилиш вақтида уларнинг пайдо бўлиши эҳтимоли эмас, балки фақат унинг муқобил яқунлари маълум.

Хатар ва ноаниқлик шароитида ҳамма шахслар ҳам бир хил ҳаракат қилмайди. Инсонларнинг хатарга нисбатан муносабатлари нуқтаи назаридан уларнинг учта хили мавжуд: хатарга *қарши* инсонлар; хатарга *бетараф* муносабатда бўладиган инсонлар ва хатарга *мойил* инсонлар.

2. Сотиш тўғрисидаги шартнома ва ёллаш тўғрисидаги шартнома

Қайси институционал доиралар инсонларнинг «табiiй» («табиат» билан шартланган) хатар ва ноаниқликларга бўлган муносабатларининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда шартномалар тузиш имконини беради? Ушбу институционал доиралар битим томонларидан бирига ўзаро ҳамкорлик натижаларига «табiiй омиллар» таъсиридан қатъи назар кафолатланган даромад олиш ҳуқуқини қўлга киритиб, хатардан воз кечиш имкониятини берувчи ёллаш тўғрисидаги шартномада белгиланади. Бироқ бунда шартноманинг хатарга қарши бўлган томони вазият қулай тус олган ҳолларда катта даромад олиш учун эътирозлардан воз кечади.

«Ёллаш тўғрисидаги шартнома» атамаси ёлланма ходим ва иш берувчининг ўзаро ҳамкорлиги моделидан келиб чиқиб, унда шу нарса назарда тутиладики, ёлланма ходим – хатарга қарши, иш берувчи эса хатарга нисбатан бетараф. Бозор конъюнктураси ва ёлланма ходим ишлаб чиқарадиган маҳсулотга бўлган талаб қандай бўлишидан қатъи назар, у меҳнати учун қатъий белгиланган мукофотни олади. Бунда шартноманинг ўзида қайси ҳаракатларни амалга оширганлик учун ёлланма ходим мукофот олиши аниқ кўрсатилмайди, ҳаракатлар хусусияти «табiiй» омиллар билан шартланган у ёки бу вазият содир бўлишидан келиб чиқади. Амалда ёллаш тўғрисидаги шартнома фақат ёлланма ходимнинг иш берувчининг қарорларига бўйсунити зарурлигини қайд этади.

Энди юқорида айтилганларни қатъийроқ шаклда намоён этамиз. Шартнома тузиш палласида унинг амалга оширилишига шартнома иштирокчиларининг назорати остида бўлмаган e_i воқеалар таъсир кўрсатиши маълум, дейлик. Шу билан бирга ушбу p_i воқеаларнинг содир бўлиши эҳтимоли ҳам маълум. У ҳолда ёллаш тўғрисидаги шартномани тузишда иш берувчи томонидан ёлланма ходим шартноманинг амалга оширилиши палласида қандай e_i воқеа содир бўлишига қараб бажариши учун x_i вазифани танлаш тартиби тафсирланади. Ёллаш тўғрисидаги шартномада бутун X вазифалар йиғиндиси ҳақида келишиб олинади, шулардан иш берувчи, бунда ўзининг фойдалилик функциясини максималлаштирган ҳолда x_i ни танлаши мумкин. Яъни ёллаш тўғрисидаги шартнома деб X вазифалар йиғиндисининг унда функциянинг максимал қиймати

$$EU[p_1x_1(e_1) + p_2x_2(e_2) + \dots + p_kx_k(e_k)],$$

бу ерда $x_1, \dots, x_k \in X$ бўлган тафсирсига айтилади, бу ерда EU – иш берувчининг кутилаётган фойдалилиги. Ёллаш тўғрисидаги шартномага *сотиш тўғрисидаги шартнома* муқобил ҳисобланиб, унда эҳтимолий вазифаларнинг йиғиндиси эмас, балки бажариш учун қабул қилинадиган ва e_i воқеалар содир бўлишининг маълум эҳтимоллиги асосида белгиланган муайян вазифалар ҳақида келишиб олинади. Шундай қилиб, сотиш тўғрисидаги шартнома қуйидаги функциянинг қиймати максимал бўладиган (шартноманинг амал қилиш муддати мобайнида) *келгуси* даврларда бажариш учун қабул қилинадиган вазифаларни белгилаб беради:

$$p_1 U[x_1(e_1)] + p_2 U[x_2(e_2)] + \dots + p_k U[x_k(e_k)],$$

бу ерда U – битим иштирокчиларининг x_i топшириғини бажаришдан умумий фойдалилиги.

Ёллаш тўғрисидаги шартнома – хатарга бетараф бўлган шахс ва хатарга қарши шахс ўртасидаги келажакда шартноманинг бажарилиши жараёнида *амалга оширилиши мумкин бўлган* вазифалар доирасини белгилаб берувчи келишув. Бунда хатарга қарши шахс хатарга бетараф бўлган шахсга ўз ҳаракатлари устидан назорат қилиш ҳуқуқини топширади.

Сотиш тўғрисидаги шартнома – бир хил даражада хатарга бетараф бўлган шахслар ўртасидаги келажакда шартноманинг бажарилиши жараёнида *амалга ошириладиган* вазифалар доирасини белгилаб берувчи келишув.

Сотиш тўғрисидаги шартнома фақат унинг иккала томони ҳам хатарга нисбатан бетараф бўлиб, кутилаётган воқеалар содир бўлмаслиги ва шартномада қайд этилган вазифалар юзага келадиган вазиятга мос бўлмаган эҳтимолликка қўнишга тайёр бўлган тақдирда тузилиши мумкин.

Демак, сотиш тўғрисидаги шартнома хатарга бир хил муносабатда бўладиган – хатарга бетараф шахслар ўртасидаги муносабатларни тартибга солади. Ёллаш тўғрисидаги шартнома эса хатарга ҳар хил муносабатда бўладиган – хатарга бетараф ва хатарга қарши инсонлар ўзаро ҳамкорлигининг институционал доираларини ёритади. Хатарга қарши шахслар (ёлланма ходимлар) хатарга бетараф бўлган шахслар (иш берувчилар) фойдасига ўзларининг келгусида «табiiй» омилларни ҳисобга олган ҳолда ҳаракат стратегиясини эркин танлаш ҳуқуқидан ихтиёрий равишда воз кечишади. Шахснинг шартномада белгиланган фаолият тури устидан *назорат қилиш ҳуқуқининг ихтиёрий равишда топширилиши* юз беради. Худди ресурсларни тасарруф этиш ҳуқуқини топшириш каби шахс ўз ҳаракатлари устидан назорат қилиш ҳуқуқини ҳам топшириши мумкин.

Шундай қилиб, шахс, агар у бошқа шахс томонидан назорат қилинган тақдирда катта фойда ва (ёки) назорат қилиш ҳуқуқи топшириладиган шахсдан компенсация олишига ишонса, ўз ҳаракатлари устидан назорат қилиш ҳуқуқининг топширилишидан *манфаатдор* ҳисобланади.

Шахс томонидан фаолиятнинг шартномада белгиланган соҳалардаги ўз ҳаракатлари устидан назоратнинг топширилиши ҳуқуқронлик муносабатларининг асосида ётади. Ҳуқуқронлик муносабатлари бир неча хилда бўлади:

- *оддий*, унинг доирасида назорат айнан унга назорат қилиш ҳуқуқи топширилган шахс томонидан амалга оширилади;
- *мураккаб*, бунда унга назорат қилиш ҳуқуқи топшириладиган шахс бир вақтнинг ўзида ушбу ҳуқуқни учинчи шахсларга топшириш ҳуқуқини ҳам қўлга киритади;
- *песонафикацияланган*, унда назорат қилиш муайян шахсга топширилади;
- *позицион*, у назоратнинг муайян шахсга эмас, балки жамиятнинг институционал таркибида (давлат аппаратида, фирманинг ички тузилишида ва ҳ.к.) муайян мавқега эга бўлган шахсга топширилишини назарда тутади.

3. Шартномаларнинг хиллари²⁸

Энди ёллаш тўғрисидаги шартнома билан сотиш тўғрисидаги шартномани ўзаро таққослаган ҳолда, бевосита шартнома таркибини муҳокама қилишга киришамиз. Шартноманинг учта базавий хили маълум – *классик*, *имплицит* ва *неоклассик*.

Классик шартнома, унда ўзаро ҳамкорликнинг барча шартлари аниқ ва тўла-тўқис белгиланган, сотиш тўғрисидаги шартномадан ҳосил бўлган шартнома.

Имплицит (бундан «имплицит», яъни охиригача келишилмаган шартнома атамаси келиб чиққан) шартнома эса, аксинча, ўзаро ҳамкорликнинг аниқ белгиланишини истисно этади, шартнома томонлари шартноманинг амалга оширилиши жараёнида уларнинг тафсирланишини назарда тутди. Бундай шартнома ёллаш тўғрисидаги шартномадан ҳосил қилинган. Неоклассик ёки *гибрид*, «*муносабатли*» шартнома ўзида ҳам ёллаш тўғрисидаги шартноманинг, ҳам сотиш тўғрисидаги шартноманинг унсурларини бирлаштиради ва томонларга қўтилмаган ҳолатлар содир бўлганида унинг ҳарфларига амал қилмаслик имконини беради.

Қуйидаги жадвал ёрдамида учта хилдаги шартноманинг таркиби ва параметрларини солиштирамиз.

8.1-жадвал

Шартнома таркиби ва хусусиятлари

Классик	Неоклассик	Имплицит
1. Шартнома томонларининг тавсифи		
Иштирокчиларнинг ҳар бирининг ўрнини босадиган шахсни топишнинг осонлиги. Натижа иштирокчиларнинг таркибига боғлиқ эмас. Томонлар хатарга нисбатан бир хилда бетараф.	Тенг ўринбосар топишнинг қийинлиги туфайли шартнома томонлари бир-бирига боғлиқлигининг юқори даражаси. Томонлар хатарга нисбатан бетараф.	Битим иштирокчиларининг икки томонлама боғлиқлиги: натижа уларнинг биргаликда фаолият юритишга қодирлигига боғлиқ. Бир томон хатарга нисбатан бетараф, иккинчи томон хатарга қарши.
2. Шартнома шакли		
Шартнома стандарт шаклда, унда шартномани бажаришнинг барча деталлари ҳақида тўлиқ келишиб олинган.	Шартнома шакли «битимга мослаб» махсус ишлаб чиқилади. Шартнома тўлиқ тафсирланмаган, балки тузатишлар киритиш учун имконият қолдиради.	Шартноманинг асосий қоидалари эксплицит тарзда умуман тафсирланмаслиги мумкин. Шартнома томонларнинг бири томонидан ўз ҳаракатини назорат қилиш ҳуқуқининг бошқа томонга топширилишига олиб келади.
3. Томонлар ўртасидаги муносабатлар		
Томонлар тўлиқ мухториятни сақлаб қолишади.	Томонлар мухориятни сақлаб қолишади.	Ҳукмронлик муносабатлари: фаолиятни назорат қилиш ҳуқуқини топшириш.
4. Шартнома тузиладиган давр		
Қисқа муддатли.	Ўрта ва узок муддатли.	Узок муддатли. Шартноманинг амал қилиш даври ҳақида умуман

²⁸ Ушбу қисм Н.Неделькина билан ҳамкорликда ёзилган.

		келишмаслик мумкин: у томонлардан бири учун назорат қилиш ҳукукидан мустақил фойдаланганга қараганда уни топшириш фойдалироқ экан, амал қилаверади.
5. Кутилмаган ҳолатларга мослашиш усули		
Шартномани янги шартларда қайта тузиш	Музокаралар, позицияларнинг келишиш, «томонларнинг ўзаро муносабатлари мобайнида тўпланган барча ўзаро ҳамкорлик тажрибаси» асосида ўзаро воз кечишлар.	Шартнома томонларидан бирининг бошқа томон қарорларига бўйсуниси (Х вазифалар йиғиндисидан х вазифанинг бажарилишига тааллуқли).
6. Шартнома шартларини бажаришга ундовчи омиллар		
Кучли: томонларнинг мукофотланиши шартномада қайд этилган муайян вазифаларнинг бажарилиши билан боғланган.	Ўртача: «оқлаш» докторинасидан фойдаланиш томонларга мажбуриятларнинг бажарилишига тўсиқ сифатида кутилмаган ҳолатларни баҳона қилиш имконини беради.	Кучсиз: шартнома томонларидан бири назорат ҳукукини топширганлик факти учун қатъий белгиланган мукофотни олади.
7. Шартнома шартларини бажармаганлик учун санкция		
Шартноманинг ўзида қайд этилган ҳукукий санкциялар.	Томонларнинг узоқ вақтли ўзаро ҳамкорлик қилиши даври мобайнида орттирилган обрўнинг йўқотилиши.	Маъмурий жазо, назорат ҳукукини топширганлик учун компенсациянинг кам фойдали шартлари
8. Низолар ҳал этиладиган инстанция		
Суд	Учинчи томон: арбитраж суд, ҳакамлар суди.	Низоларни ҳал этиш қандайдир учинчи томон жалб қилинмаган ҳолда, ҳокимиятдан фойдаланиш асосида амалга оширилади.
9. Низоларни ҳал этиш тартиботи самарадорлигини чекловчи омиллар		
Суд тасарруфида бўлган ахборотнинг чекланганлиги. қонундан фойдаланиш нархи нолга тенг эмас.	Ҳакамлар суди ёки арбитраж судининг обрўси. Учинчи томонга топшириладиган ваколатларнинг чекланганлиги (арбитраж бундан мустасно). Хуфёналик нархи нолдан фарқ қилади.	Маъмурий назоратни амалга ошириш харажатлари. Ҳар қандай низо ўзида томонларнинг нафақат «овоз бериш», балки «чиқиш», яъни топширилган назорат ҳукукини қайтариб олиш ҳукукидан ҳам фойдаланиш имкониятини ўзида мужассамлантиради.
10. Мисоллар		
Олди-сотди шартномаси	Франчайзинг. Табиий монополияларнинг тартибга солиниши. Транспорт,	Иш берувчи ва ёлланма ходим ўртасидаги шартнома. Фирма ичидаги муносабатларнинг бутун

	энергетика ва хомашё компаниялари ўртасидаги узоқ муддатли шартномалар.	мажмуи.
--	---	---------

Ўзбекистонда хўжалик шартномаларини тузиш, бажариш, ўзгартириш ёки бекор қилишнинг ҳуқуқий асослари “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартнома-ҳуқуқий асослари тўғрисида”ги Қонун билан тартибга солинади. Ўзбекистон Республикасида амалда бўлган хўжалик шартномаларининг турлари 8.2-расмда келтирилган.



8.2-расм. Ўзбекистон Республикасида шартномалар турлари*

* Муаллиф томонидан Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ тузилган.

4. Ташкилот тушунчаси ва институт билан ташкилот ўртасидаги чегара

Принципиал жиҳатдан янги ҳолат – шахс томонидан ёллаш тўғрисидаги шартнома доирасида ўз ҳаракатларини назорат қилиш ҳуқуқининг ихтиёрий равишда топширилиши – бозор конституцияси меъёрларига тузатишлар киритишни талаб қилади. Биринчидан, мураккаб утилитаризм меъёрига фақат ёллаш тўғрисидаги шартноманинг томонларидан бири – унга назорат ҳуқуқи топширилаётган томон амал қилади. Битимнинг ушбу томонини «принципал» ёки «топшириқ берувчи» деб атаيمиз. Битимнинг иккинчи томони – «агент» ёки «ижро этувчи» маълум даражадан ортиқ бўлган мукофот эвазига ўз ҳаракатларини ўзи назорат қилиш ҳуқуқидан воз кечади. Бошқача айтганда, «агент» ўзининг фойда олиш даражасини оширмайди, балки фойданинг маълум даражасига эришишни мўлжаллайди (чекланган утилитаризм меъёри). «Принципал» ва «агент» ўртасидаги муносабатлар қатъий шаклда қуйидаги тенгламалар билан ёритилади:

$$\max EU(\text{principal}) = EU[f(Q), Q, A, S],$$

$$EU(\text{agent}) = EU(Y, A, S) \geq U,$$

бу ерда: Q – шартномани амалга ошириш натижаси ("чиқиш");

$Y = f(Q)$ - "агент" фаолиятига ҳақ тўлашнинг танланган схемаси;

A - ""принципал" томонидан қўйилган вазифаларни бажариш бўйича агент" қўллайдиган саъй-ҳаракатлар;

S – шартнома томонларига боғлиқ бўлмаган «табiiй» омиллар.

Иккинчидан, «агент»нинг хатти-ҳаракати оқилона мақсадли ҳаракат тамойилларини бузади, чунки у мақсадларни танлашда эркин эмас – мақсадлар «принципал»нинг манфаатлари билан белгиланган. «Агент» ўз ҳаракатларида ўз манфаатларига амал қилмаслиги керак, у биринчи навбатда «принципал»нинг манфаатларини кўзлаши лозим. Идеал «агент» «принципал»нинг манфаатларини ўз манфаатлари сингари қабул қилади.

Учинчидан, ишонч меъёрини амалга ошириш билан боғлиқ муаммолар ҳам мавжуд. «Агент» «принципал»га у томонидан у ёки бу вазиятда қабул қилинадиган қарорларнинг тўғрилиги нуқтаи назаридан ишониши лозим. «Принципал»га ишонмаган «агент» унга назорат қилиш ҳуқуқини топширишдан манфаатдор эмас. Бундан ташқари, «агент» «принципал» «агент»нинг ҳаракатлари устидан назорат соҳасини шартнома билан белгиланмаган муносабатларга ҳам ёймаслигига ишонч ҳосил қилиши керак. Тескари ҳолат нотўғри, чунки «принципал» ҳатто «агент»нинг ҳаракатларини ўз фойдалилигини эмас, балки «принципал»нинг фойдалилигини оширишга йўналтириш зарурлигини ҳисобга олган ҳолда унга нисбатан маълум даражада ишочсизлик билан муносабатда бўлиши лозим.

Тўртинчидан, ёллаш тўғрисидаги шартномани амалга ошириш учун эмпатия нормаси талаб этилмайди. «Принципал» мукофотнинг «агент» рози бўладиган энг паст даражасини билиши kifоя қилади. Унда иккала томон ҳам шартнома ёрдамида ўзининг фойдалилигини оширадиган, «симметрик барқарорлик» мезонига жавоб берувчи сотиш тўғрисидаги шартномадан фаркли ўлароқ, ёллаш тўғрисидаги шартнома симметрик барқарорликни назарда тутмайди. Бир томондан, ёллаш тўғрисидаги шартномани амалга оширишдан ютуқни тақсимлаш ассиметрик хусусиятга эга. Иккинчи томондан - ҳатто «агент»га ўз ҳуқуқларини «принципал»га топширганлик учун тўланадиган компенсация «горизонтал бўйича» эмас, фақат «вертикал бўйича» муносабатларга тааллуқли. Ёллаш тўғрисидаги шартнома бир неча «агент»га амал қилинган ҳолларда улар ўртасидаги муносабатлар «принципал»га мурожаат этиш орқали тартибга солинади ва шунинг учун симметрик барқарорликка эришишга йўналтирилмаган.

Ва ниҳоят, қонунга бўйсунуш меъёрига зарурат йўқ, чунки шартномани амалга ошириш юзасидан келиб чиқадиган низолар умуман қонунга бўйсунуш орқали ҳал

этилмайди. Ёллаш тўғрисидаги шартноманинг бажарилиши билан боғлиқ барча масалалар «ички ҳакам» - «принципал» томонидан ҳал этилади.

Шу тариқа «принципал» ва «агент»нинг ёритилган ўзаро муносабатларини тартибга солувчи меъёрлар йиғиндиси буйруқбозлик иқтисодиёти конституциясини эслатади. Лекин, бу тасодиф эмас. Неоинституционал назария асосчиси, Нобель мукофотининг лаурияти Роналд Коуз ўзининг «Фирма табиати» мақоласида буйруқбозлик асосига эга бўлган иқтисодий муносабатлар бозор тизимининг ичида ҳам мавжуд, деган хулосага келади. «Бизнинг иқтисодиётда режалаштириш мавжуд... Фирма ичида... бозор трансакцияларига барҳам берилган, алмашув трансакцияларига эга бўлган мураккаб бозор тузилмасининг ролини эса мувофиқлаштрувчи тадбиркор ўйнайди, у ишлаб чиқаришни ҳам бошқаради». Бошқача айтганда, буйруқбозлик иқтисодиёти конституцияси нафақат тарихий жиҳатдан қизиқиш уйғотади, балки у алоҳида тузилмалар – ёллаш тўғрисидаги шартнома асосида юзага келадиган *ташкилотлар* доирасида муносабатларни тартибга солади. Ташкилот деганда биз «таърифланадиган чегараларга эга бўлган ва мақсадларга ёки иштирокчи аъзолар томонидан тақсимланадиган мақсадлар йиғиндисида эришиш учун фаолият кўрсатувчи мувофиқлаштириш бирлиги»ни тушунамиз. Фирмалар (мувофиқлаштиришнинг иқтисодий бирликлари), касаба уюшмалари, сиёсий партиялар, университетлар, фойда кўрмай ишловчи ташкилотлар ва кўплаб бошқа «мувофиқлаштириш бирликлари» ташкилотлар ҳисобланади. Ушбу таърифдан ташкилотнинг учта асосий хусусияти келиб чиқади.

1. Иштирокчилар йиғиндиси.
2. Барча иштирокчиларни «принципал» манфаатларидан ҳосил бўлган ташкилот мақадларига мослашув даражаси.
3. Ҳукмронлик муносабатларининг расмий тузилмаси, маълум даражадаги мураккаблик билан тавсифланувчи кўп поғоналилик.

Институт	Ташкилот
<i>Макроинституционал</i> тоифа	<i>Микроинституционал</i> тоифа
Ўзаро ҳамкорликнинг умумий доираларини белгилайди	Ўзаро ҳамкорлик(лар)нинг муайян доираларини белгилайди
<i>Соф ижтимоий неъмат</i> тавсифига эга	<i>Клуб неъмат</i> и тавсифига эга
<i>Индивидуаллашмаган</i> ва <i>нолокал</i> трансакцияларни тартибга солади	Аниқ чегараланган, демак, <i>индивидуаллашган</i> ва <i>локал</i> трансакцияларни тартибга солади
Шахслар институтларнинг ўзгариш жараёнига таъсир кўрсата олишмайди	Ташкилот шахсларнинг онгли равишдаги танлови натижаси саналади
Ҳукмронлик муносабатларининг элементи <i>мавжуд эмас</i>	Ҳукмронлик муносабатлари ташкилот <i>фаолият кўрсатишининг асосида</i> ётади
Трансакция харажатларининг таркибини ва миқдорини белгилайди	Институционал доиралар томонидан белгиланган трансакция харажатларининг тежалишига кўмаклашади

Трансакция харажатларини тежашга тааллуқли бўлган сўнги фарқ хусусида алоҳида тўхталиб ўтиш лозим. Ёллаш тўғрисидаги шартномани амалга ошириш ўша мақсадлар учун сотиш тўғрисидаги шартноманинг институционал доираларидан фойдаланишдагига қараганда анча кам трансакция харажатлари билан боғлиқ. Тежаш,

Ташкилот - ҳукмронлик муносабатлари, яъни иштирокчиларининг айримлари - «агентлар» томонидан ўз ҳаракатлари устидан назорат қилиш ҳуқуқининг унинг бошқа иштирокчиси – «принципал»га топширилиши асосида қурилган мувофиқлаштириш бирлиги.

Ташкилотни мувофиқлаштириш бирлиги сифатида таърифлаш ушбу тушунча ва инсонларнинг ўзаро ҳамкорлигини белгилаб берувчи «институт» тушунчасини аниқ чегаралашни талаб қилади. Уларни қуйидаги жадвал ёрдамида таққослаймиз:

биринчидан, шартномани мунтазам қайта тузиш зарурати йўқолиши муносабати билан, иккинчидан эса, шартноманинг имплицит шакли – ўзаро ҳамкорликнинг барча деталларини аниқ тафсирлашдан воз кечиш ҳисобидан пайдо бўлади.

Трансакция харажатларини тежашнинг қолган бизга маълум воситалари ичида *ташкилот* бир қатор ўзига хос хусусиятлари билан тавсифланади. Битимлар тузишда музокаралар юритиш харажатларини тежаш имконини берувчи стандарт (намунавий) шартномалардан фойдаланиш; ўлчаш харажатларини пасайтирувчи сифат, ўлчаш ва тортиш стандартларини ишлаб чиқиш ва ривожлантириш; жамиятда мулкчилик ҳуқуқларини тафсирлаш ва ҳимоя қилиш харажатларининг камайишига олиб келувчи консенсус мафкурасини шакллантириш каби воситалар шулар жумласидандир. Уларни қўллаш интенсивлигини ошириш билан юқорида кўрсатилган барча учта воситанинг самарадорлиги пасаймайди. Аксинча, ушбу воситалардан қанчалик кенг фойдаланилса, бир битим ҳисобида трансакция харажатларининг миқдори шунчалик кам бўлади.

Ташкилот доирасида трансакция харажатларини тежаш борасидаги ишлар эса бошқача кўринишга эга. Трансакция харажатлари миқдорларининг ўсиши, яъни ташкилий доираларда битимлар кўпроқ амалга оширилиши билан ушбу соҳада унинг самарадорлиги камаяди. Ташкилот ичида битимларни амалга ошириш ҳамон ахборотни қидириш харажатларини, шунингдек музокаралар юритиш харажатлари ва шартнома тузиш харажатларини пасайтириш имконини берса-да, бунда бошқа хилдаги харажатларнинг ўсиши юз беради. Ташкилот ўлчамларининг ортиши билан, биринчи галда, мониторинг ва оппортунизмни олдини олиш харажатлари ошади. Биринчидан, ташкилот иштирокчилари сонининг ўсиши билан улар манфаатларининг бирлигига, аниқроғи улар манфаатларининг «принципал» манфаатларига мос келишига эришиш қийинлашади. Шунинг учун «принципал» мониторингни ва «агентлар» ҳаракатини назорат қилиш учун катта саъй-ҳаракатларни амалга оширишга тўғри келади. Бундан ташқари, ташкилотнинг ўсиши «принципал»ни, «агентлар»ни назорат қилиш бўйича ваколатларининг бир қисмини ўз вакилларига топширган ҳолда, мураккаб ҳукмронлик муносабатлари схемасига ўтишга мажбур этади. Ушбу таркибий ўзгаришлар нафақат «агентлар»ни назорат қилиш харажатларининг ортиши билан, балки «принципал» манфаатлари вакиллариининг ҳаракатларини назорат қилиш зарурати билан ҳам боғлиқ

Р.Коуз [42] ташкилотнинг ўсиши билан камаювчи самарадорликни «менежментнинг камаювчи маржинал самарадорлиги» деб номлади ва ҳамма вақт *институтга (бозорга) нисбатан ташкилот (фирма) ўсишининг чегараси мавжуд* деган фикрга келди. «Фирма фирма ичидаги битта қўшимча трансакцияни ташкил этиш харажатлари ўша трансакцияни очиқ бозорда алмашиш орқали амалга ошириш харажатлари билан тенглашгунга қадар кенгайиб боради...». Яъни, ёлғиз фирмдан ташкил топган иқтисодиёт (буйруқбозлик иқтисодиётини ана шундай дейиш мумкин) бўлиши *мумкин*, лекин менежментнинг маржинал самарадорлиги камайиши туфайли у *самарасиз* бўлади.

Масалан, А фирма бозорда Б, В ва Г фирмалардан (сотиш тўғрисидаги шартнома доирасида) сотиб олинadиган бутловчи қисмлардан компьютер йиғиш билан шуғулланади, дейлик. Ўзининг трансакция харажатларини оптималлаштирган ҳолда, А фирма Б фирма билан ягона корхона тузишга қарор қилади. У В фирма билан ҳам масалани ҳудди шу тариқа ҳал этади. Г фирмани ягона ташкилий тузилмага киритиш фирма ичидаги бошқарув ва назорат харажатларининг ўсиши туфайли фойдасиз бўлиб

чиқиши мумкин. Шундай қилиб, А фирма томонидан В фирманинг қўшиб олиниши *чегара* битим ҳисобланиб, шундан сўнг кейинги кенгайтириш самарасиз бўлиб қолади.

Лекин, институт билан ташкилот ўртасидаги чегаранинг аниқ демаркацияси сотиш тўғрисидаги шартнома (бозор битимлари)нинг ҳам, ёллаш тўғрисидаги шартнома (фирма ичидаги битимлар)нинг ҳам элементларини ўзида бирлаштирувчи неоклассик шартномаларнинг мавжуд бўлиши факти билан қийинлашади. Масалан, А фирма ўз таркибига Г фирмани бирлаштиришдан бош тортиши, лекин айти пайтда у билан бутловчи қисмларни етказиб бериш учун шартнома тузиши мумкин, бу ҳукмронлик муносабатлари асосида эмас, балки икки томонлама келишув асосида бозорнинг «табiiй» олдиндан айтиб бўлмаслигидан кўриладиган зарарларни пасайтириш имконини беради.

Хулоса

Шартнома муайян битимларни амалга оширишнинг институционал доираларини ўзида намоён этади. Ҳар қандай институт сингари, шартнома нафақат ўзаро ҳамкорликни чегаралайди, балки унинг учун замин яратади, бу ҳол айтқанда битимларни тузиш ва амалга ошириш лаҳзаларининг вақт бўйича мос келмаслигида яққол намоён бўлади. Бундай турдаги битимлар улар иштирокчиларининг мақсадларига боғлиқ бўлмаган ҳолатларнинг пайдо бўлиши хатари билан боғлиқ. Инсонлар хатарни қабул қилиш даражаси бўйича фарқ қилади, бу эса икки турдаги шартномаларнинг – хатарга бетараф бўлган шериклар ўртасидаги муносабатларни тартибга солувчи сотиш тўғрисидаги шартнома ҳамда хатарга бетараф бўлган ва хатарга қарши инсонларга ўзаро ҳамкорлик қилиш имконини берувчи ёллаш тўғрисидаги шартноманинг мавжуд бўлишини изоҳлайди.

Ташкилот кичиклашган буйруқбозлик иқтисодиётини ўзида намоён этади. Ташкилот ички ўсишининг чекланишлари айнан шу билан боғлиқ: ташкилот кўламларининг кенгайиши мониторинг ва оппортунизмни олдини олиш харажатларининг ошишига олиб келади. Институт (бозор) билан ташкилот (фирма) ўртасидаги энг аниқ чегара қуйидаги кўрсаткичлар даражасини баҳолаш ёрдамида аниқланади: активларнинг ўзига хослиги, ноаниқлик, битим томонларининг хатарга мойиллиги, битимнинг мураккаблиги, шунингдек қонундан фойдаланиш баҳоси билан хуфёналик баҳосининг ўзаро нисбати.

Такрорлаш учун саволлар

1. Сиз бугун қандай хилдаги шартномаларни тузишингизга тўғри келди? Амалга оширилган битимлардан бирини шу нуқтаи назардан тавсифланг.
2. «Лавз пулдан ҳам қиммат» деган машҳур мақолни институционал нуқтаи назардан талқин этинг. Унда қанақа шартнома идеали ўз аксини топган?
3. Бугунги кунда Сиз қандай энг ўзига хос активга эгасиз? Жавобингизни асосланг.
4. Институт ва ташкилот категорияларидан фойдаланган ҳолда институционал ёндашув асосида сиёсий партия билан ижтимоий-сиёсий ҳаракат ўртасидаги фарқни изоҳланг.
5. Ёллаш тўғрисидаги шартноманинг институционал ва марксистик талқинини таққосланг.
6. Нима учун имплицит шартномани амалга ошириш жараёнида юзага келадиган низоларни ҳал этиш учун учинчи томонни жалб этишга зарурат йўқ?
7. Фирманинг табиатини тушунтиришга нисбатан институционал ёндашув ва Фрэнк Найт билан намоён этилган Австрия мактабининг ёндашувини қанчалик таққослаш мумкин?
8. Қишлоқ хўжалигида қандай мақсадлар учун шартномалар тузилади ва шартнома шартларининг бажарилишини назорат қилиш мониторингининг ўзига хос хусусиятларига нималар киради?

9-Мавзу. Фирма назарияси

Режа

1. «Принципал» билан «агент» ўртасидаги ўзаро муносабатлар муаммоси
2. «Принципал-агент» муаммоларини ҳал этиш вариантлари
3. Фирманинг ички тузилмаси
4. Фирмалар типологияси ва уларнинг ривожланиш траекторияси
5. Фирмаларнинг асосий хиллари

Таянч сўз ва иборалар: принципал, агент, фирма, фирманинг ички тузилмаси, фирма типологияси, фирма траекторияси, унитар (У-тузилма), холдинг (Х-тузилма), мультидивизионал (М-тузилма) аралаш (А-тузилма).

1. «Принципал» билан «агент» ўртасидаги ўзаро муносабатлар муаммоси

Ташкилот таркибига кирувчи «агентлар» сонининг ўсиши, агентлар ҳаракати устидан назорат қилиш учун талаб этиладиган «принципал» харажатларининг ошишини белгилаб беради. «Агент»ни назорат қилиш зарурати ва назоратни амалга оширишни истамаслик ўртасидаги танловдан иборат бўлган «принципал» муаммавий ҳолатини ўйинлар назариясидан қуйидаги модел ёрдамида кўриш мумкин. «Принципал»нинг назорат қилиш учун харажатлари бирга тенг дейлик, «агент» томонидан ўз мажбуриятларининг виждонан бажарилишидан олинadиган фойда 2 га ва виждонсизлик билан бажарганлик ҳолатлардаги йўқотишлар эса 2 га тенг, дейлик. «Агент» томонидан ўз вазифасини бажаришга нисбатан виждонсизлик билан муносабатда бўлинган ёки *«ишдан бўйин товлаш»* ҳолатлари аниқланган тақдирда, у мукофот олиш ҳуқуқидан маҳрум бўлишини ҳисобга олган ҳолда, «принципал» билан «агент»нинг ўзаро муносабатлари қуйидаги матрица билан изоҳланади.

9.1 -жадвал

«Принципал» билан «агент»нинг ўзаро муносабатлари матрицаси

		«Принципал»	
		Назорат қилиш	Назорат қилмаслик
	«Агент»		
	Виждонан ишлаш	1; 1 [St ₂]	1; 2 [St ₁ , P]
	Ишдан бўйин товлаш	0; -1	2; -2

Ушбу ўйинда «принципал» ва «агент» стратегиясининг мос келмаслиги муаммоси яққол кўриниб турибди. Бунда Нэш бўйича мувозанат мавжуд эмас: «принципал» ва «агент» ўртасидаги ўзаро муносабатларда оптимал натижага эришиш ташкилотнинг ривожланиши жараёнида юзага келадиган таҳдид остида бўлади.

Лекин, назорат харажатларининг ортиши «агентлар» сонининг ўсишига тўғри пропорционал эмас. Бу ерда «принципал» ва «агент» ўртасида ахборот асимметриясининг пайдо бўлиши омилини ҳисобга олиш лозим. Учинчи ўйинчи – «табиат» билан ўйинни таҳлил қилган ҳолда, биз иккита асосий ўйинчи ўртасидаги ахборот асимметриясидан фикрни бошқа томонга бурдик. Ташкилот *ичида* ахборот асимметриясининг пайдо бўлиши сабабларини аниқлаш учун, институционал тизим сифатида буйруқбозлик тизимини тадқиқ қилган Фридрих фон Хайекнинг исботларини эслаймиз. Яъни ҳеч қандай ўйланган марказ (яъни «принципал») ҳамма вақт барча ҳодисалардан хабардор бўлиб туришга ва ушбу ахборотни манфаатдор томонларнинг ҳукмига тезкор ҳавола этишга қодир эмас.

Хайек назарида, битимнинг барча иштирокчиларини тенг ва тўлиқ ҳажмдаги ахборот билан таъминловчи механизм бўлиб мутлақо рақобатчи бозорлардаги нархнинг шаклланиши ҳисобланади. Фирма доирасида ҳеч қанақа рақобатли нарх шаклланиши тўғрисида гап бўлиши мумкин эмас, «агент»нинг ўз меҳнатининг якуний маҳсули қийматидан мунтазам равишда бош тортиши ана шундан далолат бериб турибди. Чунки

фақат иш ҳақи меҳнатнинг якуний маҳсулига тенг бўлган тақдирдагина меҳнат бозорида мувозанатга эришиш мумкин ва нарх тўлиқ ахборотни ўзида мужассамлантиради.

Демак, ташкилотнинг ривожланишига қараб айланадиган ахборотнинг мураккаблашуви ва ихтисослашуви юз беради. Лекин улар самарадорлик бўйича нарх-наво механизми билан таққосланадиган ахборот айланиши тизимининг барпо этилиши билан кузатилмайди. Ташкилот ичида қарор қабул қилиш жараёни уларнинг ҳар бирида сифат жиҳатдан янги ахборот пайдо бўладиган кўплаб босқичларни ўз ичига олади. Бунинг устига, ушбу сифат жиҳатдан янги ахборотга фақат уни олиш ва унга ишлов беришда бевосита иштирок этувчи ташкилот аъзолари эга бўлади.

Ноёб ахборотга эга бўлган ташкилот иштирокчилари - «агентлар» уни тарқатишдан ва уни бузилмаган тарзда «принципал»га узатилишидан манфаатдор эмаслар. Ҳақиқатдан ҳам ахборот асимметрияси «агентлар»нинг оппортунистик хатти-ҳаракатлари учун замин яратади – уларнинг ўз фойдалилигини *қўнайтиришига* уринишлари, улар томонидан ёллаш тўғрисидаги шартнома тузилишида қабул қилинган мажбуриятларга қарамасдан, фойдалиликнинг қандайдир *қатъий белгиланган* даражаси билан қондирилади. «Табиий» кўзда тутилмаган ҳолатлар содир бўлган тақдирда, ёллаш тўғрисидаги шартнома ёрдамида белгиланган мукофот кафолатини олиб, «агент»нинг ўзи унга «принципал» билан найранг қилиш ёрдамида фаолият натижасини ўз фойдасига қайта тақсимлаш имконини берувчи «сунъий» кутилмаган ҳолатларни ташкил этишга уринади. Социализм даврида содир этилган «агентлар»нинг ўз фаолияти натижаларини ўзлаштиришда иштирок этишга оппортунистик уриниши каби иқтисодий жиноятларнинг аксариятини айнан шу нуқтаи назардан талқин этиш лозим.

«Принципал-агент» муаммоси – «агент»нинг «принципал» топшириғи ва кўрсатмасини бажаришда унинг найранг қилиш хавфи ҳисобланади. Найранг қилиш ахборот асимметрияси ва «агент» фаолияти устидан назорат қилиш харажатларининг юқори даражаси туфайли мумкин бўлади.

Шундай қилиб, ташкилотларнинг фаолият кўрсатиши ажойиб ахборотга эга бўлиш оқибати сифатида «агент»нинг оппортунистик хатти-ҳаракат қилиши имкониятини туғдириши муқаррар. Шунинг учун «принципал-агент» муаммоси маънавий хатар вазиятида тез-тез учрайдиган ҳолат ҳисобланади: «принципал» «табиий» хатарлардан суғурталовчи ролида, «агент» эса (соғлиқ аҳволи, кутилаётган даромадлар ва ҳ.к. ҳақидаги) муҳим ахборотни яширувчи суғурталанувчи ролида иштирок этади. Энг муҳим масала бу ерда «агент» томонидан ишончли ахборотнинг тарқатилишига кўмаклашувчи ёки, аксинча, унга тўсқинлик қилувчи *рағбатлар* тизимини барпо этишдан иборат. Бозорда ишончли ахборотнинг тарқатилиши рақобат билан рағбатлантирилади. Аксинча, «принципал» ва «агент» муносабатларининг одатий вариантыда ахборот асимметрияси ва оппортунизм имкониятлари «агент»ни «принципал» билан найранг қилишга ундайди.

2. «Принципал-агент» муаммоларини ҳал этиш вариантлари

«Агент»нинг оппортунистик хатти-ҳаракатини чеклашга йўналтирилган рағбатлар тизимини қидириш билан оптимал шартнома назарияси, ёки, «принципал-агент» назарияси шуғулланади. Кўпинча ушбу муаммони ҳал этишнинг қуйидаги вариантлари кўрсатилади.

1. *«Агентлар»* рақобати. «Принципал-агент» муаммосини ҳал этишнинг биринчи варианты агентлар ўртасидаги рақобатни кучайтиришни талаб қилади. Бунда одатий шартномадан фарқли ўлароқ «агент» томонидан нафақат «принципал» белгиланган (масалан, ишлаб чиқариш) даражасига эришилиши, балки қолган «агентлар»га *нисбатан* энг юқори даражага эришилиши (қўшимча равишда) рағбатлантирилади. «Агентлар» рақобати ғояси бир-бирининг ҳаракатлари устидан ўзаро назорат қилиш учун «агентлар»нинг ўзларидан фойдаланиш имконини беради. Чунки, агар энг катта мукофот «принципал» томонидан қўйилган вазифаларни ҳал этишда энг яхши нисбий кўрсаткичларга эришган «агент»га тегса, «агентлар» бошқаларнинг муваффақиятларига

ҳасад билан қарай бошлайдилар – атрофдагиларнинг муваффақияти ўз муваффақиятига эришиш имкониятларининг пасайишини англатади. Иккинчи томондан, бошқа қалок «агентлар»га нисбатан ошириб берилган «ғолиблар» мукофоти унумдорликни оширишга нисбатан кучли рағбат ҳисобланади. Чунки паст эҳтимолли йирик ютуқ истикболи юқори эҳтимолли йирик ютуққа қараганда кам жозибали (ютукдан математик кутиш тахминан бир хил). Қуйи даража менежерларининг шундай фойдали ўринни эгаллашга интилишини рағбатлантиришни ҳисобга олган ҳолда, юқори даража менежерларига улар меҳнатининг юқори маҳсулотидан ортиқ бўлган мукофотни тўлаш самарали бўлиши мумкин. Бироқ рақобатлашиш элементида фойдаланиш ўз чегарасига эга:

- фақат «ғолибнинг» мукофоти энг хатарли стратегияни танлашни рағбатлантиради: «агентларни» «тескари танлаш» юз беради, унинг натижасида энг хатарли стратегияларни қўлловчи «агентлар» қолади;

- «агент»нинг «табiiй» кутилмаган ҳолатлар билан боғлиқ хатарга мойиллиги даражаси чегараланган;

- «агентлар» ўртасидаги рақобат улар ўртасидаги муносабатлардаги ишонч элементларини бутунлай йўққа чиқаради: «агентлар»нинг биргаликдаги саъй-ҳаракатларини талаб қилувчи вазифалар деярли амалга оширилмайдиган бўлиб қолади.

2. *«Агент»нинг қўшма фаолият натижаларида иштирок этиши.* Муаммони ҳал этишнинг иккинчи варианты «агент» томонидан қатъий белгиланмаган, балки фирма фаолиятининг натижаларига боғлиқ бўлган мукофотни тўлашни назарда тутувчи ёллаш ҳақидаги шартноманинг тузилишидан иборат. Бунга, масалан, ёлланма ходимларнинг фирманинг фойдасида иштирок этишининг турли шакллари, шу жумладан акциядорлик корхонасининг капиталида иштирок этиш киради. АҚШда кўп йиллардан буён ESOP дастури амал қилмоқда, унга кўра 10 фоиздан ортиқ саноат корхоналарининг ходимлари ўз корхонаси акцияларини харид қилишда имтиёзларга эга бўлишади. «Агентлар»нинг фирма фаолиятининг натижаларида иштирок этишининг барча хилдаги схемалари ичида мукофотнинг натижаларга *чизиқли* боғлиқлигини назарда тутувчи оддий йўллар энг самарали ҳисобланади. Бу уларда чизиқли бўлмаган йўллардан фойдаланиладиган шартномаларни тузишнинг юқори харажатлари билан ҳам, «агентлар» томонидан мукофотнинг натижаларга мураккаб боғлиқлигини қийин қабул қилиниши билан ҳам боғлиқ. Энг қулай вариантларда қатъий белгиланган мукофот «агент»га эмас, балки «принципал»га таклиф этилади, яъни «агент» «принципал»га рента ва фойданинг улушини тўлаган ҳолда ундан мол-мулкни ижарага олади. «Агент» томонидан «принципал» топшириқларининг виждонан бажарилишини рағбатлантиришнинг бундай йўллари амалиётда қўллашга қуйидаги омиллар тўсқинлик қилади:

- «агент»нинг хатарга мойиллиги даражаси;

- «агент» томонидан мол-мулкнинг ижарага олиниши ёки унинг мулкда иштирок этиши учун ресурсларнинг чегараланганлиги; бунда «агент» томонидан ушбу мақсадлар учун банкдан ссудалар олиши ўша ахборот асимметрияси муаммоси ҳамда у билан кредитор сифатида банк ўртасидаги муносабатлардаги маънавий хатар туфайли мураккаблашди.

3. *Фирма «агентлар» иттифоқи сифатида.* Ушбу қарор аввалгисидан шуниси билан тубдан фарқ қиладики, бунда нафақат «агентлар»нинг фаолиятдан олинадиган даромадларда иштирок этишига йўл қўйилади, балки «принципал» функцияларининг ўзи «агентлар» томонидан *навбати билан бажарила бошлайди*. «Принципал» вақтинча «тенглар ичида биринчи» бўлади. Таъкидлаш лозимки, ҳукумронлик муносабатлари «агентлар» томонидан ўз ҳаракатлари устидан назоратнинг бошқаларга топширилиши билан тугатилмайди, шунчаки назорат қилиш ва вазифаларни тақсимлаш функциялари ташкилотнинг барча иштирокчилари томонидан навбатма-навбат бажарилади. Вақтинчалик ахборот оқимларининг кесишувидаги мавқени эгаллаган ва бунинг оқибатида айланидиган ахборотни тўплаш имкониятига эга бўлган «агент» «принципал»га айланади.

«Агентлар»нинг «принципал» мавқеига ўтиши фақат ишончли ахборотни узатишни рағбатлантириш муаммосини ҳал этади. Лекин энг асосийси, у «агентлар» ўртасида ишончли муносабатларни мустаҳкамлаш ва кооперацияни ривожлантириш учун замин яратади. О.Уильямсон «агентлар» ўртасида ишончли муносабатларнинг пайдо бўлишида фирма ичида фойдалиликни ошириш стратегияси сифатида оппортунизмдан бош тортишга олиб келувчи «ассоциатив муҳит» пайдо бўлишининг муҳим омилини кўради: «Унумдорлик умумий ишга адолатли улуш қўшганлик учун жавобгарлик ҳисси туфайли ортади». Ўзини ўзи бошқарувчи фирма бундай иттифокни амалиётга жорий этиш шакли сифатида иштирок этади.

Ассоциатив муҳитнинг пайдо бўлиши билан боғлиқ фойда нафақат назорат харажатларида тежашдан, балки янги манба – кооперациядан ютишдан иборат. Классик иктисодиёт фани Адам Смитдан кейинги меҳнат тақсимотини ташкилот аъзоларининг у ёки бу вазифаларни ҳал этишдаги қиёсий устунликларининг асосий манбаи, дея эътироф этади. Ушбу ёндашувга кўра, кооперация фойдали, чунки алоҳида вазифаларни бажаришга ихтисослашган ходимлар биргаликдаги саъй-ҳаракатлар билан улар томонидан барча вазифалар мустақил ҳал этилгандагига қараганда қўп маҳсулот ишлаб чиқаради. Ишчининг чакқонлигини ривожлантириш у бажаришга қодир бўлган ишлар миқдорини оширади. Меҳнат тақсимооти эса, ҳар бир ишчининг ишини қандайдир оддий операцияга йўйиб ва ушбу операцияни унинг бутун ҳаётидаги ягона машғулотга айлантирган ҳолда, ишчининг абжирлигини керакли даражада оширади. Ассоциатив муҳит нафақат меҳнат тақсимооти, балки «жамоавий иш» асосида кооперациядан фойда олиш имконини беради. Кооперациядан олинadиган ижобий самара биргаликда ишлаш ва ташкилот аъзолари – «жамоа»нинг ўзаро қўллаб-қувватлаши билан шартланган.

Хулоса қилиб, шуни таъкидлаш жоизки, «агентлар» иттифоқи сифатида фирмада «принципал»дан «агентлар»ни уларнинг умумий натижага қўшган улушига мувофиқ мукофотлашини, «агент»дан эса «принципал» томонидан қўйилган вазифаларнинг виждонан бажарилишини талаб қилувчи «олтин қоида» асосида «принципал» ва «агент» муаммосини ҳал этиш имконияти пайдо бўлади. Мисол тариқасида қуйидаги моделни келтирамиз, унда ўйинчилар учта стратегиядан биттасини танлашади: «олтин қоида», тенг саъй-ҳаракатлар стандарти ва оппортунистик хатти-ҳаракат. «Принципал» томонидан тенг саъй-ҳаракатлар стандарти «агентлар» меҳнатига қатъий белгиланган тенг ҳақ тўланилишини қўллашдан иборат, агентлар томонидан эса яхши ҳам, ёмон ҳам эмас, «ҳамма қатори» ишлашдан иборат. «Принципал» оппортунизми, бунда «агент» бозордаги барча вазият ҳақида тўлиқ ахборотга эга бўлмайдиган ноқулай «табiiй» шарт-шароитлар (масалан, бозор конъюнктураси) белгиси остида «агент»ни пасайтирилган тарзда мукофотлаш шаклига эга бўлиши мумкин. Таъкидлаш лозимки, Нэш бўйича мувозанат ҳисобланмайдиган «олтин қоида» стратегияларини фақат, бир томондан, «агентлар» ўртасида, иккинчи томондан, «агентлар» билан «принципал» ўртасидаги ўзаро ишонч меъёрлари асосида қабул қилиш мумкин. Кўриб чиқилаётган модель унда ўзаро ишончсиз ўйинчилар ҳам ўз айбини инкор этиши мумкин бўлган «ҳукм қилинганлар муаммовий ҳолати»нинг варианты ҳисобланади (9.2-жадвал).

9.2-жадвал

Кўрсаткичлар		«Принципал»		
		«Олтин қоида»	Тенг шароитлар андазаси	Оппортунизм
«Агент»	«Олтин қоида»	7; 7 [P]	4; 8	1; 9
	Тенг шароитлар андазаси	8; 4	5; 5	2; 6
	Оппортунизм	9; 1	6; 2	3; 3 [N, St ₁ , St ₂]

Шунга қарамай «агентлар» иттифоқи сифатида фирма моделининг тарқалишини қуйидаги омиллар чегаралайди:

- «агентлар»нинг хатарга мойиллиги;
- ташкилот иштирокчиларининг сони: самарали бўлиш учун, ўрин алмашиш таъминлари асосида ягона ташкилотга бирлашган 5-10 кишидан иборат гуруҳ доирасида қўллиналиши мумкин; ташкилот аъзоларининг умумий сони 100 кишидан ошмаслиги керак (10 кишидан иборат 10 та гуруҳ);
- ташкилот аъзолари томонидан «ижтимоий» капиталга, яъни ўзаро қўллаб-қувватлаш ва ўзаро ишонч аъналари, умумий мақсадлар ва манфаатларга дастлабки эгаллик қилиш; ижтимоий капитал ташкилот фаолият кўрсатишининг *дастлабки босқичида* «агентлар» ўрин алмашувиини бошлаш учун зарур.

3. Фирманинг ички тузилмаси

«Принципал-агент» муаммоси ҳал этилиши муқобил моделлардаги ташкилотнинг ички тузилиши асосида ётади. Фирма ички тузилишининг қуйидаги тўртта варианты кенг тарқалган:

- унитар (У-тузилма),
- холдинг (Х-тузилма),
- мултидивизионал (М-тузилма)
- аралаш (А-тузилма).

1. *Унитар тузилма* - ҳукмронлик муносабатларининг энг юқори даражада марказлашувиини назарда туттади. Барча асосий қарорлар «принципал» томонидан қабул қилинади, унинг ўзи назоратни ҳам амалга оширади. Агар «агентлар» фаолиятини назорат қилиш ҳуқуқи бошқаларга ўтказилса, у ҳолда функционал белги бўйича – функционал бўлинмалар бошлиқларига: сотиш бўлими бошлиғи, бош муҳандис, бош бухгалтер ва ҳ.к.га берилади. Шундай қилиб, функционал бўлинмалар раҳбарлари бир вақтнинг ўзида фирма раҳбариятига нисбатан «агентлар», бўлиб топшириқларнинг бевосита ижрочиларига нисбатан эса - «принципал» ҳисобланади.

Унитар ташкилотда «принципал-агент» муаммосини ҳал этишнинг ягона варианты назорат қилишнинг янги, паст харажатлари билан боғлиқ усуллариини ишлаб чиқиш асосида назоратни кучайтиришдан иборат.

2. *Холдинг тузилмаси* қарорлар қабул қилиш ва «агентлар» ҳаракатлари устидан назорат қилиш жараёнини имкон қадар марказлашган тизимдан чиқаришни ўзида намоён этади. Амалда «принципал» фақат молиявий оқимларни ва «агентлар» фаолиятининг молиявий натижаларини назорат қилиш ваколатини ўзида сақлаб қолади. «Агентлар» барча қарорларни қабул қилишда четда қолади, фойдани тақсимлаш тўғрисидаги қарор бундан мустасно. Бошқача айтганда, «принципал» «агентлар» фаолиятини бевосита эмас, балки «агентлар» мусобақасини ташкил этиш орқали назорат қилади.

Холдинг тузилмаси ҳатто бир фирманинг бўлинмалари ўртасида тўғридан тўғри рақобатни ҳам истисно этмайди. Таъкидлаш лозимки, холдинг бўлинмалари даражасида «принципал» (бир вақтнинг ўзида фирма раҳбарияти учун «агент» ҳисобланган бўлинма бошлиғи) ва «агент» ўртасидаги муносабатларнинг унитар хилини ҳам учратиш мумкин.

3. *Мултидивизионал тузилма*. XX асрнинг энг аҳамиятли ташкилий-бошқарув инновацияси бўлиб 20-йилларда Пьер Дюпон («Du Pont» раҳбари) ва Альфред Слоун («General Motors» раҳбари) томонидан мултидивизионал тузилманинг ташкил этилиши ҳисобланади.

Мултидивизионал тузилма – маҳсулотнинг хили, савдо маркасига қараб ёки жуғрофий белги бўйича ўз харажатиини қоплаш ва ўзини ўзи молиялаш таъминли асосида фаолият кўрсатувчи ярим тобий ишлаб чиқариш бўлинмаларини ташкил этишни назарда туттади.

Мултидивизионал тузилма унитар ва холдинг тузилмаларининг ўзига хос синтези ҳисобланади. Ҳақиқатдан ҳам, унда (масалан, янги маҳсулот ишлаб чиқариш тўғрисида)

стратегик қарорларни қабул қилишнинг марказлаштириш тамойили сақланиб қолган ва айти пайтда *тезкор* назорат ва бошқарув марказлашмаган. Шу тариқа дивизионлар («агентлар»)нинг ўз молиявий харажатини қоплаш тамойили уларга ўз фаолиятдан олинган даромадларда иштирок этиш имконини беради, лекин фирма раҳбарияти («принципал») бунда фирманинг мақсадлари ва вазифаларига мувофиқ бўлинмалар фойдасининг бир қисmini қайта тақсимлаш ҳуқуқини сақлаб қолади. Саноат кластерлари ва трансмиллий компаниялар мультидивизионал тузилма тамойилларини амалда қўлловчи корхоналарга мисол бўлади.

4. *Аралаш тузилма*, агар бўлинмалардан бири худди унитар корхонадаги каби фирма раҳбарияти томонидан тўлиқ назорат қилинса, иккинчи бўлинма холдингдаги каби фирма раҳбариятига молиявий жиҳатдан қарам бўлса, учинчи бўлинма эса операцион мустақилликка эга бўлиб, мультидивизионал тузилмадаги каби ўз харажатини қоплаш тамойили асосида фаолият кўрсатган тақдирда, юзага келади.

4. Фирмалар типологияси ва уларнинг ривожланиш траекторияси

Фирма ички тузилиши у ёки бу моделларининг пайдо бўлиши ва тарқалишини *фақат* уларнинг «принципал-агент» муаммосини ҳал этишдаги қиёсий самарадорлиги билан изоҳлаб бўлмайди. Фирманинг янги ички тузилишини ривожлантиришга нисбатан эҳтиёж пайдо бўлиб, бироқ бу амалга оширилмай қоладиган ҳолат бўлиб туриши табиий.

Фирманинг ички тузилишини таҳлил қилишда нафақат трансакция харажатлари динамикасини (биринчи навбатда мониторинг харажатлари ва оппортунизмни олдини олиш), балки институтлар динамикасидаги «тарихий шартланганлик самараси» каби ташкилий ривожланишнинг ундан аввалги траекторияга боғлиқлигини ҳам ҳисобга олиш лозим. Фирманинг ташкилий ривожланишини таркибий ўзгаришларнинг алоҳида *траекторияси* бўйича ҳаракат сифатида талқин этиш мумкин. Ташкилот ривожланишидаги «тарихий шартланганлик самараси»нинг таҳлили институтлар динамикасини ўрганишда ифодаланган далилларни тўлдиришни ва қисман қайта кўриб чиқишни талаб қилади.

Биринчидан, ташкилот доирасида институционал даражада мафкура бажарадиган функцияларга ўхшаш функциялар ташкилий маданият ҳисобланади. Ҳар қандай ташкилотда: корхонада, касаба уюшмасида ёки сиёсий партияда умумий таркибий қисм – ташкилий билим мавжуд. Ташкилий маданият, «принципал» билан «агент» ўртасидаги ўзаро муносабатлар улар асосида қуриладиган меъёрлар, қоидалар ва анъаналарда амалга оширилади. Ташкилий маданиятнинг талқин этиш функцияси у ёки бу қутилмаган ҳолатлар содир бўлганида «принципал» қарорларнинг асослилигини баҳолаш учун унинг «агентлар» томонидан фойдаланилишидан иборат. Ташкилий маданият бўйсунувчиларга ташкилот у ёки бу қутилмаган ҳолатга қандай муносабат билдириши ҳақида тасаввур беради. Қатъийроқ айтадиган бўлсак, у туфайли ташкилот ўзининг бирхиллигига эга бўлади.

Ташкилий маданият – ташкилот аъзолари ўртасидаги ўзаро муносабатларни тартибга солувчи ва уларнинг жамоавий билимлари ва тажрибасининг ифодаси ҳисобланган меъёрлар, қоидалар ва анъаналар йиғиндиси.

Иккинчидан, ташкилотнинг кундалик фаолият кўрсатишида *мутаассиблик* муҳим ўрин тутди. Бу ўринда мутаассиблик ҳаракатни уни мунтазам такрорлаш орқали эса сақлаб қолиш сифатида белгиланади. Мутаассиблик ташкилот аъзолари ичида ахборот алмашувини таъминлашда марказий ўрин тутди: у уларнинг хабарни олиш, талқин этиш, ифодалаш ва узатиш қобилиятининг асосида ётади. Ҳар бир ташкилот ўзининг ташкилий «диалектика» эга, ҳеч бир ташкилотда «соф» ўзбек тилида ҳам, «соф» рус тилида ҳам гаплашилмайди.

Бундан ташқари, агар назорат тадбири мутаассиблик хусусиятига эга бўлса, назоратни амалга ошириш анча енгиллашади. Университет ҳаётидан мисол келтирган ҳолда таъкидлаш мумкинки, талабалар давоматининг мутаассиблик хусусияти (семинар

бошида ёки охирида) фақат *шу гал* давоматни текширишни эсларидан чиқаришига умид қилиш билан асосланган дарс қолдиришларнинг олдини олади. Демак, ташкилот ичида ахборот асимметриясини пасайтириш ва назоратни осонлаштириш орқали «принципал-агент» муаммосини ҳал этишга кўмаклашган ҳолда мутаассиблик айна пайтда унинг аъзолари ўртасида юзага келган ўзаро муносабатларнинг такрорланишига олиб келади.

Берилган траектория бўйича ҳаракат ташкилий маданият ва мутаассибликлар асосида «принципал» билан «агент» ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг маълум хилига эга бўлиниши ва мустаҳкамланишини назарда тутди. Шунинг учун ташкилий ривожланишнинг бошланғич нуқтаси ҳисобланган вазиятни билиш лозим – у бошда кейинги эволюциянинг барча вариантларини ўзида мужассамлантиради. Чунки беқарор муҳитда унитар фирма трансакция харажатларини тежаш нуқтаи назаридан жуда ёмон кўрсаткичларга эга, лекин у барқарор шароитдаги мослашувчан ташкилий тузилмага эга бўлган фирмага нисбатан самарали ва бардошли бўлиши мумкин. Демак, беқарорлик шароитида шаклланган ва фирманинг кейинги ривожланишини белгилаб берган фирманинг ички тузилиши ташқи муҳит барқарорлашадиган келажакдаги йўқотишларни белгилаб беради. Ҳайратланарлиси шундаки, қисқа муддатли истиқболда оптимал бўлмаган тузилма узоқ муддатли истиқболда фойдали бўлиб чиқиши мумкин. Айнан ушбу ҳолатни дастлабки босқичда йўқотишларга олиб келган ва кейинги босқичларда устунликни таъминлаган ўз эволюциясини юқори даражадаги интеграция ва тузилмани марказлаштиришдан бошлаган Япония фирмаларининг урушдан кейинги ривожланиши мисолида кўрсатиш мумкин.

5. Фирмаларнинг асосий хиллари

Корхоналар ривожланиши траекторияларининг ўзига хос хусусияти корхоналар ташкилий тузилишидаги миллий фарқларни белгилаб беради. Бугунги кунда исталган мамлакатдаги йирик корхоналарнинг аксарияти жаҳон бозорида юзага келган тенденцияларни ҳисобга олган ҳолда ҳаракат қилишига қарамай, уларнинг ташкилий тузилишлари ва улар томонидан амалга ошириладиган стратегияларнинг хилма-хиллиги кузатилади. Чунки ташкилий ривожланиш траекториясини танлашга таъсир кўрсатган омиллар йиғиндиси ҳар бир мамлакатда ҳар хил.

Ташкилий ривожланиш траекториясини белгилаб берувчи омиллар жумласига қуйидагилар киради:

- институционал муҳит, шу жумладан институционал ривожланиш траекторияси;
- активларнинг ўзига хослик даражаси (рақобот бозорининг ривожланганлик даражаси);
- ташқи муҳитнинг ноаниқлик даражаси (бозорнинг барқарорлик даражаси);
- хатарга мойиллик даражаси (мамлакат аҳолисининг умумий сонида хатарга нисбатан бетараф бўлган инсонлар улуши);
- ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг умумий даражасига боғлиқ бўлган битимларнинг мураккаблик даражаси;
- қонундан фойдаланиш баҳоси ва хуфёналик баҳосининг нисбати.

Ташкилий ривожланиш миллий траекториясининг фарқлари нафақат тузилмаларга – унитар, холдинг ёки мультидивизионал, – балки уларнинг мақсадли функциясига, корхонанинг етказиб берувчилар, истеъмолчилар ва ёлланма ходимлар билан муносабатлардаги хатти-ҳаракатига, шунингдек корхона фаолият кўрсатишининг кўплаб бошқа кўрсаткичларига тааллуқли. Энди корхоналарнинг бир неча бенуқсон хилларини ёритишга ҳаракат қиламиз. Буйруқбозлик иқтисодиётида фаолият юритувчи корхона (*Б* корхона); Америка фирмаси (*А* фирма); Япония фирмаси (*Ј* фирма) ва ўтиш хилидаги корхона (*Ў* корхона).

1. *Буйруқбозлик иқтисодиётида ҳаракат қилувчи корхона.* Корхонанинг ушбу хилига нисбатан қизиқиш асосан шу билан боғлиқки, Россия ва Шарқий Европа корхоналари катта қисмининг илдизи буйруқбозлик иқтисодиётига бориб тақалади.

Буйруқбозлик иқтисодиётида ҳаракат қилувчи корхона фойдани кўпайтиришга эмас, балки бир меъёрдаги ишлаб чиқариш режасини бажаришга йўналтирилган. «Принципал» (режа органи)нинг фармойиши мутлақ хусусиятга эга эмас, балки муҳокама ёки *режали савдонинг* предмети ҳисобланади. Ушбу савдода корхонанинг овози рухсатнинг юқори чегараси, нормадан юқorigа чиқиш ҳақида огоҳлантиради, юқори турувчи органнинг овози эса рухсатнинг қуйи чегараси, нормадан қуйига оғиш ҳақида эслатади.

Бу ерда «принципал» қандай мақомга эгаллиги алоҳида таҳлилни талаб қилади. Коммунистик мафкурага мувофиқ социализмда ўз манфаатларининг вакили – режа органи орқали *Б корхона* фаолияти устидан ўзининг назорат қилиш ҳуқуқини амалга оширувчи барча меҳнаткашлар «принципал» бўлиб ҳисобланарди.

Лекин назорат қилишнинг самарали механизмлари фақат режа органи билан корхона дирекцияси ўртасида ҳамда корхона дирекцияси билан унинг ходимлари ўртасидаги муносабатларда юзага келар эди. Ишлаб чиқариш топшириқларини бажаришдаги қатъий интизомига назорат қилишнинг учта механизми – партия (партия ташкилотлари орқали), хўжалик (вазирликлар ва идоралар орқали) ва кенгаш (Халқ депутатлари кенгашининг ижроия органлари орқали) механизмлари орқали эришилди. Режа органларининг меҳнаткашлар томонидан назорат қилиниши механизмлари эса мавжуд эмас эди, бунинг оқибатида меҳнаткашлар «принципал» сифатида ўз манфаатларини амалга ошира олмас эди. Шунинг учун режа органи амалда «агент»дан ягона «принципал»га айланди: назоратсиз бюрократик аппарат ўз манфаатларини умуман жамият манфаатлари билан мослаштириш имкониятига эга бўлди. Келтирилган далилларга асосланган ҳолда *Б корхона*ни унитар ташкилот, яъни вазирлик ёки идоранинг бўлинмаси сифатида таърифлаш мумкин.

Б корхона ишлаб чиқариш ва сотиш алоқаларининг таркиби унинг унитар ташкилот бўлинмаси сифатидаги ҳолати туфайли унга «принципал» томонидан белгилаб берилган. *Б* корхоналар ўртасидаги барча горизонтал алоқалар вертикал алоқалар орқали - «принципал»га мурожаат этиш орқали амалга оширилади. Таъминот-сотиш алоқаларининг таркиби ресурсларни тақсимлашнинг *ажратиш* ёки фондлаш сингари механизмдан ҳосил бўлган. Ажратиш вазирлик ёки идора томонидан *Б* корхона маҳсулотининг асосий истеъмолчилари ва етказиб берувчилари белгиланишидан иборат. *Б* корхонанинг таъминот ва сотиш таркибини мустақил ўзгартиришга уринишларига «принципал» томонидан кескин тўсқинлик қилинди.

Б корхонада меҳнат муносабатларининг тизими ҳам ўзига хос. Унда банд бўлганлар сонининг қуйи чегараси режа топшириқлари билан, юқори чегараси эса – ишчи кучининг кутилаётган тақчиллиги билан белгиланади. Ресурслар чекланган иқтисодиётдаги бошқа ҳар қандай ресурс сингари ишчи кучи ҳам тақчил. Шунинг учун корхона ўзининг ресурс, шу жумладан *ортиқча бандлик* шаклида - ишчи кучи заҳирасини барпо этишга уринади. Бунда, таббiiки, *Б* корхона ўзининг барча ходимларини иш билан таъминлашга қодир эмас ва уларга тенглаштирувчи ҳамма улар томонидан амалда ишлаб топилмаган иш ҳақини тўлайди. Ишчидан эгалик функциясини олиб, уни ишлаб чиқариш натижаларига реал таъсир кўрсатиш имкониятидан маҳрум этган ҳолда, қоғозбозлик тизими ушбу имкониятнинг ўрнини ишлаб топилмаган иш ҳақини олиш имконияти билан қоплайди.

2. *А фирма*. Америка фирмаси ёки *А* фирма неоклассик дарсликлар саҳифаларида таҳлил қилинувчи фирманинг идеал хилига кўпроқ мос келади. *А* фирма ўз маҳсулотига рақобат томонидан белгиланган нархда ва ишлаб чиқариш функцияси билан ёритиладиган харажатлар таркибида фойдани кўпайтиришни мақсад қилиб қўйган. Ҳатто, агар қандайдир фирмада рақобат бозорида фирманинг мувозанатини тўғри ҳисоблаб чиқа оладиган биронта ҳам ходим топилмаса ҳам, у бозорда ўзини худди неоклассик назариянинг барча қоидалари бўйича фойдани кўпайтиргандек, тутайди.

Фойдани кўпайтиришга йўналтирилиш *А* фирма «принципали» - унинг акциядорларининг мақсадли функцияси билан белгиланган. Акциядорларнинг асосий

манфаати бир акцияга ҳисобланган ўз даромадини оширишдан иборат, бу йил якунига кўра корхонанинг инвестиция қилинмаган фойдасининг миқдорига боғлиқ. Ўз навбатида, фойданинг миқдори «агентлар» - *A* фирманинг ёлланма менежерларининг ҳаракатлари билан белгиланган. «Принципал-агент» ҳилидаги ўзаро муносабатлар менежерлар билан ёлланма ходимлар ўртасида ҳам юзага келади.

Акциядорлар билан менежерларнинг ўзаро муносабатларида «принципал-агент» муаммоси иккита муқобил механизм – «овоз бериш» ва «чиқиш» асосида ҳал этилади. Акциядорлар менежерларнинг фаолияти устидан назорат қилиш ҳуқуқини ё акциядорларнинг йиллик йиғилишида иштирок этиб ва директорлар кенгаши таркибини ўзгартириш («овоз бериш») орқали ёки ўз акциясини сотиб ва бу билан менежерларнинг ҳаракатларини маъқулламаслигини ифодалаш («чиқиш») йўли билан амалга оширишлари мумкин. Менежерларга ўз хизматлари бозори томонидан кўрсатиладиган интизомий таъсир ушбу бозорда юқори трансакция харажатлари ва унда алмашиладиган ресурслар – бошқарув кўникмалари ва иқтидорлар ўзига хослигининг юқори даражаси туфайли, кам самарали ҳисобланади.

Иккала муқобил вариант - «овоз бериш» ҳам, «чиқиш» ҳам ўзининг қатор камчиликларига эга. Овоз бериш акцияларнинг кичик пакетлари эгалари учун «чиптасиз муаммоси»ни келтириб чиқаради. Бундан ташқари, акциядорлар йиғилишнинг кун тартибини менежерларнинг ўзлари назорат қилишади. Самарасиз бошқарилаётган фирма акцияларининг сотилиши эса ҳамма вақт акцияларнинг пасайган курси туфайли мулкдорларга зарар келтиради.

«Овоз бериш» борасидаги аҳволни ишончли овоз бериш амалиёти ёрдамида тўғрилаш мумкин, бунда кичик пакетлар мулкдорлари ўз номидан овоз беришни йирикрок пакетлар эгаларига ишониб топширадилар. «Чиқиш» вариантдан фойдаланишни эса акцияларнинг бирлаштирилган пакетлари олди-сотдисига тендер таклифларидан фойдаланиш орқали оптималлаштириш мумкин.

Менежерлар билан ходимларнинг ўзаро муносабатларида «принципал-агент» муаммосининг ҳал этилиши *фордизм* – Буюк қатағонлик даврида Генри Форд томонидан ишлаб чиқилган меҳнатни ташкил қилиш тизими тамойилларига асосланади. Менежерлар билан ёлланма ходимларнинг ўзаро муносабатлари сиёсати сифатида фордизмнинг асосий унсурлари қуйидагилардан иборат:

- нархларнинг ўсишига қараб иш ҳақининг индексацияланишини ўз ичига олувчи меҳнатга ҳақ тўлашнинг юқори даражаси;
- қатъий ишлаб чиқариш интизоми, бунда машина (масалан, конвейер) ходимнинг ҳаракатлари устидан назорат қилиш воситаси ролини ўйнайди;
- касаба уюшмалари иш берувчилар билан ёлланма ходимлар ўртасидаги низоли муносабатларда воситачи ролини бажаришади;
- бир тармоқнинг ўзига қарашли корхоналарда (масалан, «Ford» ва «General Motors» ўртасида) кадрлар ўрни алмаштирилишининг юқори даражаси.

Ва ниҳоят, *A* фирманинг ишлаб чиқариш ва сотиш алоқаларининг таркиби трансакция харажатларини пасайтириш вазифасига тўлиқ буйсунган. Интеграция – орқага, олдинга ва комбинациялаш – муқобил мақсадларга қараганда кўпроқ трансакция харажатларини пасайтириш мақсадлари билан боғлиқ. Етказиб берувчилар, харидорлар, шунингдек улар билан тузиладиган шартноманинг ҳилини танлаш фирманинг шу онда бозорда юзага келган трансакция харажатларининг даражасини пасайтиришга интилишини акс эттиради. Масалан, гўшт маҳсулотини ташиш учун рефрижератор техника билан таъминлашга катта миқдордаги инвестициялар зарурлиги боис, кўпинча гўштни қайта ишловчи корхоналар ташиш масаласини рефрижераторлар паркани харид қилган ҳолда, пудрат асосида ҳал этишади.

3. *J* фирма. Мацашика Аоки томонидан *J* фирма деб номланган Япония фирмаси Америка фирмасидан катта фарқ қилади. *J* фирмада «принципал» мақомини фақат мулкдорларнинг турли тоифалари ўртасида акцияларнинг тақсимланиши тўғрисидаги

статистика маълумотлари асосида аниқлаш қийин. Ушбу маълумотлар фақатгина япон фирмаларида ҳам, худди АҚШда бўлгани каби, якка акциядорлар «принципал» ҳисобланмайди, деб таъкидлаш имконини беради. Агар 1949 йилда япон компаниялари акцияларининг тахминан 70 фоизи якка акциядорларга тегишли бўлган бўлса (эслатиб ўтамиз, урушдан кейинги даврда гап институтни - *А* фирмани - Японияга импорт қилиш ҳақида борди), 80-йилларнинг охирига келиб уларнинг қўлида фақатгина акцияларнинг 24 фоизи қолди. *Ј* фирма акцияларининг 42 фоизи молиявий институтларга, 25 фоизи урушдан аввалги «дзайбатс» хилидаги холдингларга тегишли²⁹.

Бироқ япон фирмаларини таҳлил қилишда юзага келадиган асосий қийинчилик – бу фақат турли ҳаракатни белгилаб берувчи хужжатларга бириктирилган расмий маълумотларга таянишнинг имкони йўқлиги. Очiq мулкдорлар сафида *Ј* фирма ходимлари мавжуд эмаслигига қарамай, улар амалда ўз фирмасининг фаолияти устидан назоратни амалга оширишда бевосита иштирок этишади. М.Аоки «принципал» ролида бир вақтнинг ўзида ташқи акциядорлар ҳам, «инсайдерлар» - корхона ходимлари ҳам иштирок этадиган вазиятни ёритиш учун «икки томонлама назорат» атамасини таклиф этди. Бунда назорат соҳалари акциядорлар ва ходимлар ўртасида аниқ бўлинган. Йирик акциядорлар, биринчи навбатда банклар, корхона ўз акцияси учун даромаднинг қулай (максимал эмас!) даражасини таъминлашга қадар жорий назоратдан бош тортмишади. Бу билан уларнинг ўзлари жорий назоратни фирма ходимларининг ўзларига ишониб топширадилар. Бу ерда гап қисқа муддатли шартномалар асосида ёлланган ходимлар ҳақида эмас, балки доимий ходимлар ҳақида кетаяпти.

Шундай қилиб, япон фирмаси «агентлар» иттифоқи моделига жуда яқин ва унда «принципал-агент» хилидаги классик муносабатлар мавжуд эмас. Ушбу фикр қуйидаги фактлар билан ҳам тасдиқланади. Биринчидан, *Ј* фирмада ходимларни бўлинмалар ва бажариладиган функциялар бўйича бўлишдан фаол фойдаланилади: ўзаро боғлиқ операцияларни бажаришга ҳам, раҳбарлик функциясини амалга оширишга ҳам қодир бўлган универсал ходим идеал ҳисобланади. Масалан, янги маҳсулотларни ишлаб чиқиш билан шуғулланувчи муҳандисларни ишлаб чиқариш жараёнига сафарбар этиш амалиёти, ва аксинча, «чизикли» муҳандисларнинг тажриба-конструкторлик бюросидаги ҳар йиллик амалиёти кўпроқ горизонтал мувофиқлашувга мисол бўлади. Мувофиқлашувнинг горизонтал тамойиллари фирма ичида ахборот оқимлари айланишини шунчалик оптималлаштириш имконини берадики, бўлинмалар шиддат билан ишлаб ва зарурат туғилишига қараб янги маҳсулот тўпламларини бошқа бўлинмаларга буюртма қилгани ҳолда, суғурта ва бутловчи қисмлар заҳираларини барпо этмасдан фаолият кўрсатишда давом этишади.

Иккинчидан, ўрин алмашиш тамойили ходимларнинг мансаб бўйича ўсишларини режалаштиришнинг асосида ётади. *Ј* фирмада даража пағонаси амал қилади, яъни ходимлар меҳнатига ҳақ тўлаш ва уларнинг ижтимоий мақоми ишлаб чиқариш ўлчами билан эмас, балки фирма ичидаги поғонанинг даражаси билан белгиланади. Янгидан ишга қабул қилинган ходим учун лавозимда ўсиш паст пағоналардан бошланиб, унинг бутун меҳнат фаолияти мобайнида давом этади. Шуниси қизиқки, акциядор банклар ҳам, *Ј* фирма ҳам, унинг ҳамкорлари (ўзаро боғлиқ корхоналар) ҳам даражаларнинг ягона иерархиясини ҳосил қилади. Шунинг учун ходимнинг мансабда кўтарилиши корхонадан бошланиб банкда ёки ҳамкор фирмада давом этиши мумкин ва аксинча.

Япония корпорацияси агентлар иттифоқи томонидан назорат қилинади, бу фирманинг мақсадли функциясини ўзгартиради: фойдани кўпайтириш унинг мақсадлари иерархиясида энди даслабки ўринни эгалламайди. Фирма томонидан назорат қилинадиган бозор улушининг узлуксиз ўсишини таъминлаш биринчи ўринда туради, чунки бундай ўсиш ташкилий ўзгартириш, тузилмани кенгайтириш ва ривожлантириш учун замин яратади. Ўсиш уни таъминлаганларни мукофотлайди, - тамойили айнан япон фирмаларига

²⁹ Aoki M. Economic Japonaisc. Information, motivations et marchandage. Paris: Economica, 1991, p. 128, 135.

нисбатан тўғри, уларда ташкилий ўзгартириш даражаларининг сонини оширади ва, демак, унинг ходимларининг мансабдаги ўсишини яхшилайти. Бошқача айтганда, акциядорларни ҳам, ходимларни ҳам назорат қилиш ишлаб чиқариш ва сотув ҳажмини ошириш орқали фирмани ташкилий юқори рентани оширишга йўналтиради: фақат ана шундай мақсад турли мулкдорларнинг манфаатларини тенглаштиради.

Ј фирманинг унинг асосий ҳамкорлари – ўзаро боғлиқ корхоналар ва давлат билан ўзаро муносабатларига тўхталадиган бўлсак, ҳар бир фирма квазидоимий ўзаро боғлиқ корхоналар – «кейретсу» доирасига эга. Бунда «Toyota» хилидаги йирик корпорацияларда ўзаро боғлиқ корхоналар бош фирма атрофида учта қаторга гуруҳланади. Биринчиси – энг барқарор фирмалар (неоклассик шартнома асосида ишловчи бундай ўзаро боғлиқ корхоналарнинг сони «Toyota»да 122 та), иккинчиси – бозордаги вазият тубдан ўзгарган ҳолатда улар билан муносабатлар узилиши мумкин бўлган (5437 та) фирмалар, учинчиси – қисқа муддатли шартномалар асосида ишловчи етказиб берувчилардан (41703 та фирма) таркиб топади. «Кейретсу»ни тузишда ўзаро боғлиқ корхоналарнинг нуфузи асосида трансакция харажатларини тежаш омилига хатарни бўлиш омили қўшимча қилинади: бозор конъюнктурасининг асосий таъсирини иккинчи ва айниқса учинчи қатор таркибидаги ўзаро боғлиқ корхоналар ўзларида ҳис этишади.

Давлат билан муносабатларга келсак, *А* фирмдан фарқли ўлароқ *Ј* фирма тўлиқ мустақилликка интилмайти. Амалда давлатга япон фирмаси томонидан корпоратив манфаатлар ва умуман жамият манфаатлари ўртасидаги ҳакам корпорациялар курашида эса мувозанатни сақлашнинг кафили сифатида қаралади.

4. *Ўтиш хилидаги корхона.* Шарқий Европа мамлакатларида амалга оширилган бозор ислохотлари *В* корхона билан *А* фирма ўртасида ярим йўлда турган яна бир идеал хилдаги корхона – ўтиш хилидаги корхонанинг пайдо бўлишига олиб келди. Ў корхонанинг «оралиқ» ҳолати, бироқ, уни *В* корхона ва *А* фирма элементларининг турли комбинацияларидан фойдаланиб таърифлаш мумкинлигини англазмайти. Ҳеч бўлмаганда Ў корхонанинг мақсадли функциясини олайлик: у маъмурий буйруқларни бажаришдан ҳам, фойдани кўпайтиришдан ҳам иборат эмас. Ў корхона *омон қолишга, меҳнат жамоасини сақлаб қолишга йўналтирилган*, шу муносабат билан айрим тадқиқотчилар ушбу идеал хилни тавсифлаш учун ҳатто «омон қолишга йўналтирилган корхона» атамасини ҳам таклиф этишди.

Ўтиш хилидаги корхона мақсадларини танлашнинг ўзига хос хусусияти унинг мулкнинг таркибига боғлиқ. *Ј* фирмада бўлгани каби бу ерда ҳам мулкнинг расмана ва реал таркиблари ўртасида номувофиқлик мавжуд ва бу ҳам «инсайдерлар» - корхона ходимлари ва раҳбарларининг фойдасига. Бу ерда гап қайта комбинацияланган мулк ҳақида борапти, яъни унда қуйидагиларга йўл қўйилади:

- хусусий ва давлат мулки ўртасидаги чегараларнинг йўқолиши. Давлат бюджетидан қатъи назар расмий жиҳатдан хусусийлаштирилган корхона. Бироқ давлатнинг шартнома мажбуриятлари ва бюджет олдидаги мажбуриятларни бажармаган корхоналарнинг банкротлигини эълон қилишга тайёр эмаслиги, давлатнинг дебиторлик қарзларнинг бир қисмини ўз зиммасига олишга розилигини англатади. Ўзаро ҳисоб-китобларни ўтказиш амалиёти ҳақиқий молиявий битимларни имтация қилади ва корхонани тўхтатиб қўйишнинг иложи йўқлиги ҳолатини шунчаки никоблайди, чунки бу ишчиларнинг норозилигини ва ишлаб чиқаришнинг пасайишини келтириб чиқаради.

- корхона ташкилий чегараларининг йўқолиши. Тўланмасликлар муаммоси нафақат пул массасининг ишлаб чиқариладиган товарлар ва хизматлар ҳажмига мос келмаслигини, балки корхоналарнинг ўзи билан ўзаро боғлиқ корхоналарга *товар кредити* беришга тайёрлигини акс эттиради. Шартнома мажбуриятларини бажаришнинг паст маданиятини ҳисобга олган ҳолда, корхоналар томонидан ўзаро тўланмасликларга ихтиёрий равишда йўл қўйилишининг ягона изоҳи бўлиб ўзаро боғлиқ корхоналар *ўртасида* фирма *ичидаги* оқимлар каби тамойилларда товар-пул оқимини ташкил қилиш имконини берувчи ўзаро назоратнинг мавжудлиги ҳақидаги тасаввур ҳисобланади.

- мулкнинг формал ва реал таркибининг мос келмаслиги. Ташқи мулкдорлар, одатда, фонд бозорининг оптимал бўлмаган тарзда фаолият кўрсатиши ва менежерлар томонидан ахборот асимметриясидан оппортунистик фойдаланилиши туфайли Ў корхона менежерлари устида ўзларининг назорат қилиш ҳуқуқларини амалга оширолмайдилар. Натижада «агентлар» - менежерлар – ҳатто акцияларининг асосий қисми ташқи сармоядорларга тегишли бўлган корхоналар устидан ҳам назоратни сақлаб қолишади.

Шундай қилиб, омон қолишга йўналтирилиш «агентлар»нинг «принципаллар» томонидан ўзларининг назорат ҳуқуқининг «овоз бериш» орқали ҳам, «чиқиш» орқали ҳам амалга оширилиши мумкин бўлмаган вазиятни сақлаб қолишга уринишини англатади. Демак, «агентлар» оппортунизми Ў корхона фаолият кўрсатишининг муҳим жиҳати ҳисобланади. Таъкидлаш лозимки, менежерларнинг ўзлари ходимлар (уларнинг ўзларига нисбатан «агентлар») устидан назоратни сақлаб қолишга эришдилар. Улар буни молиявий қийинчиликларга қарамай корхона балансида ижтимоий соҳа объектлари (уй-жой-коммунал хўжалиги, дам олиш базаси, болалар муассасалари, асл ҳолатида таъминлаш)ни сақлаб туришда ифодаланувчи патернализм сиёсати ҳисобидан ууддалашди.

Ў корхона томонидан ишлаб чиқариш алоқалари таркиби трансакция харажатларини камайтириш мезони бўйича эмас, балки вақт орқали текширилган алоқани сақлаб қолишга уриниш асосида шаклланади. 1993-1994 йилларда Россия корхоналарининг аксарияти асосий етказиб берувчилар (83%) ва истеъмолчилар (70%) билан эски алоқаларини сақлаб қолишди ва янги шерикларни топиш истиқболига шубҳа билан қарашди. Таъминлаш ва сотиш сиёсатидаги консерватизмнинг эҳтимолий талқинларидан бири янги шериклар билан шартномалар тузишнинг ғоят юқори трансакция харажатлари ҳақидаги тасаввурдан иборат. Биринчи навбатда бу янги шерикларнинг оппортунистик хатти-ҳаракатларининг юқори даражада эҳтимол тутилиши билан боғлиқ. Эски шерикларнинг оппортунизми уларнинг юзага келган нуфузи ва режали иктисодиёт муҳитида фақат «ўзиникига» нисбатан амал қилувчи алоҳида ахлоқ нормаларига эга бўлган директорларнинг мавжудлиги туфайли деярли истисно этилган.

Энди корхоналарнинг тўртта бенуксон хилининг жадвал кўринишидаги қиёсий таҳлил қилиш натижаларини келтирамиз (9.3-жадвал).

9.3-жадвал

Турли иктисодиётда ҳаракат қилувчи корхоналар фаолият кўрсатиши мезонлари*

Таққослаш мезонлари	Б корхона	А корхона	Л корхона	Ў корхона
<i>Мақсадли функция</i>	Нормал юкламалари режани бажариш	Фойдани ошириш	Ишлаб чиқариш ва сотиш ҳажмларини ўстириш ҳисобидан ташкилий квазирента-ни ошириш	Корхонанинг омон қолиши, меҳнат жамоасини сақлаб қолиш
Мулкчилик таркиби	Формал-давлат, «идораларнинг» оеал мулки	Акциядорлар ичида жисмоний шахслар устунлик қиладиган акциядорлик	Формал-акциядорлик, жамоа корхонаси элементларига эга бўлган реал акциядорлик	Формал-акциядорлик, реал – «рекомбинациял анган»
«Принципал»	«Идора» (вазирлик, идора)	Якка акциядорлар	Акциядорлар ва квазидоимий ходимлар иттифоқи	Корхона раҳбарияти

Бюджет чекловларини нг қатъийлик даражаси	0-2	4	3-4	2-3
Ташқи муҳит тавсифи	Барқарор	Хатар	Хатар	Номалум
«Принципал- агент» муаммосини ҳал этиш усуллари	Учта шаклдаги бевосита назорат (маъмурий, пар- тия, касаба уюшмалари ёки кенгаш)	«Овоз бериш» ёки «чиқиш» орқали	«Агентлар» иттифоқи сифатида фирма моделидан фойдаланиш	Корхона раҳ- барияти ва унинг ходимла-рининг ўзаро муносабатларид аги паттерна- лизм сиёсати
Хўжалик алоқалари таркибини белгилаб берувчи омиллар	Барча гори- зонтал алоқалар вертикал алоқа- лар орқали (ре- сурсларни ажратиш доирасида) амалга оширилади	Трансакция харажатлари ни пасайтириш	Трансакция харажатларини пасайтириш ва хатарни турли эшелонлар таркибидаги ўзаро боғлиқ корхоналар ўртасида тақсимлаш	Илгари юзага келган алоқаларни сақлаш, юқори трансакция харажатлари туфайли янги алоқаларни қидиришдан бош тортиш
Давлат билан ўзаро муносабатлар	Режа органи буйруқларига бўйсунуш	Тўлиқ мустақиллик	Бошқа корхоналар билан низолар пайдо бўлганида ҳакам сифатида фойдаланиш	Расмана мустақиллик, лекин давлат пассивларни бошқаришни реал марказлаштири ш доирасида мажбуриятларни нг бир қисмини ўз зиммасига олади
Бандлик сиёсати	Ресурслар тақчиллигининг кутилаётган миқдоридан функция сифатида меҳнатга бўлган талаб	Маҳсулотга бўлган талаб ва ходимнинг меҳнат унумдорлиг идан кутилаётган миқдоридан функция сифатида меҳнатга бўлган талаб	Квазидоимий ходимларнинг меҳнатига бўлган талаб барқарор, маҳсулотга нисбатан кутилаётган талаб фақат қисман ва вақтинчалик бандлик миқдорига таъсир кўрсатади	Меҳнат жамоасининг ўзагини сақлаб қолишга бўлган интилиш туфайли меҳнатга бўлган талаб барқарор, ихтиёрий ишдан бўшашлар ҳисобидан ортиқча бандлик «навеси» қисқаради
Иш ҳақи сиёсати	Ягона тариф сеткаси асосида қатъий	Энг юқори меҳнат унумдорлиг	Ходимнинг даражалар иерархиясидаги	қатъий белгиланган

	белгиланган	ига қараб мослашувча н	ўрнига қараб қатъий белгиланган	
Касаба уюшмаси шакли	Тармоқ	Тармоқ	Корхонанинг касаба уюшмаси	Тармоқ
Касаба уюшмасининг функцияси	Ходимларни назорат қилишнинг қўшимча механизми; ижтимоий бойликларни тақсимлаш	Ходимлар ва иш берувчилар ўртасида низолари пайдо бўлганида воситачи	Оддий ишчилардан тортиб то дирекциягача барча «инсайдерлар» манфаатларини намоён этиш	Касаба уюшмалари паст сафарбар этувчи салоҳиятга эга

* Манба: муаллиф томонидан тузилган.

Хулоса

«Принципал-агент» муаммоси ҳар қандай ташкилот фаолият кўрсатишини мураккаблаштиради. «Агент»дан «принципал»нинг фойдалилигини оширувчи ҳаракатларни кутишади, лекин «агент» ҳамма вақт ўзи билан «принципал» ўртасида мавжуд бўлган ахборот асимметриясидан ўз фойдаси йўлида ва «принципал» манфаатларига зид равишда фойдаланишга ҳаракат қилади. Муаммони ҳал этиш йўллари бир нечта: юқори ҳаражатлар билан боғлиқ бевосита назоратни кучайтириш; «принципал» томонидан «агентлар» мусобақасининг ташкил этилиши; «агентлар»нинг ташкилот фаолиятининг даромадларида иштирок этиши ва «агентлар»нинг ўзлари томонидан «принципал» функцияларининг бажарилиши. «Принципал-агент» муаммосини ҳал этишнинг ушбу вариантлари фирма ички тузилмаси учта хилининг табиатини изоҳлайди: унитар, холдинг ва мультидивизионал.

Фирманинг ички тузилиши таркибини шартлаб берувчи омилларнинг ҳар бир ўзига хос комбинацияси ташкилий маданият асосида ўзини ўзи такрор ишлаб чиқариш тенденциясига эга. Гап ташкилотнинг траектория бўйича ривожланиши ҳақида бораяпти. «Ривожланишнинг тарихий шартланганлик самараси»нинг мавжуд бўлиши корхоналарнинг тўртта идеал хили ҳақида гапириш имконини беради: буйруқбозлик иқтисодиётида ҳаракат қилувчи *Б* корхона, *А* фирма, *И* фирма ва ўтиш хилидаги корхона. Корхоналарнинг бундай хиллари буйруқбозлик иқтисодиётида (режали хилидаги иқтисодиётда), мутлақ рақобат иқтисодиётида (Америка иқтисодиётида), иқтисодиётнинг корпоратив моделида (Япония иқтисодиётида) ва ўтиш иқтисодиётида юзага келган омилларнинг ўзига хос комбинацияларини акс эттиради.

Такрорлаш учун саволлар

1. “Принципал” ва “агент” сўзлари нимани англатади? Улар ўртасидаги муносабатлар нималарга асосланади?
2. Сизга яхши таниш бўлган ташкилотни танланг ва қуйидаги саволларга жавоб беринг: корхонада «принципал-агент» муаммоси қандай ҳал этилади; корхонанинг ташкилий тузилиши қанақа (унитар, холдинг, мультидивизионал, аралаш); корхона фирманинг қайси бенуксон хилига кўпроқ яқин?
3. Ўзбекистон бозорида ишловчи чет эл фирмасининг филиали қандай хилдаги корхона жумласига кириши мумкин? Жавобингизни асослашда қайси омиларни ҳисобга олиш лозим?

4. Ўтиш хилидаги корхона барқарор ташкилий тузилма ҳисобланадими ёки ушбу бенуксон хил ёрдамида фақат *Б* корхонанинг *А* фирмага айлантирилишидаги босқич ёритилганми?

10-Мавзу. Ташкилотни амалий таҳлил қилиш назариялари

Режа

- 1. Трансакция харажатларининг ординалистик назарияси асосида ташкилий тузилмаларни амалий таҳлил қилиш**
- 2. Фирманинг баланси унинг таркиби тўғрисидаги ахборот манбаи сифатида**
- 3. Фирма ичидаги низоларни таҳлил қилиш ва уларни келишувлар назарияси асосида ҳал этиш**

Таянч сўз ва иборалар: ординалистик назария, Имплицит шартнома, неоклассик шартнома, классик шартнома, инфратузилма

- 1. Трансакция харажатларининг ординалистик назарияси асосида ташкилий тузилмаларни амалий таҳлил қилиш**

Фирмаларни энг мақбул (бенуксон) хилларга бўлиш реал ташкилотлар тўғрисида тўлиқ тасаввурга эга бўлиш имконини бермайди, балки фақат ташкилий тузилманинг барқарор қисмини ажратиб кўрсатади. Аммо ушбу фикр институционал ёндашув фақатгина ташкилот ичида юз бераётган жараёнларни тушунишга қодир эканлигини англатмайди. Муайян ташкилот ҳолатини текшириш ва муайян амалий ташкилий муаммоларни ҳал этиш бўйича таклифлар ишлаб чиқишда институционал ёндашув билан бир қаторда, трансакция харажатлари назарияси, келишувлар назарияси ва мулкчилик ҳуқуқлари назариясини ҳам бемалол амалий қўллаш мумкин.

Трансакция харажатларини ўлчашдаги қийинчиликлар муайян иқтисодий таҳлил учун асосий тўсиқлардан бири ҳисобланади. Биринчи ғалда трансакция харажатлари барча хиллари пул эквивалентида баҳоланиши мумкинми деган савол очиқлигича қолмоқда. Ҳатто трансакцияни амалга ошириш учун вақт сарфини пул эквивалентида ифодалашнинг оддий тадбири ҳам кўплаб ҳолатларда трансакциянинг (масалан, музокаралар юритишнинг) у ёки бу жиҳатларини таъминлашга ихтисослашган воситачиларнинг йўқлиги туфайли такомиллашмаган. Шунингдек, илгари ишончга эга бўлган шерикнинг оппортунистик хатти-ҳаракати ёки мулкчилик ҳуқуқларининг ҳимояланмаганлиги муносабати билан юзага келадиган руҳий ташвиш туфайли харажатларни пул шаклида баҳолашга уринишда унданда каттароқ мураккаблиklar пайдо бўлади.


Трансакция харажатларини ўлчаш ўтган аср охирида фойдалиликни ўлчаш юзасидан мунозаралар жараёнида қўйилган муаммога ўхшаш муаммони келтириб чиқаради. Агар фойдалиликни сифат жиҳатдан функционал боғлиқликдаги аниқлик билан ўлчаш мумкин бўлса, у ҳолда биринчи ва иккинчи ҳосила нафлилик маъносини касб этади; биринчи ҳосиланинг миқдори энг юқори нафлиликнинг кўрсаткичи ҳисобланади, манфий белгили иккинчи ҳосила эса энг юқори нафни камайтирувчи қонуннинг амал қилишини англатади³⁰.

Мунозаралар чоғида фойдалиликни ўлчашнинг қабул қилинган усулига муқобил вариант сифатида Ж.Эежуорт ва И.Фишер фойдалиликнинг турли даражалари нисбатини аниқлаш ва уларнинг мутлақ миқдорини баҳолашга нисбатан даъволардан бош тортишдан иборат бўлган ординалистик ёндашувни таклиф этишган³¹. Трансакция харажатлари назарияси ҳам ушбу йўналишда ривожланмоқда. Иқтисодий ташкилотларни қиёсий таҳлил қилишда ҳеч қачон алоҳида олинган ташкилий шакллар тадқиқ этилмайди, улар фақат мавжуд муқобил вариантларга нисбатан кўриб чиқилади.

³⁰ Блауг М. Экономическая мысль в ретроспективе. М.: Дело, 1991, -С. 307-30.

³¹ Олейник А. Институциональная экономика: Учебно-методическое пособие. // Вопросы экономики. 1999, №1. –С.134.

Турли шартномаларда ва ташкилий матнларда юзага келадиган трансакция харажатларини таққослаш уларнинг миқдорини *экспертиза йўли билан баҳолаш* орқали чегаралаш имконини беради. Турли вариантларга аниқликлар киритиш трансакция харажатларини пул шаклида ўлчашнинг такомиллашмаган усулларида бош тортиш имконини беради. У ҳолда муайян битимни амалга оширишнинг оптимал шаклини танлаш алгоритми иккита босқични ўз ичига олади. Биринчи босқичда турли хилдаги: классик, неоклассик ва имплицит шартномалардан (5-бобга қ.) фойдаланишда юзага келадиган трансакция харажатлари таққосланади.



10.1-расм. Битимни амалга ошириш босқичлари

Агар, эксперт баҳоларга кўра, энг кам харажатлар имплицит шартномалардан фойдаланиш билан боғлиқ бўлса, у ҳолда иккинчи босқичда унитар, холдинг, мультидивизионал ва аралаш каби муқобил ташкилий тузилмалар доирасида юзага келадиган трансакция харажатларини таққослаш мумкин.

Умумий кўринишда (битимнинг муайян шартларини ҳисобга олмасдан туриб) шартноманинг учта тури қиёсий устунликларини, О.Уильямсон фикрига кўра, қуйидагича тарзда намоён этиш мумкин (10.1-жадвал).

10.1-жадвал

Шартноманинг қиёсий устунликлари [54]

Қиёсий мониторинг харажатлари параметрлари	Шартнома хиллари		
	классик	неоклассик	имплицит
Рағбатлар кучи	++	+	0
Назорат қилиш самарадорлиги	0	+	++
Иштирокчиларнинг қутилмаган ҳолатларга автоном мослашиши	++	+	0
Иштирокчиларнинг қутилмаган ҳолатларга келишилган тарзда мослашиши	0	+	++
Низоларни ҳал этиш ҳуқуқий тадбирларининг қулайлиги	++	+	0

Изоҳ: ++- энг самарали; +- етарлича самарали; 0 - самарасиз.

Мисол тариқасида корхона раҳбарларининг корхоналар соҳасига тааллуқли бўлмаган фаолият турини мустақил равишда ёки четки ташкилотларга пудрат (неоклассик шартнома) асосида бажаришни афзал кўришига оид маълумотлари 10.2-жадвалда келтирилган.

10.2-жадвал

**Корхоналарда (имплицит шартнома асосида) амалга ошириладиган фаолият тури
улушининг таҳлили***

Фаолият тури	Мустақил равишда (имплицит шартнома асосида) бажариш улуши, фоизда		
	1990-1992 йй.	1994-1995 йй.	1996-1998 йй.
Илмий-тадқиқот ва тажриба конструкторлик ишланмалари (ИТТКИ)	100	70	50
Қурилишни лойиҳалаштириш	50	60	50
Қурилиш-монтаж ишлари	72	44	45
Жиҳозларга хизмат кўрсатиш	65	63	63
Асбоб-анжомлар ишлаб чиқариш	73	77	73
Идишлар ишлаб чиқариш	68	51	71
Иссиқлик таъминоти	100	10	10
Транспорт хизмати	75	72	82

*Манба: хориж эксперт баҳолари маълумотлари.

Фаолиятнинг маълум турини мустақил равишда амалга оширувчи корхоналар улушининг энг тез қисқариши ИТТКИ, қурилиш-монтаж ишлари ва иссиқлик таъминоти соҳасида кузатилади. Табиийки, бу ушбу фаолият турлари классик шартномадан фойдаланиш харажатларининг пасайиши билан боғлиқ. Аксинча, классик шартнома асосида транспорт хизматларига эга бўлиш харажатлари кўриб чиқиладиган даврда корхонанинг таркибий транспорт бўлинмасини барпо этишга нисбатан ошиди.

Фирма ички тузилмаларининг турли вариантларини ҳам худди шу тариқа таққослаш мумкин. Бутловчи қисмларнинг алоҳида турларини ишлаб чиқариш билан шуғулланувчи таркибий бўлинмалар ё унитар, ёки холдинг, ёхуд мультидивизионал тузилма доирасида ўзаро ҳамкорлик қилади, дейлик. Унда барча ахборот оқими марказлашган унитар тузилмада ахборотни қидириш харажатлари энг кам ва холдинг тузилмада энг юқори, чунки бўлинмалар ҳатто фақат молиявий кўрсаткичларни назорат қилувчи бош офисда ҳам бир бири ҳақидаги ахборотга эга бўла олмайди. Музокаралар юритиш харажатлари унитар корхонада энг кам, бўлинмалари тарқоқ жойлашган холдингда эса - энг юқори. Ўлчаш харажатлари холдингда юқори, у ерда ягона стандартларни жорий этиш вазифалари қўйилмайди. Шартнома тузиш харажатлари бош офис ва бўлинмалар ўртасидаги ҳуқуқларни чегаралаш қийинлиги туфайли мультидивизионал тузилмада энг юқори. Мониторинг харажатлари холдингда энг паст. У ерда бўлинмаларнинг оппортунистик хатти-ҳаракатлари устидан назорат бозор механизмлари асосида амалга оширилади. Трансакция харажатлари миқдорининг тафсилоти 10.3-жадвал кўринишида берилган.

Трансакция харажатлари миқдорининг эксперт баҳоларидаги тафсилоти

Трансакция харажатларининг хили	Унитар корхона	Холдинг	Мультидивизионал тузилма
Ахборотни қидириш	1	3	2
Музокаралар олиб бориш	1	3	2
Ўлчаш	1	2	1
Шартнома тузиш	1	2	3
Мониторинг	3	1	2
Мулкчилик ҳуқуқларини ҳимоялаш	-	-	-
Учинчи шахслардан ҳимоялаш	-	-	-
Жами	7 (min)	11 (max)	10

Демак, унитар корхона трансакция харажатларининг энг паст умумий миқдори билан тавсифланади. Бироқ амалда тармоқ бозоридаги муайян вазият ҳисобга олиниши лозим. Масалан, капитал бозори ва фонд бозорининг ривожланмаганлиги капиталнинг тармоқлараро оқимини таъминлаш учун холдингнинг жозибадорлигини, капиталнинг тармоқ ичида оқимини таъминлаш учун эса мультидивизионал тузилманинг жозибадорлигини оширади. Бундан ташқари, битимнинг хусусиятига қараб ҳар бир параметрга (0 дан 1 гача) алоҳида улуш бериш зарур. Ахборотни қидириш харажатларининг нисбати эмас, балки айнан мониторинг харажатларининг нисбати ҳал қилувчи бўлиши мумкин.

2. Фирманинг баланси унинг таркиби тўғрисидаги ахборот манбаи сифатида

Эксперт баҳоларидан ташқари, трансакция харажатларининг нисбий миқдори ва ташкилий тузилманинг оптималлик даражаси ҳақидаги ахборот манбаи бўлиб бухгалтерия ҳисоботларининг, биринчи галда баланс ҳамда фойда ва зарарлар ҳақидаги ҳисобот (даромадлар ҳақидаги ҳисобот)нинг маълумотлари хизмат қилиши мумкин. Балансдан фойдаланишнинг бундай йўналиши асосан фирманинг кредитга лаёқатлилигини имкониятли кредиторлар нуктаи назаридан баҳолашга қаратилган молиявий таҳлилнинг оддий технологиясидан фарқ қилади. *Институционал* таҳлил учун биз таклиф этаётган балансдан фойдаланиш методологияси, албатта, тўлиқ эмас, шунинг учун унга нисбатан мутлақ аниқ ва тўла-тўқис хусусиятга даъвогарлик қилмайдиган хомаки вариант сингари муносабатда бўлиш лозим.

Бухгалтерия ҳисоботининг институционал таҳлилидаги дастлабки нукта сифатида биз даромадлар ҳақидаги ҳисобот асосида аниқланадиган фирма маҳсулотини сотиш нархининг таркиби «ахборотнинг учта хилини: ташкилотнинг ички тафсилотлари ҳақидаги, бозордаги рақобат даражаси ҳақидаги ва фирма стратегияси ҳақидаги ахборотни синтез қилади», деган тезисни қабул қиламиз. Ҳақиқатдан ҳам, таннарх таркиби нафақат ишлаб чиқариш ва технологик харажатларни, балки ташкилот *ичида* юзага келадиган трансакция харажатларини ҳам акс эттиради. Иккинчи томондан, даромадлар таркиби фирма фаолият кўрсатадиган *ташқи муҳит* ҳақидаги: талабнинг ҳолати ва динамикаси, рақобатчилар товарларининг нархи ва сифати, рақиб фирмаларнинг савдо тажовузорлиги даражаси, мазкур секторда трансакция харажатларининг миқдори ҳақидаги ахборотни ҳам ўзида муҷассам этади.

Алоҳида фирманинг бухгалтерия ҳисоботида мужассамланган ахборот ўз ўзича кам маълумот беради: институционал таҳлил уни тармоқ бўйича ёки шундай ўлчамдаги фирмалар гуруҳлари бўйича ўртача кўрсаткичлар билан таққослашни талаб қилади, чунки гап трансакция харажатларини мутлақ эмас, балки нисбий ифодада ўлчаш ҳақида борапти. Масалан, Японияда ҳар йили 865 та йирик фирманинг ўртача ҳолатга келтирилган баланси кўрсаткичлари ҳисоблаб чиқилади (NEEDS – Nikkei Economic Electronic Data System). Айнан ўртача ҳолатга келтирилган баланс маълумотлари асосида М.Аоки тўпланган ишдан бېшашда тўланадиган нафақалар миқдори фирма томонидан ходимнинг фирма учун ўзига хос кўникмалар ва билимларга эга бўлиши учун сарфланадиган сабъ-ҳаракатларга тўғри пропорционал деган фарздан келиб чиқиб, J фирмада инсон капитали ўзига хослигининг миқдорини баҳолашга уринди. Бундай эҳтимолликни Япония фирмаларида чиқариш нафақаларини шакллантириш тартиботини таҳлил қилиш орқали қабул қилиш мумкин. Ҳар бир янги ходимнинг келиши билан унинг номига махсус ҳисобварақ очилади, ундаги маблағлар суммаси иш стажининг ортиши ва ички иерархия эшелонлар бўйича ҳаракатланишга қараб ошади. Чиқиш нафақаси пенсияга кетишида ёки муддатидан олдин ишдан бўшаганида, тўланади (иккинчи ҳолатда ходим катта йўқотишларга дуч келади), бу уни фирма томонидан тўланадиган яққа пенсияга яқинлаштиради. М.Аоки фирмада инсон капитали ўзига хослигининг даражасини тўпланган чиқиш нафақалари суммасининг фирманинг умумий капиталига нисбати сифатида ҳисоблаб чиқиладиган индекс ёрдамида аниқлади. Агар муайян фирма учун ҳисоблаб чиқилган бундай индекс ўртачалаштирилган баланс маълумотлари бўйича ҳисоблаб чиқилган индексдан ортиқ бўлса, у ҳолда фирмада инсон капитали ўзига хослигининг даражаси *нисбатан* юқори, ва аксинча.

NEEDSга ўхшаш баланс ҳар бир мамлакатда ҳам ҳисоблаб чиқилавермаслигига қарамай, исталган йирик консалтинг ёки аудиторлик фирмасининг маълумотлар базаси таққослаш учун зарур бўлган ахборотни ўзида мужассам этган. Энди ташкилотнинг ички тузилиши ва унинг бозор стратегияси ҳақида хулоса чиқариш имконини берувчи индексларнинг йиғиндисини батафсил кўриб чиқамиз. Дастлаб балансининг умумий таркибини ва GAAP стандартидаги даромадлар ҳақидаги ҳисоботни ёдга оламиз (10.4-жадвал).

Актив ва пассив алоҳида моддаларининг таҳлили ташкилотда ҳуқуқларнинг реал тақсимланиши ҳақида тасаввурга эга бўлиш имконини беради, у расмий, таъсис ҳужжатлари ва акциядорлар реестрида қайд этилган тақсимлашга ҳамма вақт ҳам мос келмайди.

$$I_1^i = \frac{\text{«Ходимларга иш ҳақи бўйича қарздорлик»}}{\text{«Жами жорий операцион мажбуриятлар»}}$$

I_1^i индекс корхона ходимларининг қарорларни қабул қилиш жараёнига таъсири даражасини акс эттиради. Банклар, давлат ва ўзаро боғлиқ корхоналар олдидаги қисқа муддатли қарздорлик бўйича ҳам шунга ўхшаш I_1^i индекслар ҳисоблаб чиқилади. Агар корхона раҳбарияти ходимлар олдидаги мажбуриятларни бажаришни банклар, давлат (бюджет) ва ўзаро боғлиқ корхоналар олдидаги мажбуриятларни бажаришдан кўра устуворли деб ҳисобласа, у ҳолда бу меҳнат жамоаси томонидан эғалик қилиш, тасарруф этиш ва даромад олиш ҳуқуқига норасмий эғалик қилинишидан далолат беради.

$$I_2 = \frac{\text{«Узоқ муддатли кредитлар: таъминланмаган»}}{\text{«Жами узоқ муддатли мажбуриятлар»}}$$

Банклар томонидан корхона устидан назорат даражасини аниқлаш учун I_2 индексни ҳисоблаб чиқиш ҳам фойдали, чунки банк томонидан гаров билан таъминланмаган

кредитлар, фақат берилган кредит қайтарилишининг бошқа, норасмий кафолатлари кўзда тутилган ҳолларда, берилиши мумкин³².

10.4-жадвал

Фирманинг баланснинг кўрсаткичлари

БАЛАНС	
АКТИВ	ПАССИВ
Нақд пул Осон сотиладиган қимматли қоғозлар Дебиторлар ҳисобварақлари: тижорат Заҳиралар: хомашё Заҳиралар: тугалланмаган ишлаб чиқариш Заҳиралар: тайёр маҳсулот Жами заҳиралар Бўлажак даврлар харажатлари Бошқа айланма активлар Жами айланма активлар Бинолар, иншоотлар ва жиҳозлар Асосий жиҳозлар лизинги Амалдаги жиҳозлар лизинги Минус амортизация Жами бинолар, иншоотлар ва жиҳозлар: соф Инвестициялар ва ссудалар Узоқ муддатли қимматли қоғозлар Дебиторларнинг турли ҳисобварақлари Соф активлар Бошқа айланмадан ташқари маблағлар Номоддий активлар Харидларни капиталлаштириш (гудвилл)	Тўланадиган векселлар Тўланадиган ҳисобварақлар: тижорат Бошқа жорий мажбуриятлар Жами жорий операцион мажбуриятлар Жорий узоқ муддатли қарздорликнинг бир қисми Бўлажак даврлар даромадлари Узоқ муддатли кредитлар: таъминланмаган Узоқ муддатли кредитлар: таъминланган Капитал лизинги бўйича мажбуриятлар Операцион лизингнинг ҳозирги қиймати Бошқа жорий мажбуриятлар Жами узоқ муддатли мажбуриятлар Субординацияланган қарздорлик Қисқа муддатли пенсия мажбуриятлари Тўлаш муддати кечиктирилган солиқ тўловлари Ж а м и п а с с и в ХУСУСИЙ КАПИТАЛ Тўлаш муддати кечиктирилган солиқ тўловлари Шуъба корхоналарда ташқи капитал Имтиёзли акциялар Оддий акциялар Тақсимланмаган фойда Сармоядорлардан сотиб олинган акциялар Жами хусусий капитал
Жами асосий воситалар	Жами хусусий капитал
Ж а м и а к т и в	УСТУНДАГИ ЖАМИ

³² «Кредиторнинг ўз пулларини қайтариб олиш ҳукуқи чегараланган, лекин акциядорларникига қараганда кам, чунки (кредиторларда) назорат қилишнинг билвосита, номуайян усуллари мавжуд» (Стиглиц Дж. Кредитные рынки и контроль над капиталом. ~ МЭиМО, 1989, № 6, с. 46–47).

ДАРОМАДЛАР ТЎҒРИСИДА ҲИСОБОТ

Соф сотувлар (тушумлар)

Сотилган товарларнинг таннари (минус амортизация)

Амортизация ажратмалари

Ялти фойда

Сотиш харажатлари

Маъмурий-бошқарув харажатлари

Раҳбар ходимларни мукофотлаш

Бошқа операция харажатлари

Операцион даромад

Бошқа операциядан ташқари харажатлар

Тўланган фоизлар

Олинган фоизлар

Корхоналарни ёпиш ва ҳисобдан чиқариш

Капитал қўйилмалардан даромадлар

Солиқлар тўлангунча фойда

Даромад солиғи

Давом этаётган операциялардан даромад

Тўхтатилган операциялардан соф фойда

Корхонани сотишдан фойда (зарар)

Фавқулодда даромадни олгунча даромад (зарар)

Фавқулодда даромад

Соф фойда

$$I_3 = \frac{\text{«Дебиторлар ҳисобварақлари: тижорат»}}{\text{«Тўланадиган ҳисобварақлар: тижорат»}} ;$$

$$I_4 = \frac{\text{«Дебиторлар ҳисобварақлари: тижорат»}}{\text{«Жами айланма маблағлар»}} .$$

Ўзаро боғлиқ корхоналар томонидан ташкилот устидан назорат даражасини аниқлаш учун (масалан қайта комбинацияланган мулкнинг мавжудлиги ҳақидаги гипотезани текширишда) I_1^i хилидаги индексни (суратда – «Тўланадиган ҳисобварақлар») I_3 дебиторлик қарздорлиги индекси ва I_4 коэффиценти билан мувофиқлаштириш зарур. Агар I_1^i индексининг миқдори ўзаро боғлиқ корхоналарнинг имтиёзли ҳолати ҳақида тасаввур қилиш имконини берса, у ҳолда I_3 ва I_4 индекслари корхонанинг ўзаро боғлиқ корхоналар устидан назорат даражасини ва ўзаро боғлиқ корхоналарнинг корхона устидан назорат даражасини аниқлайди. Ушбу индексларнинг қўлланилиши М1 пул агрегатининг реал товар массасига мос келмаслигининг оқибати³³ сифатидаги тўламасликлар ва корхоналар ўртасидаги товар кредитининг шакли сифатидаги тўламасликлар ўртасида чегара ўтказиш имконини беради.

$$I_5 = \frac{\text{«Тақсимланмаган фойда»}}{\text{«Жами хусусий капитал»}} ;$$

³³ М1 пулларнинг миқдорий тенгламаси $MV=PY$ асосида ҳисоблаб чиқилади, бу ерда М - пул агрегати, V – пул муомаласининг тезлиги, P – нархлар даражаси ва Y – реал даромад.

$$I_6 = \frac{\begin{array}{c} \text{«Маъмурий-бошқарув харажатлари» +} \\ \text{«Раҳбар ходимларни мукофотлаш»} \end{array}}{\text{«Ялпи фойда»}}$$

I_5 индекси акциядорларнинг акциядорлик жамиятидаги қолдиқ даромадни олиш ҳуқуқидан фойдаланиши самарадорлигини таҳлил қилиш учун таклиф этилади. Агар тадқиқ этилаётган фирманинг баланси асосида ҳисоблаб чиқилган ушбу индекс тармоқ ёки корхоналар гуруҳлари бўйича ўртача индексдан анча кичик бўлса, у ҳолда расмий мулкдорлар «агентлар» - менежерларнинг оппортунистик хатти-ҳаракатлари эҳтимолига эътиборни қаратиши мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Менежерларнинг оппортунизмини, масалан, даромадлар тўғрисидаги ҳисоботда «Маъмурий-бошқарув харажатлари» моддасининг ошириб кўрсатилиши ҳолатлари тасдиқлайди, чунки кўпинча менежерлар ўз даромадини пул шаклида кўпайтириш имкониятидан маҳрум бўладилар. Шунинг учун I_6 индекси I_5 индексининг табиий тўлдирувчиси ҳисобланади.

$$I_7 = \frac{\text{«Нақд пулда тўланган дивидендлар»}}{\text{«Солиқлар тўланганидан сўнг фойда»}};$$

$$I_8 = \frac{\text{«Жорий операция харажатлари»}}{\text{«Солиқлар тўлангунича фойда»}}.$$

Мазкур индекслар фирманинг мақсадли функциясини таҳлил қилиш ва, ўз навбатида, унинг реал «принципал»ини аниқлаш учун мўлжалланган. Бир акцияга даромадни кўпайтириш гепотезасини текшириш учун («принципал» - акциядорлар) I_7 дивидендларни тўлаш коэффиценти қўлланилади (нақд пуллар ҳаракати ҳақидаги ҳисоботдан «Нақд пулда тўланган дивидендлар» моддаси). Бунда I_7 коэффицентини динамикада кўриб чиқиш лозим – фақат унинг бир неча ҳисобот даврларидаги ижобий динамикаси фирманинг бир акцияга даромадни кўпайтириш мақсадини кўзлаганлигидан далолат беради. Иккинчи томондан, корхонанинг омон қолишга йўналтирилиши даражаси солиқлар тўлангунга қадар фойданинг барқарор энг кам микдори чоғида жорий операция мажбуриятлари ва умуман пассивнинг ўзаро нисбати динамикаси (ошиш томонга) асосида баҳоланади.

$$I_9 = \frac{\text{«Сотилган товарларнинг таннари»}}{\begin{array}{c} \text{«Заҳиралар: хомашё» + «Заҳиралар: тугалланмаган ишлаб чиқариш»} \\ \text{«Заҳиралар: хомашё» + «Заҳиралар: тугалланмаган ишлаб чиқариш»} \end{array}};$$

$$I_{10} = \frac{\text{«Жами айланма активлар»}}{\text{«Жами айланма активлар»}}.$$

I корхонаси мисолида биз шунга амин бўлдикки, хомашё ва тугалланмаган ишлаб чиқариш заҳираларининг даражаси фирма ичида ахборот оқимларини ташкил этиш ва бўлинмалар фаолиятини горизонтал мувофиқлаштириш самарадорлигини акс эттиради. Шундай қилиб, заҳираларнинг айланувчанлиги ва даражаси коэффицентлари фирма ички тузилишининг нисбий устунликлари (камчиликларидан) далолат бериб турибди.

$$I_{11} = \frac{\text{«Бинолар, иншоотлар ва жиҳозлар»}}{\text{«Бинолар, иншоотлар ва жиҳозлар»}};$$

«Жами асосий воситалар»

$$I_{12} = \frac{\text{«Номоддий активлар»}}{\text{«Жами асосий воситалар»}} ;$$

$$I_{13} = \frac{\text{«Жами айланма активлар»}}{\text{«Жами жорий операция мажбуриятлари»}} ;$$

«Нақд пуллар» + «Осон сотиладиган

қимматли қоғозлар» + «Дебиторлар ҳисобварақлари»

$$I_{14} = \frac{\text{«Жами жорий операция мажбуриятлари»}}{\text{«Жами жорий операция мажбуриятлари»}} .$$


Активларнинг ўзига хослик даражаси активнинг қуйидаги моддаларини таққослаш ёрдамида баҳоланади: «Бинолар, иншоотлар ва жиҳозлар» (жойлашиш ўрни бўйича ўзига хослик ва технологик ўзига хослик) ва «Номоддий активлар» (товар белгилари). Активларнинг ўзига хослиги даражаси ҳақида ликвидлилик коэффицентларини ноанъанавий талқин этишни таклиф қилган ҳолда тасаввурга эга бўлиш мумкин – ликвидлиликнинг жорий (I_{13}) ва «тез» (I_{14}) коэффицентлари қанчалик юқори бўлса, фирманинг активлари шунчалик кам ўзига хослик даражасига эга.

3. Фирма ичидаги низоларни таҳлил қилиш ва уларни келишувлар назарияси асосида ҳал этиш

Ташкилотни амалий таҳлил қилишга келишувлар назарияси ҳам ўз улушини қўшади. Унинг ёрдамида ташкилот ичидаги низолар табиатини, оптимал шартнома назарияси ва трансакция харажатлари назариясининг тарафдорлари таклиф этганидек, «принципал» ва «агент» манфаатларининг қарама-қарши қўйилишига йўйиш мумкин эмас. Келишувлар назарияси ташкилот тузилмасининг *мураккаблигидан* келиб чиқади – у турли хилдаги келишувлар унсурларини ўз ичига олади. Одатда, ҳар қандай ташкилотнинг фаолият кўрсатиши камида қуйидаги келишувлар императивига жавоб бериши лозим: бозор, индустриал, анъанавий, фуқаролик, ижодий фаолият ва ижтимоий фикр. Ҳар қандай ташкилот, ҳатто фойда кўрмай ишлаётган корхона ҳам, ўзининг даромадларини харажатларга мувофиқлаштириши ва ўзининг молиявий мажбуриятларини бажариши зарур (бозор келишувининг унсурлари). Ҳар қандай ташкилотни бошқаришда меҳнатни илмий ташкил қилиш ва, ўз навбатида, индустриал келишув унсурларидан фойдаланилади. Ташкилот ичида ўзининг алоҳида маданияти, эскилик тўпламининг шаклланиши унинг фаолиятида анъанавий келишувлар унсурларининг пайдо бўлганлигидан далолат беради. Ташкилотда «агентлар» бирлашган манфаатлари - касаба уюшмаси вакилининг иштироки, шунингдек ташкилот *ички* ҳаётининг меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларига бўйсунishi фуқаролик келишуви импертивини ўзида акс эттиради. Ташкилотнинг ишбилармонлик доираларидаги обрўси ёки истеъмолчилар ўртасида унинг товар белгисининг машҳурлиги бизни ижтимоий фикр императивига амал қилишга ундайди. Ва ниҳоят, кенг маънодаги инновацияларга интилиш (янги товар ёки хизматлар ишлаб чиқаришдан тортиб то ташкилий тузилмани оптималлаштиришгача) ташкилотнинг фаолият кўрсатишида ижодий фаолият императивини акс эттиради. Шундай қилиб, ташкилот асосида турли императивлар ўртасидаги *низолар* ётади.

Келишувлар назариясининг устунлиги нафақат ташкилот фаолият кўрсатиши жараёнида юзага келадиган низоларни озми ёки кўпми мунтазам ёритишдан иборат, балки у муросанинг турли кўринишларини таҳлил қилиш асосида низоларни ҳал этиш вариантларини ҳам таклиф этади. Масалан, корхона раҳбари, ишлаб чиқариш жараёнини оқилона ташкил этиш ҳисобидан истеъмолчиларга таклиф этилаётган маҳсулот нархини пасайтиришни кўзлаган ҳолда, бош муҳандис (инустриал келишув) ва сотув бўлими (бозор келишуви) хизматларининг манфаатлари ўртасидаги низони ҳал этиш йўлини қидириши лозим. «Фордизм» тамойилларидан бири инустриал ва бозор келишувлари ўртасидаги муросанинг бундай кўринишини шундай изоҳлайди: ишлаб чиқаришни узлуксиз ташкил этиш асосида ишлаб чиқариладиган машиналар таннархини пасайтириш, сотувни рағбатлантириш ва ҳатто истеъмолнинг янги стандартини ташкил этиш имконини беради.

Француз ишлаб чиқарувчисининг «Погребок Аффинуа» янги пишлоқ навини ишлаб чиқариш тўғрисидаги қарори муросанинг янада мураккаб кўринишига мисол бўлади. Ушбу қарор анъанавий рецептлар, замонавий технологиялардан фойдаланиш ва пишлоқнинг ушбу хили кўп сонли совринлар билан тақдирланадиган нуфузли танловларда иштирок этиши асосида истемолчининг нозик дидли талабларини қондиришга уриниш таъсири остида қабул қилинган эди. Мазкур корхона фаолият кўрсатишини белгилаб берувчи бозор, анъанавий, инустриал келишувлар ҳамда ижтимоий фикр тўғрисидаги келишув муросаси кўзга ташланиб турибди (10.2-расм.).



10.2-расм. Келишувлар назарияси бўйича таҳлил

Ҳар қандай корхона учун юзага келадиган муаммоларни унинг ёрдамида идентификациялаш ва уларни ҳал этиш йўллари излаш йўналишларини белгилаш осон бўладиган ўзига хос келишувлар «харитасини» тузиш мумкин. Келишувлар назарияси нуқтаи назаридан ташкилий тузилмани оптималлаштириш ташкилот олдида турган турли императивларни мувофиқлаштиришга ёрдам берувчи муроса тамойилларини қидириб топишдан иборат.

Хулоса

Фақат трансакция харажатларининг миқдорини баҳолашга нисбатан ординалистик ёндашув ёрдамида муайян ташкилотлар тузилмасини таҳлил қилиш учун трансакция харажатлари назариясини қўллаш мумкин. Мазкур ёндашув турли шартнома ва ташкилий шаклларда битим тузишда юзага келадиган трансакция харажатлари миқдорини экспертиза йўли билан баҳолаш ёрдамида таққослашдан иборат. Эксперт баҳоларидан ташқари, ташкилотнинг бухгалтерия ҳисоботи ҳам ахборот манбаи бўлиб хизмат қилиши мумкин. Ўз навбатида, келишувлар назарияси ташкилотларни миқдорий жиҳатдан эмас, балки сифат жиҳатдан таҳлил қилишга ўз улушини қўшади. Унинг асосида ташкилот ичида юзага келадиган низолар табиатини изоҳлаш ва унинг тузилишини трансакция харажатлари мезони бўйича эмас, балки низоларнинг кескинлигини пасайтириш мезони бўйича оптималлаштириш мумкин.

Такрорлаш учун саволлар

1. Трансакция харажатлари ва фойдалиликни ўлчашнинг ўзига хос жиҳатларини тушунтиринг.
2. Шартноманинг қиёсий устунликлари нималарда намоён бўлади?
3. Трансакция харажатлари таркибининг ахборот базаси қандай ҳужжатларда мужассамланган?
4. Фирма баланси қандай мақсадда таҳлил қилинади ва бунда қандай индекслар ҳисоблаб чиқилади?
5. Келишувлар нима учун зарур ва уларнинг қандай йўналишлари мавжуд?

11-Мавзу. Фирманинг ташкилий-ҳуқуқий шаклини таҳлил қилиш

Режа

1. Мулккий ҳуқуқларнинг тавсифланиши
2. Ташкилий-ҳуқуқий шаклни танлаш мезонлари
3. Ташкилий-ҳуқуқий шакл фирманинг стратегияси ҳақидаги ахборот манбаси сифатида

Таянч сўз ва иборалар: фирма, мулк ҳуқуқи назарияси, Эгалик қилиш ҳуқуқи Фойдаланиш ҳуқуқи Тасарруф этиш ҳуқуқи Хўжалик юритиш ҳуқуқи Тезкор бошқариш ҳуқуқи

1. Мулккий ҳуқуқларнинг тавсифланиши

Мулкчилик ҳуқуқлари назарияси ҳар қандай ташкилотни мулкчилик ҳуқуқларининг иштирокчилари ўртасида тақсимланишини белгилаб берувчи шартномага олиб келади. «Фирма» атамаси шартнома келишувлари асосида фаолиятни ташкил этишнинг қисқартирилган таърифи ҳисобланади. Коуз теоремасига мувофиқ эркин алмашув натижасида эришилган ҳуқуқлар тақсимоти энг оптимал вариант (трансакция харажатлари нолга тенг) бўлиб, ўзаро ҳамкорлик иштирокчилари уни ўзгартиришдан манфаатдор эмаслар. Шу сабабли ташкилий тузилмани амалий таҳлил қилиш учун мулкчилик ҳуқуқлари назариясини қўллашга бўлган қизиқиш шу билан шартланганки, ҳақиқатда трансакция харажатлари нолга тенг эмас, демак, ҳуқуқлар тақсимоти ресурслардан фойдаланиш самарадорлигига *таъсир кўрсатади*. Мулкчилик ҳуқуқлари назарияси ташкилот фаолиятининг ўзига хослигига қараб мулкдорлар ўртасида ҳуқуқлар тақсимотининг энг оптимал вариантыни танлашга ёрдам беради. Бундан ташқари,

корхонанинг ташкилий-ҳуқуқий шакли тўғрисидаги маълумотлар асосида шерикларни танлаш имконияти очилади.

У ёки бу ташкилий-ҳуқуқий шаклга хос бўлган ҳуқуқлар тақсимооти Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексининг «Юридик шахслар» деб номланувчи 4-бобида қайд этилган меъёрлар билан белгиланади. Юридик шахсларни ташкил этишнинг ташкилий-ҳуқуқий жиҳатлари мулк ҳуқуқининг турли иқтисодий субъектларга тегишли алоҳида ҳуқуқларга ажратилишига йўл қўяди. Мисол тариқасида ташкилий-ҳуқуқий шаклни белгилувчи ҳуқуқлар тўпламининг айрим жиҳатларини қуйидаги жадвал орқали ҳавола этамиз, унда турли ҳуқуқларнинг тегишлилиги Фуқаролик кодексининг тегишли моддасида белгиланган (11.1-жадвал).

11.1-жадвал

Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик Кодексида мулк ҳуқуқларнинг тавсифланиши

	Шахс	Улушли мулк	Биргаликдаги мулк	Давлат
Эгалик қилиш ҳуқуқи	154,207	219	225	
Фойдаланиш ҳуқуқи	154,207	219	225	
Тасарруф этиш ҳуқуқи	154,207	218	225	179,180
Хўжалик юритиш ҳуқуқи				176
Тезкор бошқариш ҳуқуқи				178

Улушли мулк ҳуқуқи эса қуйидаги субъектлар ўртасида тақсимланади: унинг иштирокчилари, иштирокчиларнинг умумий йиғилиши, ижро этувчи орган ва давлат. Қонунда қайд этилган ҳуқуқларнинг бундай тақсимланиши иқтисодий фаолиятни таъминлаш нуқтаи назаридан қанчалик оптималлигига оид саволга жавоб бериш учун ташкилий-ҳуқуқий шаклни танлаш мезонларидан фойдаланиш мумкин.

2. Ташкилий-ҳуқуқий шаклни танлаш мезонлари

Ташкилий-ҳуқуқий шаклни танлаш мезонлари сифатида қуйидаги ёндашувлар қўлланилади.

1. Мулк ҳуқуқларнинг тафсирланиш (аниқ ва бир хил маънода белгиланиш) даражаси.
2. Эгалик қилиш ва қолдиқ қийматни олиш ҳуқуқларининг иқтисодий субъектлараро тақсимланиши.
3. Ҳуқуқлар тўплами доирасини ўзгартиришга нисбатан чекловлар мавжудлиги.
4. Мулк ҳуқуқ триадасининг турли иқтисодий субъектларга («Принципал» ва «агент») тегишлилиги.
5. Хатарларни бўлиш ва ўтказиш даражаси.
6. Капитални жамғариш даражаси.

1. Мулк ҳуқуқларнинг тафсирланиш (аниқ ва бир хил маънода белгиланиш) даражаси.

Тафсирлаш даражаси жуда муҳим, чунки Коуз теоремасига мувофиқ ресурсларнинг иккита самарали омилидан бири ҳуқуқларни тафсирлашнинг тўлиқлигидан иборат. Иккинчи томондан, ҳуқуқлар эгасини аниқ белгиламаслик ёки мулк ҳуқуқининг йўқолганлиги ресурслардан самарали фойдаланишга қизиқтиришга тўсқинлик қилади. Улушли мулкда барча ҳуқуқлар эгалари аниқ ва бир хил маънода белгиланган, қолдиқ қийматни олиш ҳуқуқи ва устав капиталидаги улушнинг мерос бўйича ўтиши ҳуқуқи бундан мустасно. Давлат суд органлари орқали ҳамма вақт «қонунни бир неча марта ёки қўпол бузганлик» учун юридик шахсни тугатишнинг ташаббусчиларидан бири ҳисобланишини ҳисобга олган ҳолда, тафсирлаш билан боғлиқ ягона муаммо устав капиталидаги улушнинг мерос бўйича ўтиши ҳуқуқининг эҳтимолий «йўқолиши»дан иборат.

2. Эғалик қилиш ва қолдиқ қийматни олиш ҳуқуқларининг иқтисодий субъектлараро тақсимланиши.

Агар мулкдор, яъни ташкилот фаолиятини назорат қилувчи «принципал» бир вақтнинг ўзида қолдиқ қийматни олиш ҳуқуқига ҳам эга бўлса, у ҳолда бу унга ўзининг назорат-бошқарув функцияларини бажаришда ўзини оппортунистик тарзда тутмаслик учун туртки беради. МЧЖ ҳолатида кўриб чиқиладиган иккала ҳуқуқ ҳам иштирокчиларнинг умумий йиғилишига тегишли. Бироқ умумий йиғилишнинг жамоавий табиати самарали назоратга бўлган рағбатларнинг амалийлигини чегаралайди, чунки «чиптасиз» муаммоси пайдо бўлади. Аслида барча иштирокчилар фирманинг фойдали фаолият кўрсатишидан манфаатдор, бироқ шу билан бирга улар назоратни амалга ошириш харажатларини бошқа шахслар зиммасига юклашга интилишади, бунинг натижаси ўлароқ, назорат функциясини *ҳеч ким* бажармайди. Лекин, улушли мулк ҳолатида унинг иштирокчиларининг сони қонун билан чекланганлиги туфайли «чиптасиз» муаммосининг кескинлиги пасаяди.

3. Ҳуқуқлар тўплами доирасини ўзгартиришга нисбатан чекловлар мавжудлиги.

Ҳуқуқларни алмашишга чекловлар масаласи Коуз теоремаси нуқтаи назаридан ҳам муҳим: трансакция харажатларидан ташқари яна қандай омиллар ҳуқуқларнинг улардан энг кўп манфаатдор бўлган мулкдорлар кўлига ўтишига тўсқинлик қилади? Масалан, ҳуқуқларни жисмоний ва юридик шахсларнинг алоҳида тоифаларига (норезидентларга, банк тузилмаларига, исталган бошқа учинчи шахсларга) топширишдаги ҳамда ҳуқуқлар тўпламининг турларини тубдан ўзгартиришдаги қонуний чекловлар. Улушли мулк доирасида ҳуқуқлар билан алмашиш учун чекловлар уставда қайд этилиши ва иштирокчиларнинг ўз улушларини умуман учинчи шахсларга ва хусусан меросхўрларга ўтказиш ҳуқуқига тааллуқли бўлиши *мумкин*. Фуқаролик Кодексида улушли мулкка эга бўлган субъектларнинг турли вариантлари “тижорат ташкилотлари” (58-69-модда) бандида келтирилган. Қонун улушли мулк субъектлари учун ҳуқуқлар тўпламининг турларини ўзгартириш учун энг кам тўсиқларни белгилайди.

4. Мулкый ҳуқуқ триадасининг турли иқтисодий субъектларга («Принципал» ва «агент») тегишлилиги.

Бундай муаммо эғалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш ҳуқуқлари турли субъектларга тегишлилиги билан боғлиқ. Барча учта ҳуқуқ турли субъектларга тегишли бўлган ҳолатда «принципал-агент» муаммоси иккита даражада пайдо бўлади: мулкдорлар ва менежер (бошқарувчи) ўртасидаги муносабатларда ҳамда менежер ва бевосита ижро этувчи (ходим) ўртасидаги муносабатларда. «Принципал-агент» муаммоси кўплаб усуллар ёрдамида ҳал этилиши мумкин – «агентлар»нинг фирма фаолиятининг натижаларида иштирок этишдан тортиб то «принципал» томонидан «овоз бериш» ва «чиқиш» ҳуқуқидан фойдаланилишигача. Улушли мулк субъект ҳолатида «принципал-агент» муаммоси иштирокчиларнинг умумий йиғилиши («принципал») ва ижро этувчи орган («агент») ўртасидаги ўзаро муносабатларда пайдо бўлади. Акциядорлик жамиятидан фарқли ўлароқ, маъсулияти чекланган жамият (МЧЖ)да «агент»га босим ўтказиш варианты сифатида «чиқиш» мумкин эмас, чунки устав капиталининг суммасига фонд бозорида котировка қилинадиган акциялар чиқарилмайди. Ҳар йиллик аудиторлик текширувлари ва ишларни юритиш натижалари тўғрисидаги маълумотларнинг чоп этилиши мажбурий эмаслиги туфайли умумий йиғилишнинг самарадорлиги ҳам катта эмас.

5. Хатарларни бўлиш ва ўтказиш даражаси.

Ҳуқуқлар тўпламининг конфигурацияси унинг қарорлар қабул қилиш (тасарруф этиш ҳуқуқи) ва хатарни қабул қилиш (қолдиқ қийматни олиш ҳуқуқи) функцияларига бўлинишини ёки ушбу тўпламнинг битта мулк ҳуқуқи субъектининг қўлида бўлишини назарда тутди. Биринчи ҳолатда хатарнинг *хежирланиши*, яъни унинг менежер елкасидан мулкдор елкасига ўтиши ўрин тутди. Хежирлаш хатарга камроқ қарши бўлган иқтисодий субъектлар хатарини қабул қилиш функциясига ихтисослашувни назарда тутди. Сўнгра,

хатар кўплаб мулкдорлар ўртасида бўлиниши ва, боз устига, маълум миқдор (масалан, устав капиталига қўшилган улуш миқдори) билан чегараланган бўлиши мумкин. Хатарни бўлиш ва ўтказиш тамойиллари дастлаб фаолиятининг бошидан соф иқтисодий фаолиятга йўналтирилмасдан, балки ижтимоий (диний, таълим, ўзини ўзи бошқариш) фаолиятни молиялаш билан шуғулланган корпорациялар доирасида амалга оширилган эди.

МЧЖда ҳам хатарни ўтказиш (жамият иштирокчиларига), ҳам хатарни бўлиш ва чегаралаш (барча иштирокчилар ўзлари киритган улушларнинг қиймати доирасида зарар кўриш хатарига эга) механизмлари амал қилади. МЧЖнинг ягона камчилиги – унинг иштирокчилари сонининг қонун билан чекланганлиги, бу ҳол ушбу ташкилий-ҳуқуқий шаклни акциядорлик жамияти билан солиштирилганда кам жозибали қилади.

6. Капитални жамғариш даражаси.

Мазкур ташкилий-ҳуқуқий шакл капиталнинг кам трансакция харажатлари билан тўпланишини таъминлашга қодирми? Бу ерда ҳам очиқ акциядорлик жамияти идеал ҳисобланади, чунки унда устав капиталини ошириш акциядорлар умумий йиғилишининг қарори асосида қўшимча акцияларни чиқариш ҳисобидан амалга ошади. МЧЖда капитални жамғариш жараёни, юқори трансакция харажатлари билан боғлиқ бўлмаса-да (устав капиталини ошириш учун умумий йиғилишнинг қарори етарли), МЧЖ иштирокчиларининг энг кўп сони қонун билан чекланганлиги туфайли, чегараларга эга.

Юқорида таклиф этилган мезонлар ёрдамида Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига мувофиқ фаолият юритаётган мулкчиликнинг ўн битта ташкилий-ҳуқуқий шакллари таққослаймиз. Ушбу мезонлар бўйича энг оптимал ташкилий-ҳуқуқий шаклни бир балл билан, энг паст оптималлик шаклни эса ўн бир балл билан қайд этган ҳолда ташкилий-ҳуқуқий шакллари олти мезоннинг ҳар бири бўйича кўриб чиқамиз (11.2-жадвал). Бундай эксперт баҳолари шартли бўлгани ҳолда, улар очиқ акциядорлик жамияти (ОАЖ) (камида 19 балл) ва хусусий корхона (деҳқон ва фермер хўжаликлари) (25-28 балл)нинг устунликларини ҳамда тезкор бошқарув ҳуқуқига (кўпи билан 54 балл) ва хўжалик юритиш ҳуқуқига эга бўлган (52 балл) унитар корхоналарнинг самарасизлигини тасдиқлаб турибди.

11.2-жадвал

Ўзбекистонда фаолият юритаётган иқтисодиёт субъектларни турли мезонлар бўйича баҳолаш

Ташкилий-ҳуқуқий шакл	Мезонлар					
	1	2	3	4	5	6
Хусусий корхона	1	1	1	1	11	11
Ишлаб чиқариш кооперативи	4	2	9	2	10	10
Очиқ акциядорлик жамияти	2	8	2	5	1	1
Ёпиқ акциядорлик жамияти	3	7	3	9	2	2
Шуъба корхона	9	9	4	6	3	3
Масъулият чекланган жамият	5	5	5	8	6	4
Қўшимча масъулиятли жамият	6	6	6	7	7	5
Тезкор бошқарув ҳуқуқига эга бўлган унитар корхона	11	10	11	11	5	6
Хўжалик юритиш ҳуқуқига эга бўлган унитар корхона	10	11	10	10	4	7
Фермер хўжалиги	2	2	1	2	10	11
Деҳқон хўжалиги	1	1	1	1	11	10

3. Ташкилий-ҳуқуқий шакл фирманинг стратегияси ҳақида ахборот манбаси сифатида

Ташкилий-ҳуқуқий шакл нафақат фирманинг ташкилий тузилиши ҳақидаги, балки шартномани амалга ошириш жараёнидаги эҳтимолий хатти-ҳаракати ҳақидаги ахборотни ҳам ўзида мужассам этади. Шу нуқтаи назардан ташкилий-ҳуқуқий шаклни таҳлил қилиш битимни амалга ошириш учун шерикни танлашда фойдали ҳисобланади. Бошқа шартларда (активларнинг ўзига хослик даражаси, битимнинг мураккаблик даражаси) битимнинг якуни унинг ташкилий-ҳуқуқий шаклини белгилаб берувчи шартнома бўйича ҳамкор хатти-ҳаракатининг ўзига хос хусусиятларига боғлиқ. Янада аниқроқ қилиб айтадиган бўлсак, ҳамкорнинг ташкилий-ҳуқуқий шаклни билиш битимни амалга оширишда гаровнинг мавжудлиги ҳамда мулкнинг расмий ва ҳақиқий таркибларини мувофиқлаштириш қанчалик мумкинлиги ҳақида ахборот олиш имконини беради. Сўнгги жиҳат мулоқотларни юритиш ва шартномани бажариш шартларини фирманинг *расмий* эгалари билан мувофиқлаштиришнинг самарасизлиги туфайли муҳим, бунда шартномани бажариш корхонани *ҳақиқий* назорат қилувчи инсонларнинг ҳаракатларига боғлиқ.

Гаров шакллари. Шартнома мажбуриятларининг бажарилишини кафолатлаш учун битим томонлари аъъавий тарзда гаровдан фойдаланади. Пул шаклидаги гаровни битимни тузиш вақтида томонлардан бири, мабода шартнома бекор қилинган ёки у керакли тарзда бажарилмаган тақдирда, иккинчи томоннинг йўқотишларини қоплаш учун тўлайди. Мулк ҳуқуқи назариясининг атамаларида ундириб олиш кўринишида жавобгарликни ўтказиш юз беради. Масалан, банк томонидан кредит берилаётганда, у одатда кредитнинг қайтарилиши ва у бўйича фоизлар тўланишининг кафолати сифатида гаров киритилишини талаб қилади. Битим шартларидан қатъи назар пул шаклидаги гаров миқдорини ҳисоблаб чиқиш осон, бунда ягона муаммо шартноманинг тўлиқсизлигида ва, демак, гаровни бегоналаштиришнинг қонунийлиги хусусида низолар келиб чиқишининг муқаррарлигида. Шунинг учун шартнома томонларининг ихтисослашган гаровни биргаликда барпо этишини назарда тутувчи соф (натура) шаклдаги гаров (ушбу гаров ҳақида шартномада келишилмаса-да) анча самарали. Масалан, имкониятли харидор нафақат маҳсулотни сотиш тармоқларига эга, балки уни ишлаб чиқариш ва унга сотувдан кейин хизмат кўрсатиш харажатларининг бир қисmini ҳам ўз зиммасига олади.

Фирма томонидан мажбуриятлар бажарилмаган тақдирда, Фуқаролик кодекси меъёрларига мувофиқ унинг мулкдорлари зиммасида бўладиган жавобгарлик улуши шартнома шартларида кўрсатилмайдиган гаровнинг яна бир шакли ҳисобланади. МЧЖ, ЁАЖ ва ОАЖ ҳолатларида бундай жавобгарлик *устав капиталининг миқдори билан* чегараланади, бунда, ушбу ташкилий-ҳуқуқий шакллардан ҳар бирининг муассислари сонига нисбатан чекловларни ҳисобга олган ҳолда устав капиталига нисбатан энг кичик талаблар МЧЖда, энг катта талаблар ОАЖда қўйилади.

Қолган ташкилий-ҳуқуқий шакллар учун мулкдорларнинг анча катта ҳажмдаги жавобгарлиги кўзда тутилган. Бу ерда гаров сифатида *муассисларнинг мол-мулки* иштирок этади, унинг миқдори мулкдорлар томонидан киритилган ҳиссаларнинг ёки уларга тегишли акцияларнинг қиймати билан чегараланмайди. Тўлиқ ширкат иштирокчилари зиммасига юклатиладиган мажбуриятлар ҳажми энг катта, чунки гаров ролини унга тегишли барча мол-мулк бажаради. Қўшимча масъулиятли жамиятда иштирокчилар ўзининг барча мол-мулки билан эмас, балки барча учун барабар бўлган, улар ҳиссалари қийматининг қарраси миқдорида жавобгарликка эгалар. Ишлаб чиқариш кооперативининг асосида ҳам худди шундай тамойил ётади. Тезкор бошқариш ҳуқуқига асосланган унитар корхона шакли мулкдор – давлат ёки маҳаллий ҳокимият органлари томонидан унинг мажбуриятлари юзасидан ўз мулки билан субсидиар жавобгарликка эга бўлишини назарда тутди. Шўъба хўжалик жамияти ҳолатида ҳам худди шундай тамойил, лекин фақат «принципал» (бошқа хўжалик жамияти ёки ширкат) кўрсатмаларини бажариш йўлида амалга оширилган битимларга нисбатан қўлланилади. Таъкидлаш лозимки, бу ерда муассисларнинг мол-мулки шаклидаги гаровнинг миқдори эмас, балки мулкдорнинг фирма фаолияти учун ўз мол-мулки билан жавоб бериши туфайли юзага келадиган

шартнома мажбуриятларини бажаришга ундовчи омиллар муҳим. Бундай омиллар тўлиқ ширкатда энг кучли ва МЧЖ, ЁАЖ ва ОАЖда – энг кам (11.1-расм.)

Тўлиқ ширкат	Коммандит ширкат	Қўшимча маъсулиятли жамият	Ишлаб чиқариш кооперативи	ЁАЖ, ОАЖ, МЧЖ
--------------	------------------	----------------------------	---------------------------	---------------

11.1-расм. Мажбуриятни бажаришдан рағбатланиш интенсивлиги

Муассислар нуфузини ва корхонанинг товар белгисини пулда баҳолаш битимни амалга оширишда имплицит иштирок этувчи гаровнинг навбатдаги шакли ҳисобланади. Бу асосан тижорат доираларида, шу жумладан имкониятли шериклар ҳамда ўзи ишлаб чиқарадиган товарлар ва хизматларнинг истеъмолчилари ичида иштирокчиларнинг ва умуман фирманинг нуфузига боғлиқ. Бу ерда асосий тушунча - товар белгисининг капиталлаштирилган қиймати: фирма ўзига тегишли товар белгиларининг қийматини сақлаб қолишга интилади. Шундай қилиб, нуфузни ушлаб туриш фақат ижтимоий санкцияларга боғлиқ бўлмай қолади. Нуфуз бозор нархига эга бўлади, чунки у ўзида имкониятли шерикнинг ишончлилиги ва унинг ҳаракати стратегияси ҳақида қўшимча ахборотни мужассамлаштиради. Айни пайтда, иқтисодий субъект ёки фирма кўпинча реклама харажатлари шаклидаги нуфузни барпо этиш учун тўлашга тайёр.

Реклама – имкониятли харидорларга сотувчилар ҳақида билимлар бериш усули. Табиийки, бу восита билимларни бериш учун оғзаки маъруза ўрнига китобдан фойдаланиш билан таққосланадиган хабардор бўлмасликни тугатиш учун жуда муҳим. Реклама институтнинг мувоффақиятли эволюциясига мисол бўлиб, эгасизлантирилган ўзаро таъсир кўрсатиш тартибида норасмий институтнинг устунлигини – нуфузни сақлашга ёрдам беради.

Айрим корхоналарнинг, биринчи галда тўлиқ ширкат ва ишончга асосланган ширкатнинг ташкилий-ҳуқуқий шакли ижтимоий нуфузни бозор товар белгисига айлантириш учун замин яратади. Ҳақиқатдан ҳам, тўлиқ ширкат ва ишончга асосланган ширкатнинг фирма номи барча тўлиқ ўртоқларнинг ёки «ва компания» сўзлари қўшимча қилинган ҳолда камида битта тўлиқ ўртоқнинг номини ўзида мужассамлантириши керак. Шунинг учун хўжалик ширкатлари тижорат соҳасидаги шериклар сифатида энг жозибали, чунки битим тузишда гаров сифатида улар билан нафақат муассисларнинг шахсий мол-мулки, балки уларнинг товар белгиси шаклидаги ижтимоий нуфузи иштирок этади. Шу муносабат билан хўжалик ширкатларига солиқ имтиёзлари ва рўйхатга олишдаги имтиёзларни бериш асосли ҳисобланади. Корхонанинг ташкилий-ҳуқуқий шаклига қараб қонунга бўйсуниб баҳосини табақалаш шартнома маданиятининг ошишига ва ўз навбатида, трансакция харажатларининг пасайишига кўмаклашган ҳолда иқтисодиётни давлат томонидан билвосита тартибга солишнинг самарали воситасига айланиши мумкин.

Мулkning расмий ва ҳақиқий таркибларини мувофиқлаштириш шакллари. Ташкилий-ҳуқуқий шакл мулк ҳуқуқлари тўпламининг расмий - қонунда қайд этилган ва ҳақиқий конфигурациясини мувофиқлаштиришнинг эҳтимолий вариантлари ҳақидаги ахборотни ҳам ўзида мужассам этади. Ушбу ахборот қайта ташкил этилган мулк асосида фаолият кўрсатувчи ўтиш хилидаги корхоналар (Ў корхоналар)га нисбатан муҳим аҳамият касб этади. Эвристик тарзда ташкилий-ҳуқуқий шакл ва мулк ҳуқуқлари тўпламининг расмий - қонунда қайд этилган ва ҳақиқий таркибларини мувофиқлаштириш эҳтимоли ўртасидаги қуйидаги боғлиқликларни ифодалаш мумкин.

Биринчидан, қонунда ҳуқуқлар қанчалик кам тафсирланган бўлса (1-мезон), «агентлар» (ижроия органи) оппортунизми ва улар томонидан фирманинг фаолияти устидан назорат қилиш функцияларининг ўзлаштирилиши эҳтимоли шунчалик юқори. Иккинчидан, корхонанинг ташкилий-ҳуқуқий шакли «принципал-агент» муаммосини ҳал

этиш механизмларининг қанчалик кам сонидан фойдаланишга йўл қўйса (4-мезон), «Агентлар» томонидан реал назорат қилиш эҳтимоли шунчалик юқори. Масалан, ЁАЖда акциядорларнинг сони анча кўп, бу улар томонидан «овоз бериш» механизмидан фойдаланишда «чиптасиз» муаммосининг келиб чиқишига замин яратади, лекин шу билан бирга ЁАЖ акциялари фонд бозорида котировка қилинмаслиги туфайли «чиқиш» механизми ҳам ишламайди. Учинчидан, қонунда қайд этилган ҳуқуқларни қайта тақсимлаш трансакция харажатлари қанчалик юқори бўлса, мулкнинг расмий ва ҳақиқий таркибларини мувофиқлаштириш эҳтимоли шунчалик юқори. Шуни назарда тутиш лозимки, у ёки бу ҳуқуққа эгалик қилишдан энг манфаатдор бўлган шахслар пировардида уни қўлга киритади, лекин ошкора эмас, балки хуфёна усул билан. Фонд бозорида, масалан, ОАЖ акциялари билан битимлар тузилишининг фаоллигини кузатиш унда ҳуқуқларни алмашиш билан боғлиқ трансакция харажатларининг миқдорини билвосита баҳолаш имконини беради. Шунингдек, ҳуқуқларни алмашиш бўйича битимларнинг қонуний чекланиши натижасида юзага келадиган трансакция харажатларини ҳам ҳисобга олиш лозим (3-мезон). МЧЖда иштирокчининг улушини сотиб олишнинг имтиёзли ҳуқуқига бошқа иштирокчилар эга, ушбу улушдан учинчи шахс ҳисобига воз кечиш учун эса, бошқа иштирокчилар уни сотиб олишдан бош тортганларидан сўнг, уч ой ўтиши керак. Юқорида айтилганлар фикрларни умумлаштирган ҳолда таъкидлаш мумкинки, мулкнинг расмий ва ҳақиқий таркибларини мувофиқлаштириш эҳтимоли унитар корхоналарининг иккала хилида, ЁАЖ, МЧЖ ва ОАЖда энг юқори. Айнан ана шундай фирмалар билан ўзаро муносабатларда расмий мулкдорлар томонидан тақдим этиладиган шартномаларнинг бажарилиши кафолатлари етарли эмас ва ҳақиқий мулкдорлар билан «норасмий» шартнома тузиш бўйича қўшимча саъй-ҳаракалар талаб этилади, бундай мулкдорлар сифатида кўпинча «агентлар» - бошқарувчилар иштирок этади.

Хулоса

Трансакция харажатлари нолга тенг бўлмаган шароитда ҳуқуқлар тўпламини тақсимлаш корхона фаолият кўрсатишининг самарадорлигига таъсир кўрсатади. Фуқаролик кодексида мустаҳкамланган, у ёки бу ташкилий-ҳуқуқий шакл учун хос бўлган ҳуқуқларнинг тақсимланиши иқтисодий жиҳатдан муҳим аҳамиятга эга. Мулк ҳуқуқлари турли хилларининг оптималлик даражасини баҳолаш учун олти мезондан фойдаланилади: (1) қонунда мулк ҳуқуқларининг тафсилланиш даражаси; (2) эгалик қилиш ҳуқуқи ва қолдиқ қийматни олиш ҳуқуқини тақсимлаш; (3) ҳуқуқлар билан алмашиш учун чекловларнинг мавжудлиги; (4) «принципал-агент» муаммосини ҳал этиш вариантларининг сони; (5) хатарларни бўлиш ва ўтказиш даражаси; (6) капитални жамғариш даражаси. Ушбу мезонлардан фақат корхонанинг ташкилий-ҳуқуқий шаклига тааллуқли ахборот мавжуд бўлганда битимни амалга ошириш учун шерикни танлашда фойдаланиш мумкин.

Такрорлаш учун саволлар

1. “Имкон капитал” компаниясининг ижрочи директори билан тузилган шартнома унга йилига 750000 сўм миқдоридаги ҳар йиллик мукофот ҳамда дивидендар тўланганидан сўнг қоладиган 11 фоиз миқдоридаги йиллик фойданинг 2 фоизи тўланишини назарда тутар эди. Менежерларни рағбатлантириш бундай тизимларининг пайдо бўлиши хатарларни бўлиш ва ўтказиш даражаларига қанақа янгиликлар киритади?

2. Қонун ҳужжатлари «Иқтисодий манфаатлар бўйича бирлашувларни» - ўз мустақиллигини йўқотмаган ҳолда бошқа корхоналар билан қўшма фаолият юритиш ва ҳамкорлик қилишни истовчи корхоналар йиғиндисини назарда тутди. Ушбу ташкилий-ҳуқуқий шаклга акциядорлик жамиятининг ҳам, юридик шахслар бирлашмаларининг ҳам хусусиятлари хос. Фуқаролик кодексига бундай тушунчанинг киритилиши бизнес учун қандай ўзига хос вазиятни қонунлаштириши мумкин?

3. Корхона бўлинмалари ўртасидаги низоларни ҳал этишда унинг раҳбари бажарадиган ҳакамлик функцияларининг ўзига хослиги нимадан иборат? Чунки «фирма

ичидаги низоларни судда ҳал этишнинг имкони бўлмаган шароитда ушбу низолар томонлари фирма ичида низони ҳал этиш йўлини қидиришга мажбурлар. Иерархия фирманинг ўз «апелляция суди»га айланади».

4. ЛУКойл, Ўзбекнефтогаз каби нефть-газ қазиб чиқаришдан тортиб то бензин-газ сотишгача бўлган технологик занжирнинг барча бўғинларини бирлаштирувчи вертикал интеграциялашган компанияларни шакллантириш фойдасига хизмат қилувчи институционал далилларни келтиришга уриниб кўринг.

5. Нотижорат ташкилотларида, масалан, таълим муассасаларида – олий ўқув юртларида мулкнинг расмий ва ҳақиқий таркибларини мувофиқлаштириш мумкинми? Мувофиқлаштириш сабаблари нималардан иборат бўлиши мумкин? Сиз таҳсил олаётган университет ёки институтда мувофиқлаштириш кузатиладими?

12-Мавзу. Давлат институционал ташкилот сифатида

Режа

- 1. Давлатнинг функциялари**
- 2. Давлатнинг институционал табиати**
- 3. Давлатнинг моҳияти ва унинг таърифи**
- 4. Давлатнинг шартномавий ва эксплуататорлик концепцияси**
- 5. Давлатнинг «муваффақиятсизликлари»**

Таянч сўз ва иборалар: давлат, эксплуататорлик давлати, шартномавий давлат, солиқ, бюрократия, фискал сиёсат, ижтимоий сиёсат.

1. Давлатнинг функциялари

Давлат ва давлат томонидан тартибга солиш табиатининг концептуал асосларини тадқиқ этиш институционал назарияда алоҳида ўрин тутди. Бу шу билан изоҳланадики, жаҳон ҳўжалик тизими ривожланишининг ҳозирги босқичида иқтисодий ривожланиш ва у ёки бу давлатнинг иқтисодий асосини шакллантириш йўлини аниқлашда муҳим роль ўйновчи мулк ҳуқуқларини таминлаш мулк соҳасида муайян чекловларни белгилаш, ушбу чекловларга риоя этилишини назорат қилиш ва мазкур чекловлар бузилган ҳолларда куч ишлатиш монополиясига эга бўлган мавжуд сиёсий тузилмага боғлиқ.

Шундай қилиб, давлат жамиятда расмий қоидаларнинг шаклланишида катта роль ўйнайди ва бу билан институционал муҳитнинг ўзгаришига ҳал қилувчи таъсир кўрсатади.

1970-йилларда жаҳон ҳўжалик тизимида юз берган ларзалар давлатнинг иқтисодиётдаги роли ва давлатнинг табиати тўғрисидаги янги баҳс-мунозараларга туртки берди.

Давлатнинг иқтисодий жараёнларга аралашуви чегараси нима билан белгиланади? Давлатнинг иқтисодий соҳада иштирок этишининг ўзи инқироз сабаби ва иқтисодий ривожланиш учун тўсиқ ҳисобланмайдими? Агар давлатнинг аралашуви етарлича самарали бўлмаса, буни қандай қилиб тўғрилаш мумкин? Давлатнинг ролига тааллуқли бўлган шу ва бошқа саволларга жавоб қидириш билан турли илмий мактаблар ва йўналишлар иқтисодчиларининг аксарияти банд.

Давлат томонидан тартибга солиш соҳалари тўғрисидаги масала энг баҳс-мунозарали бўлиб, биз ушбу параграфда унга жавоб топишга уриниб кўрамиз.

Адам Смит 18-асрнинг иккинчи ярмидаёқ давлатнинг асосий мажбуриятлари доирасини белгилаб берди:

- биринчидан, жамиятни куч ишлатиш ва бошқа мустақил жамиятларнинг бостириб келишидан ҳимоялаш;

- иккинчидан, имкон қадар, жамиятнинг ҳар бир аъзосини адолатсизликдан ва унинг бошқа аъзолари томонидан жабрлашдан ҳимоялаш ёки яхши адолат ҳукмини ўрнатиш;

- учинчидан, уларни барпо этиш ва сақлаб туриш алоҳида шахслар ёки кичик гуруҳлар манфаатлари йўлида амалга оширилмайдиган муайян ижтимоий иншоотлар ва

ижтимоий муассасаларни барпо этиш ва сақлаб туриш, чунки улардан келадиган фойда ҳеч қачон алоҳида шахслар ёки кичик гуруҳларга харажатларни тўлай олмайди, лекин кўпинча харажатларни катта жамиятга ортиқча тўлаши мумкин³⁴.

Икки асрдан ортиқ вақт ўтган бўлишига қарамай, мазкур тасниф давлат фаолияти соҳаларининг асосий маъносини акс эттиради.

Янги институционал мактабнинг ҳозирги вакиллари давлат интервенционизмининг иқтисодий асослашни бозорнинг нуқсонларида ёки ночорлигида кўрмоқда. Янги институционалистларнинг ҳозирги талқинида давлатнинг функциялари қуйидагилардан иборат³⁵:

- *мулкчилик ҳуқуқларини тафсирлаш ва ҳимоя қилиш*: трансакция харажатлари нолга тенг бўлмаган тақдирда мулкчилик ҳуқуқларининг тақсимланиши ресурслардан фойдаланиш самарадорлигига таъсир кўрсатади;

- *ахборот билан алмашиш тармоқларини барпо этиш*: мувазанатли нарх бозор иштирокчиларига паст харажатли ва кам бузиб кўрсатилган ахборот билан алмашиш имконини берувчи ривожланган ахборот инфратузилмаси базасида шаклланади;

- *ўлчаш ва тортиш стандартларини ишлаб чиқиш*: давлатнинг ушбу йўналишдаги фаолияти алмашинадиган товарлар ва хизматлар сифатини ўлчаш харажатларини пасайтириш имконини беради, янада кенг маънода эса универсал чоратадбирлар жумласига давлат томонидан пул муомаласининг ташкил этилиши ҳам киради, чунки алмашувнинг универсал тадбир – пулнинг энг муҳим функцияларидан бири;

- *товарлар ва хизматлар билан жисмоний алмашиш тармоқлари ва механизмларини барпо этиш*: бозор инфратузилмаси нафақат ахборот билан алмашиш тармоқларини, балки товарлар ва хизматларнинг жисмоний ҳаракатланиши тармоқлари (транспорт тармоқлари, савдолар учун уюшган майдончалар ва ҳ.к.)ни ўз ичига олади;

- *ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолияти ва низоларда «учинчи» томон ролини бажариш*: шартномаларни бажаришда қутилмаган ҳолатларнинг пайдо бўлиши шарнома томонларининг улардан оппортунистик фойдаланишидан қафолатлаш учун «учинчи» томон (суд)нинг аралашувини талаб қилади;

- *соф ижтимоий фаровонликни яратиш* «чиптасиз» муаммосини келтириб чиқаради, бу уни молиялаш учун давлат томонидан мажбурлов чораларидан фойдаланишни талаб қилади (биринчи навбатда мудофаа, кейин соғлиқни сақлаш ва таълим сингари ижтимоий фаровонликни яратиш).

Янги институционал назария воситаларига таяниб, давлатни шакллантириш ва ривожлантириш босқичларини тадқиқ этган ҳолда, давлатни бошқаришнинг асосий соҳаларини танлашнинг институционал сабабларини аниқлаш мумкин бўлади.

2. Давлатнинг институционал табиати

Келишувлар ва алмашувнинг оддий шаклларида тортиб то ҳозирги даврнинг ривожланаётган иқтисодиётини ажратиб турувчи мураккаб шаклларгача бўлган инсон ҳамкорлигининг эволюцияси ўз-ўзидан автоматик тарзда юз бергани йўқ.

Иқтисодий тарихнинг катта қисмида майда ишлаб чиқариш ва маҳаллий савдотик жараёнида томонларнинг индивидуаллашган муносабатлари билан тавсифланувчи алмашув хили устунлик қилди. Бундай алмашув такрорланиб туриши, маданий гомогенлик (яъни бойликлар умумий тўпламининг мавжудлиги) ва учинчи шахслар томонидан назорат ва мажбурловнинг мавжуд эмаслиги билан ажралиб туради. Бундай алмашув иштирокчилари учун чекловлар қонли алоқалар, гаровлар, гаровга олинганларни алмашиш каби ҳолатларлар туфайли юзага келарди.

Жамиятнинг ривожланиши билан алмашув турлари кўпайди, кўпроқ илгари белгиланган чекловлар доирасидан ташқарига чиқувчи алмашув ҳаракатлари амалга

³⁴ Смит А. Исследование о природе и богатстве народов – М.: Лекиздат, 1935. –С. 231.

³⁵ Олейник А. Институциональная экономика. – М.: ИНФРА-М, 2000. –С. 344-345.

оширилди. Бундай индивидуаллаштирилмаган алмашув бозорни кенгайтириш ҳамда янада мураккаб ишлаб чиқариш ва кичик жуғрофий ёки этник бирликлар доирасидан ташқарига чикувчи битимлар фойдаларини сотиш имконини берди. Томонлар ўртасида тузилган янада мураккаб келишувлар шартномалардан фойдаланишни таъминловчи қўшимча институтларнинг шаклланишига ёрдам берди. Алмашувнинг ушбу хили давлатнинг шаклланишига ва ихтисослашган институтларнинг савдогарларни ҳимоялаш ва савдо кодексларини қабул қилишдаги ролининг ўсишига хизмат қилди.

Шундай қилиб, алмашувнинг учинчи шакли пайдо бўлди – бу учинчи томондан назорат қилинадиган индивидуаллаштирилмаган алмашув. Учинчи томондан келишувлар шартларининг таъминланиши ҳеч қачон идеал ва мукаммал бўлмайди ва у алмашув иштирокчилари учун катта харажатлар билан боғлиқ. Давлат ривожланишининг дастлабки босқичида унинг фаолиятини икки томондан тавсифлаш мумкин: бир томондан – у мулк ҳуқуқларини ҳимоялаш ва таъминлаш манбаи бўлиб хизмат қилди, иккинчи томондан – ушбу функцияларни кўпинча алмашув иштирокчилари учун катта миқдордаги трансакция харажатлари эвазига амалга оширди. Бироқ, томонларнинг келишувларни мастақил равишда таъминлаши янада катта харажатлар билан боғлиқ эди, чунки мураккаб жамиятларда хатти-ҳаракатнинг оппортунизм (алдаш, товламачилик) каби шакллари фойдалироқ бўлади.

Давлат ривожланишининг юқорида келтирилган босқичларига давлат тузилишининг қуйидаги турлари мос келади³⁶:

- 1) унда конун чиқарувчи, суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ва умумий қоидалар мавжуд бўлмаган ҳамжамият;
- 2) унда мутлақ ҳуқуқларни тафсирловчи умумий қоидалар, конун чиқарувчи орган, судлар мавжуд бўлган, лекин полиция ёки армия мавжуд бўлмаган ва бу билан қонунга риоя этишга мажбурлаш алоҳида хусусиятга эга бўлган жамият;
- 3) унда давлат қоидаларни белгилайди, низолаз юзага келганда ҳакамлар суди функциясини бажаради ва мутлақ ҳуқуқларни таъминлайди³⁷.

4. Давлатнинг моҳияти ва унинг таърифи

Давлат нима? Институционал ёндашувга мувофиқ унинг асосий моҳиятини “трансакция харажатлари” категориясидан фойдаланган ҳолда очиб бериш мумкин.

Д.Нортнинг таърифлашича, давлат – зўрликни амалга оширишда қиёсий устунликларга эга бўлган, чегаралари унинг фуқароларга солиқ солиш қобилияти билан белгиланган жуғрофий ҳудудни қамраб олувчи ташкилот. Ушбу устунликлар нималар билан белгиланади?

Ҳақиқатдан ҳам, ҳар қандай кафолатланган алмашув, пировардида, мол-мулкни ҳимоялашни соф куч билан амалга оширишга ёки куч ишлатиш таҳдидини солишга олиб келади. Шу маънода зўрлик (куч ишлатиш), иқтисодий жиҳатдан, хўжалик фаолиятининг бошқа икки хилидан фарқ қилмайдиган.

Бундан ташқари, трансакция харажатлари иқтисодий тизимнинг самарадорлигига таъсир кўсатади, улар иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий тузилмалар фаолият кўрсатишининг самарадорлигини таққослашда базавий мезонлардан бири ҳисобланиб, жамият, шу жумладан, давлат тузуми фаолиятининг барча соҳаларида агентлик муносабатлари ушбу мезонга асосланади. Шундай қилиб, у ёки бу тузилмани танлаш ва ривожлантириш минимал трансакция харажатлари билан шартланган.

Демак, суверен (давлат) ҳокимияти агентлик муносабатларининг харажатлари билан чекланган ва унга рақобат тўсқинлик қилади³⁸. Энди ушбу ҳолатга ойдинлик

³⁶ Норт Д. Институты, институциональные изменения и функционирование экономики –М.: Фонд экономической книги “Начала”, 1997. – 54-55 б.

³⁷ Эггертссон Т. Экономическое поведение и. –М.: ДЕЛО. 2001. – С. 75-76.

³⁸ Эггертссон Т. Экономическое поведение и. – М.: ДЕЛО. 2001. – С. 77.

киритамиз. Агар жамиятда тартибни сақлаш ва давлат функцияларини амалга ошириш ўлчамсиз юқори нархларда амалга оширилса, у ҳолда бу давлатнинг ичида ҳам, унинг ташқарисида ҳам (ҳам расмий, қонун доирасида фаолият юритувчи, ҳам норасмий) рақобатлашувчи тузилмаларнинг пайдо бўлишига олиб келади.

Солиқ солиш эҳтимоли ҳам агентлик муносабатлари ва ўлчаш (солиқ солиш базасини аниқлаш ва ўлчаш) ҳамда солиқларни йиғиш харажатлари билан боғлиқ қатор чекловлар туфайли юзага келади.

Шундай қилиб, давлат – назарий жиҳатдан энг самарали мажбур қилиш органи ҳисобланиб, бунда унинг самарадорлиги унинг легитимлигига, яъни “солиқ солинадиган фуқаролар томонидан” давлатда куч ишлатиш ҳуқуқи мавжудлигининг тан олинishiга бевосита боғлиқ. Чунки агар жамоат фикрига мос келадиган бундай тан олиш мавжуд бўлса, у ҳолда давлат ўз функциялари ва мақсадларини амалга ошириш учун чекланган ресурслардан оқилона фойдаланувчи ташкилот сифатида ўз имкониятларини аҳолининг ушбу функциялар ва мақсадлар бажарилишига қаршилигини енгиш учун сарфламаслиги мумкин³⁹.

5. Давлатнинг шартномавий ва эксплуататорлик концепцияси

Фуқаролар билан давлат ўртасида ҳуқуқларнинг тақсимланиши, одатда, жамоат шартномаси ролини ўйновчи Конституцияда қайд этилади. Бироқ давлатнинг моҳияти фуқаролар билан давлат аппарати ўртасида юзага келадиган ҳокимлик муносабатлари билан белгиланади.

Келишувларнинг учинчи томоннинг кучлари билан самарали таъминланишига сўнгра норасмий чекловларни ҳам самарали қиладиган қоидаларни яратиш йўли билан эришилади. Лекин келишувларни муайян қоидаларни қўлловчи таъсирчан ҳуқуқий тизим орқали учинчи томоннинг кучлари билан таъминлаш муаммоси институционал эволюция тадқиқотларидаги энг муҳим муаммо ҳисобланади.

Давлатнинг юқорида келтирилган таърифлари кўп жиҳатдан унинг шартномавий моҳиятини тавсифлайди, яъни давлат – бу жамоат шартномаси. У тартибни таъминлаш воситаси сифатида (нафақат иқтисодий, балки ижтимоий алмашувларнинг ҳам тартибга солинганлиги) куч ишлатиш ҳолатини эмас, балки фуқароларнинг ўзаро кутишлари тизими сифатида ушбу тартибнинг ўзини ўрнатиш ҳолатини таъкидлайди.

Давлатнинг шартномавий назариясидан ташқари давлатнинг асосан эксплуататорлик моҳиятини назарда тутувчи назария ҳам мавжуд.

Ж.Бьюкенен⁴⁰ ўз асарларида давлатнинг жамиятдаги ролининг икки томонламалигига алоҳида эътибор қаратади, яъни давлат ҳам ҳимоя қилувчи, ҳам ишлаб чиқарувчи воситадир.

Ҳимоя қилувчи ёки ҳуқуқий давлат конституцион босқичда келишувчи томонларга нисбатан концептуал ташқи ва ҳуқуқларни ҳамда бундай ҳуқуқларни ихтиёрий равишда алмашиш бўйича шартномаларни таъминлаш учун ягона жавобгарликка эга бўлган ҳуқуқларни таъминлаш институти ёки органи сифатида пайдо бўлади. Ушбу босқичда давлат фақатгина конституциявий шартномада мустаҳкамланган ҳуқуқларни таъминлайди ва ижтимоий неъматларни тақсимлаш ва қайта тақсимлаш билан боғлиқ эмас. Суд ҳокимияти жамоавий танловни амалга оширувчи қонун чиқарувчи ҳокимиятга қарам эмас.

Гап ижтимоий неъматларни ишлаб чиқариш ҳақида борганда, ишлаб чиқарувчи давлат намоён бўлади. Давлат конституциядан кейинги (шартномадан кейинги) босқичда амалга ошириладиган мазкур ролда муайян ҳуқуқларни “ҳимоя қилмайди”, балки жамиятнинг иқтисодий фаровонлиги даражасининг ошишига, ҳеч бўлмаганда назарий жиҳатдан, энг яхши кўмаклашувчи ишлаб чиқариш жараёнини ўзида мужассам этади. Назарий жиҳатдан олиб қаралганда, мазкур жараённинг натижалари уларнинг якуний

³⁹ Томбовцев В.Л. Государство и переходная экономика: Пределы управляемости . – М.: МГУ – ТЕИС, 1997. – С. 34.

⁴⁰ Бьюкенен Дж. Границы свободы. – М.: Таурус Альфа, 1977. – С. 272.

натижаларга таъсири танловни амалга оширишнинг конституцион қоидалари билан белгиланадиган инсонлар афзал билишларининг таркибини акс эттирувчи индивидлар манфаатларининг уйғунлашувини ўзида намоён этади.

Шу муносабат билан хусусий ва жамоат неъматларини, уларни ишлаб чиқариш харажатларини тақсимлаш ва ишлаб чиқариш ҳажми борасидаги якуний қарор қандай бўлиши уларга боғлиқ бўлган яқка тартибдаги афзал билишларни аниқлашга эътибор қаратиш лозим.

Конституциядан кейинги шартнома шароитида алоҳида субъектлар учун ушбу қайта тақсимлашни ўз манфаатлари ёки алоҳида гуруҳлар манфаатлари йўлида амалга ошириш имконияти мавжуд. Агар ҳимоя қилувчи давлат функциясини амалга оширувчи амалдорларнинг ўзлари яқка тартибдаги ҳокимиятни мустаҳкамлаган ҳолда шартнома шартларини бажаришмаса, давлат жамиятни сиёсий жиҳатдан таъсир этувчи алоҳида субъектлар манфаатлари йўлида эксплуатация қилувчи мажбурий репрессив механизм сифатида қабул қилина бошлайди.

5. Давлатнинг «муваффақиятсизликлари»

Исталган бошқа ташкилий тузилма сингари давлатнинг фаолият кўрсатиши ҳам трансакция харажатлари билан боғлиқ. Ва улар катта миқдордаги трансакцияларга қараганда қанчалик кўп бўлса, давлат шартнома шартларини бажаришнинг кафили сифатда иштирок этади. Шахс ва давлат ўтасида юзага келадиган ҳукумронлик муносабатлари *мураккаб* ва *позицион* хусусиятга эга⁴¹. Биринчидан, шахслар давлатга назорат қилиш ҳукуқи билан бирга ушбу ҳуқуқни ўз вакилларига – давлат хизматчиларига ўтказиш ҳуқуқини ҳам топширишади. Иккинчидан, шахслар назорат қилиш ҳуқуқини муайян шахсга эмас, балки давлат тузилмасида маълум мавқени эгаллаб турган функционер - *бюрократларга* топширишади. Ҳукумронлик муносабатлари функционерларнинг шахсий хусусиятларига эмас, балки уларнинг «оқилона яратилган қоидалар билан асосланган ишбилармонлик маҳорати» асосланади. Мулкчилик ҳуқуқларини тафсирлаш ва ҳимоя қилишда давлатнинг роли қанчалик фаол бўлса, давлатнинг ички тузилиши шунчалик *мураккаб* ва давлат хизматчиларининг сони шунчалик юқори, демак, давлат аппаратурининг ичида айланувчи ахборотнинг бузиб кўрсатилиши даражаси шунчалик юқори бўлади. Бундан ташқари, мониторинг ва давлат томонидан ўз вакиллари – бюрократларнинг оппортунистик хатти-ҳаракатларини олдини олиш харажатлари ҳам ортади. Шунинг учун давлатнинг мулкчилик ҳуқуқларини тафсирлаш ва ҳимоя қилиш жараёнига ҳар қандай аралашувини моделлаштиришда, биринчидан, ахборотнинг эҳтимолий бузиб кўрсатилишини, иккинчидан, мажбур қилишдан *легитим* фойдаланиш эҳтимоли ҳамма вақт 100 фоиздан камлигини ҳисобга олиш зарур.

Шу нуқтаи назардан бозорнинг «муваффақиятсизликлари» билан бир қаторда давлатнинг «муваффақиятсизликлари»ни ҳам эътиборга олиш лозим. Хусусан, давлатнинг қуйидаги «муваффақиятсизликлари» ажратилади:

- *даромадлар ва харажатларнинг мос келмаслиги*: оддий фирмдан фарқли ўлароқ, давлатнинг қатъий бюджет чеклови даражаси мутлақ даражадан анча йироқ, давлат, ҳатто агар ўз зиммасига олган мажбуриятларни бажаришга қодир бўлмаган тақдирда ҳам, уни банкротга айлантириш анча мушкул;

- *давлат фаолияти самарадорлигининг аниқ мезонлари мавжуд эмаслиги*: фирма учун фойда сингари самарадорлиқнинг аниқ мезонлари мавжуд эмаслиги туфайли давлат тузилмалари уларни мустақил ишлаб чиқилган стандартлар билан алмаштиради ва ушбу ҳолатда давлатнинг фаолияти уларнинг ўзлари томонидан бериладиган мезонлар

⁴¹ . Lane J.E., Ersson S. Government and the Economy: a global perspective. London: Continuum, 2002. International Trade Statistics. WTO Publications.

(бюджет тушумларининг ўсиши, давлат назоратининг экспансияси ва ҳ.к.) бўйича баҳоланади;

- *олдинга қўйилган натижалардан фарқ қилувчи натижаларга эришиш эҳтимоли*: ахборот харажатлари ҳамда мониторинг ва назорат харажатларининг ўсиши амалга оширилган вазифаларнинг олдинга қўйилган вазифалардан мунтазам фарқ қилиши учун замин яратади (юқорида келтирилган, унда давлатнинг куч ишлатишдан хусусий фойдаланишни чеклашга уриниши унинг эскалациясига олиб келиши мумкин бўлган модел бунга яққол мисол бўлади);

- *ресурсларнинг нотенг тақсимланиши*: трансакция харажатлари нолдан фарқ қилганда ресурсларга бўлган мулкчилик ҳуқуқларини тақсимлашда давлат учун адолатлиликнинг бир неча стандартлари мавжуд; Парето бўйича оптимум билан бир қаторда қуйидагилар ана шундай стандартлар ҳисобланади: Калдора қондаси (агар ресурсларни тақсимлаш натижасидан ютаётган томон ютқазаётган томонга йўқотишларни қоплашга қодир бўлса, ресурсларни тақсимлашга ўзгартириш киритишга йўл қўйилади), Ролз қондаси (энг кам таъминланганларнинг аҳолини яхшиловчи - ресурсларнинг адолатли тақсимланиши) ва кўплаб бошқа стандартлар.

Шунинг учун иккита идеал ҳолат (бир томондан, шартноманинг бажарилиши қисман кафолатланган мулкчилик ҳуқуқларини харажатларсиз фаолият кўрсатувчи бозор алмашуви асосида тақсимлаш ва, иккинчи томондан, ҳуқуқлар билан алмашиш устидан назоратни шартнома томонларининг манфаатлари йўлида ҳаракат қилувчи давлатга ўтказиш) ўртасида эмас, балки иккита такомиллашмаган муқобил ваиантлар ўртасида танлашга тўғри келади. Бозор ва давлат ўртасидаги танлов фақат номукамалликларнинг турли даражалари ва хиллари ўртасидаги танлов ҳисобланади. Шундай қилиб, мулкчилик ҳуқуқларини алмашиш ва ҳимоя қилишнинг *бозор* механизми нолдан фарқ қилувчи трансакция харажатларини ва куч ишлатиш эскалациясини назарда тутаяди, *давлат томонидан* куч ишлатишдан фойдаланиш учун монополь ҳуқуқнинг қўлга киритилиши ҳам, бу сафар давлат аппаратининг ичида, трансакция харажатларининг ўсишига олиб келади, бу ҳол ҳуқуқларнинг тақсимланишида мунтазам бузиб кўрсатишларни келтириб чиқаради.

Шу муносабат билан О.Уильямсон мулкчилик ҳуқуқларини тақсимлашнинг у ёки бу варианти самарадорлигини, уни фаразия билан эмас, балки *реал* амалга ошириладиган муқобил вариантлар билан таққослаган ҳолда баҳолашни таклиф этади. Агар тақсимлашнинг қайсидир варианты учун уни таърифлаш ва катта миқдордаги соф ютуқ билан жорий этиш мумкин бўлган муқобил вариантни таклиф этиш мумкин бўлмаса, уни оптимал деб ҳисоблаш лозим. Шу нуқтаи назардан, илгари самарасиз ҳисобланган мулкчилик ҳуқуқларини тақсимлаш мисоллари реал муқобил вариантларни ҳисобга олган ҳолда, оптимал бўлиб чиқмоқда.

Хулоса

Давлат ташкилотнинг бир тури ҳисобланади. Давлатнинг ўлчамлари катта бўлса-да, иктисодиётга давлатнинг иктисодиётга аралашувини таҳлил қилиш микроиктисодиёт эмас, балки макроиктисодиёт предметиға киради. Давлатни алоҳида ташкилот сифатида эмас, балки институт сифатида кўриб чиқиш лозим. Фуқаролар томонидан ўз ҳуқуқлари бир қисмининг давлатга топширилиши ҳолати бундай ёндашувнинг асосини ташкил қилади. Давлат ўз фаолиятини айнан шу асосда амалга оширади, яъни давлатнинг моҳияти фуқаролар ва давлат аппарати ўртасида юзага келадиган ҳуқумронлик муносабатлари билан белгиланади. Шунинг учун институционал нуқтаи назардан давлатнинг асосий функцияси - мулкчилик ҳуқуқларини тафсирлаш ва ҳимоя қилишдан иборат. Давлатнинг оптимал ўлчамлари уларда давлат кафил сифатида бошқа кафиллар (битим томонлари, арбитр, ижтимоий гуруҳ)га қараганда самаралироқ фаолият кўрсатадиган битимлар доираси билан белгиланади. Давлатнинг оптимал ўлчамлари абсолют эмас, балки тарихан шартланган.

Такрорлаш учун саволлар

1. “Давлат”га таъриф беринг. Давлатнинг институционал моҳиятини тушунтиришга уриниб кўринг. Таърифдан келиб чиқиб, давлатнинг асосий функцияларини санаб беринг.

2. Давлат, институтлар ва иқтисодий тизим ўртасида қандай боғлиқлик мавжуд?

3. Давлатнинг шартномавий ва эксплуататорлик табиати нима?

13-Мавзу. Давлатлар хиллари

Режа

1. Давлат ва «принципал-агент» муаммоси

2. «Шартномавий» давлат тушунчаси

3. «Эксплуататорлик» давлати тушунчаси


4. Давлат хусусиятини баҳолаш усуллари ва мезонлари

5. Коррупция муаммоси

Таянч сўз ва иборалар: коррупция, «бўйсунувчининг парадокси», солиқ, бюджет, бюджет тақчиллиги, Давлат ва «принципал-агент» муаммоси.

1. Давлат ва «принципал-агент» муаммоси

Давлатни фуқаролар билан давлат аппарати ўртасидаги ижтимоий шартнома орқали таърифлаш «принципал-агент» муаммосини олдинги ўринга суради. Бу ерда биринчи галда ким «принципал» ва ким «агент» эканлигини аниқлаб олиш талаб этилади. Жавоб умуман аниқ эмас. Фуқаро ҳам, давлат ҳам икки тарафлама рол ўйнайди. Бир томондан, фуқаро давлатга айрим функцияларнинг бажарилишини юклаган ҳолда унинг таркибини белгилайди, яъни у «принципал», давлат эса «агент» ҳисобланади. Иккинчи томондан, фуқаро «агент» ролида иштирок этиб, шартномалар бажарилишининг кафили сифатида давлатнинг қарорларига бўйсунди. Ж.Бьюкенен⁴² ушбу икки тарафламалиликни «бўйсунувчининг парадокси» деб номлаган: инсон ўзини бир вақтнинг ўзида ҳам давлат бошқарувининг иштирокчиси – объекти сифатида, ҳам ўзи танламаган хатти-ҳаракат меъёрларига амал қилишга мажбур этиладиган субъект сифатида қабул қилади. Шундай қилиб, «принципал-агент» муаммоси мазкур ҳолатда икки тарафлама хусусиятга эга ва уни қуйидаги чизма ёрдамида тасвирлаш мумкин:



13.1-расм. “Принципал-агент” муносабати

«Принципал-агент» модели давлатнинг фаолият кўрсатиши билан боғлиқ қуйидаги хавф-хатарларни аниқлаш имконини беради. Биринчидан, давлат ўз назорати соҳасини томонлар билан аниқ келишилган битимлар доирасидан ташқарига ҳам ёймайдими, деган хавф-хатар ҳақида 1651 йилдаёқ машҳур инглиз файласуфи Томас Гоббс ўзининг айнан «Левиафан», деб номланувчи китобида огоҳлантирган эди. Иккинчидан, бир томондан, давлат куч ишлатишни қўллаш учун монополия ҳуқуқидан фойдаланган ҳолда, фуқароларнинг манфаатларини инкор этмайдими? Иккинчи томондан, фуқаролар давлат томонидан кўрсатиладиган хизматлар ҳақини тўлашдан бош тортишга уриниб, худди жамоат транспортидаги оддий чиптасиз кимса каби, ўзларини оппортунистларча

⁴² Бьюкенен Дж. Границы свободы. – М.: Таурус Альфа, 1977. – С. 272.

тутишмайдим? Чунки давлат хизматлари ва жамоат транспорти хизматлари ижтимоий фаровонлик хусусиятига эга.

Икки тарафлама «принципал-агент» муаммосининг қай тарзда ҳал этилишига қараб, давлатнинг турли моделлари шаклланади. Назарий жиҳатдан якка ҳисоб-китоблардан ҳосил бўлган давлат шартнома воситаси сифатида, мураккаб алмашувга кўмаклашиш ва уни амалга ошириш воситаси сифатида пайдо бўладиган давлатдан мутлақ фарқ қилади.

Ўз навбатида, давлатнинг иккита бенуқсон модели мавжуд. Биз, Д.Норт бўйича, «шартномавий» деб атайдиган биринчи модел юқорида санаб ўтилган муаммоларни ҳал этиш чоғида пайдо бўлади. Иккинчи – «эксплуататор» модели унда давлатнинг ҳам, фуқаронинг ҳам оппортунистик хатти-ҳаракатига тўсиқ мавжуд бўлмаган давлат фаолиятини ёритади. Ўзаро муносабатларнинг иккала томони ҳам, бир-бирида биринчи навбатда душманни кўрган ҳолда, ўз зиммасига олган мажбуриятларни адо этмайди. Шу ўринда ҳар бир моделни алоҳида тарзда батафсил кўриб чиқамиз.

2. «Шартномавий» давлат тушунчаси

Шартномавий давлатнинг қисқача таърифи шундай бўлади: бу – фақат унга фуқаролар томонидан топширилган ҳуқуқлар доирасида ва уларнинг манфаатлари йўлида куч ишлатиш монополиясидан фойдаланувчи давлат, фуқаролар эса солиқларни тўлашга мажбурият деб эмас, балки ўз зиммасига ихтиёрий равишда олинган мажбурият сифатида қарайди. Бошқача айтганда, давлатнинг роли уларда мулкчилик ҳуқуқларини ҳимоя қилишни давлат ихтиёрига топшириш кулай бўладиган битимлар доираси бўйича кафил роли билан чегараланади. Трансакция харажатлари нолга тенг бўлмаган тақдирда, мулкчилик ҳуқуқларини ҳимоя қилиш функциясидан ташқари, давлат Коуз назариясида ёритилган ҳуқуқларнинг оптимал тақсимланишини кўзда тутган ҳолда уларни тафсирлаш жараёнига ҳам аралаша бошлайди. Шундай қилиб, шартномавий давлатнинг мақсади ҳуқуқларни уларни оптимал тарзда тасарруф этишга қодир бўлган иктисодий субъектлар кўлига топшириш асосида мулкчилик ҳуқуқларининг жамиятнинг умумий даромадини оширадиган тарзда тақсимланишига эришишдан иборат. Қандай шароитда шартномавий давлат мавжуд бўлади?

1. *Давлат фаолиятининг аниқ конституциявий доираларининг мавжуд бўлиши.* Конституцияда шахслар томонидан давлатга топшириладиган ва ҳеч бир шароитда бегоналаштирилиши мумкин бўлмаган ҳуқуқлар эксплицит тарзда келишилган. Бундан ташқари, давлат аппаратининг ўзи улар асосида фаолият кўрсатадиган меъёрлар аниқ ифодаланган⁴³.

2. *Фуқароларнинг давлат фаолиятида иштирок этиши механизмларининг мавжуд бўлиши.* Фуқаролар давлат фаолиятида иштирок этишининг сиёсий механизмлари жумласига демократик тартиботлар киради. Бироқ демократия меъёрлари ўз ўзича етарли эмас, улар фуқаролар иштирокининг барқарор анъаналарига таяниши лозим, улар баъзан фуқароларнинг умумий фаровонликнинг ўсишини таъминлашдаги роли туфайли ижтимоий капитал деб аталади. Иктисодий соҳада фуқаролар иштирокининг анъаналари алоҳида фирмалар даражасида ўзини ўзи бошқаришни ривожлантириш шаклини қабул қилади. Иш ўрнидаги демократия умуман жамиятни демократлаштиришнинг унсури ҳисобланади: инсон, агар у давлатни демократик бошқаришда фаол иштирок этишга интилса, ўзининг кундалик турмушида демократик ўзини ўзи бошқариш тажрибасига эга бўлиши лозим.

3. *Мулкчилик ҳуқуқларини тақсимлашнинг асосий муқобил механизми сифатида бозор институтининг мавжуд бўлиши.* Давлат мулкчилик ҳуқуқларининг бозорда нолли трансакция харажатлари чоғида эришилиши мумкин бўлган тарзда тақсимланишига эришишни кўзлайди. Шунинг учун давлат вақти-вақти билан бозорга таққосланмаган ҳолда фаолият кўрсата олмайди.

⁴³ Тамбовцев В. Государство и переходная экономика: пределы управляемости. – М.: 1997 - С. 80-81.

4. *Мулкчилик ҳуқуқларини тафсирлаш ва ҳимоя қилиш муқобил механизмларининг мавжудлиги.* «Овоз»дан фойдаланиш, яъни фуқароларнинг давлатнинг фаолиятида иштирок этиши билан бир қаторда «чиқиш» - шахсларнинг шартномалар бажарилишининг бошқа кафилларига мурожат этишининг муқобил вариантлари ҳам мавжуд бўлиши керак. Муқобил кафиллар сифатида бошқа давлатлар, давлатни назорат қилувчи гуруҳга муҳолифат, мафия, ижтимоий гуруҳ, ҳакамлар судьяси иштирок этиши мумкин. Субинститутлар қанчалик такомиллашган бўлса, давлат шунчалик кам даражада эркинликка эга, умумий даромаднинг шунчалик катта улуши фуқароларнинг қўлларига тегади. Шу нуқтаи назардан бир давлат минтақалари ўртасидаги ҳамда давлатлар ўртасидаги миграцион оқимлар инсонларнинг самарасиз давлат аппаратиغا қарши овоз бериш истагини акс эттиради. Умуман олганда мулкчилик ҳуқуқларини тафсирлаш ва ҳимоя қилиш механизмларининг «бозори» ҳақида гапириш мумкин. Ушбу бозорда шахслар нафақат муайян жамият доирасидаги мавжуд муқобил вариантлар ўртасида танлайди, балки бошқа мамлакатларда мавжуд бўлган, тарихда ёки назарияда мавжуд бўлган муқобил вариантларни ҳам ҳисобга олишади. Шарқий Европа мамлакатларида бундай бозор айниқса яққол ифодаланган: ушбу бозорнинг давлатни унинг шартномаларнинг муқобил кафиллари билан рақобатлашиши жараёнида ислоҳ қилишдаги роли ўта муҳим.

3. «Эксплуататорлик» давлати тушунчаси

Шартномавий давлатдан фарqli ўлароқ эксплуататорлик давлати ўз даромадини (солиқ тушумларини), аниқроғи, - давлат аппаратини назорат қилувчи гуруҳнинг даромадини ошириш учун мажбур қилиш монополиясидан фойдаланади. Эксплуататорлик давлатининг мулкчилик ҳуқуқларини тафсирлаш ва ҳимоя қилишдаги асосий мақсади «мулкнинг бошқарувчи рентасини оширувчи таркибига» эришишдан иборат, ҳатто агар бунга умуман жамият фаровонлигига зиён етказиб эришилсада. Масалан, қироллар ўрта асрлар корпорацияларига ҳунармандчиликнинг ривожланиши ва техника тараққиётига тўсқинлик қилувчи кўплаб ҳуқуқларни топшириб, бунинг ўрнига барқарор тушумлар манбасига эришган. Бундан ташқари, давлат унга ижтимоий шартнома билан берилган доиралар билан чегараланмайди, давлат аппарати инсонлар ўртасидаги ўзаро ҳамкорликнинг янги соҳаларига доимий экспансияни амалга оширади, бу ҳол эксплуататорлик давлатининг ўз даромадларини ва давлат бюджети орқали ўтувчи ресурслар ҳажмини оширишга интилиши билан изоҳланади.

Эксплуататорлик давлати фаолиятидан кўриладиган зарарни фақат оғир солиқлар (ноҳақ йиғимлар) ва мулкчилик ҳуқуқларини тақсимлаш *мунтазам* ва *олдиндан айтиб бўладиган* хусусиятга эга бўлган тақдирда қисқартириш мумкин. Оғир солиқларнинг олдиндан айтиб берилиши давлатнинг ҳам, унинг фуқароларининг ҳам манфаатларига хизмат қилади, бунда давлат узоқ муддатли истиқболда барқарор даромадга эга бўлади, фуқаролар эса ўз фаолиятини давлатга ажратмаларнинг юқори, лекин олдиндан маълум бўлган даражасини ҳисобга олган ҳолда режалаштириш имкониятига эга бўлади. Шу нуқтаи назардан эксплуататорлик давлати кўп жиҳатдан мафия билан умумийликка эга – уларнинг иккаласи ҳам ўзи назорат қиладиган ҳудуда яшовчилардан солиқ йиғсада, лекин айти пайтда «чегарани биладиган» ва бунинг устига уларни «ўғирлаш ва қочиш» тамойили бўйича ҳаракат қилувчи «қўнимсизлар»дан ҳимояловчи «ўтроқ» қароқчиға ўхшайди.

Эксплуататорлик давлатининг фаолият кўрсатишида мажбур қилиш салоҳиятининг фуқаролар ўртасида тақсимланиши муҳим роль ўйнайди. Чунки айнан шахс ёки куч ишлатининг катта имкониятига эга бўлган гуруҳ давлат аппаратини назорат қилади ва куч ишлатишни қўллаш монополиясини қўлга киритади. Айнан шунинг учун ҳарбий технологиянинг ривожланиши эксплуататорлик давлати фаолиятининг асосий омилларидан бирига айланади. Бу эса, ўз навбатида, унинг ички беқарорлигини назарда тутаяди. Ҳақиқатдан ҳам, ҳарбий технологиянинг ўзгариши куч ишлатиш салоҳиятининг турли аҳоли гуруҳлари ўртасида қайта тақсимланишига, демак, давлат аппаратини назорат

килувчи гуруҳнинг алмашишига олиб келади. Давлатнинг эксплуататорлик моделидан шартномавий моделга ўтиш ҳам мумкин. Бундан давлат қурилиши динамикасининг, демак, мулкчилик ҳуқуқлари таркиби динамикасининг тебранириб турувчи хусусияти ҳақидаги тахминлар келиб чиқади. Рентани ундиришга йўналтирилган тизимдан кейин самарадорликни оширувчи тизим келиши муқаррар ва аксинча.

4. Давлат хусусиятини баҳолаш усуллари ва мезонлари

Давлатнинг хилини аниқлаш (шартномавий ёки эксплуататорлик) давлат бюджетининг таркибини таҳлил қилиш имконини беради. Фирманинг баланси каби давлат бюджети ҳам институционал таҳлил учун зарур бўлган етарли миқдордаги ахборотни беради. Талаб этиладиган маълумотлар қабул қилинган ва реал ижро этилган давлат бюджети даромадлар ва харажатлар қисмларининг қатор моддаларида мужассамланган. Бундан ташқари, агар бюджет тақчиллиги мавжуд бўлса, уни қоплаш усуллари давлатнинг муҳим тавсифи ҳисобланади. Қуйида давлат бюджетининг тахминий таркибини келтирамиз:

ДАРОМАДЛАР	ХАРАЖАТЛАР
<p><i>Солиқ даромадлари,</i> шу жумладан: фойда солиғи дармоад солиғи қўшилган қиймат солиғи махсус солиқлар акцизлар экспорт-импорт божлари ресурс тўловлари лецензиялар</p> <p><i>Солиқдан ташқари даромадлар,</i> шу жумладан: ташқи иқтисодий фаолиятдан даромадлар давлат мулкида бўлган активлар давлат заҳираларини амалга ошириш Бюджет кредитларини қайтариш Мақсадли бюджет фондлари</p> <p>Жами</p>	<p>Иқтисодиётга бюджет кредитлари Ташқи иқтисодий фаолият Ижтимоий-маданий тадбирлар Фан Мудофаа Ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолияти Адлия Давлат бошқаруви Давлат заҳираларини тўлдириш Фавқулодда ҳолатлар бўйича харажатлар Хизмат кўрсатиш ҳамда ташқи ва ички қарзни тўлаш Маҳаллий бюджетларни молиялаш</p> <p>Жами</p>
	Тақчиллик

Давлатни у ёки бу хилга киритишнинг биринчи мезони – бу даромадлар турли моддаларининг нисбати. Солиқдан ташқари тушумларнинг улуши қанчалик юқори бўлса, давлатнинг иқтисодиётга аралашуви шунчалик фаол бўлади – бундай ҳолатда унинг роли шартномалар бажарилишининг оддий кафили доирасидан ташқарига чиқади. Бюджет солиқдан ташқари даромадлари улушининг динамикаси барқарор тенденциянинг мавжудлиги ҳақида гапириш имконини бермайди. Бунинг устига турли хилдаги солиқ тушумлари нисбатининг таҳлили уларнинг мусодара хусусияти ҳақида (рента тўловлари ва махсус солиқлар устунлик қилишида), ёки солиқ тизимининг ишлаб чиқариш фаолиятини рағбатлантириш мақсадларига бўйсунуши («бозор» солиқлари: фойда солиғи, ҚҚС, акцизлар, даромад солиғи, мол-мулк солиғи устунлик қилган ҳолатда) ҳақида фикр юритишга имкон беради. Таъкидлаш лозимки, бюджетда «бозор» солиқларининг улуши барқарор қисқариш тенденциясига эга. Шунингдек, солиқларнинг йиғилиши, яъни

амалдаги солиқ тушумлари ва солиқ солиш базасининг реал миқдорларидан келиб чиқиб ҳисоблаб ёзилган солиқлар ўртасидаги нисбат тўғрисидаги маълумотлар ҳам муҳим ахборотни ўзида мужассамлантиради. Солиқларнинг йиғилиши қанчалик юқори бўлса, давлат шартномавий моделга шунчалик яқин бўлади.

Иккинчи мезон – давлат харажатларининг таркиби ва биринчи навбатда реал молияланган ҳамда давлат бюджети тўғрисидаги қонунда қайд этилган харажатлар нисбати. Эксплуататорлик давлатида унинг мажбур қилиш салоҳиятини сақлаб қолиш ва кучайтириш билан боғлиқ харажатлар («куч ишлатувчи» вазирликларни сақлаб туриш харажатлари) ҳамда бевосита давлат аппарати сақлаб туриш учун йўналтирилган харажатларни молиялашнинг устуворлиги ўрин тутади. Мудофаа, ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолияти ва давлат аппарати харажатларни катта тайёргарлик билан амалга оширади.

Харажатлар моддалари
Хуқуқни муҳофаза қилиш фаолияти (адлиясиз) Ижтимоий-маданий тадбирлар Давлат бошқаруви Халқаро фаолият (шу жумладан давлатнинг ташқи қарзига хизмат кўрсатиш) Мудофаа

Учинчи мезон – бюджет тақчиллигини молиялаш усуллари. Бюджет тақчиллигини қоплашнинг учта асосий усули – Марказий банкнинг ҳукуматга кредитлари, ташқи ва ички қазлардан эксплуататорлик давлати биринчисини афзал кўради. Бундан ташқари, марказий банкнинг кредитларидан фойдаланиш давлатга мусодара хусусиятига эга бўлган «инфляция солиғи» орқали даромад олиш имконини беради. Аксинча, шартномавий давлат бюджет тақчиллигини молиялашнинг энг кам инфляция усули – ташқи бозордаги қарзларни афзал кўради. Ички бозордаги қарзлар узоқ муддатли даврда инфляция хавфини туғдиради ва жамият умумий фаровонлигининг ўсишига тўсқинлик қилади, чунки молиявий ресурслар реал сектордан давлат қарз мажбуриятлари бозорига оқиб кетади.

Бюджет тақчиллигини молиялаш усули
МБ кредитлари, ташқи кредитлар, қимматли қоғозлар Хазиана мажбуриятлари

5. Коррупция муаммоси

Коррупция назариясининг ривожланиши давлатнинг иқтисодиётдаги роли тўғрисидаги масалага нисбатан янгича ёндашувга мисол бўлади ва шу билан бирга назарий жиҳатдан тўлиқ англаб етилмаган тажрибадан тўғридан-тўғри хулоса қилишнинг хавфлилигини ўзида намоён этади.

Фақатгина 1970-йилларга келиб коррупциянинг иқтисодий муаммо эканлиги англаб етилди. Коррупция – бу нафақат ривожланган ва ўтиш иқтисодиётига эга бўлган мамлакатларнинг, балки бутун жаҳоннинг муаммоси. 13.1-жадвалда иқтисодий ривожланиш ва жамиятнинг демократлашганлик даражаси бўйича мутлақо турлича бўлган 50 та мамлакат бўйича коррупцияланиш индекси келтирилган.

Коррупцияланиш индекси қуйидаги қатор омилларни баҳолаш усуллари ёрдамида ҳисоблаб чиқилган: юридик қоидаларнинг очиқ-ойдинлиги, идоравий тузилмаларнинг етуклиги, эркинлашиш даражаси, лицензиялар олиш ва рўхатдан ўтказишнинг қийинлиги,

суд тизимларининг самарадорлиги, бюрократиянинг омилкорлик даражаси, фискал тизимнинг самарадорлиги ва очиқ-ойдинлиги, божхона ишининг самарадорлиги ва ҳ.к. Мамлакатнинг индекси (нолдан 10 гача бўлган шкала бўйича) қанчалик юқори бўлса, унинг коррупцияланиш даражаси шунчалик паст бўлади.

13.1-жадвал

Ўтиш иқтисодиётига эга мамлакатлар ЯИМ хуфёна иқтисодиёт улуши динамикаси (ЯИМга нисбатан % ҳисобида)*

Мамлакат	Корруп-цияла-ниш индекси	Харид қобилияти даражаси, АҚШ долл.	Мамлакат	Корруп-цияла-ниш индекси	Харид қобилияти даражаси, АҚШ долл.
Дания	9,94	21,23	Бельгия	5,25	21,66
Финляндия	9,48	17,76	Чехия	5,20	9,77
Швеция	9,35	18,54	Венгрия	5,18	6,41
Янги Зеландия	9,23	16,36	Польша	5,0	5,40
Канада	9,10	21,13	Италия	5,03	19,87
Нидерландия	9,03	19,95	Малайзия	5,01	9,02
Норвегия	8,92	21,94	ЖАР	4,95	5,03
Австралия	8,86	18,94	Жанубий Корея	4,29	11,45
Сингапур	8,66	22,77	Уругвай	4,14	6,63
Люксембург	8,61	37,93	Бразилия	3,56	5,40
Швейцария	8,61	25,86	Руминия	3,44	4,36
Шимолий Ирландия	8,28	15,68	Туркия	3,21	5,58
Германия	8,23	20,07	Тайланд	3,06	7,54
Буюк Британия	8,22	19,26	Филиппин	3,05	2,85
Исроил	7,97	16,49	Хитой	2,88	2,92
АҚШ	7,61	26,98	Аргентина	2,81	8,31
Австрия	7,61	21,25	Венесуэла	2,77	7,90
Гонконг	7,28	22,95	Ҳиндистон	2,75	1,40
Португалия	6,97	12,67	Индонезия	2,72	3,80
Франция	6,66	21,03	Мексика	2,66	6,40
Япония	6,57	22,11	Покистон	2,53	2,23
Коста-Рика	6,45	5,85	Россия	2,27	4,48
Чили	6,05	9,52	Колумбия	2,23	6,13
Испания	5,90	14,52	Боливия	2,05	2,54
Греция	5,35	11,71	Нигерия	1,76	1,22

* Манба: ХТТБ маълумотлари

Бюрократик аппаратнинг коррупциясига қарши курашиш муаммосига турли халқаро ташкилотлар, шу жумладан Жаҳон банкининг материалларида катта эътибор қаратилади. 13.2-расмда бюрократияга қарши курашиш ва давлат институтларининг қобилиятини ошириш юзасидан асосий тадбирлар келтирилган.

Мазкур дастурнинг асосий бандлари қуйидагилардан иборат:

- самарали нормалар ва чекловларни қабул қилиш;

- давлат хизматчилари, шунингдек давлат ва хусусий сектор соҳасида рақобатни кучайтириш;
- давлатни инсонларга яқинлаштириш: фуқаролар билан давлатнинг ўзаро ҳамкорлигини кучайтириш, фуқаролар фикрларини ҳисобга олиш;
- бюджетнинг ўсишини ички барқарорлаштирувчи воситаларини яратиш, масалан, ижро этувчи, қонун чиқарувчи ва суд ҳокимиятлари, қарорларни ким белгилаши, қабул қилиш ва амалга ошириши устидан назорат қилиш.

Ушбу дастур давлат ва давлат институтлари фаолият кўрсатишининг асосида ётувчи мотивациянинг ўзгариши билан боғлиқ. Унинг амалга оширилиши давлат амалдорларига жамоавий манфаатлар йўлида ҳаракат қилиш учун рағбатлантирувчи омилларни яратишга кўмаклашувчи ва бир вақтнинг ўзида мажбурий ҳаракатлар эҳтимолини чекловчи қоидалар ва нормаларнинг жорий этилишини назарда тутди.

Янада самаралироқ давлатни барпо этишга уринишлар шундан далолат бериб турибдики, ҳатто саноати ривожланган мамлакатларда ҳам биров яхшиланишлардан самара жуда юқори. Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, ҳатто давлат самарадорлигининг паст даражада оширилиши ҳам вақт ўтиши билан инсонлар ҳаётининг сифатини сезиларли даражада оширади, чунки ислохотлар, одатда, ўзининг фойдали бир вақтига етади. Жаҳон банки томонидан ўтказилган тадқиқотлар натижаларига кўра, шу нарса аниландики, паст салоҳиятли давлатга эга бўлиб, амалга оширилаётган сиёсатнинг сифати паст бўлган мамлакатларда аҳоли жон бошига тўғри келадиган даромад ҳажми бир йилда, тахминан, 0,4 фоизга ўсган, айни пайтда кучли давлатга эга бўлиб, оқилона сиёсат юритувчи мамлакатларда эса аҳоли жон бошига тўғри келадиган даромад ҳажми бир йилда ўртача 3 фоизга ўсган⁴⁴.

Хулоса

Қуйида келтирилган маълумотлар давлатнинг иккита бенуқсон хилини таққослаш имконини беради:

	Шартномавий давлат	Эксплуататорлик давлати
Мақсади	Жамият аъзоларининг умумий даромади (ЯИМ)ни кўпайтириш, трансакция харажатларини пасайтириш	Давлат апаратини назорат қилувчи гуруҳнинг рентасини (солиқ тушумларини) кўпайтириш
Вазифалар и (функциялари)	Шахслар ўртасидаги қатор битимларда кафиллик, мулкчилик ҳуқуқларини тафсирлаш ва ҳимоя қилиш	Кафил роли билан чегараланмаган ҳолда иқтисодий ва ижтимоий ўзаро ҳамкорликка фаол аралаштириш
Воситалар (мажбур қилиш монополиясидан фойдаланиш)	Ижтимоий шартнома ва конституциявий доиралар билан чегараланган	Давлатни назорат қилувчи гуруҳнинг сиёсий иродасига боғлиқ
«Принцип ал-агент» муаммосини ҳал этиш механизмлари	Принципал – фуқаро: демократик назорат механизмлари, конституциявий доираларнинг мавжудлиги, муқобил вариантларнинг мавжудлиги. Принципал – давлат: қонунга ихтиёрий бўйсунтириш меъёрларини ёйиш	Принципал – фуқаро: мавжуд эмас. Принципал – давлат: мажбур қилиш ва куч ишлатишдан фойдаланиш, ҳар томонлама назоратни амалга оширишга уриниш
Бюджет	Қатъий, бюджетни	Юмшоқ

⁴⁴ Государство в меняющемся мире. Отчет о мировом развитии 1997. – М.: ПРАЙМ-ТАСС, 1997. – С. 39.

чекловлари	тасдиқлашнинг демократик тартиботи билан чекланган	
Даромадларнинг асосий моддалари	Биринчи навбатда «бозор» солиқларидан тушумлар	Мусодара солиқлари ва солиқдан ташқари тушумлар
Харажатларнинг асосий бандлари	Адлия, ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолияти	Мудофаа, давлат бошқаруви, ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолияти
Бюджет тақчиллигини қоплашнинг асосий усуллари	Ташқи бозордаги қарзлар	МБнинг ҳукуматга қарзлари, ички бозордаги қарзлар, мусодара солиғининг тури сифатида мажбуриятларни бажаришдан бош тортиш ҳам мумкин

Такрорлаш учун саволлар

1. Давлат ва «принципал-агент» муаммосининг моҳиятини тушунтиринг.
2. «Шартномавий» давлатга таъриф беринг.
3. «Шартномавий» давлат қанақа шароитларда мавжуд бўлади
4. «Эксплуататорлик» давлатининг ўзига хос жиҳатлари нималардан иборат?
5. Давлат хусусиятини белгилашнинг қандай усуллари ва мезонлари мавжуд?
6. Коррупция ва унга қанақа омиллар таъсир кўрсатади?

14-Мавзу. Уй хўжалиги ва унинг хиллари

Режа

1. Уй хўжалиги иқтисодиёт субъекти сифатида
2. Уй хўжалиги фаолият кўрсатишида мутаассибликнинг роли
3. Уй хўжалигининг хиллари

Таянч сўз ва иборалар: уй хўжалиги, тадбиркорлик, оила хўжалиги, инсон капитали, буйруқбозлик иқтисодиётида уй хўжалиги, бозор иқтисодиётида уй хўжалиги ўтиш иқтисодиётидаги уй хўжалиги.


1. Уй хўжалиги иқтисодиёт субъекти сифатида

Уй хўжалиги иқтисодий фаолиятнинг муҳим субъектларидан бири ҳисобланиб, нафақат оила ёки хўжалик, балки бутун мамлакат аҳолисининг фаровонлиги унинг натижаларига боғлиқ. Уй хўжалиги иқтисодиётнинг йирик сектори сифатида тижорат корхоналари ва давлат билан бир қаторда барча макроиқтисодий тартибга солиш жараёнларида иштирок этади. Шу нуқтаи назардан уй хўжалигининг таркиби, мақсади ва асосий вазифаларини ўрганиш оила бизнеси (тадбиркорлиги)ни ташкил этиш ва уни юритиш учун муҳим асос бўлби хизмат қилади. Уларнинг турларини таққослаш уй хўжалигининг бозор муносабатларига мос турини ва унинг таркибини танлаш имконини беради.

Уй хўжалиги тўғрисида сўз юритганда, икки тушунча-оила ва уй хўжалиги тушунчаларни чегаралаш лозим. Оила деганда, бир уйда яшаши оила-қариндошчилик алоқаларининг умумийлиги билан бирлашган гуруҳ тушунилади. Уй хўжалиги эса умумий вазифалар, яшаш жойи, бюджет ва одатда оила-қариндошчилик алоқалари билан бирлашган кишилар гуруҳини ўзида намоён қилади. Бошқача айтганда, оила фаолияти кўплаб ўлчамларни ўз ичига олади: биологик, демографик, руҳий, ижтимоий ва б. Уй хўжалиги фаолияти эса оилани фаолият соҳасининг биргина-иқтисодий турига йўналтиради. Уй хўжалигининг асосий функциясини *инсон капиталини* шакллантириш, ундан фойдаланиш ва сақлаш деб белгилаш лозим. Бу ўз навбатида, инсоннинг билимлари, амалий кўникмалари ва меҳнатга тиришқоқлигининг йиғиндиси сифатида

тушунилади. 14.1-расмда инсон капиталини шакллантириш бўйича уй хўжалиги фаолиятининг таркиби изоҳланган. Уй хўжалигини юритиш унинг аъзоларининг оила бизнесида иштироки ҳамда оила капиталини уни шакллантириш ва ривожлантиришга йўналтириш асосий масала ҳисобланади.

Р.Коузнинг “Фирманинг табиати” мақоласида фирма ташкилий тузилма сифатида “қора қути” деб изоҳланган. Бундай тавсиф аслида уй хўжалигига нисбатан кўпроқ мос келади.



14.1-расм. Инсон капиталини шакллантириш бўйича уй хўжалиги фаолиятининг хусусиятлари

Уй хўжалиги учун фақат “қора қути”га “кириш”даги (иш ҳақи, солиқлар чиқариб ташланган давлат томондан ижтимоий трансфертлар) ва ундан “чиқиш”даги (инсон капитали, меҳнат, жамғарма, истеъмол) омиллар маълум. Ж.Гэлбрейт таъкидлаганидек [36], уй хўжалиги одатда истеъмол қилувчи ва ишловчи шахс билан тенглаштирилади ҳамда ташкилотни тавсифловчи ҳокимлик муносабатлари билан боғлиқ бўлмаган ҳолда кўриб чиқилади⁴⁵. Аксинча, институционал назария уй хўжалигини фирмдан ва давлатдан фарқ қилувчи ташкилотнинг алоҳида шакли сифатида таҳлил қилишга эътибор қаратади. Ҳокимлик муносабатларининг уй хўжалиги доирасида юзага келадиган ўзига хослик шундан иборатки, улар *оддий ва индивидуаллаштирилган* хусусиятга эга:

14.1-жадвал

Ташкилот хиллари	Ҳокимлик муносабатларининг мураккаблик даражаси	Ҳокимлик муносабатларининг индивидуаллашганлик даражаси
Фирма	Содда ёки мураккаб	Позицион
Давлат	Мураккаб	Позицион
Уй хўжалиги	Содда	Индивидуаллашган

Уй хўжалигининг асосида ётувчи ҳокимлик муносабатлари ҳақидаги тезис аниқликлар киритилишини талаб қилади. Бир томондан, уй хўжалигининг фаолият кўрсатиши қуйидагиларни назарда тутати :

⁴⁵ Lane J.E., Ersson S. Government and the Economy: a global perspective. London: Continuum, 2002. International Trade Statistics. WTO Publications.

- болалар ҳаракатларини назорат қилиш ҳукуқининг ота-оналарга топширилиши, бунинг ўрнига бола учун у ҳақида қайғуриш ва уни манфаатларининг таъминланиши кафолатланда;

- оилавий бюджетнинг шаклланиши ва сарфланиши устидан назорат қилиш, ҳукуқининг уй хўжалигининг одатда “оила бошлиғи” деб номланувчи бир аъзосига топширилиши, у барча оила аъзоларининг манфаатларини кўзлаб ҳаракат қилади ва уларга ўзлари алоҳида эриша олиши мумкин бўлгандан ортиқ даражадаги фаровонликни таъминлайди.

Умуман уй хўжалигининг мақсади – ўз аъзоларига кутилмаган ҳолатлар юзага келишидан қатъи назар кафолатланган фаровонлик даражасини таъминлашдан иборат. Уй хўжалигининг ҳимоя функцияси ўзаро ёрдам ва оила аъзоларини моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлашнинг расмий ва норасмий меъёрларига асосланади.

Иккинчи томондан, уй хўжалиги шундай тарзда ташкил этилиши мумкинки, яъни у ўз хусусиятига кўра аъзоларининг мулкӣ ва бошқа ҳуқуқ ва мажбуриятлари аниқ белгиланган ёллаш тўғрисидаги шартномага яқин келади. Бундай ҳолда биргаликда хўжалик юритиш тўғрисида қарор қилиш фаровонликнинг маълум даражасига рози бўлишни эмас, балки уни кўпайтиришга интилишни акс эттиради. Унда умр йўлдошини танлаш ва болаларнинг туғилиши тўғрисида қарор қабул қилиш сотув ҳақида шартнома тузиш ёрдамида истеъмол танловининг алоҳида ҳолати бўлиб қолади. Лекин, сўнгги ҳолатда биз уй хўжалигидан йироқлашамиз, чунки биргаликда мулкка эгалик қилиш режимидан ва биргаликдаги бюджетни шакллантиришдан воз кечиш эҳтимоли пайдо бўлиши мумкин. Шунинг учун бундан буён уй хўжалигини ҳокимлик муносабатларининг, бинобарин, ташкилотнинг алоҳида варианты сифатида кўриб чиқамиз.

Уй хўжалиги – бу инсон капиталини ишлаб чиқаришнинг умумий вазифалари, яшаш, бюджет ва оила-қариндошчилик алоқалари билан бирлашган кишилар гуруҳидир. Уй хўжалигининг асосида ҳокимлик муносабатлари ётади – биргаликдаги иқтисодий фаолият устидан назорат қилиш ҳуқуқи унинг бир аъзосига – “оила бошлиғи”га ўтади.

2. Уй хўжалиги фаолият кўрсатишида мутаассибликнинг роли

Фирманинг фаолият кўрсатишини кўриб чиқишда биз мутаассибликнинг ахборот олиш харажатлари ва мониторинг ҳамда оппортунистикликдан огоҳлантириш харажатларини пасайтиришдаги ролини алоҳида кўрсатдик. Фирмадан фарқли равишда, уй хўжалигининг фаолияти кўпроқ мутаассиблик хусусиятига эга. Бунинг сабаби умуман трансакция харажатларини тежашда эмас, чунки уй хўжалиги доирасида барча ўзаро муносабатлар ажратилган бўлиб, назорат қилиш осон, шунингдек ижтимоий чораларни қўллаш учун имкониятлар мавжуд. Мутаассибликлар ролини изоҳлаш йўллари бир нечта.

Биринчидан, ўз атрофида ўзига маъқул келадиган муҳитни яратишга бўлган эҳтиёж инсонга хос хусусиятдир. Бозорда ёки фуқаролик келишуви соҳасида ҳаракат қила туриб, инсон ҳоҳ у бозор конъюнктураси ёки сиёсий беқарорлик бўлсин, ўзгарувчан ҳолатлар билан боғлиқ асабларнинг таранглашувига доимий равишда дуч келиб туради. Оила ва уй хўжалигини ташкил этиш инсонга ўзини кундалик ҳаётининг бир қисмини мутаассиблик ёрдамида, яъни узлуксизлик ва олдиндан билиш тамойилларига мувофиқ равишда ташкил этиш имконини беради. Одатий кундалик ҳаёт монандлик, инсоннинг шахсий хусусиятларига мослашган ҳолда ҳаракатларнинг ажримлиги ва олдиндан айтиб берилишини таъминловчи мутаассибликлар доирасида кечади.

Айнан мутаассиблик билан ҳимояланган кенглик доирасида дастлаб ишонч меъёри пайдо бўлади. Олимларнинг фикрига кўра, болада атрофдаги одамларга бўлган ишончнинг пайдо бўлиши ота-оналарнинг ҳатти-ҳаракатларига боғлиқ, чунки улар бола унда ўзини жуда қулай ҳис қиладиган ташки муҳитдан ҳимояланган кенгликни ҳосил қилган ҳолда у ҳақида қайғуришади. Ушбу кенгликда бола ўз ҳатти-ҳаракатларини тўлиқ назорат қила олади, ҳаракатлари натижасига ташқи омиллар деярли таъсир қилмайди.

Иккинчидан, атрофдаги одамлар билан ўзаро ҳамкорликдаги кўплаб “ўйин қоидалари” (келишувлар: бозор, индустриал, фуқаролик ва б.) мавжуд шароитда инсонда у ўзи билан ўзи ёлғиз қолиши мумкин бўлган соҳани шакллантиришга эҳтиёж туғилади. Бошқача айтганда, инсонда ўзи учун кундалик ҳаётнинг унинг бошқа кишилар ва табиат билан мулоқот алоқалари унинг шахсиятли ўхшашликка эришиши ва уни сақлашга кўмаклашувчи муҳитни яратиш эҳтиёжи мавжуд. Ушбу талаб икки соҳани – шахсий ва ошкора ҳаётни чегаралаш орқали амалга оширилади. Шахсий ҳаёт соҳаси оила ва уй ҳўжалигини ҳам ўз ичига олиб, ошкора ҳаёт соҳасидан шахсий ҳаётга аралашмасликнинг қонуний кафолатлари ва мутаассибликлар билан чегараланган. Айнан инсоннинг ўзи томонидан ва унинг эҳтиёжлари замирида барпо этилган мутаассибликлар у ўзи билан ўзи ёлғиз қоладиган кенгликни чегаралайди.

3. Уй ҳўжалигининг хиллари

Уй ҳўжалиги фаолият кўрсатишидаги мутаассибликлар ролини таҳлил қилиш унинг таркибининг у ҳаракат қилаётган институционал муҳитнинг ўзига хос хусусиятлари билан шартланганлигини тушунишга ёрдам беради. Ҳақиқатдан ҳам, уй ҳўжалиги инсонни ташқи муҳитнинг ноаниқлигидан, унга юклатиладиган ўйин нормалари ва қоидаларидан, кундалик муаммоларга ортиқча эътибор қаратишдан сақлайди. Бинобарин, институционал муҳит хусусиятлари (ноаниқлик даражаси, расмий ва норасмий меъёрларнинг ўзаро нисбати, содир бўлаётган ўзгаришлар тезлиги) уй ҳўжалигининг таркибига таъсир кўрсатади. Бошқача айтганда, фирма ёки давлатнинг универсал модели бўлмагани каби, уй ҳўжалигининг ҳам универсал модели мавжуд эмас. Шу муносабат билан уй ҳўжалигининг учта хилини ёритишга ҳаракат қиламиз: бозор институти ҳукмронлиги шароитида фаолият кўрсатувчи, буйруқбозлик иқтисодиёти институти ҳукмронлиги шароитида фаолият кўрсатувчи ва буйруқбозлик иқтисодиётидан бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида фаолият кўрсатувчи.

Буйруқбозлик иқтисодиётида уй ҳўжалиги. Буйруқбозлик иқтисодиётида инсон капиталини тиклаш бир қатор муаммоларга дуч келади. Ташқи муҳитнинг барқарор хусусиятга эгаллигига қарамасдан, уй ҳўжалигининг кундалик ҳаёти истеъмол товарлари ва хизматларнинг танқислиги билан мураккаблашади. Бошқа ҳолатда маҳсулотлар ёки кийим-кечак харид қилишнинг мутаассиблик тадбири кўп вақт, куч ва руҳий хаяжонларни талаб қилувчи жараёнга айланади. Бундан ташқари, тоталитар давлат хусусий соҳани ҳимоя қилишнинг фақатгина кафолатларини ўзида намоён қилади. Умуман буйруқбозлик иқтисодиёти доирасида давлат томонидан ҳимояланган шахсий ҳаёт соҳасининг мавжуд бўлиши ҳақида гапириб бўлмайди. Бу билан оила ва уй ҳўжалигини кучайтиришга бўлган талаб кучаяди: фақат ушбу ташкилотлар инсоннинг шахсий муҳитини ҳимоя қилишга қодир.

Уй ҳўжалигининг таркиби ва унинг ҳўжалик алоқалари кўп жиҳатдан айнан ўзаро хизматлар кўрсатиш (“сен-менга, мен-сенга”) тамойили бўйича фаолият кўрсатган “ғаразли алоқалар”ни барпо этиш жараёни билан шартланади. Тақчиллик иқтисодиётида уй ҳўжалиги энг ноёб ресурсларни бирлаштириш натижасида пайдо бўлди. Бундай ресурслар танқис товарлар ва хизматларнинг ўзлари эмас, балки уларга “рухсат бериш хизматлари” эди.

Рухсат бериш хизмати учун ҳеч қанақа шахсий маблағлар керак эмас эди. “Шахсий чўнтакдан эмас, балки давлат ёки жамият чўнтагидан ёрдам, хизмат кўрсатиш соҳасига эса – “ўзга” мижозлар ҳисобидан кўрсатилди. Танқис товар ва ресурслардан фойдаланишда устунлик партия-давлат аппарати, савдо, транспорт ходимлари, тез-тез хорижга сафар уюштирувчиларга (артистлар, спортчилар, дипломатлар), шунингдек, алоҳида минтақа ва шаҳарларнинг оддий фуқароларига (рўйхатга кўра) бериларди.

Тақчиллик иқтисодиётида уй ҳўжалигининг шаклланишини иқтисодий жиҳатдан асослаш унинг негизида танқис товар ва ресурслардан фойдаланишни кенгайтиришдан иборат бўлган. Партия-давлат иерархиясидаги ўрнига қараб ноёб ресурслардан

фойдаланишнинг табақаланиши уй хўжалиги ва давлатнинг ўзаро муносабатларининг алоҳида хилини шартлаб беради. Уй хўжалиги бюджет чекловлари корхонанинг бюджет чекловларига қараганда анча қатъий бўлишига қарамасдан, уй хўжалиги томонидан давлатдан олинадиган пул (ижтимоий трансфертлар) ва пул бўлмаган (нуфуз, тақчил товарлардан фойдаланишда устунлик) шаклдаги “рента даромадлари”ни ҳисобга олиш лозим. Уй хўжалиги давлатга қарамлигининг юқори даражаси буйруқбозлик иқтисодиётининг *этакратик* тизим сифатида тавсифлаш имконини беради: “У ёки бу ижтимоий гуруҳ давлат ҳокимияти бошқарувига ва давлат ресурсларини тақсимлаш тармоқларига қанчалик яқин бўлса, унинг иқтисодий ва ижтимоий мавқеи шунчалик юқори бўлади”⁴⁶. Шунинг учун уй хўжалигини биринчи галда давлат сиёсатининг унга партия-давлат пағонасидаги мавқеи асосида рентани олиш имконини берувчи йўналишлари қизиқтиради, булар: пенсия, уй-жой коммунал сиёсати, ижтимоий таъминот сиёсати, таълим соҳасидаги сиёсат.

Бозор иқтисодиётида уй хўжалиги. Бозор институти уй хўжалигини камёб товарлар ва хизматларни кидириш ҳамда улар учун навбатда туриш билан боғлиқ вақтнинг йўқотилишидан халос этади – харид қилиш жараёни мутаассибликка айланади. Масалан, шанба куни кечқурун ва дам олиш куни эрталабдан савдо дўнонларида хариддорлар кўп бўлади, шу кунлари одамлар анъанавий тарзда кейинги ҳафтага етадиган миқдорда харид қилишади. Хариднинг мутаассибликка айланиши натижасида бўшаб қоладиган қисқа вақтли имкониятлар нима учун сарфланади? Биринчидан, харид хатти-ҳаракатининг ўзини оптималлаштиришга. Агар буйруқбозлик иқтисодиётида нимани харид қилиш мумкин бўлса, ўша нарсани сотиб олиш муҳим ҳисобланса, бозор иқтисодиётида сифат ва нархнинг энг яхши ўзаро нисбати асосида истеъмол қилишда энг кўп фойдани таъминловчи нарсани харид қилиш муҳим саналади. Истеъмолни оптималлаштириш ишлаб чиқарувчиларнинг реклама ёрдамида талабни тартибга солишга интилиши билан мураккаблашади. Реклама харид жараёнини мутаассибликка бутунлай айланишига тўсқинлик қилган ҳолда, доимий равишда янги талабларни шакллантиради.

Иккинчидан, уй хўжалигининг у учун асосий даромад манбаи бўлган меҳнат бозорида иштирок этиши доимий назоратни талаб этади. Уй хўжалиги меҳнат бозоридаги бандликнинг муқобил варинатлари, уй хўжалигини юритиш ва бўш вақт ўртасида танлаган ҳолда, меҳнат бозорида ўз инсон капиталини энг фойдали тарзда сотишга интилади. Бир томондан, уй хўжалигининг аъзоси эгалик қиладиган инсон капиталининг ўзига хослик даражаси қанча юқори бўлса, уй хўжалигини юртиш билан эмас, балки ўз меҳнат ресурсларини бозорда сотиш билан шуғулланиш, шунчалик фойдали. Иккинчи томондан, инсон капиталининг ўзига хослик даражаси қанчалик паст бўлса, унинг эгаси учун уй хўжалигини юритиш билан чегараланиш шунчалик асослидир. Ўз навбатида, бандликни оптималлаштириш ҳам уй хўжалиги доирасида амалга ошади.

Уй хўжалигининг асосий даромад манбаларини бозор билан белгиланадиган соҳага йўналтириш унинг давлатдан кам қарам бўлишини таъминлайди. Давлатнинг фаолияти уй хўжалигини фақатгина давлат меҳнат бозорида битимлар кафолати сифатида иштирок этиш даражасида ва у (солиқ кодекси орқали) уй хўжалиги даромадининг бир қисмига даввогар бўлиши меъёрида қизиқтиради.

Ўтиш иқтисодиётида уй хўжалиги. Уй хўжалиги фаолият кўрсатадиган институционал муҳитнинг ноаниқлиги ва беқарорлиги мутаассибликларнинг мавжуд бўлишини шубҳа остига қўяди. Бундай шароитда мутаассибликлар доимий равишда қайта кўриб чиқилишини талаб қилади, яъни улар инсон онгининг онгсиз соҳасидан онгли ва доимий эътиборни талаб этувчи соҳасига ўтади. Ислохотлар қанчалик фаол амалга оширилса, уларнинг мутаассибликларга нисбатан емирувчи таъсири шунчалик кучли бўлади. Бундан ўтиш иқтисодиётида уй хўжалигининг мақсади келиб чиқади: уй

⁴⁶ Радаев В. Экономическая социология. –М.: Аспект Пресс, 1997. –С. 309.

хўжалигининг ҳимоя функциясини сақлаб қолишга интилиш борган сайин ортиб боровчи саъй-ҳаракатларни ва имкон қадар кўп эътиборни талаб этади.

Асосий фаолиятдан олинадиган даромадлар ва рента даромадлари (пенсиялар, ижтимоий тўловлар, ходимнинг обрўси) билан юзага келадиган ноаниқликлар уй хўжалигини ўз фаолиятини максимал тарзда диверсификация қилишга мажбур этади, ахир ҳар қандай даромад манбаи ҳам барқарор манба сифатида қаралиши мумкин эмас. Аъзоларининг инсон капиталини такрор ишлаб чиқаришга аниқ ихтисослашувига таянадиган бозор хилидаги уй хўжалигидан фарқли ўлароқ, ўтиш иқтисодиётидаги уй хўжалиги ишчи кучини меҳнат бозорида сотиш билан ҳам, ижтимоий трансфертларни истеъмол қилиш билан ҳам, шунингдек, томорқа ери ёрдамида ўзини ўзи таъминлаш ва кўплаб бошқа фаолият турлари билан ҳам шуғулланади.

Хулоса

Уй хўжалиги ва уларнинг энг асосий шаклларининг ўзига хос тавсифлари қуйидаги жадвалда умумлаштирилган:

Таққослаш кўрсаткичлари	Бозор уй хўжалиги	Буйруқбозлик иқтисодиётида уй хўжалиги	Ўтиш иқтисодиётидаги уй хўжалиги
Мақсадли функция	Тўловга қодир талабнинг чегараланганлиги шароитида фойдалаликни кўпайтириш. Бюджет чекловлари ягона чегараловчи омил сифатида	Ресурслар танқислиги шароитида фойдалаликни кўпайтириш. Бюджет чекловларидан ташқари, вақт ва ижтимоий чекловлар ҳам мурим	Яшовчанлик қобилиятини йўқотмаслик
Ресурслар	Асосий ишдаги маош	Асосий ишдаги маош + бўш вақтнинг мавжудлиги (асосий ишга боғлиқ) + алоқалар + трансфертлар	Расмий, норасмий ва криминал бандликдан ва рента даромадлари сифатида олинадиган ресурслар “портфели”
Бюджет чекловларининг қатъийлиги	Мутлақ қатъий: уй хўжалиги маошдан ташқари бошқа даромад манбаларига эга эмас	Давлат уй хўжаликларида трансфертлар шаклида даромадларнинг катта қисмини олиш имконини беради	Даромадлар турли манбалари ўртасидаги чегараларнинг эгилувчанлиги фаровонлик ва пул даромадлари миқдорлари ўртасидаги қатъий боғлиқлик олиб ташлашга имкон беради
Жамғармаларнинг муҳимлиги ва уларнинг миқдори	Жамғармалар миқдори жамғаришга бўлган мойиллик чегараси миқдори ва жамғарманинг мақсади билан изоҳланади	Жамғармалар ҳам мажбурий (танқислик ва барча даромадни сарфлаш имкониятининг йўқлиги туфайли), ҳам ихтиёрий хусусиятга эга, бунда мажбурий жамғармалар танқислик интенсивлигининг ўсишига қараб	Жамғармага нисбатан “суғурта” юкламаси максимал даражада, улар муҳим, лекин уларнинг миқдори икки тенденция-мумкин қадар кўпроқ жамғарманинг зарурийлиги ва жамғармариш учун жорий даромадларнинг етишмаслиги каби икки тенденциянинг қарама-қарши ҳаракати натижасида аниқланади

		ўсади	
Иқтисодий ресурсларни бирлаштиришнинг мақсадга мувофиқлиги	Уй хўжалиги аъзоларининг ҳар бири ноёб ресурсларга эга, шунинг учун оила куриш узок муддатли инвестициялаш тўғрисидаги қарор билан айнан бир хил	Оила асосида алоҳида турдаги ноёб ресурсларни бирлаштириш ётади-алоқаларга, маъмурий ҳуқуқларга (прописка, партияга аъзолик) эга бўлиш	Ҳар бир оила аъзосидан мустақил даромад манбаларининг мавжуд бўлиши хатарни камайтиришга имкон беради
Уй хўжалигининг оптимал ҳажми (шу жумладан, болалар тўғрисида қарор қабул қилиш)	Уй хўжалигининг ўсиши ноёб ресурслар ишлаб чиқариш имкониятининг пасайишига қараб тўхтатилади	Уй хўжалигининг ҳажми ўта ноёб ресурсларни олиш харажатлари билан чекланган-алоқалар, турар-жой ва ҳ.к.	Уй хўжалиги аъзоларининг ўхшаш турдаги бандлиги туфайли хатарлар диверсификациясининг чегараланганлиги билан белгиланади
Ички тузилма	Оддий пағонали, бунда “бошлиқ” мавқеини эгаллаган жинс аҳамиятга эга эмас (энг ноёб активга эга бўлган шахс бошлиқ ҳисобланади)	Оддий пағонали, партия-давлат тизимида энг юқори ўрнининг эгаллаган оила аъзоси “Оила бошлиғи” ҳисобланади, кўпроқ бу эркаклардир	Оддий пағонали, жинси ва оиладаги ўрнидан қатъи назар энг барқарор даромадга эга бўлган уй хўжалиги аъзоси “бошлиқ” ҳисобланади
Давлатга нисбатан муносабат	Давлат бозор “хато”ларини тўғрилаш механизми сифатида кўриб чиқилади, ўз навбатида солиқларнинг тўланиши рационал тарзда амалга ошади	Давлат уй хўжалиги фаровонлигининг сўнгги босқичидаги кафолат сифатида қабул қилинади, ўз навбатида, солиқларни тўлаш бурч ҳисобланади	Уй хўжалиги давлат фаолиятида ўзининг яшовчанликни йўқотмаслик учун тўсқинликни кўради (уй хўжалиги фаолияти секторлари ўртасидаги тўсиқлар манбаси, ўз навбатида солиқларни тўлаш ўлпон сифатида қабул қилинади)
Уй хўжалиги учун энг муҳим бўлган ижтимоий сиёсат соҳаси	Меҳнат муносабатлари соҳасидаги сиёсат, солиқ сиёсати, таълим соҳасидаги сиёсат уй хўжалиги учун устивор ҳисобланади. Барча ушбу йўналишлар уй хўжалигининг бозордаги даромадларига тааллуқли	Пенсия, уй-жой-коммунал сиёсати, ижтимоий таъминот сиёсати, таълим соҳасидаги сиёсат устивор соҳа ҳисобланади. Барча ушбу йўналишлар ўта ноёб ресурсларга эга бўлишга тааллуқли	Соғлиқни сақлаш соҳасидаги сиёсат, ижтимоий таъминот тизими ва пенсия тизими сиёсати устивор ҳисобланади. Тўғри маънода уй хўжалигининг яшовчанлиги ушбу соҳалардаги давлат сиёсатига боғлиқ.

Такрорлаш учун саволлар

1. Уй хўжалиги таърифини келтиринг ва унинг ташкилот сифатидаги ўзига хос хусусиятлари нималардан иборатлигини айтинг.

2. Оила билан уй хўжалиги ўртасидаги фарқ нимада?
3. Уй хўжалигини юритиш ва инсон капиталини шакллантиришда қандай вазифалар (функциялар) амалга оширилади?
4. Уй хўжалигининг қанақа шакллари мавжуд ва уларнинг бир-биридан фарқи нимада?

МАВЗУГА ОИД АДАБИЁТЛАР, ЖУРНАЛЛАР ВА ИНТЕРНЕТ ТАРМОҒИДАН ОЛИНГАН ТАРҚАТМА МАТЕРИАЛЛАР

1. James H. The End of Globalization: lessons from the great Depression. Harvard College, 2001.
2. Kenen P.B. The International Economy. Cambridge: Cambridge University Press, 2000.
3. Lane J.E., Ersson S. Government and the Economy: a global perspective. London: Continuum, 2002.
4. International Trade Statistics. WTO Publications.
5. International Yearbook of Industrial Statistics. UNIDO. Vienna.
6. Japan An International Comparison.
7. Journal of International Law.
8. OECD. Economic Outlook.
9. OECD. Institutional Investors Statistics Yearbook.
10. The Global Competitiveness Report.
11. UNCTAD. World Investment Report.
12. UNESCO. World Education Report. Paris.
13. Union countries — IMF. Washington D.C.
14. UNSTAD World Investment Report, United Nations, Geneva.
15. World Development Indicators. The World Bank.
16. World Development Report.
17. World Economic and Social Survey.
18. World Economic Outlook.
19. World Investment Report. UN.

1.2. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР

“Институционал иқтисодиёт” фанининг предмети ва мазмуни, тамойиллари (4-соат)

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг “2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади” номли маърузаларидан келиб чиққан ҳолда, фаннинг мақсади ва вазифаси. Институционал назарияларнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши тарихи. Институционализмнинг методологик асослари ва Институционал таҳлилда бошланғич нуқта масаласи. НеоИнституционал назариянинг асосий йўналишлари. Институционал иқтисодиётнинг ривожланиш хусусиятлари⁴⁷
[A2, 64-100; A24, 270-284; A25, 15]

Институтлар ва уларнинг жамият ривожланишидаги роли (4 соат)

“Мустаҳкам оила йили” Давлат дастуридан ўрин олган ижтимоий-иқтисодий масалалар. “Институт” ва “норма” тушунчаларининг моҳияти. Расмий ва норасмий нормалар ва уларнинг шаклланиши. Институционал матрица. Институционал ўзгаришлар ва институтларнинг ўзаро боғлиқли.
[A2, 104-135; A24, 295-323;]

Ўйинлар назарияси ва ўзаро ҳамкорликларни моделлаштириш (4 соат)

Ўйинлар назариясининг асосий тушунчалари. Мувозанатлар турлари ва уларни қидириш йўллари. Ўйинлар назарияси таянч моделларининг таснифи.
[A2, 202-218; A24, 429-454; A25, 76]

Режа ва бозор институтлари (4 соат)

Иқтисодиёт конституцияларининг шаклланиши. Буйруқбозлик иқтисодиёти нормалари. Бозор конституцияси нормалари. Мулкчилик ҳуқуқларини иқтисодий асослаш

[A4, 142-146; A24, 387-409; A25, 66]

Трансакция ва трансформация харажатлари ҳамда уларни таҳлил қилишга нисбатан ёндашувлар (4 соат)

⁴⁷ . Lane J.E., Ersson S. Government and the Economy: a global perspective. London: Continuum, 2002. International Trade Statistics. WTO Publications.

Трансакция харажатлари ва уларни таҳлил қилишга нисбатан Коуз-Уильямсон ёндашуви. Трансформация харажатлари ва уларни таҳлил қилишга нисбатан Норт ёндашуви. Трансакция харажатларини оптималлаштириш тажрибаси. [A7, 150-175; A25, 5-9; A3, 36]

Хуфёна иқтисодиёт (6 соат)

Хуфёна иқтисодиётнинг келиб чиқиши сабаблари. Хуфёна иқтисодиёт турларининг таснифи ва уни баҳолашга нисбатан ёндашувлар. Хуфёна бозор Институционал тизим сифатида. Жаҳонда хуфёна иқтисодиёт

[A3, 200-215; A24, 494-505; A14, 29-75]

Шартномалар назарияси (4 соат)

Шартнома тушунчаси. Сотиш тўғрисидаги шартнома ва ёллаш тўғрисидаги шартнома. Шартномаларнинг хиллари. Ташкилот тушунчаси ва институт билан ташкилот ўртасидаги чегара. Қишлоқ хўжалигида шартнома муносабатлари

[A3, 254-258; A24, 71-88; A25, 10-109]

Фирма назарияси

«Принципал» билан «агент» ўртасидаги ўзаро муносабатлар муаммоси. «Принципал-агент» муаммоларини ҳал этиш вариантлари. Фирманинг ички тузилмаси. Фирмалар типологияси ва уларнинг ривожланиш траекторияси. Фирмаларнинг асосий хиллари.

[A8, 110-120; A24, 133-146; A25, 127-183]

Ташкилотни амалий таҳлил қилиш назариялари⁴⁸ (6 соат)

Трансакция харажатларининг ординалистик назарияси асосида ташкилий тузилмаларни амалий таҳлил қилиш. Фирманинг баланси унинг таркиби тўғрисидаги ахборот манбаи сифатида. Фирма ичидаги низоларни таҳлил қилиш ва уларни келишувлар назарияси асосида ҳал этиш

[A4, 10-46; A24, 544-565; A25, 91]

Давлат Институционал ташкилот сифатида (6-соат)

⁴⁸ Jensen M. Politics and Entrepreneurships in Transition Economies / M.Jensen, P.Kaufmann, A.Sheifer // Working Paper, - 2016/ WDI. - № 57

Давлатнинг функциялари. Давлатнинг Институционал табиати. Давлатнинг моҳияти ва унинг таърифи. Давлатнинг шартномавий ва эксплуататорлик концепцияси. Давлатнинг «муваффақиятсизликлари».

[A22, 294-306; A24, 523-544; A14,29-75]

Уй хўжалиги ва унинг хиллари (6-соат)

Уй хўжалиги иқтисодиёт субъекти сифатида. Уй хўжалиги фаолият кўрсатишида мутаассибликнинг роли. Уй хўжалигининг хиллари.

[A4, 10-46; A24, 5-9; A25, 245]

АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР УЧУН ТОПШИРИҚЛАР

1. 2008 йилда ЯИМ 300 млрд. сўмни ташкил этди. Бир йилдан сўнг дефлятор 1.2 мартага ортди, реал ЯИМ эса 10 % га ўсди. 2009 йилги номинал ЯИМ ҳажмини топинг(1990 йил -базис йили).

2. Ёпиқ иқтисодиётда ЯИМ 4800млрд. сўм. Истеъмол харажатлари 2900 млрд. сўм га, давлатнинг товарлар ва хизматлар хариди 1200 млрд. сўмга, Истеъмол қилинган капитал қиймати 350 млрд. с ўмга тенг.

Иқтисодиётдаги соф инвестициялар ҳажмини топинг.

3. Берилган маълумотлар асосида хусусий жамғармалар миқдорини аниқланг: Даромадлар(У) –340, трансферт тўловлари (ТР) –80, давлат заёмлари бўйича фоиз тўловлари-20, солиқлар (Т)-30, истеъмол (С)-370.

4. Иқтисодиётда ялпи инвестициялар ҳажми 220 млрд сўмга, бюджет профицити эса 15 млрд. сўмга тенг. Экспорт ҳажми 75 млрд. мўмга, импорт ҳажми эса 90 млрд. сўмга тенг бўлса хусусий жамғармалар миқдорини аниқланг.

5. Иқтисодиёт қуйидаги маълумотлар билан ифодаланган: аҳолининг умумий сони 650 киши; меҳнатга лаёқатли бўлмаган ёшдаги ва институционал аҳоли сони 140; ишсизлар сони 19; ишчи кучи таркибига кирмайдиган аҳоли сони 130. Ишсизлар сонини топинг.

6. Аҳоли сони 200 млн киши. Иш билан бандлар сони 112 млн. киши. Меҳнатга лаёқатли ёшдаги аҳоли сони 160 млн. киши. Фрикцион ишсизлар 6 млн. киши, таркибий ишсизлар 2 млн. киши, даврий ишсизлар эса 5 млн. кишини ташкил этади. Ишсизликнинг ҳақиқий даражаси унинг табиий даражасидан 4 %га юқори. Потенциал ЯИМ 2500 шартли бирликка тенг. ЯИМнинг циклик ишсизлик динамикасига таъсирчанлик коэффициенти 2,4. Топилсин:

А) ишсизликнинг ҳақиқий даражаси;

Б) ҳақиқий ЯИМ ҳажми.

7. Ишсизликнинг табиий даражаси 6 %, ишсизликнинг ҳақиқий даражаси 7,33 %, потенциал ЯИМ йилига 3 %га ўсади, ЯИМнинг даврий ишсизлик динамикасига таъсирчанлиги коэффициенти 3 га тенг. Кейинги йилда табиий ишсизлик даражасида ресурсларнинг тўлиқ бандлиги таъминланиши учун ишлаб чиқаришнинг ҳақиқий даражаси қандай суръатда ўсиши лозим?

8. Айтайлик истеъмол нархлари индекси 1993 йили 301га, 1994 йили эса 311 га тенг бўлган бўлсин. Базис йили ҳисобланган 1990 йилда инфляция даражаси 4 % ни ташкил этган. Зарур ҳисоб-китоблар ёрдамида 1994 йилда ҳақиқий инфляция даражаси 4 %дан кам бўлганлигини, баҳолар эса 1990 йилга нисбатан 211 %га юқори бўлганини исботланг

9. Иқтисодиёт қуйидаги кўрсаткичлар воситасида тасвирланган:

Йиллар	Инфляция даражаси	Номинал фоиз ставкаси
1	3%	8%
2	8%	3%

Иккинчи йилда биринчи йилга нисбатан реал фоиз ставкаси қанча миқдорга кўпайганлигини топинг.

10. Узоқ муддатли AS эгри чизиғи $Y=2000$, қисқа муддатли AS- эгри чизиғи $P=1,0$ даражасида горизонтал. AD эгри чизиғи тенгламаси $Y=2.0 * M/P$. Пул таклифи (M) 1000 га тенг. Баҳо шоки натижасида ялпи таклиф эгри чизиғи $P=1.25$ даражасигача кўтарилди.

а) шокдан сўнг иқтисодиётда ўрнатилган қисқа муддатли мувозанат нуқтасининг координатлари қандай?

б) иқтисодиётда ишлаб чиқаришнинг дастлабки даражасини тиклаш учун Марказий банк пул таклифини қанчага ошириши керак?

11. Иқтисодиёт дастлаб тўлиқ бандлилик шароитида турган эди. Ялпи талабнинг узоқ муддатли тенгламаси (LRAS): $Y=4000$ млрд.долл. Ялпи талабнинг ўқисўа муддатли тенгламаси (SRAS): $P_k 1,2$, Ялпи талаб эгри чизи-и тенгламаси (AD): $Y=4 (M/P)$. Дастлабки ҳолатда пул массаси (M) 1200 млрд. долларга тенг. Пул массаси 5 %га ўсганидан сўнг узоқ муддатли ва қисқа муддатли мувозанат нуқталари координатларини аниқланг.

12. Агарда ихтиёридаги даромад (Y) 200га истеъмол (C) 180 га тенг бўлса, унда истеъмолга бўлган ўртача мойиллик (APC) ва жамғаришга бўлган ўртача мойиллик (APC) нимага тенг бўлади?

13. Жорий йилда мувозанатли ЯИМ ҳажми 1500 ш.б.ни, истеъмол ҳажми эса 1200 ш.б.ни ташкил этди. Жорий йилда истеъмол ўтган йилга нисбатан 20 %га кўпайган. Ўтган йилги шахсий тасарруфдаги даромад ҳажми 1100 ш.б. Жамғаришга чегараланган мойиллик 20%.

Топилсин:

а) ўтган йилги истеъмол ва жамғариш ҳажмларини;

б) жорий йилдаги шахсий тасарруфдаги даромад ҳамда жамғариш ҳажмларини;

в) истеъмолга чегараланган мойиллик ҳажминини.

г) автаном харажатлар мультипликаторини;

д) истеъмол харажатлари 10 ш.б.ка кўпайган ҳолатдаги мувозанатли ЯИМнинг янги ҳажминини.

14. Истеъмол ҳажми 350 ни, режалаштирилган инвестициялар 100 ни, давлат харажатлари 150 ни ташкил этади. Инвестициялар 10 га кўпайди ва Даромадларнинг янги мувозанатли даражаси 640 ни ташкил этди. Истеъмолга чегараланган мойиллик миқдорини топинг.

15. Истеъмол функцияси қуйидаги кўринишда берилган:

$$C=150+0.85 (Y-T)$$

$$\text{Солиқ функцияси } T=t_0+t_1 * Y$$

Ишлаб чиқариш ҳажми 5000. Агар солиқ ставкаси t_1 0,3 дан 0,2 га қадар пасайса истеъмол ҳажми қанчага ўзгаради?

16. Инвестициялар 700 га, тасарруфдаги даромад 2800 га, давлат бюджети профицити 100 га тенг. Соф экспорт миқдорини топинг.

17. Ўтган йили ЯИМ 1000 ташкил қилди, давлат харажатлари 100 ташкил қилди. Харажатларни 50 га ошириб ҳукумат ЯИМни 200 га оширишга эришди. Бу ҳолатда, давлат бюджети тақчиллиги 2 йил давомида 0 га тенг бўлди. MPC (истеъмолга бўлган чегараланган мойиллик) нечага тенг?

18. Истеъмолга чегараланган мойиллик 0,75 га тенг. Ишлаб чиқаришнинг ҳақиқий ҳажми 2000. Иқтисодиётни барқарорлаштириш учун ҳукумат давлат харажатларини 50 га камайтирди ва солиқларни 20 га оширди. . Потенциал ЯИМ ҳажминини топинг.

19. Иқтисодий тизим қуйидаги кўрсаткичлар билан характерланади: Истеъмол функцияси $C=60+0,8 Y_d$. Режалаштирилган инвестициялар даромадга боғлиқ эмас ва $I= 40$ бирлик. Давлат харажатлари $G= 20$ бирлик. Топилсин:

- А) Иқтисодиётдаги мувозанатли даромад даражасини;
 Б) харажатлар мультипликатори миқдорини;
 В) давлат харажатлари 10 бирликка кўпайганда мувозанатли даромад даражасини.
20. Ресурслар тўлиқ банд бўлган иқтисодиётда ҳукумат давлат харажатларини 15 млрд. сўмга оширишга қарор қилди. Даромадларнинг мувозанатли даражаси 500 млрд. сўм, истеъмолга чегаравий мойиллик 0,75, давлат бюджетига соф солиқ тушумлари автоном, яъни даромадлар даражасига боғлиқ эмас. Ортиқча ялпи таклифни юзага келтирмаслик ва баҳолар даражасининг барқарорлигини сақлаб туриш учун бюджетга солиқ тушумларини қанчага кўпайтириш лозим?
21. Иқтисодиёт қуйидаги кўрсаткичлар билан ифодаданган
- $$C = 20 + 0,8 (Y - T + F) \text{ (истеъмол)}$$
- $$I = 60 \text{ (инвестициялар)}$$
- $$T = 40 \text{ (солиқлар)}$$
- $$F = 10 \text{ (трансфертлар)}$$
- $$G = 30 \text{ (давлат харажатлари)}$$
- а) Даромаднинг мувозанатли даражасини ҳисоблаб топинг.
 б) Ҳукумат иқтисодиётни рағбатлантириш учун харажатларни 40 бирликка оширди.:
- режалаштирилган харажатлар эгри чизигида қандай ўзгариш рўй беради?
 - даромаднинг мувозанатли даражаси қандай ўзгаради?
 - давлат харажатлари мультипликатори нимага тенг?
 - давлат бюджети қолдиғи қандай ўзгаради?
22. Айталик, давлат хариди 500га тенг бўлсин, солиқ функцияси $T=0,4Y$, трансфертлар функцияси $F=0,2Y$, баҳолар даражаси $P=1$. Фоииз ставкаси $R=0,1$ бўлганда давлат қарзи $D=1000$. Реал ишлаб чиқариш ҳажми 2000. Потенциал ишлаб чиқариш ҳажми 2500. Давлат бюджети қолдиғини топинг.
23. Банк заҳиралари нормаси 0,5га тенг, депозит ҳажми нақд пул ҳажмидан 2 мартага кўп. У ҳолда пул базасининг 1 млрд. сўмга кўпайиши пул таклифини қанчага оширади?
24. Тижорат банкларининг жами резервлари 220 млн. сўм. Депозитлар 950 млн. сўмга тенг. Депозитларни мажбурий заҳиралаш меъёри 20%. Банк ўзининг барча ортиқча резервларини ссуда бериш учун ишлатишга қарор қилса пул таклифи қандай ўзгаради?
25. Агар пул базаси 200 млрд сўмга тенг бўлса, пул таклифи ҳажмини аниқланг. Банк резервлари нормаси 0,1 га тенг, депонентларнинг коэффициентини 0,3 га тенг.
26. Айталик нақд пулга талаб депозитлар суммасининг 10%ига тенг бўлсин. Мажбурий заҳиралаш нормаси 15%. Агар Марказий Банк пул таклифини 330 млрд. сўмга оширмоқчи бўлса, у пул базасини қанчага ўзгартиради?
27. Агар пул базаси (МВ) 300 млрд. сўмга, депозитларни мажбурий заҳиралаш нормаси- 10 % га, депонентларнинг коэффициентини (сг) -0,3 га тенг бўлса пул таклифи ҳажмини аниқланг.
28. Тижорат банки 80 млн. сўмлик депозитларни жалб қилишга эришди.. Шу давр ичида 20 млн. сўмлик кредит миқдорлар томонидан банкка қайтарилди ва банк 70 млн. сўмлик янги кредит берди. Давр охиридаги ортиқча резервлар 114 млн. сўмни ташкил этди. Марказий банк томонидан ўрнатилган депозитларни мажбурий заҳиралаш нормасини аниқланг.
29. Марказий банк томонидан ўрнатилган депозитларни мажбурий заҳиралаш меъёри 20 % га тенг бўлсин. Банк тизимидаги депозитлар банкдан ташқаридаги нақд пуллардан 4 мартага кўп. Мажбурий заҳираларнинг умумий миқдори 800 млрд. сўм. Тижорат банкларининг ортиқча резервлари 200 млрд. сўм. Иқтисодиётдаги пл таклифи ҳажмини аниқланг.
30. Марказий банк иккиламчи бозорда олдинроқ давлат бюджети тақчиллигини молиялаштириш учун чиқарилган давлат қисқа муддатли облигацияларининг 1/6 қисмини сотиб олди. Пул таклифи 210 млрд. сўмга ошди. Марказий банк томонидан ўрнатилган депозитларни мажбурий заҳиралаш нормаси 20 % га тенг. Банк тизимидан

ташқаридаги нақд пуллар депозитлардан 5 мартага кам. Марказий банк қанча миқдордаги облигацияларни сотиб олган? Эмиссия қилинган облигацияларнинг умумий миқдори қанча?

31. Тижорат банкларининг ресурс базасини кенгайтириш учун Марказий банк улардан 16 млрд. сўмлик давлат облигацияларини сотиб олишга қарор қилди. Тижорат банклари облигацияларни сотишдан олинган маблағларнинг 10 % ини ортиқча резерв сифатида сақлаб туришга қарор қилди. Натижада, мультипликатор самараси таъсирида, пул массаси 90 млрд. сўмга кўпайди. Марказий банк томонидан ўрнатилган депозитларни мажбурий заҳиралаш нормасини аниқланг.

32. Нақд пул / депозит нисбати 0,1 га тенг. Депозитларни мажбурий заҳиралаш нормаси 0,15. очиқ бозордаги операция ёрдамида Марказий банк иқтисодиётдаги пул таклифини 220 млрд. сўмга кўпайтирмоқчи. Бу учун Марказий банк қандай суммада давлат облигацияларини сотиб олиши зарур.

33. Агар Марказий банк очиқ бозорда тижорат банкларига 20 млн. сўмлик давлат облигацияларини сотса, мажбурий заҳиралаш нормаси 12,5 % бўлганда пул таклифи максимал қанчага қисқариши мумкин?

34. Агар истеъмолга чегаравий мойиллик 0,75 га тенг бўлса, солиқларнинг 100 бирликка камайиши натижасида IS- LM моделида қандай ўзгариш рўй беради?

35. Иқтисодиёт қуйидаги маълумотлар билан ифодаланган:

$$C = 400 + 0.9Y_d \text{ (истеъмол);}$$

$$I = 300 - 2000R \text{ (инвестициялар);}$$

$$X_n = 100 - 0.05Y - 1000R \text{ (соф экспорт);}$$

$$M = (0.4Y - 100R)P \text{ (номинал пул таклифи);}$$

$$G = 100 \text{ (давлат харажатлари);}$$

$$t = 0.5 \text{ (солиқ базаси);}$$

$$M_s = 180 \text{ (баҳоларнинг белгиланган даражаси).}$$

Бу ҳолатда даромадларнинг ва фоиз ставкасининг мувозанатли даражалари қандай бўлади?

36. Иқтисодиёт қуйидаги кўрсаткичлар воситасида берилган:

$$Y = C + I + G + X_n; \quad C = 100 + 0.9Y_d; \quad I = 200 - 500R;$$

$$X_n = 100 - 0.12Y - 500R; \quad M = (0.8Y - 2000R)P;$$

$$G = 200; \quad t = 0.2; \quad M_s = 800; \quad P = 1.$$

Бундай вазиятда LM эгри чизиғи тенгламаси қандай кўринишда бўлади?

37. Иқтисодиёт қуйидаги маълумотлар билан ифодаланган: мувозанатли ишлаб чиқариш ҳажми $Y = 5000$; истеъмол функцияси – $C = 500 + 0.6(Y - T)$; Солиқлар $T = 600$; давлат харажатлари – 1000; инвестиция функцияси: $I = 2160 - 10000R$. Бу ҳолатда мувозанатнинг реал фоиз ставкаси нечага тенг бўлади?

38. Иқтисодий тизим қуйидаги кўрсаткичлар билан характерланади: Истеъмол функцияси $C = 60 + 0.8 Y_d$. Режалаштирилган инвестициялар даромадга боғлиқ эмас ва $I = 40$ бирлик. Давлат харажатлари $G = 20$ бирлик. Топилсин:

А) Иқтисодиётдаги мувозанатли даромад даражасини;

Б) харажатлар мультипликатори миқдорини;

В) давлат харажатлари 10 бирликка кўпайганда мувозанатли даромад даражасини.

39. Иқтисодий тизим қуйидаги кўрсаткичлар билан характерланади:

$$\text{Истеъмол функцияси } C = 38 + 0.5(Y - T);$$

$$\text{Инвестиция функцияси } I = 50 - 100R;$$

$$\text{Давлат харажатлари ва солиқлар } G = T = 20;$$

$$\text{Пулга талаб функцияси: } L = 0.5 - 80R;$$

$$\text{Пул таклифи } M = 160; \text{ баҳолар даражаси } P = 2.$$

А) IS. Эгри чизиғи тенгламасини тузинг.

Б) LM эгри чизиғи тенгламасини тузинг.

В) Фоиз ставкаси ва даромаднинг мувозанатли даражасини топинг.

Г) Давлат харажатлари 20 дан 30 га қадар кўпайса фоиз ставкаси ва даромаднинг мувозанатли даражаси қандай ўзгаради.

Д) пул таклифи 160 дан 180 га қадар кўпайса фоиз ставкаси ва даромаднинг мувозанатли даражаси қандай ўзгаради.

40. Мамлакатда жамғариш нормаси 28% ни, аҳолининг йиллик ўсиш суръати 1 %ни, меҳнатни тежовчи технологик тараққиёт суръати 2%ни, асосий капиталнинг чиқиб кетиш нормаси 4 %ни ташкил этади. Битта ходимга тўғри келадиган даромаднинг барқарор даражаси нимага тенг?

41. Кичик очиқ иқтисодиёт У товарни жаҳон баҳоларида, яъни донасини 30 доллардан импорт қилади. Ушбу мамлакатда У товарнинг талаб ва таклифи эгри чизиклари қуйидаги кўринишга эга: $D= 500 -5 P$; $S=100+2P$. Ҳар бир товар учун 10 долларлик импорт тарифи киритилиши натижасида иқтисодиётдаги умумий йўқотиш миқдорини аниқланг.

42. Солоунинг иқтисодий ўсиш моделида ишлаб чиқариш функцияси қуйидаги кўринишга эга: $y=0,64\sqrt{k}$. Капиталнинг чиқиб кетиш нормаси 5%, аҳоли сони йилига 1 %га кўпаяди. Технологик тараққиёт суръати 2 %. У ҳолда “олтин қоида”га мос келувчи жамғариш нормаси миқдорини топинг.

43. Агар ялпи миллий даромаддаги капиталнинг улуши 25%, меҳнатнинг улуши 75% бўлса, у ҳолда капитал захираси йилига 2%га, ишчи кучи сони 3%га ҳамда ЯМД эса 2 %га кўпайса, омилларнинг жами унумдорлигини топинг.

44. А мамлакатда Х товарга талаб функцияси $D= 100-10P$, таклиф функцияси эса $S= -50 +20 P$ кўринишга эга. Б мамлакатда эса Х товарга талаб функцияси $D= 50- 5P$, таклиф функцияси эса $S= 20 +10 P$ кўринишга эга. Агар товар экспорти ва импорти фақат шу икки давлат ўртасида рўй беради деб ҳисобласак, савдо алоқалари ўрнатилганидан сўнг Х товарнинг жаҳон бозоридаги нархи ва сотилиш ҳажми қанча бўлади?

45. А мамлакат Х товарни 60 АҚШ долларга, яъни жаҳон бозори баҳоларида экспорт қилади. Бу мамлакатда Х товарга талаб ва унинг таклифи эгри чизиклари функцияси қуйидагича:

$D= 400- 5P$;

$S= -50 +5 P$

Битта товарга 10 долларлик экспорт божи киритилишидан олдин ва сўнгги экспорт ҳажмини аниқланг. Экспорт божи киритилишидан давлат оладиган даромад ва истеъмолчилар кўрадиган манфаатни аниқланг.

46. Мамлакат ҳукумати шакар импортига 1 кг. шакар учун 0,02 долларлик тариф киритишга қарор қилди. Жаҳон бозорида 1 кг. Шакар нархи 0,1 доллар. Шакар ишлаб чиқаришнинг ички ҳажми эркин савдо шароитида йилига 6 млн. кг.ни, тариф киритилганидан сўнг эса 8 млн. кг.ни ташкил этади. Шакар истеъмол қилишнинг ички ҳажми эркин савдо шароитида йилига 22 млн. кг.ни, тариф киритилганидан сўнг эса 20 млн. кг.ни ташкил этади. Мамлакатга шакар импорти тариф киритилгунга қадар 16 млн. кг.ни, тариф киритилганидан сўнг эса 12 млн. кг.ни ташкил этади.

Ҳисоблаб топинг:

а) шакар импортига тариф киритилиши натижасида мазкур мамлакат аҳолиси кўрадиган йўқотишларни;

б) мамлакат ишлаб чиқарувчиларининг бу тадбирдан кўрадиган ютуқларини;

в) шакар импортига тариф киритилиши натижасида давлат бюджети даромадларининг қанчага кўпайишини;

г) импортни чеклаш натижасида мамлакатда турмуш даражасидаги соф йўқотишлар миқдорини.

47. Қуйидаги жадвал маълумотлари асосида мазкур мамлакатга салқин ичимликлар экспорт қилувчи хорижий фирмаларнинг қайси бири демпингда айбланиши мумкин?

	А фирма	Б фирма	В фирма
--	---------	---------	---------

Бир дона маҳсулотга тўғри келадиган ўртача харажатлар	10\$	10\$	10\$
Маҳсулот экспорт қилувчи фирмалар ички бозорларидаги бир дона ичимлик баҳоси	10\$	12\$	9\$
Ичимликларнинг экспорт баҳоси	11\$	11\$	10,5\$
Мазкур мамлакатда импорт ўрнини босувчи фирмаларда ишлаб чиқилган ичимлик баҳоси	12\$	13\$	11\$

48. Иқтисодиёт қуйидаги маълумотлар билан ифодаланган:

мамлакатда ишлаб чиқарилган товарлар ва хизматлар истеъмоли 800 га, импорт товарлари ва хизматлари истеъмоли эса 200 га, мамлакат товарлари ва хизматларига инвестиция харажатлари 150 га, импортга инвестиция харажатлари 504 га, товарлар ва хизматлар хариди учун давлат харажатлари 250 га, умумий экспорт суммаси 500 га, бюджетга солиқ тушумлари 500 га тенг. Бу мамлакат тўлов баланси жорий операциялар счёти қолдиғини ҳисоблаб топинг.

49. Иқтисодиёт қуйидаги маълумотлар билан ифодаланган:

- капитал ҳаракати ва молиявий инструментлар счёти қолдиғи 30 га тенг;
- давлат бюджети қолдиғи 20 га тенг;
- бюджетга солиқ тушумлари 40 га тенг;
- истеъмол харажатлари- 250 га тенг;
- ЯИМ 250 га тенг.

Ташқи дунё, давлат ва хусусий жамғармалар йиғиндиси кўринишидаги миллий жамғармалар ҳажмини аниқланг.

50. Қуйидаги жадвални тўлдиринг.

Вазият	Y	C	I	G	Xn	T	Хусусий жамғармалар	Давлат жамғармалари	Миллий жамғармалар (хусусий ва давлат жамғармалари йиғиндиси)	Капитал ҳаракати счёти қолдиғи
1	5000	3000	700	1000		900				
2	5000	3200	900	900		900				
3	5000	3200	900	900		1000				

Келтирилган ҳар бир вазият учун жорий операциялар счёти ва капитал ҳаракати счёти қолдиқларини ҳисоблаб топинг.

51. Иқтисодиёт қуйидаги маълумотлар билан ифодаланган:

Расмий заҳираларнинг ўзгариши	+10
Товар экспорти	+40
Товар импорти	-30
Инвестициялардан соф даромад	-30
Соф жорий трансфертлар	+10
Хизматлар экспорти	+15
Хизматлар импорти	-10
Капитал кириши	+10
Капитални чиқиб кетиши	-40

- а) савдо баланси қолдиғи миқдорини аниқланг;
- б) жорий операциялар баланси қолдиғини аниқланг;
- в) капитал ҳаракати ва молиявий инструментлар счёти қолдиғини аниқланг;
- г) тўлов баланснинг умумий қолдиғи миқдорини аниқланг.

52. Иқтисодиёт қуйидаги кўрсаткичлар воситасида тасвирланган:

$$C=40+0,7(Y-T).$$

$$I=150-800R$$

Истеъмол харажатлари 350 , реал фоиз ставкаси R 8% га , Давлат сектори жамғармалари 10 га тенг.

Ушбу мамлакат тўлов балансининг жорий операциялар счёти қолдиғини ҳисоблаб топинг.

53. Иқтисодиётда швейцария франкига талаб ва унинг таклифи қуйидагича ифодаланган:

Франк баҳоси (АҚШ долларида)	Франкка талаб ҳажми (млн. франк)	Франк таклифи ҳажми (млн. франк)
0,8	300	400
0.7	320	370
0.6	340	340
0.5	360	310
0.4	380	280

а) долларнинг мувозанатли валюта курсини ҳисоблаб топинг;

б) швейцария франкининг мувозанатли алмашинув курсини ҳисоблаб топинг;

в) мувозанат шароитида валюта бозорларида қандай миқдордаги АҚШ доллари ва швейцария франки сотиб олинади?

54.Айтайлик, Япония АҚШдан Х товарни импорт қилади.

Қуйидаги жадвални тўлдириг:

Валюта курси	Х товарнинг АҚШдаги баҳоси (доллар)	Х товарнинг Япониядаги баҳоси (иена)	Японияда Х товарга бўлган талаб ҳажми (дона)	Япония аҳолисининг Х товарни сотиб олишга ялпи харажатлари (доллар)
40 иена=1долл.	5		500	
30 иена=1долл.	5		1000	
20 иена=1долл.	5		1200	

55. Айтайлик АҚШда ишлаб чиқарилаётган компьютерлар мамлакатнинг ўзида 500 долларга, Японияда ишлаб чиқарилаётган компьютерлар эса Япониянинг ўзида 20000 иенага тенг бўлсин. Валюта айирбошлашнинг номинал курси 1 АҚШ доллари учун 20 япон. иенаси бўлсин. Долларнинг реал курсини (яъни халқаро савдода бир дона АҚШ компютерига неча дона япон компютери эквивалент бўлишини) ҳисобланг.

KEYS STADI

Mehnat unumdorligi: o'lchash usullari, omillari va rezervlari

Metodik ko'rsatkichlar

Ijtimoiy mehnat unumdorligi moddiy ishlab chiqarishda band bo'lgan bitta ishlovchiga to'g'ri keladigan milliy daromad o'lchovi bilan baholanadi. Hisob-kitoblarni absolyut va nisbiy o'lchovlarda amalga oshirish mumkin.

Misol: O'tgan davrda milliy daromad 19% oshdi; moddiy ishlab chiqarishda bandlar soni - 2,3% oshdi. Ijtimoiy mehnat unumdorligini o'sishi 16,3% bo'lgan. $(1,19/1,023 - 1,0) \cdot 100$

Individual mehnat unumdorligi (Pt) vaqt birligida (soat, smena, oy, kvartal, yil) ishlab chiqarilgan mahsulot soni (ishlar hajmi) bilan o'lchanadi, ish yoki mahsulot birligini ishlab chiqarish uchun sarflangan vaqt orqali (kishi -soat, kishi- smena) aniqlanadi. Birinchi holatda mehnat unumdorligi mahsulot ishlab chiqarishni o'zgarishini, ikkinchisida esa-mahsulot mehnat sarfini bildiradi. Birinchi va ikkinchi ko'rsatkichlar o'rtasida teskari proportsional bog'liqlik mavjud.

Misol: Reja bo'yicha mahsulot hajmi 2000 dona, hisobot bo'yicha 2200 dona, mehnat sarflari reja bo'yicha 400 kishi-smena, haqiqatda 423 kishi-smena. Mehnat unumdorligi

o'sishini ishlab chiqarish va mehnat sarfi bo'yicha hisoblash kerak.

Mehnat unumdorligining o'sishi 1 kishi-smenadagi mahsulot ishlab chiqarishning o'zgarishi bo'yicha rejaga nisbatan 104% ni tashkil qilgan.

$$(2200/400: 2000/400 = 1,04)$$

Mahsulot mehnat sarfi 3,85 % ga nisbatan

$$(423/2200 : 400/2000 = 0,9615)$$

Mehnat sarfining pasayishi bo'yicha o'lchangan mehnat unumdorligining o'sishi o'sha 4 % ni tashkil qilgan.

$$(1/0,9615 + 1,04 \text{ yoki } 400/2000: 423/2200 + 1,04)$$

Amaliy hisob-kitoblarda mehnat unumdorligi o'zgarishi indeksi (Imu) mehnat sarfi indeksiga teskari o'lchov sifatida aniqlanadi va aksi

$$I_{MY} = 1: I_t \text{ va } I_t = 1: I_{MY}$$

Foizlardagi hisob-kitoblarda (a- mehnat unumdorligi, v-mehnat sarfi) quyidagilardan foydalaniladi:

$$A = v \times 100/100 - v;$$

$$V = a \times 100/100 + a;$$

Vaqt birligida mahsulot ishlab chiqarish ham mahsulot hajmi kabi ko'rsatkichlarda: natural, shartli- natural, mehnat va qiymat birliklarida o'lchanadi. Hisob- kitoblarni amalga oshirishda quyidagilarga e'tibor berish zarur:

Vaqt masshtabi bir xil bo'lishi kerak. Masalan, 8 soatlik ish kuni qabul qilingan bo'lsa, davomiyligi boshqacha bo'lgan ish kunlarini 8 soatlikka hisob- kitoblar orqali keltirish mumkin.

Mehnat unumdorligi shartli- natural usulda o'lchanganda, mahsulotning boshqa qandaydir xususiyatlariga ko'ra emas, balki normativ mehnat salmog'ini hisobga olgan holda amalga oshirish zarur.

Natural ko'rsatkichlarni nisbiy normativ mehnat sarfi koeffitsienti orqali shartli-natural ko'rinishga keltirilganda o'lchov birligi sifatida eng kam mehnat sarfiga ega bo'lgan mahsulotni qabul qilish tavsiya qilinadi.

Misol. Jadvalda keltirilgan ma'lumotlar asosida mehnat unumdorligi o'sishini shartli-natural ko'rsatkichlarda aniqlang. (Ishlovchilar soni o'zgarmaydi).

Mahsulot	Mahsulot soni		Bitta mahsulotning mehnat sarfi, norma- soat
	reja	haqiqat	
№1	100	120	20
№2	250	225	15
№3	760	820	5

Yechish: O'lchov birligi sifatida minimal mehnat sarfiga ega bo'lgan №3 – mahsulot qabul qilinadi. Shunda shartli- natural o'lchovda mahsulot ishlab chiqarish ko'rsatkichlari quyidagicha bo'ladi:

$$\text{Reja: } 100 \times 20/5 + 250 \times 15/5 + 750 \times 5/5 = 400 + 650 + 760 = 1910 \text{ dona}$$

$$\text{Hisobot: } 120 \times 20/5 + 225 \times 15/5 + 820 \times 5/5 = 480 + 675 + 820 = 1975 \text{ dona}$$

Ishlovchilar soni o'zgaruvchanligi uchun mahsulot ishlab chiqarishning oshishi mehnat unumdorligining o'sishiga proporsional:

$$\text{MU o'sishi} = (1975: 1910) \times 100 - 100 = 3,4\%$$

Qiymat usulidan foydalanib mehnat unumdorligini aniqroq o'lchash uchun doimiy o'zgaruvchan tarkibiy indekslar va tuzilmaviy o'zgarishlar hisoblanadi. O'zgaruvchan tarkib indeksi hisobot davrida ishlab chiqarilgan mahsulotni (V_1) bazis davridagi ko'rsatkich bilan (V_0) solishtirish orqali aniqlanadi. Mazkur ko'rsatkich mahsulot assortimentigina emas, balki uning material talabligi strukturasidagi o'zgarishlarning ta'siri ostida bo'ladi.

Ushbu ta'sirlarni bartaraf etish uchun doimiy tarkibning indeksi mehnat unumdorligi xususiy indekslarining o'rta hisobdagi arifmetik ko'rsatkichi sifatida hisoblanib chiqarilsa, ushbu xususiy indekslar xodimlarning soni yoki hisobot davridagi ishlangan vaqt bo'yicha hisoblangan bo'ladi.

Xususiy indekslar korxonaning bo'linmalari bo'yicha yoki aniqrog'i taqqoslanadigan mahsulot va ishning ayrim turlari bo'yicha hisoblab chiqariladi.

Strukturaviy indeks o'zgaruvchan tarkib indeksining doimiy tarkib indeksiga nisbati sifatida aniqlanadi.

Misol: mehnat sarflari turli bo'lgan uchta turdagi ishlar bo'yicha mahsulot ishlab chiqarish haqida quyidagi ma'lumotlar mavjud:

Ish turi	Ishlar xajmi, ming so'm		Ishlovchilar soni, kishi		Ishlab chiqarilgan mahsulot, so'm		Mehnat unumdorligi indeksi
	reja	haqiqatda	reja	Haqiqatda	reja	Haqiqatda	
Gazlamani bichish	110	115	18	19	6111	6053	0,99
Palto tikish	442	456	53	52	8340	8769	1,05
Paltoga ishlov berish	225	280	24	23	9375	12174	1,30
Jami	777	851	95	94	8179	9053	1,107

O'zgaruvchan va doimiy tarkib indeksini hamda strukturaviy siljishlar indeksini aniqlang.

Bu erda 1,107 o'zgaruvchan tarkib indeksi hisoblanadi. Doimiy tarkib indeksini aniqlash uchun uchta xususiy indekslardan iborat o'rtacha arifmetik o'lchov hisoblanadi:

$$\text{Idoim} = (19 \cdot 0,99 + 52 \cdot 1,05 + 23 \cdot 1,3/93) / 94 = 1,099$$

Strukturaviy siljishlar indeksi 1,007 ni tashkil qiladi ($1,107 / 1,099$).

Bu mehnat unumdorligi strukturaviy siljishlar hisobiga 0,7% oshganligini bildiradi.

1. Mamlakat milliy iqtisodiyotida milliy daromadlar 4,2% o'sgan, moddiy ishlab chiqarishda ish bilan bandlar soni esa 0,6 % ga oshgan. Mazkur yil uchun ijtimoiy mehnat unumdorligi qanchaga oshganligini aniqlang.

2. 30 yilda milliy daromad 6 marta o'sdi, aholi soni 24 % ga oshdi, moddiy ishlab chiqarishda band bo'lgan aholining umumiy aholi sonidagi ulushi 10 %ga qisqardi. Ijtimoiy mehnat unumdorligi necha foiz o'sdi.

3. 5 yil davomida milliy daromad 290 dan 375 mlrd. so'mgacha o'sdi, bu vaqt davomida mehnatga layoqatli aholi soni 153,4 dan 170 mln. kishigacha o'sdi. Moddiy ishlab chiqarishda band bo'lganlar salmog'i 76,9 foizdan 75 foizga tushdi. Berilgan davrda ijtimoiy mehnat unumdorligi qanchaga o'sdi?

4. Agar milliy daromad yaratishda band bo'lgan mehnatga yaroqli aholi soni 9,5 mln. dan 9,3 mln. kishiga kamaygan. Yaratilgan milliy daromad hajmi joriy davrda 9664100 mln. so'mdan 9872100 mln. so'mga ko'paygan bo'lsa (shu davrda baholar 120% o'sgan), shu davr mobaynida ijtimoiy mehnat unumdorligini o'zgarishini aniqlang.

5. Agar milliy daromad 2048,4 dan 2233,1 mlrd so'mgacha oshsa (narx 120 % ga o'sgan bo'lsa), mehnatga layoqatli aholi sonidan, moddiy ishlab chiqarishda bandlar 8,5 mln. kishidan 7,3 mln. kishigacha kamaysa, ijtimoiy mehnat unumdorligi qanchaga o'zgargan?

6. Yalpi Milliy mahsulot taqqoslama baholarda 2048 dan 9664 mlrd so'mgacha o'sdi. Ushbu davrda iqtisodiyotda bandlar 18% ga o'sdi, ulardan moddiy ishlab chiqarishda bandlar esa 72% dan 65% ga tushdi. Moddiy ishlab chiqarishda mehnat unumdorligi qanday o'zgargan?

7. Jadvaldagi shartli misol asosida jonli va ijtimoiy mehnat unumdorligining o'sish sur'atlarini aniqlang. Xulosa yozing.

Ko'rsatkich	Bazis yili ming so'm	Hisobot yili ming so'm
Ishlab chiqarish xajmi	45600	42248
Jonli mehnat sarfi	10250	10762
O'tmishdagi mehnat sarfi	25100	26602

8. Poyafzal fabrikasidagi mehnat unumdorligi rejasining bajarilishini shartli natural o'lchovda aniqlang.

Poyafzal turi	Ishlab chiqarish hajmi, ming so'm		Mehnat sarfi, ming kishi soat	
	reja	Haqiqatda	reja	Haqiqatda
Ishchi botinkalar	100	112	200	218
Xrom botinkalar	400	350	840	725
Lakli model tuflilar	300	385	900	1155

«Ishchi botinkalar» birligini qabul qilib, shartli juftlarga o'tkazish koeffitsientini rejadagi mehnat sarfi bo'yicha aniqlang.

9. Tsexdagi 20 ta dastgohni modernizatsiyalash imkoni bor, bu tadbir esa ularning unumdorligini 50 % oshiradi. Ishlab chiqarish uchastkasi 2 smenada ishlaydi. Tsexda jami 250 kishi ishlaydi. Ishlab chiqarish xajmi o'zgarmaganda tsexda mehnat unumdorligini qanchaga oshirish va qancha ishchi kuchini tejash mumkin bo'ladi?

10. Mahsulot tayyorlashning yangi texnologiyasiga o'tganda, tayyorlanadigan mahsulotning mehnat sarfi 3,25 soatdan 2,5 soatga kamayadi. Mahsulot ishlab chiqarish rejasi – 10 ming dona.

Bir ishchining ish vaqti jamg'armasi 1820 soat bo'lsa, mehnat unumdorligi qanchaga oshadi va qancha ish kuchi tejiladi? Normalar o'rtacha hisobda 120% bajarilgan uchastkadagi ishchilar sonini aniqlang.

11. Bir ishchi hisobiga mahsulot ishlab chiqarish yiliga 7000 so'mdan 7420 so'mga etgan keyingi yilda 12740 ming so'mlik mahsulot ishlab chiqarishlari belgilangan. Mehnat unumdorligi necha foiz oshadi va qancha ishchi kuchi tejiladi?

12. Kvartal davomida yog'och tayyorlash va tashib chiqarish unumdorligi o'sishini natural o'lchovda hisoblang.

a) reja bo'yicha ishlovchilar soni 1260 kishi haqiqatda – 1120 kishi;

b) yog'ochlarni tayyorlash va tashib chiqarish reja bo'yicha 245,7 ming m³, haqiqatda 260,4 ming m³.

13. Agar koronada 3 xil mahsulot ishlab chiqarilsa mehnat unumdorligi o'sishini shartli-natural usulda hisoblang. Elektr kofeyanchigich me'yoriy mehnat sarfi 12 norma-soat; elektr go'sht qiymalagich me'yoriy mehnat sarfi 18 norma-soat, sharbat siqib chiqargich me'yoriy

mehnat sarfi 24 norma-soat. Ishlab chiqarish va mehnat sarflari quyidagi ma'lumotlarda aks etgan.

Mahsulot turlari	Soni, dona		Mehnat sarfi, kishi-smena	
	Reja	haqiqatda	reja	haqiqatda
Kofe yangich	1200	1150	1700	1530
Go'sht qiymalagich	700	735	1500	1545
Sharbat chiqargich	920	935	2700	2680

14. Keltirilgan ma'lumotlar asosida ishlab chiqarish xajmi va mehnat unumdorligi (mehnat o'lchovida) rejasini bajarilishini aniqlang.

Mahsulot turi	Soni, dona		1 donaga vaqt normasi kishi-soat
	reja	haqiqatda	
MG-8 asbob qutisi	1000	1100	0,5
Boshqaruvchi rele	800	500	1,2
Induksion g'altak	1200	1700	0,3

1400 kishi-soat ishlangan, ishlab chiqarish normalarini 5% oshirib bajarish rejalashtirilgan.

15. Mehnat unumdorligining o'sishi tovar mahsuloti bo'yicha o'lchanganda birlashma bo'yicha rejaga nisbatan 104,2% ni tashkil qilgan. Birlashmaning har bir korxonalarida esa mos ravishda 102; 103,4 va 96%. Birlashma bo'yicha ishlovchilar soni 1176 kishi, shu jumladan 1-korxonada 630; 2-korxonada 356 va 3-korxonada-190 kishi. Mehnat unumdorligining doimiy tarkibi dinamikasi indeksini hisoblang va birlashma ishlab chiqarish dasturi tuzilmasining o'zgarishi mehnat unumdorligiga qanday ta'sir qilganligini aniqlang.

16. Tsexlar bo'yicha mehnat unumdorligi quyidagicha o'zgargan: 1-tsex (150 ishchi)-10% oshgan; 2-tsex (130 ishchi)-5% kamaygan; 3-tsex (90 ishchi)-8% oshgan. Assortimentdagi siljishlar hisobiga tuzilmaviy indeks 1,09 ni tashkil qilgan. Butun korxona bo'yicha mehnat unumdorligi dinamikasini aniqlash kerak. (Hisob-kitob o'zgaruvchan tarkib indeksi asosida tovar mahsulot bo'yicha amalga oshiriladi).

17. Qandolatchilik fabrikasida hisobot yilida mehnat unumdorligi tsexlar bo'yicha va umuman fabrika bo'yicha xajm ko'rsatkichlari va ishlovchilar soniga qarab o'zgargan.

Tsex	Mahsulot xajmi, ming so'm		Ishlovchilar soni, kishi	
	Reja	haqiqatda	reja	Haqiqatda
№1 –karamel	2750	2810	112	115
№2-vafli	1675	1710	93	93
№3-shokoladli	3870	3710	69	66
Jami	8295	8230	274	274

Mehnat unumdorligining o'zgaruvchan, doimiy tarkibi va tuzilmaviy siljishlar dinamikasi indekslarini hisoblang va xulosa qiling.

18. Mahsulotning normativ mehnat sarfi 500 norma-soat, haqiqatdagi mehnat sarfi esa 420 soatni tashkil qilgan. Tashkiliy-texnik tadbirlarni joriy qilish rejasi bo'yicha normativ mehnat sarfini 440 soatga (normalar 110% bajarilishini rejalashtirganda) kamaytirish ko'zda tutilgan. Ushbu mahsulotni ishlab chiqarishda mehnat unumdorligi qancha % oshishini va normalar bajarilishi darajasini o'zgarishini aniqlang.

19. Bir korxonada o'rtacha kunlik tovar ishlab chiqarish 54800 so'm, boshqasida 59730 so'm. O'rnatilgan mehnat tartib qoidalariga ko'ra ish smenasi davomiyligi birinchi korxonada 7 s 40 min., ikkinchisida 8 s. 12 min. Agar ikkila korxonada ishlab chiqarilayotgan mahsulotlarni solishtirish mumkin bo'lsa ularning qaysi birida mehnat unumdorligi yuqori.

20. Ishchi bir dona detali tayyorlash uchun 10 minut sarflaydi. Ish vaqtidan unumli foydalanish hisobiga bir dona detal ketadigan vaqt sarfi 8 minutni tashkil etdi. Agar tsexda 8

soatlik ish rejimi tashkil etilgan bo'lsa, ishchining kunlik mehnat unumdorligi darajasini va mahsulot birligiga ketadigan vaqt sarfini kamayishini aniqlang.

21. Korxonaning hisobot materiallari asosida tovar, shartli sof va sof mahsulotlar bo'yicha mehnat unumdorligining o'zgarishini hisoblang, natijalarni taqqoslang, moddiy xarajatlar va amortizatsion ajratmalar qiling.

Ko'rsatkich	Reja	Haqiqat
1. Tovar mahsulot mln.so'm	43,0	46,2
2.Moddiy xarajatlar, amortizatsiya ajratmalarsiz mln.so'm.	30,4	34,2
3. Amortizatsiya ajratmalari mln.so'm.	2,5	3,5
Ishlovchilar soni, kishi	2860	2868

22. Agar mahsulot birligiga normativ daromad 29 so'm, ish haqi-21 so'm, reja bo'yicha mahsulot xajmi 100 ming dona, haqiqatda 103,5 ming dona, reja bo'yicha ishlovchilar soni-910, haqiqatda – 900 kishi bo'lsa mehnat unumdorligi rejasini bajarilishni normativ sof mahsulot o'lchov bo'yicha aniqlang.

23. Fabrikada mehnat unumdorligini turli usullarda o'lchanganda uning o'sishini quyidagi ko'rsatkichlari aniqlangan: yalpi mahsulot bo'yicha rejaga nisbatan 106%, tovar mahsulot bo'yicha –105,7% sotilgan mahsulot bo'yicha –105,9%, sof mahsulot bo'yicha-103%. Keltirilgan ko'rsatkichlar nisbatini hisoblang va ularning farqlanishi sabalarini tushuntiring.

24. quyidagi jadval ko'rsatkichlaridan foydalanib birlashmada unumdorligini o'zgarishini aniqlang.

Birlamchi firmalar	Hisobot yilida joriy yilga nisbatan mehnat unumdorligini o'zgarishi	Hisobot yilidagi ishlovchilar soni,kishi
I	q35	592
II	-8,3	79
III	0,6	126
IV	O'zgarmagan	30

25. Quyidagi jadval ma'lumotlarni asoslanib korxonalar bo'yicha mehnat unumdorligi o'zgarishini aniqlang.

Korxona lar	Ishlab chiqarish o'lchovlari	Ishlab chiqarish hajmi	Ishlovchi-lar soni, kishi	Ishlab chiqarish hajmi	Ishlovchilar soni, kishi
		Joriy davrda		Hisobot davrida	
A	Tovar mahsulot-larning qiymati	3600 ming.so'm	300	4400 ming.so'm	360
B	NSO	900 ming so'm	150	1050 ming so'm	150
V	Ishlab chiqarish hajmining mehnat sig'imi	434 ming soat	388	427 ming. Forma soat	393
G	Shartli natural birlikda	1645 ming.so'm	898	1750 ming.so'm	890

26. Quyidagi ma'lumotlardan foydalanib, ishchilarning kunlik va yillik unumdorligini o'zgarishini aniqlang.

Ko'rsatkichlari	Bazis yil	Hisobot yili
Soatlik unumdorlik, so'm	650	0
Ishchi kuchining davomiyligi, soat	7,5	7,2
1 ishchining yil davomida ishlagan kunlari	220	225

27. Tsex to'liq mehnat sarfi 9 kishi-soatni talab etadigan mahsulot ishlab chiqarishga ixtisoslashtirilgan.

Agar haqiqatdan oy davomida 10 ming dona mahsulot tayyorlanib, normativ texnologik mehnat sarfi 80 ming norma-soatni, asosiy ishchilarning ishlab chiqarish normasini bajarilishi 106%ni tashkil etgan bo'lsa, mehnat unumdorligini aniqlang.

Tsexda 6 ta yordamchi ishchi bo'lib, ulardan yarmisi oy davomida 8 soatlik ish rejasida 21 kun qoganlari esa oy davomida to'liq ishlagan. Boshqaruv xodimlarining mehnat sarfi ishlab chiqarilgan mahsulot salmog'ida 15%ni tashkil etgan.

28. Korxona ishlab chiqarilayotgan mahsulot miqdorini joriy yilga nisbatan 2% ga oshirdi. Joriy va haqiqatda ishlagan ishlovchilar soni quyidagi jadvalda berilgan:

Ishchilar	Joriy yilda	Hisob yilida
Asosiy tsexlar	50	52
Ta'mirlash tsexi	5	6
Ombor va tarnsport	8	10
Boshqa yordamchi tsexlar	25	24
Boshqa personal	22	22

Korxona bo'yicha umuman mehnat unumdorligi darajasi qanday o'zgargan. Agar hisobot yilida ishlagan ishlovchilar soni saqlanib qolganda, mehnat unumdorligi darajasi qanday o'zgargan bo'lardi.

29. Hisobot davrida oziq-ovqat do'konining tovar aylanishi hajmi ilgari bahoda 134 mln. so'mni, sotuvchilar soni esa 20 kishini tashkil etgan. Joriy davrda har bir sotuvchiga unumdorlik 6,7 mln.so'mni tashkil etgan.

Hisobot davrida joriy davrda nisbatan baholar 3% ga kamaygan. Hisobot davrida joriy davrga nisbatan unumdorlik darajasini o'zgartirishini aniqlang.

30. Joriy yilda po'lat quyush tsexida 101,8 ming t. mahsulot tayyorlandi, ishchilarning o'rtacha ro'yxatdagi soni-60 kishi, ishlovchilarning o'rtacha ro'yxatdagi soni esa 70 kishini tashkil qiladi. Hisobot yilida ishlovchilarning umumiy soni o'zgarmagan holat po'lat quyish 3% ga oshgan, ishlovchilarning o'rtacha ro'yxatdagi soni 2 kishiga kamaygan.

Yillar bo'yicha har 1 ishchiga va ishlovchiga to'g'ri keladigan ishlab chiqarish darajasini hamda ishlab chiqarish indeksini o'zgarishini aniqlang.

31. Quyidagi jadval ko'rsatkichlaridan foydalanib tsexda ishlab chiqarish hajmi va mehnat unumdorligi darajasi o'zgarishini hisoblang.

Mahsulot turi	Tayyorlangan mahsulot turi, dona		Mahsulot birligini belgilangan vaqt normasi, soat
	Davr		
	Bazis	Hisobot	
A	2400	2500	15
B	850	900	8
V	1750	1500	10

Joriy yilda ishlovchilar soni 120 kishidan 150 kishiga ko'paygan.

Mahnat unumdorligini oshishi omillari va rezervlarini aniqlash

Metodik ko'rsatmalar

1.Masalaning sharti.

Uskunani yangisiga almashtirilgandan so'ng mahsulotning birligiga ketadigan mehnat safi 18% kamaydi. MU oshishi imkoniyatini aniqlang.

Echish. $MU = a \cdot 100 / 100 - a$; $MU = 18 \cdot 100 / 100 - 18 = 21,95\%$

Indeks usuli bilan xisoblansa:

$Imuq1:It = 1:0,82 = 1,2195$

2. Masalaning sharti.

Yangi texnologiyani joriy qilinishi bilan 1000so'm tovar mahsulotining mehnat sarfi (t) 210dan 186 kishi soatga kamaydi. MU o'sishini va mehnat sarfi kamayishini hisoblang.

Echish. $MU = 210 / 186 \cdot 100 - 100 = 12,9\%$

$T = 186 / 210 \cdot 100 - 100 = 11,43\%$ yoki $v \cdot 100 / 100 + v$ formulasi bilan hisoblaganda $12,9 \cdot 100 / 100 + 12,9 = 11,43\%$

1. Masalaning sharti.

Tashkiliy texnik chora-tadbirlar rejasi amalga oshirilganda «A» mahsulotining (12000dona ishlab chiqariladi) mehnat sarfi 12dan-10,2 norma soatga kamaygan, «B» mahsulotning (750dona ishlab chiqariladi) mehnat sarfi 56dan 48 norma soatgacha, «V» mahsulotniki (495 dona) 124dan 117norma-soatgacha kamaygan. Korxonaning barcha mahsulotlar bo'yicha ishlab chiqarishning mehnat sarfi bazaviy sharoitlar bo'yicha 124000 norma-soatni tashkil qilgan edi. MU o'sishini aniqlang.

Echish. Mehnat sig'imini kamayishining umumiy yig'indisi norma-soatda: $12000 \cdot (12 - 10,2) + 750 \cdot (56 - 48) + 495 \cdot (124 - 117) = 31065$

$MU = Et \cdot 100 / T_{bosh} - Et = 31065 \cdot 100 / 124000 - 31065 = 2,6\%$

2. Masalaning sharti.

Ishlab chiqarishni va mehnatni tashkil qilinganligi hisobiga ish vaqti yo'qotishlar 17dan 11%ga kamaydi. Tashkiliy omillar hisobiga MU o'sishi imkonini hisoblang.

Echish. $MU = 100 - 11 / 100 - 17 \cdot 100 - 100 = 7,2$

3. Masalaning sharti.

Moddiy texnik omillar hisobiga mehnat sarfi 4% kamaydi. Mehnatni ilmiy tashkil qilish va mehnat sharoitlarini yaxshilash choralarini amalga oshirish hisobiga yillik ish kunlari 226dan 230 kungacha, smena davomiyligi 7,7dan 7,9 soatgacha oshish imkonini berdi. Mehnatni ilg'or usullari va ish haqi tizimini takomillashtirish hisobiga MU 1,2% oshdi. MU o'sishini barcha omillar yig'indisi bo'yicha hisoblang. $I = 1 / 0,96 \cdot 230 / 226 \cdot 7,9 / 7,7 \cdot 1,012 = 1,10$ yoki 10%

Ishbilarmonlik o'yini

Boshlang'ich ma'lumotlar va vazifa.

Korxonaning joriy yildagi tovar mahsuloti hajmi 16780ming so'mni, ishlovchilar soni 1780kishi, rejalashtirilayotgan foyda barscha tovar mahsuloti qiymatining 6%ni, shartli-doimiy xarajatlar salmog'i mahsulot tannarxining 25%ni tashkil qiladi.

MU quyidagi ichki rezervlar hisobiga oshisho mumkin:

-mehnat va ishlab chiqarishni tashkil qilishni yaxshilash hisobiga 1,2% (kapital emas, balki joriy xarajatlarni oshishi bilan yiliga 4 ming so'm);

-raqobatni rivojlantirish, ishchilar malakasini oshirish, rag'batlantiruvchi tizimlar ta'sirini oshirish hisobiga – 0,8% (qo'shimcha harajatlarsiz);

-mehnatni sanitariya-gigiena xolatini yaxshilash hisobiga –2%(birvarakay harajatlarni oshirish yiliga –6,5ming so'm);

Tsexlarni rekonstruktsiyasi va uskunalarni modernizatsiya qilish hisobiga MU 8% oshishi mumkin. Bu 1470ming so'mlik kapital xarajatni (birvarakay), undan tashqari yil davomida 22 ish kuniga to'xtatishni (1yida 262 ish kuni) talab qiladi.

Barcha uskunalarni yangisiga almashtirish va texnologiyaga o'zgartirishlar kiritish MUni 22% oshirish imkonini beradi, lekin bu 5mln.so'm kapital xarajatni talab va korxonani 6 oyga to'xtatib qo'yishni talab qiladi.

Choralar joriy qilingan yilda MUgi o'sishi 12%ni taminlaydigan variantni va joriy qilinayotgan barcha choralarni ijobiy iqtisodiy samaradorligini hisoblang.

Vazifalar.

1-gurux. Kapital xarajatlarsiz MUni ichki rezervlar hisobiga oshirish choralarining samaradorligini hisoblang.

2-gurux. Korxonani rekonstruktsiya va modernizatsiya hisobiga MUni o'sishi va kutilayotgan samaradorlikni hisoblang. Bunda 1-variantning MUni oshishi omillarini hisobga olish kerak.

3-gurux. Barcha uskunalarni yangilash va texnologiyalarni o'zgartirish hisobiga MU o'sishi va kutilayotgan samaradorlikni hisoblang. Bunda 1-variantning MUni oshishi omillarini hisobga olish kerak.

O'QUV O'YIN JARAYONI

1. Talabalar 4ta kichik guruxga bo'linadilar.
2. 3ta guruh o'z rahbarlarini saylaydi va berilgan vazifalarni bajaradilar.
3. 1ta guruh ekspert komissiyasi vazifasini bajaradi va guruxlarda olib borilgan hisob-kitoblarni tekshiradi, guruxlar faoliyatini baholaydi.
4. Har bir guruxga vazifalar tarqatiladi.
5. Guruhlar o'zlarining variantlari bo'yicha masalani echimini hisoblaydilar.
6. Echim natijasi bo'yicha taklif etilayotgan variant gurux rahbarlari tomonidan muhokama qilinadi, bunda rahbarlar o'z takliflarini asoslaydi va himoya qiladilar.
7. Rahbarlarning ochiq muhokamasi yakunida choralar joriy qilinadigan yilda talabdagi MU o'sishini va keyingi yillarda eng yuqori samaradorlikni ta'minlaydigan eng yaxshi variant tanlanadi.
8. O'qituvchi talabalar bilan birgalikda muhokamalarga yakun yasaydi, ekspertlar guruhi eng faol qatnashgan guruxni aniqlaydi. Gurux faoliyati baholanadi.

“Институционал иктисодиёт” фанидан ЛОЙИХА АСОСИДА ЎҚИТИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ

Ўқув лойиҳаси:

*“Ўзбекистон Республикасини бозор
иқтисодиётига ўтиш йўлида институционал
ислохотлар”*

ПЕДАГОГИК АННОТАЦИЯ

Фаннинг номи: “Институционал иктисодиёт”.

Мавзунинг номи: “Бозор иктисодиётига ўтишда институционал ислохотлар натижалари”.

Иштирокчилар: бакалаврият босқичи “Иқтисодиёт” йўналиши, 4-курс талабалари.

Ўқитишнинг мақсади: ўқув курси бўйича эгалланган билимларни чуқурлаштириш мақсадида мамлакатимизни бозор иқтисодиётига ўтиш йўллари бўйича малака кўникмаларни шакллантириш.

Режалаштирилаётган ўқув натижалари: бозор иқтисодиётининг мақсади ва вазифаларини англаб етади; мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий тузилмаси ва ўзига хос жиҳатларни ажрата олади; мулкчилик муносабатлари таркибини ўзлаштиради; бозор иқтисодиётига ўтиш йўлларини билиб олади; аниқ йўналишлар ва тамойиллар асосида бозор иқтисодиётига ўтиш кўникмаларига эга бўлади.

Лойиҳалаштириш фаолияти бўйича қуйидаги амалий кўникмаларга эга бўлади: муаммони шакллантириш ва вазифаларни аниқлаш; вазифаларни амалга оширишдаги усулларни танлаш ва улардан фойдаланиш; ўз фаолиятини режалаштириш; маълумот

манбаларини аниқлаш, тизимга келтириш ва таҳлил этиш; натижаларни талаб даражасида расмийлаштириш ва керакли кўринишда тақдим этиш.

Талабалар лойиҳани муваффақиятли бажаришлари учун билишлари лозим бўлган таянч билим ва кўникмалар қуйидагилардан иборат:

Қуйидаги таянч билимларни билиши керак: бозор муносабатлари борасидаги меъёрий ҳужжатлар; миллий иқтисодиётни таркибини ташкил этувчи ижтимоий-иқтисодий асосларни; мулкчилик фаолиятига доир ўзига хос жиҳатларни таҳлил этиш ва баҳолаш.

Қуйидаги кўникмаларга эга бўлишлари керак: бозор иқтисодиётига ўтиш маълумотларини йиғиш, қайта ишлаш ва тақдим этиш; жаҳон тажрибасида акс этувчи маълумотларни таҳлил этиш; алоҳида фаолият юритиш ва яқка ўқиш, изланиш тартиб ва қоидалари.

Турланиш белгилари бўйича лойиҳага тавсиф: тури ахборотли ва тадқиқот; предмет ва мазмун жиҳатдан кўлами бир фан бўйича фойдаланилувчи фанлараро лойиҳа; талабалар ўқув лойиҳа фаолиятларини мувофиқлаштириш характери очик; иштирокчилар сони яқка тартибда; бажариш муддати узоқ муддатли – икки ой; муддат давомида бозор иқтисодиётига ўтиш йўналишларини тақдимот этади.

Лойиҳани бажариш тартиби: талабаларнинг аудиториядан ташқари мустақил фаолиятларида бажарилади, амалий машғулотда тақдим этиб борилади. Лойиҳа маҳсули семестр ўртасида, талабалар ва педагог ўртасида белгиланган кунда амалга оширилади.

Лойиҳанинг баҳоланиши – бажарилган лойиҳа қуйидагича баҳоланади: ҳар бир талаба томонидан бажарилган лойиҳаси мавзу бўйича энг юқори 25 балл;

- бажарилган лойиҳа бўйича маҳсулотни баҳолаш (энг юқори 5 балл);
- ҳисобот (энг юқори 8 балл);
- MS Power Point лойиҳа тақдими (энг юқори 7 балл);
- оғзаки тақдимот ва лойиҳа ҳимояси (энг юқори 5 балл).

Лойиҳа асосида ўқитиш босқичлари.

Тайёрлов босқичи: лойиҳа билан танишиш; аудиториядаги машғулот вақтида талабалар фаолиятини ташкил этиш.

Лойиҳани бажариш босқичлари: аудиториядан ташқари фаолият даврида.

Якуний босқич: лойиҳа тақдими, лойиҳа ва аудитория машғулотида талабаларнинг лойиҳалаштириш фаолиятини баҳолаш.

Лойиҳа асосида ўқитишни бошқариш: аудиториядан ташқари фаолиятда.

Ўқитиш моделига қисқача тавсифнома.

Лойиҳа асосида ўқитиш жараёнида қуйидагилар қўлланилади:

ўқитиш усуллари: ахборот манбалари билан ишлаш, тақдимот; *ўқитиш шакллари:* оммавий, алоҳида; *ўқитиш воситалари:* лойиҳа топшириғи, услубий кўрсатмалар, компьютер технологиялари.

ЎҚУВ ЛОЙИҲАСИ: “ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИ БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИГА ЎТИШ ЙЎЛИДА ИНСТИТУЦИОНАЛ ИСЛОХАТЛАР”

I. ЛОЙИҲА ТОПШИРИҒИ

Бозор иқтисодиёти иқтисодий фаолиятда эркинликка, хўжалик юритишда оқилоналик тамойилларига асосланган демократик иқтисодиётдир. Бозор иқтисодиётига эркинлик хос бўлиб, уни мулкчилик шакли таъминлайди. Шунга кўра бозор иқтисодиётида иқтисодий танлов эркинлиги мавжуд бўлиб ёпиқ ва очик бошқарувчи эгадир. Хозирги даврда бозор иқтисодиётига ўтиш асосан бозор белгиларига таянади. Бозор иқтисодиётига хос белгилардан бири эркин, яъни либераллашган нархларнинг бўлиши ва ҳамиша нархни ҳисобга олиб, фойда-зарарни назарда тутган ҳолда ишлашидир.

Лойиҳа доирасида ечилиши керак бўлган муаммо бозор иқтисодиётига ўтиш йўллари ва ўзига хос хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда ўтиш йўллари мақбул ҳолатларини аниқлашдан иборат.

Муаммо-ости муаммолар:

1. Бозор иқтисодиётининг шаклланиш тарихи
2. Бозор иқтисодиётининг белгиларини аниқлаш.
3. Бозор иқтисодиётининг турларини ўрганиш.
4. Бозор иқтисодиётига ўтиш йўллари аниқлаш.
5. Ўзбекистон Республикасининг бозор иқтисодиётига ўтиш тамойиллари ва натижалари таҳлили.

Лойиҳанинг мақсади (нима учун яратилаёпти) бозор иқтисодиётини шаклланиш жараёнини таҳлил қилиш.

Лойиҳани амалга оширишдан эришиладиган натижа (лойиҳа маҳсули) бозор иқтисодиётини шаклланиш жараёни бўйича ҳисобот

Лойиҳадан фойдаланувчилар: Бозор иқтисодиёти ва бизнес асослари фанини ўрганаётган талабалар, илмий изланувчилар, тадқиқот марказлари, тадбиркорлар.

Лойиҳанинг таркиби: Сизга таклиф этилаётган ушбу таркибий тузилиш бозор иқтисодиётига ўтиш сиёсатининг намунавий шаклдаги кўриниши бўлиб, унинг шаклланишида ҳар бир танланган йўналиш ўзига хос хусусиятларида ўз аксини топмоғи лозим:

Лойиҳа бажарилишининг иш режаси

№	Лойиҳа таркибий бўлимларининг номи	Тайёрланиш муддати
1	Бозор иқтисодиётининг шаклланиш тарихи	2 ҳафта
2	Бозор иқтисодиётининг белгиларини аниқлаш	1 ҳафта
3	Бозор иқтисодиётининг турларини ўрганиш	1 ҳафта
4	Бозор иқтисодиётига ўтиш йўллари аниқлаш	2 ҳафта
5	Ўзбекистон Республикасининг бозор иқтисодиётига ўтиш тамойиллари ва натижалари таҳлили	2 ҳафта

Изоҳ:

*жадвалда кўрсатилган муддатлар ва таркибий қисмлар намунавий бўлиб, педагог ва талаба ташаббуси ҳамда танланган лойиҳа йўналишидан келиб чиққан ҳолда қайта кўриб чиқиши мумкин.

Лойиҳа доираси:

- бажарилиш муддати: 2-ой давомида, лойиҳа қисмлари белгиланган график асосида;
- иштирокчилар сони: яқка тартибда фаолият юритиш..

1. Лойиҳалаштириш фаолиятини босқичма-босқич бажариш учун кўрсатма

1. Тайёрлов босқичи.

1.1. Лойиҳа мавзусини танланг, долзарблигини асосланг ва ечишингиз керак бўлган муаммони шакллантиринг.

1.2. Лойиҳа мақсади, предмети, объекти ва вазифаларини белгиланг.

1.3. Лойиҳалаштириш фаолияти турлари ва ечилиши лозим бўлган топшириқларни тайёрланг. Уларни ечиш усул ва воситаларини танланг.

1.4. Лойиҳа мавзусига доир ахборот манбалари билан танишинг (назарий қарашлар, ўқув адабиётлари ва бошқалар).

2. Ўқув фаолиятини режалаштириш босқичи.

2.1. Мақсадга эришиш кетма-кетлигини ишлаб чиқинг.

2.2. Иш режасини тузинг (лойиҳани ишлаб чиқиш, расмийлаштириш, уни тақдимотга тайёрлаш, ҳисоботни тузиш бўйича, уларни бажариш ва тайёр ҳолатга келтириш муддатини белгиланг).

Лойиҳа бажарилишининг иш режаси

Иштирок- чини Ф.И.Ш.	Топшириқ	Фаолият тури	Тайёр маҳсул кўриниши	Бажарилиш муддати
1	2	3	4	5
*	Лойиҳа доирасида қатнашчини аниқлаш	Қатнашчи имкониятларига қараб лойиҳа учун фаолият танланади.	Лойиҳани амалга ошириш режаси шаклланади	**
	Йўналишдаги бозор тизими учун бозор иқтисодиёти сиёсати тайёрланишини танлаш	Миллий иқтисодиётни хусусиятларини чуқур таҳлил этиш орқали имкониятларини тўғри баҳолаш	Йўналиш аниқланади	
1	2	3	4	5
	Миллий иқтисодиёт маълумотларини шакллантириш	Танланган бозор моделининг ўзига хос хусусиятларини акс эттирувчи маълумотлар базаси шакллантирилади	Миллий иқтисодиёт	
	Бозор иқтисодиёти сиёсатининг намунавий таркиби бўйича маълумотларни таркиблаштириш	Миллий иқтисодиётни ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичлари маълумотларидан нусха олиш, маълумотларни бозор иқтисодиётига ўтиш сиёсати таркиби бўйича жамлаш, таҳлил этиш ва қайта ишлаш	Бозор иқтисодиётига ўтиш сиёсатининг дастлабки кўриниши юзага келади	
	Бозор иқтисодиётига ўтиш сиёсатида қўйилган талаблар асосида маълумотларни таркиблаштириш	Бозор иқтисодиётига ўтиш сиёсати бўйича маълумотларни ўз ўрнига қўйиш, белгиланган тартиб асосида шаклга келтириш	Миллий иқтисодиётни бошқариш йўналишига қараб бозор сиёсати	
	Лойиҳани расмийлаштириш	Лойиҳа иши натижаларини тўплаш	Бозор иқтисодиётига ўтиш сиёсатини тайёр ҳолга келтирилади	
		Мавзу долзарблиги ва	Ҳисобот	

	Лойиҳалаштириш фаолияти натижалари ва лойиҳа тақдимоти бўйича ҳисоботни тайёрлаш	муаммони асослаб бериш, лойиҳанинг мақсад ва вазифаларини кўрсатиб бериш ва бошқалар		
	MS Power Pointда лойиҳа тақдимотини тайёрлаш	Тақдимотни умумий расмийлаштириш ва унинг мазмунини яна бир бор текшириш, янги слайдларни қўшиш ва ҳоказо	Тақдимот	

3. Лойиҳани бажариш босқичи.

3.1. Керакли маълумотларни тўпланг, тизимга келтиринг ва таҳлил қилинг.

3.2. Таққикот натижаларини расмийлаштиринг (тайёр ҳолатга келтиринг).

3.3. *Йўриқномага мувофиқ* лойиҳа фаолияти тўғрисида ҳисобот тайёрланг.

4. Лойиҳани тақдимотга тайёрлаш.

4.1. MS Power Point да *тақдимотларни тайёрлаш бўйича қўлланмадан* фойдаланган ҳолда лойиҳа тақдимотини тайёрланг.

5. Тақдимот, лойиҳа ҳимояси ва баҳолаш.

2. Лойиҳа иши тўғрисида ҳисоботга тайёргарлик бўйича йўриқнома

1. Сиз таклиф ва тавсия этаётган лойиҳани татбиқ этишни исботловчи хулосаларни (1 бетдан кўп бўлмаган матн асосида) ифодаланг.

2. Сиз ҳал этмоқчи бўлган муаммони (5-6 сўз билан) асосланг.

3. Лойиҳангизнинг мақсади: унинг нима учун яратилиши, охири маҳсулни қандай бўлиши ва у кимга қаратилганлигини (1-3 таклиф орқали) кўрсатинг.

4. Лойиҳа вазифаларини (қисқа ва бир маъноли) ифодаланг.

5. Лойиҳанинг иш режаси (жадвал) ни баён этинг.

6. Вазифани ечими натижаларини ва лойиҳада бажарилган ишларни кўрсатинг.

7. Сиз таклиф этган лойиҳа маҳсулини татбиқ этиш имконини тасдиқловчи хулосаларни шакллантиринг.

8. Бажарилган иш бўйича фойдаланилган манбалар рўйхатини таркиблаштиринг.

9. Баҳоланг:

- лойиҳа сифатини;

- лойиҳа устида ишлаш жараёни: ишнинг натижавийлиги, қийинчиликлар ва уни енгиб ўтиш йўллари.

10. Иловаларни таркиблаштиринг: лойиҳа иштирокчиси Анкеталари ва лойиҳа ишининг иш материалларини киритинг (хоҳишингизга кўра).

3. Лойиҳани MS Power Point да тақдимотга тайёрлаш бўйича йўриқнома

1. MS Power Point да тақдимотга *тайёрлаш жараёни* қуйидагилардан иборат:

- тақдимот турини танлаш;
- тақдимотни умумий расмийлаштиришни танлаш;
- слайдларнинг мазмунли томонларини танлаш;
- янги слайдларни қўшиш;
- слайдларни белгилашни танлаш;
- зарур бўлганда слайдларни расмийлаштиришни ўзгартириш;
- слайдларни намоиш этиш вақтида турли овозли анимацияларни яратиш.

2. Слайдларни **техник намоиш этиш** куйидаги тавсифларга жавоб бериши керак:

➤ Слайдлар *миқдори* (8-12).

➤ *Слайдларнинг мазмунли кўрсаткичлари*:

- биринчи слайд: лойиҳа номи, муаллиф фамилияси, -ўқув гуруҳи, яратилган кунидан иборат;

- охириги слайд ахборот манбасига бағишланган;

- бошқа слайдлар лойиҳа мазмунини ихтиёрий шаклда акс эттиради.

➤ Слайдлар ўз-ўзидан ишлаш тартибида намоиш этирилади.

3. **Тақдимотни расмийлаштириш қоидаси**

➤ Агар матн оғзаки бўлса, қуйидагича бўлиши зарур:

- юқори ахборотли;

- боғловчили;

- аниқ ва қисқа;

- оддий синтактики (қуйидагиларга эътибор беринг, қуйида тақдим этилаётган рўйхатлар каби айлантирувчи кириш сўзлари камроқ бўлиши)- буларнинг барчасини маърузачини ўзи гапириши мумкин. Оддий тузилган гаплар ўрни билан таништиради ва ёзувни каттароқ қилишга имкон беради;

- (асосан термин ва таърифларда) тушунарли, мантиқий, аниқ бўлиши зарур. Оммага тақдим этиш олдин матнни текширишга эринманг.

➤ Овоз тиниқ бўлиши керак. Тақдимотни овозли қилиш керак эмас, бунда шарҳловчининг овозини эшитиб бўлмайди, энг яхшиси маърузачининг жонли овози ҳисобланади.

➤ *Расмлар* аниқ ва етарлича каттароқ бўлиши зарур. Расмларнинг ўлчамини катта қилишга уринманг, фақатгина Сиз сифатни йўқотасиз.

➤ *Видеотасмалар* тақдимот ойнасининг уч қисмини эгаллаши зарур. Расмлар намоишли бўлиши керак. Безаклар чалғитиши мумкин.

➤ *Жадвалларда* ажратувчи маълумотлар аниқ кўрсатилиши, жадвалларнинг номланиши тагига катта ёзувларда берилиши зарур. Жадвалларни ҳаддан зиёд маълумотлар билан тўлдириш керак эмас! Жадвалга қанча кўп маълумот киритилса, уларни экрандан қабул қилиш қийин бўлади. Тақдимот бошлашдан аввал аудиторияда ўтирганларга жадвал ва расм нусхаларидан тарқатиш зарур.

➤ *Чизмалар* бир бўлимдан бошқа бўлимга аниқ ва мантиқий равишда ўтишга мослаштирилиши керак. Ўтиш чизиклари экранда яхши кўринишини текширинг.

4. Оғзаки тақдимотга тайёрланишда риоя этиладиган қоида

Оғзаки тақдимот қоидалари

Тақдимот нимадан иборат бўлиши лозим?

- лойиҳа муаммоси, мақсади ва вазифалари тушунчасини намоиш этиш; ишни режалаштириш ва амалга ошира олишни билиш;

- ечимларни излаш жараёни таҳлили;

- топилган ечим;

- муаммони муваффақиятли ва фойдали ҳал этишни мустақил таҳлил қилиш натижалари.

Шу жумладан:

Тартибга риоя қилиш: тақдимот чиқишининг умумий давомийлиги – 7-10 дақиқадан кам ва 15 дақиқадан кўп бўлмаслиги лозим.

Барча жадвалли ахборотларга шарҳлар.

Тақдимотда нима бўлмаслиги лозим?

Лойиҳа ишининг тўлиқ ёритилиши ва лойиҳа маҳсулотининг мазмунини гапириб бериш.

Иштирокчининг чиқишларидаги қарама-қаршиликлар.

Нотўғри, тушунарсиз, ноаниқ ифодалар.

Муваффақиятли тақдимот сирлари:

- Доимо ишонч билан сўзланг.
- Аниқ ва ўз ўрнида гапиринг.
- Интонация (ифода) нинг муҳим лаҳзаларини ажратиб кўрсатган ҳолда фикрингизни тугалланган иборалар билан баён этинг.
- Бир хил ва секин гапирманг, лекин ҳаддан ташқари баланд гапириш нотўғри.
- Мулойим ва эътиборли бўлинг, кескинликни намоён этманг, бағрикенг (толерант) бўлинг.
- Доимо табассум билан бошланг ва якунланг, лекин меъёрни сақланг.
- «Бўлиши мумкин», «Ким билади?», «...эҳтимол» ва ҳ.к. каби ифодаларни қўлланманг. Бундай ифодалар сизнинг нутқингизни ноаниқ қилиб қўяди, Сиз қатъийликни йўқотишингиз мумкин.
- Юзма-юз алоқани сақланг – тингловчиларга қарашга ҳаракат қилинг (ҳар бир иштирокчига 3 сониядан).
- Оёқларингизни чалиштирманг, қўлларингизни орқангизда ушламанг, столга, минбарга таянманг, имо-ишорани камайтиринг, ручкани, маркерни ўйнаманг, елпигич ва варақ билан елпинманг ва ҳ.к.
- Жавоб ва таклифларга ҳар гал миннатдорчилик билдиринг!

5. Баҳолаш мезони ва кўрсаткичлари

Якка лойиҳада қуйидагича баҳоланади: ҳар бир талаба томонидан бажарилган лойиҳаси мавзу бўйича энг юқори 25 балл;

- бажарилган лойиҳа бўйича маҳсулотни баҳолаш (энг юқори 5 балл);
- ҳисобот (энг юқори 8 балл);
- MS Power Point лойиҳа тақдими (энг юқори 7 балл);
- оғзаки тақдимот ва лойиҳа ҳимояси (энг юқори 5 балл).

5.1. Бажарилган лойиҳа бўйича маҳсулотни баҳолаш

	Баҳолаш мезони	Баҳолаш кўрсаткичлари
1.	Лойиҳа мазмунини белгиланган мақсадга мувофиқлиги	Белгиланган мақсадга лойиҳа мазмуни мос келса, энг юқори 1 балл
2.	Лойиҳа: мавзуга оид бўлган етарли миқдорда, сифатли ахборотдан иборат	Эришилган натижалар мақсадга мувофиқ келса, энг юқори 2,0 балл: - янги кенг қамровли; энг юқори 0.5 балл - лойиҳа вазифасини тўлиқ акс эттиради; энг юқори 0.5 балл. - кенг манбаларга асосланган энг юқори 0.5 балл - тажрибалар асосида макс. 0.5 балл
3.	Ахборотнинг расмийлаштирилиши	Агар ахборот талаб даражасига мувофиқ келса: сарлавҳа, матн таркиблаштирилган бўлса, энг юқори 2,0 балл: -намойиш этувчи материал (жадвал ва чизмаларда) бўлса энг юқори.1,0 балл: -маълумот мазмунини тўлиқ акс эттирган бўлса, энг юқори. 0.5 балл: -стандарт талабларига мувофиқ расмийлаштирилган бўлса, энг юқори 0.5 балл:

Энг юқори -5,0 балл.

5.2. Бажарилган лойиҳа бўйича ҳисоботни баҳолаш

	Баҳолаш мезони	Баҳолаш кўрсаткичлари
1	2	3
1.	Ҳисоботни тайёрлаш бўйича йўриқномага расмий равишда риоя этилиши	Ҳисобот тузилмаси йўриқномага мувофиқ бўлса, энг юқори 1,5 балл
2.	Танланган мавзу асосланганлиги ва долзарблиги	Танланган мавзу долзарблиги далилий исботланган бўлса, энг юқори 0,5 балл
3.	Ечими ҳал этилаётган муаммони асосланганлиги	Муаммо далилий асосланган бўлса, энг юқори 1,0 балл
4.	Лойиҳа вазифаларининг белгиланиши	Лойиҳа вазифалари аниқ белгиланган бўлса, энг юқори 0,5 балл
5.	Лойиҳанинг иш режасини ишлаб чиқиш	Иш режа ишлаб чиқилган ёндашувларга мувофиқ тузилган бўлса, энг юқори 1,0 балл
6.	Хулосаларни ифодалаш	Хулосада таклиф ва тавсия этилаётган лойиҳани татбиқ этиш муҳимлигини исботлаш баён этилган бўлса, энг юқори 1,5 балл
7.	Фойдаланилган манбалар рўйхатини таркиблаштириш	Фойдаланилган манбалар рўйхати бажарилган вазифалар бўйича таркиблаштирилган ва стандарт талабларига мувофиқ расмийлаштирилган бўлса, энг юқори 1,0 балл
8.	Иловаларнинг борлиги	Иловаларда лойиҳа иштирокчиларининг анкеталари ва лойиҳа ишининг иш материаллари бўлса, энг юқори 1,0 балл

Энг юқори -8,0 балл.

5.3. Лойиҳани MS Power Point да бажарилган тақдимотини баҳолаш

	Баҳолаш мезони	Баҳолаш кўрсаткичлари
1.	Лойиҳа тақдмоти бўйича йўриқномага расмий риоя этиш	Йўриқнома изчиллиги бўлса, энг юқори 2,5 балл
2.	Слайдларни техник намоиш этиш йўриқномасига риоя этиш	Тақдимот тайёрлашда йўриқномага риоя этилган бўлса, энг юқори 3,0 балл
3.	Тақдимотни расмийлаштириш қоидасига риоя этиш	Тақдимотни расмийлаштириш қоидасига риоя этилган бўлса, энг юқори 1,5 балл

Энг юқори – 7 балл.

5.4. Бажарилган лойиҳанинг оғзаки тақдимоти ва бажарилган лойиҳа ҳимоясини баҳолаш

	Баҳолаш мезони	Баҳолаш кўрсаткичлари
1.	Оғзаки тақдимот қоидасига расмий риоя этиш	Лойиҳа иштирокчисини таништириш билан бошланиши; сўзга чиқувчини белгиланган вақтга риоя этишлари (7 – 15 мин.) ҳамда тақдимот вақтида беодобсизлик ҳолатларига йўл қўйилмасликлари, энг юқори 2,0 балл

2.	Лойиҳа ҳимояси	Тақдимотда иштирок этган якка фаолият учун жавоблар асосланган, мукамал, аниқ бўлса, энг юқори 3 балл
----	----------------	---

Энг юқори – 5 балл.

5.5. Лойиҳадаги ютуқларни ўзи баҳолаши учун анкета

Ф.И.Ш. _____

Ўқув гуруҳи _____

1.Куйидаги баҳолаш мезонларидан фойдаланиб, ўзингизнинг лойиҳадаги ютуқларингизни баҳоланг: 2 балл – тўлиқ эгаллаганман; 1 балл – қисман эгаллаганман; 0 балл – билмайман.

Билимлар, малакалар, кўникмалар, қобилиятлар	Лойиҳанинг бошланиши	Лойиҳанинг тугалланиши
1	2	3
1. Лойиҳалаштиришнинг умумлаштирилган алгоритмини бажариш қобилияти:		
- ғояни илғари суриш,		
- муаммони ажратиб кўрсатиш,		
- мақсадларни белгилаш ва уларни ҳал қилиш вазифаларини ифодалаш;		
- вазифаларни ҳал этишнинг оптимал усуллари ва воситаларини асослаб танлашнинг амалга оширилиши;		
- лойиҳа топшириғини ишлаб чиқиш;		
- ишни режалаштириш ва лойиҳадаги вазифаларни тақсимлаш;		
- натижаларни расмийлаштириш; фаолият натижаларининг ижтимоий тақдимотини ўтказиш (маъруза шаклидаги оғзаки ва техник ҳамда дастурий воситалардан фойдаланиб кўргазмали);		
- бажарилган иш ҳақидаги ёзма ҳисоботни тайёрлаш;		
- ўзини ўзи баҳолаш ва рефлексияни амалга ошириш.		
1	2	3
2. Ҳамкорлик қилишга тайёрлик қобилияти:		
- самарали ҳаракатни амалга ошириш;		
- низоларни куч ишлатмасдан тартибга солиш;		
- компромисс илаш ва консенсусга эришиш.		
3. Оғзаки мулоқот қилишга тайёрлик қобилияти		
- оғзаки диалог ва полилог юритиш;		
- танқидий муҳокама юритиш: бошқалар фикрини тинглаш ва эътиборга олиш; ўз фикрини билдириш ва уни далиллаб, ҳимоя қилиш.		
4.Замонавий техника воситаларини эгаллаганлик:		
компьютерни;		
факсни;		
принтерни;		
модемни;		
ксероксни.		
5. Ахборот ва коммуникациянинг замонавий техника воситаларини эгаллаганлик:		

- электрон почтани,		
Интернетни.		
6. Ахборотларни излаш, улар билан ишлаш, қабул қилиш, жорий этиш, ўзгартириш, сақлаш, етказиш ва тақдим қилишнинг техник ва дастурий воситаларини эгаллаганлик.		
7. Ахборот билан ишлаш:		
- ахборотларни каталоглар бўйича топиш,		
- ахборотларни контекстга қараб излаш, гиперматнни ва Интернетда излаш;		
- ахборотларни тузилмалаш, асосийсини ажратиш.		
- ахборотларни график шаклда тақдим этиш.		
7. Қуйидагиларга тайёрлик қобилияти:		
- ўз қарорларини қабул қилиш ва ўз зиммасига масъулият олиш;		
- турли ижтимоий роллар: етакчи, ижрочи ва бошқалар ролларини бажариш;		
ташаббусни ўз қўлига олиш;		
- ўзини ўзи интизомга солиб туриш;		
- ўз кучларига ишониш.		

2. Ўзингизнинг лойиҳадаги фаолиятингиз натижаларини баҳолаш ва таҳлил қилинг:

1. Сизга лойиҳа топшириғини муваффақиятли бажаришга нима ёрдам берди (кераклисининг тагига чизинг, қўшимча қилинг): билимлар, малакалар, қобилиятлар, бошқалар ёрдами, ўқитувчининг маслаҳатли ёрдами,

2. Сизнинг айбингизга кўра нима бажарилмай қолди? Бунинг сабаблари (кераклисининг тагига чизинг, қўшимча қилинг): тушунмаслик, қила билмаслик, ахборот камлиги,

3. Сиз нимани объектив сабабга кўра бажара олмадингиз, у нимадан иборат эди ва келгусида мағлубиятларни қандай қилиб бартараф қилиш мумкин?

4. Агар ҳаммаси муваффақиятли якунланган бўлса, бунинг гарови нимада эди?

5.6. Ўқув лойиҳавий фаолиятни рейтинг баҳолаш жадвали

талаба _____ гуруҳ _____

Баҳолаш мезонлари	Баҳолаш кўрсаткичлари					
	мазмунли фаоллик (макс. балл __)	вақтида бажарилган лик (макс. балл __)	ишнинг унумлилиг и (макс. балл __)	баҳо (балл)		
				ўз- ўзини баҳола ш	гуруҳ лар	ўқитувчи
Лойиҳанинг мақсади ва вазифаларини аниқлаш, уни бажариш усуллари ва воситаларини аниқлаш						
Ишни режалаштириш		-	-			
Алоҳида (индивидуал) вазифани бажариш						
Маҳсулотни расмийлаштириш	-	-				
Ҳисобот тайёрлаш	-	-				
Тақдимот тайёрлаш	-	-				
Тақдимот ва ҳимоя		-	-			
Жами ---балл						
Якуний --- балл				Рейтинг баҳолаш -		

ТАЪЛИМНИНГ ТЕХНОЛОГИК ҲАРИТАСИ

Таълим шакли. Иш босқичи	Фаолият	
	ўқитувчиники	талабаларники
<i>Аудитория иши: тайёргарлик босқичи</i>		
1. Ўқув машғулотига кириш	Машғулот мавзуси ва мақсадини айтади, талабаларнинг прогноз қилинадиган ўқув ютуқлари рўйхатини маълум қилади; ўқув машғулотидаги иш тартиби ва хусусиятлари, ўқув натижаларини баҳолаш кўрсаткичлари ва мезонлари билан таништиради	

<p>2. Асосий босқич</p>	<p>Лойиха фаолияти мазмуни ва унинг бўлғуси мутахассиснинг асосий ваколатларини шакллантиришга таъсири билан таништиради.</p> <p>Талабаларнинг лойиха мавзуси бўйича билимларини долзарблаштиради: блиц-сўровнома ўтказади ёки савол-жавобли шаклни қўллайди. (1-илова)</p> <p>Мавзуларни таклиф қилади, лойихалар мазмуни ҳақида ҳикоя қилади, улар доираларини ифодалайди, ишлар турларини айтади, уларнинг натижаларини маълум қилади.</p> <p>Якка тартибда мавзуни танлашни таклиф қилади</p>	<p>Мавзуни танлаш ҳақида умумий қарорни қабул қилади</p>
	<p>Эвристик суҳбат орқали муаммони ўртага қўяди: муаммоли вазиятни баён қилади ва талабаларни зиддиятларни аниқлаш ҳамда уларни ҳал қилиш зарурлигини билишга, муам-мони ва лойиха мавзусини ифодалашга ундайдиган саволлар қўяди</p> <p>Талабаларнинг лойиха мақсади ва унинг вазифаларини ифодалашни бўйича мунозара ёки фикрий ҳужум уюштиради.</p> <p>Унинг кутиладиган натижаси – маҳсулот ва унинг тахминий фойдала нувчиларини ифодалайди</p>	<p>Саволларга жавоб беришади; зиддиятни аниқлашади, уларни ҳал қилиш зарурлигини билишади; муаммони ва лойиха мавзусини ифодалашади</p> <p>Лойиха мақсади ва унинг вазифаларини ифодалашади.</p>
	<p>(талабаларга ифодалашни таклиф қилади)</p>	<p>Лойиха натижаси – маҳсулот ва унинг тахминий фойдаланувчиларини белгилашади</p>
	<p>Лойиха топшириғини қўяди.</p> <p>Талабаларнинг унинг билан танишиши ва тушунишини уюштиради.</p> <p>Ахборот манбалари, уни йиғиш ва таҳлил этиш усулларини тавсия қилади.</p> <p>Лойиха фаолияти натижалари ва умуман жараёни баҳолаш русумлари ва мезонлари билан таништиради</p>	<p>Лойиха топшириғи билан танишишади.</p> <p>Саволлар беришади</p>

	Талабаларнинг лойиҳа устида ишлаш шаклини танлашини ташкил қилади.	Лойиҳа устида ишлаш шаклини танлайди.
	<p>Лойиҳа иши учун топшириқ беради:</p> <ul style="list-style-type: none"> - лойиҳадаги вазифалар ва фаолият турларини ажратиш; - лойиҳа фаолияти алгоритмини ишлаб чиқиш; - лойиҳа вазифаларини бажариш, унинг натижаларини ифодалаш ва тақдимот усуллари ва воситаларини танлаш; - ишчи режасини тузиш 	<p>Лойиҳа фаолиятини лойиҳалаштириш ва режалаштириш бўйича ишни ташкил этади: лойиҳани бажариш йўналишлари ва босқичларини белгилашади, унинг натижаларини ифодалаш ва тақдимот усуллари ва воситаларини танлайди.</p> <p>Лойиҳа ишларининг ишчи режасини вазифалар, уларни бажариш муддатлари, тайёр маҳсулот турини ва масъуللари кўрсатиб тузади</p>
3. Якунловчи-баҳолаш босқичи	<p>Лойиҳа топшириғи устидаги ишнинг асосий натижаларини белгилаш ва лойиҳа фаолиятини режалаштириш бўйича хулоса чиқаради.</p> <p>Талаба эътиборини лойиҳа ишлари мазмунига ва лойиҳанинг ижро босқичида уларни бажариш графигига қаратади.</p> <p>Саволларга жавоб беради</p>	Саволлар беради
<i>Аудиториядан ташиқари иш: ижро босқичи</i>		

1.Лойиҳанинг бажарилиши. 2.Натижаларнинг ифодаланиши. 3.Ҳисобот тузилиши. 4.Тақдимот тайёрланиши	Маслаҳат беради, талаба ишини мувофиқлаштиради, улар фаолиятини рағбатлантиради, кузатади, ахборот манбаларини излашда ёрдам беради, ўзи ахборот манбаи бўлади, лойиҳа ишлари мониторинги ва назоратини амалга оширади	Индивидуал асосда ишни бажаришади. Фаол ва мустақил ишлайди: - турли манбалардан ахборот йиғади, таҳлил этади ва умумлаштиради; - тадқиқотлар ўтказади, -заруратга қараб маслаҳатлашишади; Лойиҳа маҳсулотини ифодалайди. Ҳисобот тузади. Лойиҳадаги ютуқларнинг ўзини-ўзи баҳолаш анкеталарини тўлдиришади. Лойиҳа иши натижалари тақдимотини расмийлаштиради
Аудитория иши: якунловчи босқич		
1.Ўқув машғулотига кириш	Лойиҳалар тақдимотига кўрсатма беради: талабанинг бажарилган лойиҳаларни тақдим этиши регламенти ва изчиллигини белгилайди. Баҳолаш мезонлари ва кўрсаткичларини эслатади. Ўзаро баҳолаш жадвалларини тарқатади	
2.Асосий босқич	Тақдимот бошланишини эълон қилади. Ҳар бир талаба тақдимоти якунлари бўйича: - мазмун бўйича аниқловчи аниқ мақсадга қаратилган саволлар беради; - курсдошлар саволларига жавоблар вақтида қувватлайди ва рағбатлантиради	Талаба ўз иши натижалари ҳақида маъруза қилади ва уларни белгиланган шаклда тақдим этади. Саволларга жавоб беради
	Талабанинг лойиҳа тақдимоти муҳокамаси ва баҳолашни уюштиради	Якка бўлиб муҳокама қилиш орқали: тақдимот, олинган маҳсулот, лойиҳа фаолияти натижаларини баҳоланади
	Талаба билан бирга лойиҳа устидаги иш жараёни ва якунларини муҳокама қилади, ўз мулоҳазаларини назорат билан билдиради, агар зарур бўлса, айрим талабанинг ютуқлари ва хатолари ҳақида ўз фикрини индивидуал билдиради	
3. Якунловчи-баҳолаш босқичи	Лойиҳа фаолиятининг асосий натижаларини аниқлаш бўйича хулоса чиқаради.	Натижалар, жараён, ўзининг ундаги иштироки бошқалар баҳоларини ҳисобга олиб ўзи

	<p>Бажарилган ишнинг бўлғуси профессионал фаолият учун муҳимлигига эътиборни қаратади.</p> <p>Талаба фаолияти, лойиҳа топшириғи устидаги индивидуал иш натижаларига баҳо беради. Ўзаро баҳолашга яқун ясайди.</p> <p>Лойиҳа ва лойиҳали таълим мақсадига эришиш даражасини таҳлил этади ва баҳолайди.</p> <p>Саволларга жавоб беради</p>	баҳолайди
--	--	-----------

1-илова

Блиц-сўровнома

1. Иқтисодий тизимларга тавсиф беринг ва афзаллик томонларини санаб беринг?
2. Бозор иқтисодиётига ўтишда интенсив ва экстенсив усуллар самараси қандай аниқланади?
3. Бозор иқтисодиётининг афзалликлари нимада?
4. Ўзбекистон Республикасининг бозор иқтисодиётига ўтиш тамойилларини тавсифлаб беринг?
5. Бозор муносабатларини шакллантиришдан мақсад нимада?
6. Бозор иқтисодиётида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни рағбатлантириш сиёсати қандай кечмоқда?
7. Бозор инфратузилмалари самарадорлиги кўрсаткичлари қандай аниқланади?

Назорат саволлари

Вариант №1

1. Институционал назариялар пайдо бўлиши ва ривожланиши. Таянч иборалар: Т.Вебел, Ж.Р. Коммоис, У. Митчелл, Ж. Гобсонларнинг назариялари.
 2. Институционализмнинг асосий хусусиятлари. Таянч иборалар: Институт, жамият, давлат, оила.
 3. Институционализм назариясининг ривожланиш давлари. Таянч иборалар: Иқтисодий назария, классик, неоклассик, ижтимоий-институционал йўналиш.
- Тузувчи: ўқитувчи Ш.Махмудов

Вариант №2

1. Институт асосий тушуча сифатида. Таянч иборалар: Жамият, шахс, мулкчилик, қоида, назария, меъёр.
 2. Институтлар ва қоидалар. Таянч иборалар: Шартнома, мулкчилик, фирма, янги иқтисодий тарих, янги сиёсий иқтисодиёт назариялар.
 3. Трансакция харажатларининг иқтисодий таърифи. Таянч иборалар: Мулкчилик, эркинлик ҳуқуқи, манфаат, битим.
- Тузувчи: ўқитувчи Ш.Махмудов

Вариант №3

1. Трансакция харажатларини таснифлаш. Таянч иборалар: Ресурсларни бошқариш, қўлам харажатлари, ахборот харажатлари.
2. Мулкчилик ҳуқуқларини иқтисодий асослаш. Таянч иборалар: Эгалик қилиш, бошқариш, тассаруф этиш.
3. Мулкчилик ҳуқуқларини тафсирлашга нисбатан ёндашувлар. Таянч иборалар: Фойдаланиш, даромад олиш, муддатсизлик.

Тузувчи: ўқитувчи Ш.Махмудов
Вариант №4

1. Инглиз-саксония ва рум-немис ҳуқуқий анъаналари. Таянч иборалар: Даромад олиш, истеъмол, чеклаш, ҳуқуқ.
2. Оптимал шартнома назарияси. Таянч иборалар: Ҳуқуқ, шартнома, иқтисодий агент, хошиш.
3. Шартнома тушунчаси. Таянч иборалар: Мажбурият, иштирокчи, томонлар, тартибга солиш.

«Тузувчи: ўқитувчи Ш.Махмудов

Вариант №5

1. Шартномалар турлари: классик ва неоклассик. Таянч иборалар: Микдор давомийлик, мазмун, тенглик, суғурта, тўлиқ.
2. Ташкилотда ҳоқимият муносабатлари. Таянч иборалар: ваколат, шартнома муносабатлари, бошқариш.
3. Фирманинг таркибий тузилиши. Таянч иборалар: Бозор, ресурслар, солиқ, қарор, ишлаб чиқариш кўлами.

Тузувчи: ўқитувчи Ш.Махмудов

Вариант №6

1. Принципал ва агент ўзаро муносабатлари муаммоси. Таянч иборалар: Ҳаракат, назорат, мажбурият, иштирокчилар.
2. Фирмалар типологияси. Таянч иборалар: Тузилиш, таркибий ўзгариш, функция, маданият, агентлар.
3. Фирмани ривожлантириш траекторияси. Таянч иборалар: Бозор, муҳит, сиёсат, меъёрлар, қоида.

Тузувчи: ўқитувчи Ш.Махмудов

Вариант №7

1. Фирмаларнинг асосий хиллари. Таянч иборалар: Буйруқбозлик иқтисодиётида ҳаракат қилуши корхона, Америка фирмаси, Япония фирмаси, ротация тамойили, контрагентлар, ўтиш хилдаги корхона, режани бошқариш.
2. Ташкилотларнинг умумий хусусиятлари. Таянч иборалар: Тасисчи, устав жамғарма, фаолият юритиш, фойда олиш.
3. Ташкилотда менежмент тизими ва унинг бошқа тизимлар билан боғлиқлиги. Таянч иборалар: Менежер, тизим, горизонтал меҳнат тақсимоти, вертикал меҳнат тақсимоти, бошқарувнинг зарурлиги.

Тузувчи: ўқитувчи Ш.Махмудов

Вариант №8

1. Ташкилотларнинг турли хил кўринишлари. Таянч иборалар: Корпорация, консорциум, технопарк, технополис.
2. Ташкилот ички муҳитининг моҳияти ва мазмуни. Таянч иборалар: вазият, ички омил, мақсад, вазифа, технология.
3. Ташкилотнинг ташқи муҳити. Таянч иборалар: Ташқи бозор, рақобат, вазият, айрибошлаш.

Тузувчи: ўқитувчи Ш.Махмудов

Вариант №9

1. Ташкилот ташқи муҳитининг моҳияти ва мазмуни. Таянч иборалар: Материаллар, меҳнат ресурслари ва капитал таъминотчилари.
2. Режа ва бозор институтлари. Таянч иборалар: Институт, муносабатлар, меъёрлар, индивидлар, битимлар, тизим.

3. Иқтисодиёт конститутцияларининг шаклланиши. Таянч иборалар: Иқтисодиёт, ресурс, бозор конститутцияси.

Тузувчи:

ўқитувчи Ш.Махмудов

Вариант №10

1. Буйруқбозлик иқтисодиёти меъёрлари. Таянч иборалар: Буйруқбозлик иқтисодиёти, тенденциялар, истеъмол, манфаат.
2. Бозор конститутцияси меъёрлари. Таянч иборалар: Битим, мураккаб утилизим, рақобат, рационал мақсад, тўлиқ рационаллик, эмпатия.
3. Мулкчилик ҳуқуқларининг иқтисодий назарияси. Таянч иборалар: Қонун, меъёр, ҳуқуқ, даҳсизлик.

Тузувчи:

ўқитувчи Ш.Махмудов

Вариант №11

1. Мулкчилик ҳуқуқларини иқтисодий асослаш. Таянч иборалар: Эгалик қилиш, бошқариш, тассаруф этиш.
2. Мулкчилик ҳуқуқларини тафсирлашга нисбатан ёндашувлар. Таянч иборалар: Фойдаланиш, даромад олиш, муддатсизлик.
3. Оптимал шартнома назарияси. Таянч иборалар: Ҳуқуқ, шартнома, иқтисодий агент, хоҳиш.

Тузувчи:

ўқитувчи Ш.Махмудов

Вариант №12

1. Шартнома тушунчаси. Таянч иборалар: Мажбурият, иштирокчи, томонлар, тартибга солиш.
2. Шартномалар турлари: классик ва неоклассик. Таянч иборалар: Микдор давомийлик, мазмун, тенглик, сўғурта, тўлиқ.
3. Ташкилотда ҳокимият муносабатлари. Таянч иборалар: ваколат, шартнома мусоабатлари, бошқариш.

Тузувчи:

ўқитувчи Ш.Махмудов

Вариант №13

1. Фирманинг таркибий тузилиши. Таянч иборалар: Бозор, ресурслар, солиқ, қарор, ишлаб чиқариш кўлами.
2. Принципал ва агент ўзаро муносабатлари муаммоси. Таянч иборалар: Ҳаракат, назорат, мажбурият, иштирокчилар.
3. Фирмалар типологияси. Таянч иборалар: Тузилиш, таркибий ўзгариш, функция, маданият, агентлар.

Тузувчи:

ўқитувчи Ш.Махмудов

Вариант №14

1. Фирмани ривожлантириш траекторияси. Таянч иборалар: Бозор, муҳит, сиёсат, меъёрлар, қоида.
2. Ташкилотнинг асосий тушунчалари. Таянч иборалар: Ҳуқуқий шахс, мустақил, мол-мулк, истеъмолчи.
3. Ташкилотларнинг умумий хусусиятлари. Таянч иборалар: Тасисчи, устав жамғарма, фаолият юритиш, фойда олиш.

Тузувчи:

ўқитувчи Ш.Махмудов

Вариант №15

1. Ташкилотда менежмент тизими ва унинг бошқа тизимлар билан боғлиқлиги. Таянч иборалар: Менежер, тизим, горизонтал меҳнат тақсимоти, вертикал меҳнат тақсимоти, бошқарувнинг зарурлиги.
2. Ташкилот ички муҳитининг асосий таркибий қисмлари. Таянч иборалар: Ҳаракат, имконият, стандартлаштириш ва механизация, конвейер йиғув линиялари, оммавий ёки йирик серияли ишлаб чиқариш.
3. Ички муҳит таркибий қисмларининг ўзаро боғлиқлиги. Таянч иборалар: Кўп бўғинли технологиялар, воситачи технологиялар, интенсив технология.

Тузувчи: ўқитувчи Ш.Махмудов

Вариант №16

1. Ташкилотнинг ташқи муҳити. Таянч иборалар: Ташқи бозор, рақобат, вазият, айрибошлаш.
2. Ташкилот ташқи муҳитининг моҳияти ва мазмуни. Таянч иборалар: Материаллар, меҳнат ресурслари ва капитал таъминотчилари.
3. Режа ва бозор институтлари. Таянч иборалар: Институт, муносабатлар, меъёрлар, индивидлар, битимлар, тизим.

Тузувчи: ўқитувчи Ш.Махмудов

Вариант №17

1. Иқтисодиёт конститутцияларининг шаклланиши. Таянч иборалар: Иқтисодиёт, ресурс, бозор конститутцияси.
2. Мулкчилик ҳуқуқларини иқтисодий асослаш. Таянч иборалар: Қонун, ҳуқуқ, муносабат, фойдаланиш, манфаатдорлик, ресурслардан фойдаланиш.
3. Мулкчилик ҳуқуқларини характеристикаси. Таянч иборалар: Ҳуқуқий анъаналар, дедукция, прецедент, даъвогар, фойдаланиш, муддат, даъво.фуқаролик ҳуқуқи, кодекс.

Тузувчи: ўқитувчи Ш.Махмудов

Вариант №18

1. Фирманинг ички тузилмаси. Таянч иборалар: Унитар, холдин, мультидивизионал, аралаш.
2. Фирмалар типологияси. Таянч иборалар: Тузилиш, таркибий ўзгариш, функция, маданият, агентлар.
3. Ташкилот менежментнинг асосий объекти сифатида. Таянч иборалар: Бошқарув, қарор, вазият, ахборот, структура, назорат, корхона, иқтисодий конъюнктура.

Тузувчи: ўқитувчи Ш.Махмудов

Вариант №19

1. Ташкилотнинг асосий тушунчалари. Таянч иборалар: Ҳуқуқий шахс, мустақил, мол-мулк, истеъмолчи.
2. Ташкилотларнинг умумий хусусиятлари. Таянч иборалар: Тасисчи, устав жамғарма, фаолият юритиш, фойда олиш.
3. Фирмани ривожлантириш траекторияси. Таянч иборалар: Бозор, муҳит, сиёсат, меъёрлар, қоида.

Тузувчи: ўқитувчи Ш.Махмудов

Вариант №20

1. Фирмаларнинг асосий хиллари. Таянч иборалар: Буйруқбозлик иқтисодиётида ҳаракат қилуши корхона, контрагентлар, ўтиш хилдаги корхона, режани бошқариш.

2. Хуфиёна иқтисодиёт. Таянч иборалар: Қонундан бош тортиш, ҳуқуқ доирасидан ташқари, буюрократия.
3. Хуфёна иқтисодиёт фаолиятининг оқибатлари. Таянч иборалар: расмий, норасмий, ҳукмронлик, чеклаш, зулм.

Тузувчи:

ўқитувчи Ш.Махмудов

Вариант №21

1. Фирмани ривожлантириш траекторияси. Таянч иборалар: Бозор, муҳит, сиёсат, меъёрлар, қоида.
2. Ташкилотнинг асосий тушунчалари. Таянч иборалар: Ҳуқуқий шахс, мустақил, мол-мулк, истеъмолчи.
3. Ташкилотларнинг умумий хусусиятлари. Таянч иборалар: Тасисчи, устав жамғарма, фаолият юритиш, фойда олиш.

Тузувчи:

ўқитувчи Ш.Махмудов

Вариант №22

1. Ташкилотда менежмент тизими ва унинг бошқа тизимлар билан боғлиқлиги. Таянч иборалар: Менежер, тизим, горизонтал меҳнат тақсимоти, вертикал меҳнат тақсимоти, бошқарувнинг зарурлиги.
2. Ташкилот ички муҳитининг асосий таркибий қисмлари. Таянч иборалар: Ҳаракат, имконият, стандартлаштириш ва механизация, конвейер йиғув линиялари, оммавий ёки йирик серияли ишлаб чиқариш.
3. Ички муҳит таркибий қисмларининг ўзаро боғлиқлиги. Таянч иборалар: Кўп бўғинли технологиялар, воситачи технологиялар, интенсив технология.

Тузувчи:

ўқитувчи Ш.Махмудов

Вариант №23

1. Ташкилотнинг ташқи муҳити. Таянч иборалар: Ташқи бозор, рақобат, вазият, айрибошлаш.
2. Ташкилот ташқи муҳитининг моҳияти ва мазмуни. Таянч иборалар: Материаллар, меҳнат ресурслари ва капитал таъминотчилари.
3. Режа ва бозор институтлари. Таянч иборалар: Институт, муносабатлар, меъёрлар, индивидлар, битимлар, тизим.

Тузувчи:

ўқитувчи Ш.Махмудов

Вариант №24

1. Иқтисодиёт конститутцияларининг шаклланиши. Таянч иборалар: Иқтисодиёт, ресурс, бозор конститутцияси.
2. Буйруқбозлик иқтисодиёти меъёрлари. Таянч иборалар: Буйруқбозлик иқтисодиёти, тенденциялар, истеъмол, манфаат.
3. Мулкчилик ҳуқуқларини характеристикаси. Таянч иборалар: Ҳуқуқий анъаналар, дедукция, прецедент, даъвогар, фойдаланиш, муддат, даъво.фуқаролик ҳуқуқи, кодекс.

Тузувчи:

ўқитувчи Ш.Махмудов

Вариант №25

1. Мулкчилик ҳуқуқларининг иқтисодий назарияси. Таянч иборалар: Қонун, меъёр, ҳуқуқ, даҳсизлик.
2. Мулкчилик ҳуқуқларини иқтисодий асослаш. Таянч иборалар: Эгалик қилиш, бошқариш, тассаруф этиш.
3. Мулкчилик ҳуқуқлар тўплами сифатида. Таянч иборалар: Хусусий, тўлиқсиз, хўжалик юритиш, фойдаланиш.

Тузувчи:

Ўқитувчи Ш.Махмудов

Вариант №26

1. Мулкчилик ҳуқуқлари тутами тушунчаси. Таянч иборалар: Ваколат, хусусий ижтимоий, шартнома, давлат мулки. умумий мулк, комунал мулк.
2. Шартномалар турлари: классик ва неоклассик. Таянч иборалар: Микдор давомийлик, мазмун, тенглик, сугурта, тўлик.
3. Ташкилотлар назарияси. Таянч иборалар: Назорат, ҳокимият, мотивация, чегара.

«Тузувчи:

Ўқитувчи Ш.Махмудов

Вариант №27

1. Институтлар ва ташкилотлар. Таянч иборалар: Иқтисодий, маънавий, ҳуқуқий, меъёр, мақом.
2. Ташкилотда ҳокимият муносабатлари. Таянч иборалар: ваколат, шартнома мусосабатлари, бошқариш.
3. Принципал-агент муаммоларини ҳал этиш вариантлари. Таянч иборалар: Рақобат, муқфат, унумдорлик, шартнома, меҳнат тақсимоти.

Тузувчи:

Ўқитувчи Ш.Махмудов

Вариант №28

1. Фирманинг ички тузилмаси. Таянч иборалар: Унитар, холдин, мультидивизионал, аралаш.
2. Фирмалар типологияси. Таянч иборалар: Тузилиш, таркибий ўзгариш, функция, маданият, агентлар.
3. Ташкилот менежментнинг асосий объекти сифатида. Таянч иборалар: Бошқарув, қарор, вазият, ахборот, структура, назорат, корхона, иқтисодий конъюнктура.

Тузувчи:

Ўқитувчи Ш.Махмудов

Вариант №29

1. Ташкилотнинг асосий тушунчалари. Таянч иборалар: Ҳуқуқий шахс, мустақил, мол-мулк, истеъмолчи.
2. Ташкилотларнинг умумий хусусиятлари. Таянч иборалар: Тасисчи, устав жамғарма, фаолият юритиш, фойда олиш.
3. Ташкилот ички муҳитининг моҳияти ва мазмуни. Таянч иборалар: Вазият, ички омил, мақсад, вазифа, технология.

Тузувчи:

Ўқитувчи Ш.Махмудов

Вариант №30

1. Ташкилот ички муҳитининг асосий таркибий қисмлари. Таянч иборалар: Ҳаракат, имконият, стандартлаштириш ва механизация, конвейер йиғув линиялари, оммавий ёки йирик серияли ишлаб чиқариш.
2. Ички муҳит таркибий қисмларининг ўзаро боғлиқлиги. Таянч иборалар: Кўп бўғинли технологиялар, воситачи технологиялар, интенсив технология.
3. Ташқи муҳитдаги бевосита ва билвосита таъсир кўрсатувчи омиллар. Таянч иборалар: Қонунлар ва давлат органлари, истеъмолчилар, рақобатчилар.

Тузувчи:

Ўқитувчи Ш.Махмудов

ИНФОРМАЦИОН УСЛУБИЙТАЪМИНОТ

Асосий адабиётлар

№	Муаллиф, адабиёт номи, тури, нашриёт, йили, хажми	Кутубхонада мавжуд нусхаси
1	Б.Б.Беркинов. Институционал иқтисодиёт: ўқув қўлланма. – Т.: YANGI NASHR, 2011. – 248 б.	
2	Институциональная экономика: новая институциональная экономическая теория: учебник./ Под общей ред. д.э.н., проф. А.А.Аузана. – М.: ИНФРА – 2006. – 416 с.	
3	Институциональная экономика: Учебник. / Под общ. ред. А.Олейника. – М.: ИНФРА – М, 2007. – 704 с.	
4	Р.А.Агабекян, Г.А. Баядурян. Институциональная экономика: бизнес и занятость: Учебн. пособие. – М.: Магистр, 2008. – 462 с.	
5	О.С. Сухарев. Институциональная экономика: теория и практика / О.С.Сухарев; Ин-т экономики РАН. – М.: Наука, 2008. – 863 с.	

Қўшимча адабиётлар

1	Ш.М.Мирзиёев. Буюк келажигимизни олижаноб халқимиз билан бирга қураимиз. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017. – 186 б.	
2	Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2017 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2018 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларга бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси – Т.: “Ўқитувчи” ТДИУ, 2017. – 282 б.	
3	И.А.Каримов. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузаси. - Т.: Ўзбекистон, 2010. – 56 б.	
4	Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси. – Т.: Ўзбекистон, 2011. – 48 б.	
5	А.Н.Елисеев, И.Е. Шульга Институциональный анализ интеллектуальной собственности: Учеб. пособие. – М.: ИНФРА – М, 2005. – 192 с.	
6	В.Л. Тамбовцев Экономическая теория институциональных изменений. – М.: ТЕИС, 2005. – 542 с.	
7	А.Некипелов Становление и функционирование экономических институтов: от «робинзонады» до рыночной экономики, основанной на индивидуальном производстве. – М.: Экономист, 2006. – 328 с.	
8	Курс институциональной экономики [текст]: задачник: в 4 ч. / под ред. Е.А.Подколзиной, М.М.Юдкевич; Гос. ун-т – Высшая школа экономики. – 2-е изд. – М.: Изд. дом ГУ ВШЭ, 2009. – 254 с.	

ИНТЕРНЕТ САЙТЛАРИ:

1. «Ўзбекистон иқтисодиёти» ахборот ва таҳлилий шарҳининг ўзбек, рус ва инглиз тилларидаги электрон нусхаси қуйидаги веб-саҳифада берилган:
2. www.cer.uz.
3. <http://www.lex.uz>.
4. www.nalog.uz
5. www.lex.uz
6. <http://www.imf.org>.
7. <http://www.bank.uz>.
8. www.economyta-culty.uz – Экономика Узбекистана
9. Новости Узбекистана – www.uzreport.com
10. Информация, инновации, инвестиции – 2017 – <http://www.informika.ru/text/exhibit/papers/2017/c11-3.doc>

Хорижий адабиётлар:

1. International Journal of Accounting 51 (2016) 155–216. Available online at www.sciencedirect.com.
2. Journal of Accounting Research Vol. 54 No. 1 March 2016 Printed in U.S.A. <http://research.chicagobooth.edu>
3. Journal of Accounting and Economics <http://www.journals.elsevier.com>
4. Asia-Pacific Journal of Accounting & Economics <http://www.cb.cityu.edu.hk>
5. Becker LS. Property rights: philosophical foundations. — Cambridge, 1977. P. 21.
6. Alchian A., Demsetz H. The property rights paradigm // Journal of Economic History 1973. M. 33. № 1. P. 17.

МУСТАҚИЛ ИШЛАРНИ ТАШКИЛ ЭТИШ, НАЗОРАТ ҚИЛИШ ВА БАҲОЛАШ БЎЙИЧА

УСЛУБИЙ КЎРСАТМА

КИРИШ

“Институционал иқтисодиёт. Ижтимоий соҳа иқтисодиёти” фанидан талаба мустақил ишининг мақсади, ўқитувчининг раҳбарлиги ва назорати остида талабада муайян ўқув ишларини мустақил равишда бажариш учун зарур бўлган билим ва кўникмаларни шакллантириш ва ривожлантиришдир. Мустақил иш айрим назарий мавзуларни ўқув адабиётлари ёрдамида мустақил ўзлаштириш, берилган мавзу бўйича реферат тайёрлаш, кейс-стадиялар тайёрлашда иштирок этиш, илмий мақолалар ёзиш, анжуманларга тезислар тайёрлаш, берилган мавзулар бўйича компьютер дастурларида тақдимотлар тайёрлаш шаклида ташкил этилади.

“Институционал иқтисодиёт. Ижтимоий соҳа иқтисодиёти” фанидан талаба мустақил ишини ўқитувчининг раҳбарлиги ва назорати остида олиб борилади ва талабада муайян ўқув ишларини мустақил равишда бажариш учун зарур бўлган билим ва кўникмаларни шакллантиради ва ривожлантиради. Мустақил ишни айрим назарий мавзулари ўқув адабиётлари ёрдамида мустақил ўзлаштириш, берилган мавзу бўйича реферат тайёрлаш, кейс-стадиялар тайёрлашда иштирок этиш, илмий мақолалар ёзиш, анжуманларга тезислар тайёрлаш, берилган мавзулар бўйича компьютер дастурларида тақдимотлар тайёрлаш шаклида ташкил этилади.

Ушбу мутақил иш топшириқлари Олий ва Ўрта махсус таълим Вазирлигининг 34-сонли (21.02.05) буйруғига ва ГулДУда ишлаб чиқилган махсус Низомга асосан ишлаб чиқилган. У 36 соатга мўлжалланган. Мустақил ишнинг мақсади талабаларда муайян ўқув ишларини мустақил равишда бажариш учун зарур бўлган билим ва кўникмаларни шакллантириш ва ривожлантиришдан иборат.

Талаба мустақил ишининг вазифалари қуйидагилардан иборат:

- Янги билимларни мустақил ўзлаштириш;
- Керакли маълумотларни излаб топиш;
- Ахборот манбаларидан самарали фойдаланиш;
- Ўқув ва илмий адабиётлар билан ишлаш;
- ИНТЕРНЕТ тармоғидан фойдаланиш;
- Маълумотлар базасини таҳлил қилиш;
- Иш натижаларини экспертизага тайёрлаш;
- Топшириқларни бажаришда тизимли ва ижодий ёндашиш;
- Ишлаб чиқилган ғоя ва таклифларни ҳимоя қилиш.

Ушбу мақсад ва вазифалардан келиб чиққан ҳолда, **“Институционал иқтисодиёт.Ижтимоий соҳа иқтисодиёти”** фанидан ўқув услубий мажмуада берилган мавзулар бўйича 16 та мустақил иш топшириқлари тузилди ва талабалар эътиборига тавсия этилмоқда.

“Институционал иқтисодиёт.Ижтимоий соҳа иқтисодиёти” фанидан бажариладиган талабанинг мустақил иш топшириқлари баллик тизим асосида баҳоланади.

Талабалар мустақил иши мазмуни

т/р	Мавзулар ва топшириқлар мазмуни	Ажратилган вақт (соат)	Информацион-услубий таъминот	Бажарилиш муддати
1	“Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили” Давлат дастуридан ўрин олган иқтисодий-ижтимоий масалалар таҳлили ва уларнинг ижроси.	6	[A1, 36-37; A3,56-57; A1,248-249]	1-хафта
2	Президент Шавкат Мирзиёевнинг маърузаларида 2017-2021 йиллар учун мамлакатимизда ҳал этилиши лозим бўлган устувор йўналишлар. (Ҳаракатлар стратегияси)	6	[A5,48; A8,56-57]	2-хафта
3	Институционал назариялар пайдо бўлиши ва ривожланиши.	4	[A6,48; A3,704]	3-хафта
4	Институционализмнинг асосий хусусиятлари.	2	[A1, 250; A8,57; A3,775]	4-хафта
5	Институционализм назариясининг ривожланиш давлари.	4	[A6, 36; A1,225]	5-хафта
6	Институционализмнинг учта асосий йўналишларининг шаклланиши.	6	[A1, 230; A3,650]	6-хафта
7	Институт тушунчаси ва	4	[A6, 27; A1,176]	7-хафта

	уларнинг асосий тавсифи.			
8	Институтлар ва қоидалар.	4	[A3, 189; A5, 64]	8-хафта
9	Институтлар типологияси.	4	[A7, 22-23; A3, 335-340]	9-хафта
10	Трансакция харажатлари.	4	[A34, 48-49; A59,6-7, A37 15-17]	10-хафта
11	Трансакция харажатларининг иқтисодий таърифи.	2	[A60, 416; A67, 591]	11-хафта
12	Трансакция харажатларини таснифлаш.	4	[A45, 220-230; A61,175-176]	12-хафта
13	Трансакция харажатлари ва институтлар.	4	[A7, 282; A8, 46]	13-хафта
14	Мулкчилик ҳуқуқларининг иқтисодий назарияси.	6	[A37, 20; A63, 384]	14-хафта
15	Республикаларда ижтимоий ислохотларнинг бориши ва унинг ўзига хос хусусиятлари	6	[A5,48; A8,56-57]	15-хафта
16	Инсон капитали иқтисодий ўсишнинг омили сифатида	5	[A7, 97-105, ЎҚ 62, 69-74, Т37, 157-168]	16-хафта
	Жами:	71		

ГЛОССАРИЙЛАР

Атаманинг ўзбек тилидаги номланиши	Атаманинг инглиз тилидаги номланиши	Атаманинг рус тилидаги номланиши	Атаманинг маъноси
Бозор конституцияси	Market constitution	Рыночная конституция	бозорда битимларни амалга ошириш ва унда мувозанатга эришиш имконини берувчи хатти-ҳаракатларнинг ўзаро шартланган нормалари йиғиндисини ташкил этади.
Ижтимоий танлов назарияси	Social choice theory	Теория социального выбора	бу улар ёрдамида инсонлар ҳукумат муассасаларидан ўз манфаатлари йўлида фойдаланадиган турли усулларни ўрганувчи назария.

Институт	Institut	Институт	инсонлар томонидан барпо этиладиган ва ўзаро ҳамкорликни таркибловчи сиёсий, иқтисодий ҳамда ижтимоий меъёрлар ва қоидалар.
Институционал матрица	Institutional math	Институциональная матрица	бу тарихан барқарор шаклланган, дастлабки давлатларнинг пайдо бўлишини ва барча кейинги институционал тузилмаларнинг ривожланишини белгилаб берган, ўз навбатида, моҳияти ҳамон сақланиб қолган бирламчи моделни такрор яратишга хизмат қилувчи базавий ижтимоий институтлар тизими.
Институционал тузоқ	Institutional trap	Институциональная ловушка	ўзини ўзи қўллаб-қувватловчи хусусиятга эга бўлган самарасиз барқарор норма (самарасиз институт).
Коуз теоремаси	Couz theory	Теорема Коуза	агар мулк ҳуқуқи аниқ тафсирланган бўлса, яъни хўжалик юритувчи субъектлар ҳуқуқларининг чегаралари аниқ белгиланган бўлса ва ижро этилса, у ҳолда томонлар ўртасидаги ушбу мулкдан фойдаланишдан етказилган зарарлар бўйича ихтилофли масалани учинчи томон (давлат)ни жалб қилмаган ҳолда ҳал этиш мумкин бўлади, чунки мазкур ҳолатда трансакция харажатлари кам бўлади.
Лоббизм	Lobby	Лоббизм	давлат ҳокимиятининг қонун чиқарувчи ва ижро этувчи органларига мақсадли таъсир кўрсатиш йўли билан алоҳида ташкилотлар ва турли жамоатчилик гуруҳлари манфаатларини

			амалга оширишнинг алоҳида тизими ва амалиёти.
Норма	Norma	Норма	институционал муҳитда индивидларнинг ўз танловини амалга оширишда фойдаланиладиган асосий унсур ҳисобланади.
Трансакция харажатлари	Transaction costs	Трансакционные издержки	бу ишлаб чиқариш жараёни билан бағлиқ бўлмаган харажатлар, хусусан ахборотни йиғиш ва қайта ишлаш харажатлари, мунозараларни ўтказиш ва қарорлар қабул қилиш харажатлари, шартномаларнинг бажарилишини назорат қилиш ва ҳуқуқий ҳимоялаш харажатлари.
Трансформацион харажатлар	Transformation costs	Трансформационные издержки	иқтисодий тизимдаги эски институтларни тугатиш, янги институтларни шакллантириш (ёки импорт қилиш) ва мослаштириш билан боғлиқ харажатлар.
Уй ҳўжалиги	housekeeping	Домашние хозяйства	бу инсон капиталини ишлаб чиқаришнинг умумий вазифалари, яшаш, бюджет ва оила-қариндошчилик алоқалари билан бирлашган кишилар гуруҳидир
Хуфёна иқтисодиёт	Illegal economy	Нелегальная экономика	унда иқтисодий фаолият қонун доирасидан ташқарида амалга ошириладиган, яъни битимлар қонундан, ҳўжалик турмушининг ҳуқуқий меъёрлари ва расмана қоидаларидан фойдаланилмаган ҳолда амалга ошириладиган соҳа. Хуфёна иқтисодиёт қуйидаги учта унсурдан таркиб топади:

Шартнома	agreement	Договор	<p>белгаланган институционал доираларда шахсларнинг онгли равишда ва эркин танлаши натижаси ҳисобланган мулкчилик ҳуқуқлари билан алмашиш ва уларни ҳимоялаш тўғрисидаги келишув</p>
Шартномавий давлат	Agreement country	Договорное государство	<p>бу фақат унга фуқаролар томонидан топширилган ҳуқуқлар доирасида ва уларнинг манфаатлари йўлида куч ишлатиш монополиясидан фойдаланувчи давлат, фуқаролар эса солиқларни тўлашга мажбурийат деб эмас, балки ўз зиммасига ихтиёрий равишда олинган бурч сифатида қарайди.</p>
Эксплуататорлик давлати	Exploitation country	Эксплуататорское государство	<p>ўз даромадини (солиқ тушумларини), аниқроғи, - давлат аппаратини назорат қилувчи гуруҳнинг даромадини ошириш учун мажбур қилиш монополиясидан фойдаланади.</p>
Экстреал вазиятлар	Ecsternal situation	Эктреальные ситуации	<p>мулк ҳуқуқини қайта тақсимлашни қонуннинг қабул қилиниши натижасида зарар кўрган томонларни ҳуфёна ҳаракат қилишга ундайдиган ҳолат.</p>
Зарарсизлик нуқтаси	Unloss point	Точка безубыточности	<p>корхона савда фаолиятидан келадиган соф даромад суммаси унинг доимий ва ўзгарувчан муомала харажатлари умумий суммасига тенг бўлгандаги товар сотиш ҳажми.</p>

Диверсификация	diversification	Диверсификация	корхонанинг фаолият сохалари ва ишлаб чиқарадиган маҳсулот турларининг кенгайиши.
Хисоб-китобларнинг пулсиз шакли	Uncash calculation	Безналичная форма расчётов	бартер алмашуви, ўзаро ҳисоб-китоб (клиринг) схемалари, шунингдек нотижорат йўли билан кредитлашнинг барча турлари (шу жумладан, тўламасликлар).
Унификация	Unification	Унификация	турли хилдаги маҳсулотлар, деталлар, узеллар ва бошқа қўлланиладиган материаллар ва технологик жараёнларни рационал жиҳатдан бир хиллигини таъминлаш.
Фирма	firm	Фирма	товар ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатиш мақсадида иқтисодий ресурсларнинг ишлатувчи ташкилотдир. Мулк эгасининг тавсифига кўра қўйидаги турдаги фирмалар мавжуд: давлат, хусусий тадбиркорлик ва капиталистик фирмалар, ҳар бир очик ҳолда улар хўжалик фаолиятининг асосий мақсади - қолдиқ даромад мулк эгасининг, барча тўловлар амалга оширганда кейинги даромадини кўпайтириш, киритилган капиталдан олинадиган фойдани ошириш ва меҳнатдан келадиغان даромадни юксалтиришдан иборатдир.

IV. ИЛОВАЛАР

Фан дастури

КИРИШ

Институционал иктисодиёт - бу иктисодий назария ва ҳужалик амалиётини институционал узгаришларнинг узаро боғлиқлигида урганувчи замонавий иктисодий фикрларнинг илмий йуналишларидан биридир. Ушбу йуналиш Гарб мамлакатлари иктисодиёти ривожланиши, талаб ва таклиф конунларининг ишлаши, ҳужалик юритувчи субъектларнинг ҳулк-атвори, бозор ва маъмурий механизмларнинг фаолият курсатиши, иктисодий усиш ва шу каби бошка бир катор жараёнлар ва ходисаларни урганишда кенг тадбик этиб келинмокда.

Бугунги кунда иктисодий ислохотларни янада чуқурлаштириш, иктисодиётни модернизациялаш жараёнлари амалга оширилмокда. Шуларни ҳисобга олганда жамиятда руй берадиган иктисодий конунларни билиш ва уларнинг амал килишига онгли муносабатда булишда, мамлакатни демократлаштириш ва иктисодиётни бозор тамойиллари асосида ислох килиш жараёнлари мохиятини тушуниш учун зарур булган билимларни беришда “Институционал иктисодиёт” фанининг роли бекиёсдир.

Шу боис институционал мухитни фаоллаштириш, фаолият курсатаётган иктисодиётни билиш ва уни ривожлантириш конуниятларини белгилашнинг самарали воситаси зарур. Ана шундай восита булиб интитуционал иктисодиёт назарияси ҳисобланади.

Ватанимиз тараккиётини юксалтириш, халкимиз фаровонлигини ошириш юзасидан белгилаб берган мамлакатни модернизация килиш, кичик тадбиркорликни фаол ривожлантириш, аҳоли турмуш сифатини юксалтириш йуналишларини изчил амалда ижросини таъминлаш масалаларини хал этишда “Институционал иктисодиёт” фанининг назарий ва амалий воситалари алоҳида урин тутади.

Фаннинг мақсад ва вазифалари

Фанни уқитишдан мақсад - талабаларда институционал иктисодиётининг шаклланиши ва ривожланишининг ҳам назарий, ҳам амалий томонларини, иктисодиёт субъектлари фаолиятини урганиш усуллари буйича билим, қуникма ва малакаларини шакллантиришдан иборат.

Фаннинг вазифалари - талабаларга иктисодиётда институтлар тизими ривожланиши, мулк ҳуқуқдари, улар шакллари фаолиятига таъсир килувчи омилларни, давлат ва уй ҳужалиги каби институтларни, институционал ислохотларни таҳлил килиш асосида ҳулосалар чиқаришни ургатишдан иборат.

Фан бўйича талабаларнинг билнм, қўникма ва малакаларига қўйиладиган талаблар

“Институционал иктисодиёт” фанини узлаштириш жараёнида бакалавр:

- институтлар тушунчаси;
- институционализм моҳияти ва тамойиллари;
- институтлар ва уларнинг иктисодиётдаги роли;
- режали ва бозор иктисодиёт институтлари асосий қонунлари;
- трансакциялар ва трансакцион харажатлари аҳамияти;
- институционал ислохотлар мақсади, вазифалари ва ҳуқуқий асослари;
- шартнома(контракт) тушуинчаси ва унинг асосий шартлари;
- бозор, фирма ва хуфёна иктисодиётнинг келиб чиқиши сабаблари ҳақида *тасаввурга эга бўлиши*;
- институционал назариянинг пайдо бўлиши ва унинг концепцияларини;
- институтлар тизими ва уйинлар назариясини;
- мулк ҳуқуқларини таснифланиш белгиларини;
- хуфёна фаолиятнинг келиб чиқиш сабабларини;
- мақсадлари ва амал қилиш соҳалари, оқибатларини;
- институтлар фаолиятининг расмий ва норасмий қоидаларини;
- институционал ислохотлар босқичларини;
- корпоратив тизимларини ва улар гуруҳларининг узига хос хусусилари, устунликларини;
- хуфёна иктисодиётнинг келиб чиқиш сабаблари ва оқибатларини *билиши ваулардан фойдалана олиши*;
- иктисодиётда жорий этилган институтлар тизими;
- улар фаолиятининг расмий ва норасмий меъёрларини таққослаш;
- трансакция харажатларини классификациялаш ва улар курсаткичларини таҳлил қилиш;
- шартнома(контракт) таркиби ва уларнинг асосий курсаткичларни баҳолаш ва ташкилий тузилмаларни таҳлил қилиш;
- давлат ва фирма фаолиятининг расмий ва норасмий меъёрларини шакллантириш бўйича *қуникмаларига эга бўлиши керак*.

Фаннинг ўқув режадаги бошқа фанлар билан ўзаро боғлиқлиги ва услубий жиҳатдан узвийлиги

“Институционал иктисодиёт” фани танлов фанлар мажмуасига тааллуқли бўлиб, талабалар уни V-семестрда урганишади. Бу дастурни амалда бажариш учун талабалар иктисодиёт назариясидан етарлича маълумотларга эга бўлишлари лозим. “Институционал иктисодиёт” фани “Макроиктисодиёт”, “Минтакавий иктисодиёт”, “Микроиктисодиёт”, “Макроиктисодий таҳлил ва прогнозлаш”, “Статистика”, “Эҳтимоллар назарияси”, “Қорхона иктисодиёти” ва бошқа фанларини урганишда асос бўлиб хизмат қилади.

Фаннинг ишлаб чиқаришдаги ўрни

Институционал ислохотларни таҳлил қилиш аввало, миллий иктисодиётда амалга ошириладиган ижтимоий-иктисодий муаммоларни комплекс равишда ҳал этишни тизимли механизмини шакллантириш услубларини, қолаверса, қабул қилинадиган номаларни (ҳуқуқий асослар) бозорда вужудга келадиган узгаришларга тезда мослаштириш,

истеъмолчиларга табакали ёндашиш, ракобатбардош иктисодиётни яратишда халқаро нормаларга амал қилиш асосида бозор ислохотларини амалга ошириш ва урганиш ҳамда башорат қилиш имконини беради. Шу сабабли ҳам институционал иктисодиёт фани давлат ва нодавлат институтлари томонидан институционал сиёсатни амалга ошириш, иктисодиётни тартибга солиш учун илмий-назарий асос бўлиб ҳисобланади.

Фанни ўқитишда замонавий ахборот ва педагогик технологиялар

Талабаларнинг “Институционал иктисодиёт” фанини узлаштиришлари учун ўқитишнинг илгор ва замонавий усулларида фойдаланиш, янги информацион-педагогик технологияларни татбиқ этиш муҳим аҳамиятга эгадир. Фанни узлаштиришда дарслик, ўқув ва услубий қўлланмалар, маъруза матнлари, таркатма материаллар, электрон материаллар, виртуал стендлар ва макетлардан фойдаланилади.

АСОСИЙ ҚИСМ

“Институционал иктисодиёт” фанининг предмети ва мазмуни, таърифлари (4соат)

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг “2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади” номли маърузаларидан келиб чиққан ҳолда, фаннинг мақсади ва вазифаси. Институционал назарияларнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши тарихи. Институционализмнинг методологик асослари ва институционал таҳлилда бошланғич нуқта масаласи. Неоинституционал назариянинг асосий йўналишлари. Институционал иктисодиётнинг ривожланиш хусусиятлари

Институтлар ва уларнинг жамият ривожланишидаги роли (4соат)

“Мустаҳкам оила йили” Давлат дастуридан ўрин олган ижтимоий-иқтисодий масалалар. “Институт” ва “норма” тушунчаларининг моҳияти. Расмий ва норасмий нормалар ва уларнинг шаклланиши. Институционал матрица. Институционал ўзгаришлар ва институтларнинг ўзаро боғлиқлиги.

Ўйинлар назарияси ва ўзаро ҳамкорликларни моделлаштириш (6соат)

Ўйинлар назариясининг асосий тушунчалари. Мувозанатлар турлари ва уларни қидириш йўллари. Ўйинлар назарияси таянч моделларининг таснифи.

Режа ва бозор институтлари (6соат)

Иқтисодиёт конституцияларининг шаклланиши. Буйруқбозлик иқтисодиёти нормалари. Бозор конституцияси нормалари. Мулкчилик ҳуқуқларини иқтисодий асослаш

Трансакция ва трансформация харажатлари ҳамда уларни таҳлил қилишга нисбатан ёндашувлар (6соат)

Трансакция харажатлари ва уларни таҳлил қилишга нисбатан Коуз-Уильямсон ёндашуви. Трансформация харажатлари ва уларни таҳлил қилишга нисбатан Норт ёндашуви. Трансакция харажатларини оптималлаштириш тажрибаси

Хуфёна иқтисодиёт (6соат)

Хуфёна иқтисодиётнинг келиб чиқиши сабаблари. Хуфёна иқтисодиёт турларининг таснифи ва уни баҳолашга нисбатан ёндашувлар. Хуфёна бозор институционал тизим сифатида. Жаҳонда хуфёна иқтисодиёт

Шартномалар назарияси (6соат)

Шартнома тушунчаси. Сотиш тўғрисидаги шартнома ва ёллаш тўғрисидаги шартнома. Шартномаларнинг хиллари. Ташкилот тушунчаси ва институт билан ташкилот ўртасидаги чегара. Қишлоқ хўжалигида шартнома муносабатлари

Фирма назарияси

«Принципал» билан «агент» ўртасидаги ўзаро муносабатлар муаммоси. «Принципал-агент» муаммоларини ҳал этиш вариантлари. Фирманинг ички тузилмаси. Фирмалар типологияси ва уларнинг ривожланиш траекторияси. Фирмаларнинг асосий хиллари.

Ташкилотни амалий таҳлил қилиш назариялари (6соат)

Трансакция харажатларининг ординалистик назарияси асосида ташкилий тузилмаларни амалий таҳлил қилиш. Фирманинг баланси унинг таркиби тўғрисидаги ахборот манбаи сифатида. Фирма ичидаги низоларни таҳлил қилиш ва уларни келишувлар назарияси асосида ҳал этиш

Давлат институционал ташкилот сифатида (6соат)

Давлатнинг функциялари. Давлатнинг институционал табиати. Давлатнинг моҳияти ва унинг таърифи. Давлатнинг шартномавий ва эксплуататорлик концепцияси. Давлатнинг «муваффақиятсизликлари».

Уй хўжалиги ва унинг хиллари (4соат)

Уй хўжалиги иқтисодиёт субъекти сифатида. Уй хўжалиги фаолият кўрсатишида мутаассибликнинг роли. Уй хўжалигининг хиллари.

Дастурнинг ахборот-услубий таъминоти

Мазкур фанни ўқитиш жараёнида таълимнинг замонавий илгор интерфаол усулларида, педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларининг презентация (такдимот), мултимедиа ва электро-дидактик технологиялардан фойдаланилади. Амалий машғулотларда ақлий хужум, блиц-сўров, гуруҳ билан ишлаш, инсерт, такдимот, кейс-стади каби усул ва техникалардан кенг фойдаланилади.

Фойдаланадиган адабиётлар рўйхати:

Асосий адабиётлар

1. Б.Б.Беркинов. Институционал иқтисодиёт: ўқув қўлланма. – Т.: YANGI NASHR, 2011. – 248 б.
2. Институциональная экономика: новая институциональная экономическая теория: учебник./ Под общей ред. д.э.н., проф. А.А.Аузана. – М.: ИНФРА – 2006. – 416 с.
3. Институциональная экономика: Учебник. / Под общ. ред. А.Олейника. – М.: ИНФРА – М, 2007. – 704 с.
4. Р.А.Агабекян, Г.А. Баядурян. Институциональная экономика: бизнес и занятость: Учебн. пособие. – М.: Магистр, 2008. – 462 с.
5. О.С. Сухарев. Институциональная экономика: теория и практика / О.С.Сухарев; Ин-т экономики РАН. – М.: Наука, 2008. – 863 с.

Қўшимча адабиётлар

1. И.А.Каримов. 2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади. – Т.: “Ўзбекистон”, 2012. – 36 б.
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримовнинг 2011 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2012 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларга бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги “2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади” мавзусидаги маърузасини ўрганиш бўйича ўқув қўлланма. – Т.: “Ўқитувчи” НМИУ, 2012. – 282 б.
3. И.А.Каримов. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузаси. - Т.: Ўзбекистон, 2010. – 56 б.
4. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси. – Т.: Ўзбекистон, 2011. – 48 б.
5. А.Н.Елисеев, И.Е. Шульга Институциональный анализ интеллектуальной собственности: Учеб. пособие. – М.: ИНФРА – М, 2005. – 192 с.
6. В.Л. Тамбовцев Экономическая теория институциональных изменений. – М.: ТЕИС, 2005. – 542 с.
7. А.Некипелов Становление и функционирование экономических институтов: от «робинзонады» до рыночной экономики, основанной на индивидуальном производстве. – М.: Экономист, 2006. – 328 с.
8. Курс институциональной экономики [текст]: задачник: в 4 ч. / под ред. Е.А.Подколзиной, М.М.Юдкевич; Гос. ун-т – Высшая школа экономики. – 2-е изд. – М.: Изд. дом ГУ ВШЭ, 2009. – 254 с.

Интернет сайтлари

11. «Ўзбекистон иқтисодиёти» ахборот ва таҳлилий шарҳининг ўзбек, рус ва инглиз тилларидаги электрон нусхаси куйидаги веб-саҳифада берилган:
 12. www.cer.uz.
 13. www.lex.uz.
 14. www.nalog.uz
 15. www.imf.org.
 16. www.bank.uz.
5. Ҳалқаро муносабатлар. www.uwed.uz.
6. Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар. Илмий-электрон журнал. www.iqtisodiyot.uz.
7. Экономическое обозрение. www.cer.uz.

ИШЧИ ЎҚУВ ДАСТУРИ
Фандан ўтиладиган мавзулар ва улар бўйича машғулоти турларига ажратилган
соатларнинг тақсими

№		Аудитория соатлари				Мустақил иш	Жами
		Жами	Шу жумладан:				
	Мавзу		Маъруза	Амалий (семинар)	Лаборатория		
7-семестр							
1	“Институционал иқтисодиёт. Ижтимоий соҳа иқтисодиёти” фанининг предмети ва мазмуни, тамойиллари	4	4	4	-	5	9
2	Институтлар ва уларнинг жамият ривожланишидаги роли	4	4	4	-	6	10
3	Ўйинлар назарияси ва ўзаро ҳамкорликларни моделлаштириш	4	4	4	-	6	10
4	Режа ва бозор институтлари	4	4	4	-	6	10
5	Трансакция ва трансформация харажатлари ҳамда уларни таҳлил қилишга нисбатан ёндашувлар	4	4	4	-	6	10
6	Хуфёна иқтисодиёт	6	6	6	-	6	12
7	Мулк ҳуқуқлари назарияси ва мулкчилик шакллари ривожланишининг эволюцияси	6	6	6	-	6	12
8	Шартномалар назарияси	4	4	4	-	6	10
9	Фирма назарияси	4	4	4	-	6	10
10	Ташкилотни амалий таҳлил қилиш назарияси	4	4	4	-	6	10
11	Фирманинг ташкилий-ҳуқуқий шаклини таҳлил қилиш	6	6	6	-	6	12
12	Давлат институционал ташкилот сифатида	4	4	4	-	6	10
	Жами 7-семестр	108	54	54		71	179
8-семестр							
13	Давлатлар хиллари	8	4	4	-	6	14

14	Уй хўжалиги ва унинг хиллари	8	4	4	-	6	14
15	Ижтимоий соҳанинг роли, моҳияти ва хусусиятлари	8	4	4		6	14
16	Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида ижтимоий бошқаришда давлатнинг роли	8	4	4		6	14
17	Ижтимоий соҳада баҳолар ва субсидиялар. Жамият турмуш фаровонлиги назарияси ва даромадларнинг табақаланиши	8	4	4		6	14
18	Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида коммунал хўжалик тармоғи иқтисодиёти	8	4	4		6	14
19	Аҳолига маиший хизмат кўрсатишни ривожлантириш	8	4	4		6	14
20	Бозор ислохотларини чуқурлаштириш шароитида таълим тизимини тартибга солиш	8	4	4		6	14
21	Олий ва ўрта махсус таълимни ривожланиши	8	4	4		6	14
22	Тиббий хизмат кўрсатишни ривожлантириш	8	4	4		6	14
23	Туризм соҳаси иқтисодиёти	8	4	4		6	14
24	Аҳолини ижтимоий ҳимоялаш асослари	8	4	4		6	14
25	Ижтимоий таъминот ва нафақа таъминоти	8	4	4		4	12
26	Ижтимоий суғурта ва хайрия жамғармалари	8	4	4		4	12
27	Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида меҳнат бозори ва бандлик муаммолари	12	6	6		6	18
28	Инсоний капитал – миллий иқтисодиёт рақобатбардошлигини оширишнинг ижтимоий омиллари сифатида	8	4	4		4	12
	Жами 8-семестр	132	66	66	0	90	222
	Хаммаси	186	120	120	0	161	401

Мавзулар ва кўриладиган асосий масалалар

№	М А В З У	К Ў Р И Л А Д И Г А Н М А С А Л А Л А Р	Информацион - услубий таъминот
1.	“Институционал иқтисодиёт” фанининг предмети ва мазмуни, тамойиллари	Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг маърузаларидан келиб чиққан ҳолда, фаннинг мақсади ва вазифаси. Институционал назарияларнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши тарихи. Институционализмнинг методологик асослари ва институционал таҳлилда бошланғич нукта масаласи. Неоинституционал назариянинг асосий йўналишлари. Институционал иқтисодиётнинг ривожланиш хусусиятлари	[A1, 36-37; A3,56-57; A1,248-249]
2.	Институтлар ва уларнинг жамият ривожланишидаги роли	“Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили” Давлат дастуридан ўрин олган ижтимоий-иқтисодий масалалар. “Институт” ва “норма” тушунчаларининг моҳияти. Расмий ва норасмий нормалар ва уларнинг шаклланиши. Институционал матрица. Институционал ўзгаришлар ва институтларнинг ўзаро боғлиқлиги.	[A5,48; A8,56-57]
3.	Ўйинлар назарияси ва ўзаро ҳамкорликларни моделлаштириш	Ўйинлар назариясининг асосий тушунчалари. Мувозанатлар турлари ва уларни қидириш йўллари. Ўйинлар назарияси таянч моделларининг таснифи	[A6,48; A3,704]
4.	Режа ва бозор институтлари	Иқтисодиёт конституцияларининг шаклланиши. Буйруқбозлик иқтисодиёти нормалари. Бозор конституцияси нормалари. Мулкчилик ҳуқуқларини иқтисодий асослаш	[A1, 250; A8,57; A3,775]
5.	Трансакция ва трансформация харажатлари ҳамда уларни таҳлил қилишга нисбатан ёндашувлар	Трансакция харажатлари ва уларни таҳлил қилишга нисбатан Коуз-Уильямсон ёндашуви. Трансформация харажатлари ва уларни таҳлил қилишга нисбатан Норт ёндашуви. Трансакция харажатларини оптималлаштириш тажрибаси	[A6, 36; A1,225]
6.	Хуфёна иқтисодиёт	Хуфёна иқтисодиётнинг келиб чиқиши сабаблари. Хуфёна иқтисодиёт турларининг таснифи ва уни баҳолашга нисбатан ёндашувлар. Хуфёна бозор институционал тизим сифатида. Жаҳонда хуфёна иқтисодиёт	[A1, 230; A3,650]
7	Мулк ҳуқуқлари назарияси ва мулкчилик шакллари ривожланишининг эволюцияси	Мулк ҳуқуқлари назариясининг асосий қоидалари. Мулкчилик таърифларининг таҳлили. Мулкчилик муносабатларини амалга оширишнинг тарихий шакллари. Мулккий ҳуқуқлар Мулккий ҳуқуқлар тақсмотининг таҳлили	[A6, 27; A1,176]
8	Шартномалар назарияси	Шартнома тушунчаси. Сотиш тўғрисидаги шартнома ва ёллаш тўғрисидаги шартнома. Шартномаларнинг хиллари. Ташкилот тушунчаси ва институт билан ташкилот ўртасидаги чегара. Қишлоқ хўжалигида шартнома муносабатлари	[A3, 189; A5, 64]
9	Фирма назарияси	«Принципал» билан «агент» ўртасидаги ўзаро муносабатлар муаммоси. «Принципал-агент» муаммоларини ҳал этиш вариантлари. Фирманинг ички тузилмаси. Фирмалар типологияси ва уларнинг ривожланиш траекторияси. Фирмаларнинг асосий хиллари	[A7, 22-23; A3, 335-340]
10	Ташкилотни амалий таҳлил қилиш назариялари	Трансакция харажатларининг ординалистик назарияси асосида ташкилий тузилмаларни амалий таҳлил қилиш. Фирманинг баланси унинг таркиби тўғрисидаги ахборот манбаи сифатида. Фирма ичидаги низоларни таҳлил қилиш ва уларни келишувлар назарияси асосида ҳал этиш	[A34, 48-49; A59,6-7, A37 15-17]
11	Фирманинг ташкилий-ҳуқуқий	Мулккий ҳуқуқларнинг тавсифланиши. Ташкилий-ҳуқуқий шаклни танлаш мезонлари. Ташкилий-ҳуқуқий шакл	[A60, 416; A67, 591]

	шаклини таҳлил қилиш	фирманинг стратегияси ҳақидаги ахборот манбаси сифатида.	
12	Давлат институционал ташкилот сифатида	Давлатнинг функциялари. Давлатнинг институционал табиати. Давлатнинг моҳияти ва унинг таърифи. Давлатнинг шартномавий ва эксплуататорлик концепцияси. Давлатнинг «муваффақиятсизликлари»	[A45, 220-230; A61,175-176]
13	Давлатлар хиллари	Давлат ва «принципал-агент» муаммоси. «Шартномавий» давлат тушунчаси. «Эксплуататорлик» давлати тушунчаси. Давлат хусусиятини баҳолаш усуллари ва мезонлари. Коррупция муаммоси	[A7, 282; A8, 46]
14	Уй ҳўжалиги ва унинг хиллари	Уй ҳўжалиги иқтисодиёт субъекти сифатида. Уй ҳўжалиги фаолият кўрсатишида мутаассибликнинг роли. Уй ҳўжалигининг хиллари	[A37, 20; A63, 384]
15	Ижтимоий соҳанинг роли, моҳияти ва хусусиятлари	Ижтимоий соҳанинг роли, моҳияти ва хусусиятлари. Ижтимоий сиёсатнинг тушунчаси, унинг таркибий қисмлари. Ўзбекистонда олиб борилаётган ижтимоий сиёсатнинг мақсади ва асосий мазмуни, ижтимоий-иқтисодий ривожланишни ижтимоий йўналтириш зарурияти. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида Ўзбекистонда ижтимоий соҳаникривожлантириш. Ижтимоий соҳага хос хусусиятлари. Хизматларга бўлган эҳтиёжни аниқлаш хусусиятлари. Эҳтиёжлар тури. Ижтимоий соҳа тармоқларида меҳнат ва асосий фондларнинг хусусиятлари. Ижтимоий соҳа тармоқларида меҳнатни режалаштиришда қўлланиладиган кўрсаткичлар. Ижтимоий соҳа корхоналарининг моддий-техника базаси тушунча.	[A7, 8-17,ЎҚ 61, 5-3, ЎҚ62, 5-22]
16	Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида ижтимоий бошқаришда давлатнинг роли	Ижтимоий соҳанинг асосий тармоқларида давлат ва бозорнинг роли. Ўзбекистон аҳолисини ҳимоя қилиш ва ижтимоий тизимни ривожлантириш. Аҳолини ҳимоялаш тизимини яратиш босқичлари ва йўналишлари. Ижтимоий соҳанинг асосий тармоқларида жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида давлат ва бозор механизмининг роли. Бозор механизми ва давлат бошқарувининг бириктирилиши ва такомиллаштирилиши. Республикада ижтимоий соҳани молиялаштириш. Ижтимоий соҳани молиялаштириш тизимининг асосий бўғинлари. Солиқ механизми ва ижтимоий соҳа. Ижтимоий соҳаниқ молиялаштиришда жамоат ташкилотлари ва ижтимоий фондлар. Ижтимоий соҳа тармоқларини ривожланишида ҳомийликнинг роли.	[A7, 71-88,ЎҚ 60, 63-93, T37, 43-72]
17	Ижтимоий соҳада баҳолар ва субсидиялар. Жамият турмуш фаровонлиги назарияси ва даромадларнинг табақаланиши	Ижтимоий соҳада баҳоларнинг роли. Ижтимоий соҳани тартибга солишда нобаҳо воситаларининг аҳамияти. Ижтимоий ва маҳаллий неъматларни бир-бирига солиштириш зарурияти. Чегараланган ижтимоий харажатлар чегараланган ижтимоий даромадлар билан солиштирилиши. Табiiй монополия ва мукамал рақобат шароитида ижтимоий соҳа хизматларига баҳоларни ташкил қилиш. Ташқи (экстернал) самарани баҳоларда трансформация қилиш. Ташқи (экстернал) самараларни нотижорат секторида ишлаб чиқариладиган товар ва хизматларни баҳоларга трансформация этиш учун баҳолаш механизмини қўллаш. Солиққа тортиш механизмини функциялари. Солиқ тизимини тамойиллари: соддалик, ошқоралик, эгилувчанлик, самарадорлик ва ҳаққонийлик. Лаффер эгри чизиғи. Ташқи самаранинг солиқлар орқали салбий ҳисоби. Талаб томонидан ва таклиф томонидан бериладиган субсидиялар. Талаб эластик ва ноэластик ҳолатларида билвосита солиқларнинг хизматларга бўлган талабга таъсири. Жамият бойлигини аниқлашда ҳар хил	[A7, 88-95,A3, 35-63, A4, 23-57]

		ёндошувлар. Ишлаб чиқариш томонидан ёндашув ва фойдалилик ёндашувлар. Адам Смит томонидан ишлаб чиқилган ёндашув. А.Маршал назарияси. И.Бентам томонидан ишлаб чиқилган жамият бойлиги назарияси. Парето ҳаққонийлик вазияти. Турмуш фаровонлиги назариясида аҳоли даромадларини тақсимлаш концепциялари, уларнинг моҳияти.	
18	Жаҳон молиявий-иктисодий инқирози шароитида коммунал хўжалик тармоғи иқтисодиёти	<p>Уй-жой коммунал хўжалик таркиби. Республика аҳолисини турмуш самарадорлигини оширишда уй-жой, коммунал хўжалиги хизматининг ўрни. Жаҳон молиявий-иктисодий инқирози шароитида уй-жой коммунал хўжаликни ривожланишига таъсир этадиган омиллар. Ўзбекистон Республикасида уй-жой, коммунал хўжалик тармоғини бошқариш тизими. Бу тармоқни ривожланишини тартибга солишда маҳаллий ҳокимият органлари ролининг ўсиши. Уй-жой, коммунал хўжалик тармоғини молиялаштириш тизими, маҳаллий бюджетларнинг аҳамияти. Уй-жой хўжалигини иқтисодиёти. Бу хўжаликни тартибда солишда қўлланиладиган кўрсаткичлар. Коммунал корхоналар иқтисодиёти. Уй-жой коммунал хўжалигини тартибга солишда қўлланиладиган кўрсаткичлар. Сув хўжалигини тартибга солишда қўлланиладиган натура, меҳнат, қиймат кўрсаткичлари. Истеъмолчиларга сотиладиган сув ҳажмини аниқлаш услуги. Сув хўжаликлари даромадлари ва харажатларининг аниқланиши.</p> <p>Шаҳар электр транспорти ривожланишининг индектив режаси ҳисоб-китобларида қўлланиладиган кўрсаткичлар: транспорт тармоқлари узунлиги, ташиладиган пассажирлар сони, техник иқтисодий кўрсаткичлар.</p> <p>Газ билан таъминлашда қўлланиладиган кўрсаткичлар ҳисоб-китоблари: газлаштирилган квартиралар сони, шаҳар ва қишлоқлардаги газ тармоқларининг узунлиги, истемолчиларга сотиладиган газнинг ҳажми. Корхоналарнинг даромадлари, харажатлари ва рентабеллиги.</p> <p>Уй-жой, коммунал хўжалиги корхоналарининг режаларида молиявий кўрсаткичлар тизими.</p>	[А7, 118-127, ЎҚ 60, 95-113, Т37, 127-152]
19	Аҳолига маиший хизмат кўрсатишни ривожлантириш. Аҳолига маиший хизмат кўрсатиш тармоғининг аҳамияти	<p>Шу тармоқни ривожлантириш зарурияти. Аҳолига маиший хизмат кўрсатиш доирасига кирадиган тармоқлар. Ўзбекистонда маиший хизмат кўрсатиш тармоғини ривожлантиришнинг иқтисодий таҳлили. Маҳаллий маиший хизмат корхоналарида рақобат муҳитини яратиш. Маиший хизмат тармоғининг барқарор ривожланиш вазифалари.</p> <p>Ўзбекистон маиший хизмат соҳасига бозор иқтисодиётининг таъсири. Бу соҳаларда хизмат жойларини хусусийлаштириш жараёни таҳлили. Мулкчилик турлари бўйича аҳолига пуллик хизматларнинг тақсимоли. Ўзбекистон Республикасида аҳолига маиший хизмат кўрсатиш тармоғини бошқариш тизими. Шу тармоқнинг моддий-техника базаси хусусиятлари.</p> <p>Аҳолига маиший хизмат кўрсатиш тармоғини тартибга солишда қўлланиладиган кўрсаткичлар тизими.</p> <p>Ўзбекистонда аҳолига маиший хизмат кўрсатиш тармоғини ривожлантиришда мавжуд муаммолар. Шу тармоқ фаолиятининг самарадорлигини ва хизматлар сифатини ошириш йўллари.</p>	[А7, 38-42, ЎҚ 45, 35-43, Т39, 43-67]
20	Бозор ислохотларини чуқурлаштириш	Кадрларни тайёрлаш миллий дастури ва уни қабул қилиш зарурияти, мақсади ва вазифалари. Дастурни амалга	[А7, 58-65, ЎҚ

	шароитида таълим тизимини тартибга солиш. Халқ таълимнинг ривожланиши	ошириш босқичлари. Умумий таълимни молиялаштириш манбаълари. Нобюджет манбаларидан фойдаланиш имкониятлари. Таълим муассасаларини молиялаштиришда маҳаллий бюджетнинг роли. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълимни ривожлантириш таҳлили. Таълимда янги педагогик технологияларни татбиқ этиш зарурияти. Педагогик кадрларни малакасини ошириш вазифалари. Умумий таълимни тартибга солишда қўлланиладиган асосий кўрсаткичлар: ўқувчиларнинг сони, ўқувчиларнинг биринчи ва тўққизинчи синфларга қабул қилиниши, педагогик ўқитувчиларнинг сони, синфларнинг сони, умумий таълим муассасаларининг моддий техника базаси. Ушбу кўрсаткичларни ҳисоблаш услубияти.	45, 35-43, Т38, 103-112]
21	Олий ва ўрта махсус таълимни ривожланиши	Олий ўқув таълими ривожланиши вазифалари. Республикада бакалавр ва магистрларни тайёрлаш ҳолати. Ахборот – коммуникация технологияси ва масофадан ўқитиш технологияларини жорий қилиш. Олий ва ўрта махсус таълимни ривожлантиришда бюджет ва нобюджет манбалари. Ушбу муассасаларнинг моддий-техник базаси, унинг хусусиятлари ва такомиллаштириш аҳамияти. Олий ва ўрта махсус таълимни тартибга солишда қўлланиладиган кўрсаткичлар тизими ва уларни ҳисоблаш услубияти: талабалар сони, олий ва ўрта махсус таълим муассасаларига талабаларни қабул қилиш, олий ва ўрта махсус таълим муассасаларини битирувчилари сони, профессор-педагогик кадрлар сони, олий ва ўрта махсус таълим муассасаларининг моддий техника базаси.	[А7, 58-65,ЎҚ 45, 35-43, Т38, 103-112]
22	Тиббий хизмат кўрсатишни ривожлантириш	Ўзбекистонда тиббиётни ривожлантириш вазифалари. Тиббий хизматларнинг ҳозирги ҳолати таҳлили. Буларни ривожлантиришни такомиллаштириш зарурияти. Республикада Соғлиқни сақлаш тизимини ташкил этиш. Тиббиётнинг касалликлар олдини олиш йўналишига алоҳида эътибор бериш. Ривожланган мамлакатлар тажрибаси. Сугурта тиббиёт, унинг тушунчаси, моҳияти. Ўзбекистонда уни қўллаш имкониятлари. Тиббиётни тартибга солишда қўлланиладиган кўрсаткичлар тизими ва уларни ҳисоблаш услубияти: касалхоналардаги ўринларнинг сони, врач ва ҳамширалар сони, касалхоналарнинг моддий-техника базаси. Амбулатор – поликлиника муассасалар сони. Беморларнинг поликлиникаларга мурожаат қилиш сони. Тиббиётни молиялаштириш тизими. Бюджет ва нобюджет манбалари. Ушбу тармоқни ривожлантиришда хомийликнинг роли. Тиббиётни ривожлантиришда мавжуд муаммолар. Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш йўллари. Ўзбекистон Республикасида қабул қилинган соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш концепцияси. Унинг моҳияти. Тиббий хизматларни сифатини яхшилаш зарурияти. Соғлиқни сақлаш соҳасида кичик тадбиркорликни ривожлантириш.	[А7, 83-92,ЎҚ 45, 65-73, Т38, 152-165]
23	Туризм соҳаси иқтисодиёти	Туризм соҳасини ривожлантириш аҳамияти ва вазифалари. Туризмни ривожлантириш йўллари, маркетинги ва бошқариш. Ўзбекистонда туризм соҳасининг ҳолати. Туризмга хизмат кўрсатиш соҳаси хизматининг фаолиятини кучайтириш йўналишлари. Меҳмонхона хўжалигини ривожлантириш, уни замонавий жиҳозлар билан таъминлаш зарурияти. Меҳмонхона хизматлари сифатини ошириш, уларни ассортиментини кучайтириш, янги туристик маршрутларни очиш.	[А7, 28-32,ЎҚ 62, 45-51, Т38, 137-151]

		<p>Туризм соҳасидаги ривожланган мамлакатлар тажрибасини ўрганиш. Туризмни ривожлантиришни тартибга солишда қўлланиладиган кўрсаткичлар тизими: туристлар сони, меҳмонхоналар сони, уларнинг классси, у ерда номерлар сони, меҳмонхоналардан олинadиган даромадлар ва ҳақозо. Ушбу кўрсаткичларни ҳисоблаш услубияти.</p> <p>Туризм соҳаси ҳисоб-китобларида молиявий кўрсаткичлар: даромадлар, харажатлар, фойда, рентабеллик.</p>	
24	Аҳолини ижтимоий ҳимоялаш асослари	<p>Бозор иқтисодиёти ва аҳолини ижтимоий ҳимоялаш зарурияти. Аҳолини ижтимоий ҳимоялашда чет эл давлатларининг тажрибаси. МД давлатларида нафақа ислохотлари. Ижтимоий таъминотнинг аҳамияти. Ижтимоий таъминот белгилари.</p> <p>Ўзбекистонда ижтимоий таъминотнинг ривожлантириш концепцияси.</p> <p>Бозор ислохотларини чуқурлаштириш шароитида ижтимоий ҳимояни тартибга солишнинг назарий асослари. Даромадларни қайта тақсимлашнинг ўзига хос хусусиятлари ва иқтисодиётни эркинлаштириш шароитидаги муаммолар.</p> <p>Ижтимоий ҳимоя қилишни тартибга солишда давлат сиёсати ва бошқаруви. Ўзбекистонда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини босқичлари ва уларнинг хусусиятлари. Давлат бюджетининг ижтимоий соҳага қилинган харажатлар таҳлили. Халқ моддий фаровонлигининг барқарор ва узлуксиз ўсишини таъминлаш, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишни кучайтириш.</p> <p>Республика аҳолисига ижтимоий ёрдам турлари. Болали оилаларга ижтимоий нафақалар, ижтимоий нафақалар, ижтимоий таъминот муассасаларини сақлашга, транспорт воситалари ва ногиронлар аравачаларини бепул ёки нархини арзонларлаштириш, турли имтиёзлар.</p>	[A7, 38-42, ЎҚ 45, 67-82, Т38, 28-37]
25	Ижтимоий таъминот ва нафақа таъминоти	<p>Пул шаклидаги ва турли кўринишдаги трансфертлар. Пулли трансфертларини қўллаш зарурияти. Камбағалликни осонлик билан бартараф этиш учун самарали ёрдам. Ўтиш иқтисодиёти мамлакатларида мухтож шахсларга ёрдам бериш тажрибаси. Оилада болалар сони кўплиги шароитида мақбул ёрдамлари.</p> <p>Пул ва натура кўринишидаги трансфертларнинг ижобий ва салбий томонлари. Улардан фойдаланишнинг жаҳон тажрибаси.</p> <p>Маҳалла томонидан ижтимоий ёрдам, манзилли ижтимоий ҳимоя моҳияти. Ушбу ёрдамни ташкил этиш тартиби. Кам таъминланган оилаларни аниқлаш. Ўзбекистонда кам таъминланган аҳолига ижтимоий ёрдам турининг манзилли усулидан маҳаллий тизим орқали олиб бориш самарадорлиги.</p> <p>Нафақа таъминоти шарт-шароитлари. Нафақа тизимининг такомиллаштириш имкониятлари. Нодавлат нафақа жамғармаларини ташкил этишнинг истиқболлари. Нафақа тўлаш жараёнида пенсия фондининг ўрни ва давлат бошқарувининг муҳимлиги. Нафақа таъминотининг молиявий жиҳатдан асосланганлиги.</p> <p>Моддий ахборот ва кадрлар базасини яратиш, барча ижтимоий ҳамкорларнинг нафақа таъминоти тизимини бошқаришдаги иштироки.</p> <p>Илмийликка асосланиш, халқаро тажрибада ўз самарасига эришган дастурларни маълум моддий ишда синов тарзида амалга ошириш натижасидаги ижтимоий</p>	[A7, 44-57, ЎҚ 45, 35-43, Т39, 33-45]

		технологиялардан фойдаланиш. Ижтимоий хизматлар бозорини ривожлантириш. Мос инфратузилмасини ташкил этиш (молиявий, ахборот ва хизмат кўрсатиш).	
26	Ижтимоий суғурта ва хайрия жамғармалари	Мамлакатда ижтимоий суғурталаш тизимини ривожлантириш аҳамияти. Ижтимоий суғурталашни ривожлантиришда нодавлат фондларининг роли, уларни ривожлантириш вазифалари ва зарурияти. Аҳолини табақалантириш жараёнида ушбу фондлар фаолиятини такомиллаштириш ва фондлар ўртасидаги такомиллаштириш. Ижтимоий суғурта жамғармаси. Халқаро ижтимоий суғурта амалиёти. Хайрия жамғармалари. Халқаро ижтимоий мониторинг тадқиқоти якунлари. Ижтимоий суғурта хизматларини кўрсатишда маҳаллий ҳокимият ва бошқарув органларининг ҳуқуқлари кенгайтирилиши. Уларнинг минтакаларнинг имкониятларини ҳисобга олган ҳолда аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш соҳасида қўшимча чора-тадбирларни амалга оширишдаги ролининг ўсиши.	[А7, 58-65, ЎҚ 62, 35-43, Т37, 43-52]
27	Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида меҳнат бозори ва бандлик муаммолари	Аҳолини иш билан бандлигини таъминлаш вазифалари. Меҳнат бозорини шакллантириш. Меҳнат бозоридаги талаб ва таклиф. Таклифни ташкил этишда қуйидаги омилларни ҳисобга олиш зарурияти: иш ҳақи даражаси, маданият, дин, касаба уюшмалари фаолияти, солиқ миқдорлари, ишчи кучи таркиби, ишчи кучининг ҳудудлар бўйича тақсимланиши. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида тадбиркорликни ривожлантириш – бандлик гарови. Меҳнат бозори ва ижтимоий соҳа. Аҳолини иш билан таъминлашда ижтимоий соҳа корхоналари роли. Ижтимоий соҳадаги меҳнатнинг хусусиятлари. Бу соҳада меҳнат унумдорлиги кўрсаткичидан фойдаланиш қийинчиликлари. Ижтимоий соҳанинг айрим тармоқларида меҳнат унумдорлиги ўлчовлари. Ушбу йўналишдаги чет эл тажрибаси.	[А7, 88-96, ЎҚ60, 45-63, ЎҚ63, 22-46, Т37, 23-42]
28	Инсоний капитал – миллий иқтисодиёт рақобатбардошлигини оширишнинг ижтимоий омили сифатида	Инсоний капитал ривожланишининг баҳоси ва йўналишлари. Ишчи кучини такрор ишлаб чиқариш харажатлари таркибини аниқлаш. Инсон капиталини ижтимоий-иқтисодий тизимдаги ўрни. Инсоний капитал ривожланишининг ижтимоий кўрсаткичлари. Ўзбекистон Республикасида инсоний салоҳиятнинг ривожланиш индекси. Мазкур ҳолатда республика ва унинг ҳудудларидаги инсоний ривожланишни интеграл баҳолаш учун қўлланиладиган кўрсаткичлар: болалар ва оналар ўлими кўрсаткичи; ишсизлик даражаси; касбий таълим камрови; ойлик ўртача ҳисобланган аҳоли жон бошига ЯИМ. Ўзбекистон хотин-қизларининг рақобатбардошлигининг ошириш механизми. Аёл иш кучининг рақобат мавқеини кўтариш мақсадида бандлик хизмати томонидан хотин-қизларнинг меҳнат бозоридаги ижтимоий-иқтисодий мавқеини яхшилашга қаратилган аёллар бандликни бошқариш тадбирлари.	[А7, 97-105, ЎҚ 62, 69-74, Т37, 157-168]

ҚўЛЛАНИЛАДИГАН ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ШАРҲИ

1. Маъруза машғулотларнинг ташкил этишнинг асосий шакллари

Маъруза машғулотлари – ўқитишни ташкил этишнинг етакчи шакли ҳисобланади, билимларни бирламчи эгаллашга йўналтирилган.

Маърузани асосий белгиланиши – ўқитишни назарий асосини таъминлаб бериш, ўқув фаолиятга ва аниқ ўқув фанга қизиқишни ривожлантириш, курсантларга ўқув курси устидан мустақил ишлаш учун ориентирларни шакллантириш.

Маъруза материалларининг мазмуни ва ҳажмига талаблар

Маъруза материалларининг *мазмуни* қуйидаги мезонларга жавоб бериши лозим:

- янгилик, илмийлик, асослилик ва ахборот учун белгиланганлик;
- аниқ, ишончли мисол, факт, асоснома ва илмий далилларнинг мавжудлиги;
- фактга асосланган (статистик ва в.х.) материалларни кўп эмаслиги.

Маъруза материалларининг *ҳажми* режалаштирилган мавзунини ёритиш учун етарли бўлиши керак.

Маърузалар турлари вауларга хос хусусиятлари

Ўқув машғулотнинг мақсади	Маъруза тури, унинг ўзига хос хусусиятлари
Кириш маърузаси	
Фан доирасида ўқув ахборотини ўзлаштириш бўйича талабалар ҳаракатининг йўналтирувчи асосини таъминлаш.	Таълим бериш тузилишида мотивацион босқич ҳисобланади. Унинг вазифаси – ўқув фани мазмуни, унинг ўқув жараёнидаги ўрни ва келгусидаги тезкор-хизмат фаолиятдаги аҳамияти тўғрисида дастлабки тасаввурларни бериш, талабаларни ишлаш тизимида йўналтириш, олдинда турган мустақил ишнинг услубиёти ва ташкиллаштирилиши билан таништириш, ҳисобот бериш вақти ва баҳолашни аниқлаштириш.
Ахборотли маъруза	
Ўқув мавзу бўйича тасаввурни шакллантириш	Бу анъанавий маъруза тури: маъруза режасига мувофиқ ўқув материаллини монологик тарзда изчилликда баён этиш.
Муаммоли маъруза	
Муаммони белгилаш ва уни ечимини топишни ташкиллаштириш/анъанавий ва замонавий нуқтаи назарларни жамлаш ва таҳлил қилиш ва в.х. орқали ўқув мавзуси бўйича тасаввурни/билимларни шакллантириш.	Янги билимлар савол/вазифа/вазиятларнинг муаммолиги орқали киритилади. Бу жараёнда талабаларнинг билиши ўқитувчи билан ҳамкорлигига ва диалогига асосланади, ҳамда изланувчилик фаолиятига яқинлашади.
Кўргазма маъруза	
ЎТВдан кенг фойдаланиш орқали ўқув мавзуси бўйича тасаввурни/билимларни шакллантириш.	Бундай маърузани ўқиш, кўриб чиқиладиган кўргазмали материалларни очиқ беришга ва қисқача шарҳлашга олиб келади.
Бинар маъруза	
Талабаларга мунозара маданиятини, муаммони ҳамкорликда ечишни намоиш этиш орқали ўқув мавзуси бўйича тасаввурни/билимларни шакллантириш.	Бундай маърузани ўқиш икки ўқитувчи/2-мактабнинг илмий вакиллари/олим ва амалиётчи/ўқитувчи ва талабаларнинг диалогини ўзида намोён этади.
Анжуман-маъруза	

Ўқув машғулоти нинг мақсади	Маъруза тури, унинг ўзига хос хусусиятлари
Ўқув ахбороти излаш, танлаш ва баён этиш жараёнида талабаларнинг фаол иштирокларида ёритиб бериш орқали ўқув мавзуси бўйича тасаввурни/ билимларни шакллантириш.	Олдиндан белгиланган муаммо ва уни ҳар томонлама ёритиб бериш назарда тутилган маърузалар тизими (5-10 дақ. давомийлигида) билан, илмий-амалий машғулоти кўринишида ўтказилади. Машғулоти якунида ўқитувчи мустақил иш ва сўзга чиқишларга якуни ясади, ахбороти тўлдиради/аниқлик киритади, асосий хулосаларни ифодалайди.
Умумлаштирувчи маъруза	
Билимларни батафсил ёритиш ва аниқлаштиришларсиз тизимлаштириш.	Маърузада баён этилаётган назарий ҳолатларнинг негизини курснинг ёки катта бўлимларнинг илмий-тушунчали ва концептуал асоси ташкил этади.
Маслаҳатли-маъруза	
Билимларни чуқурлаштириш, тизимлаштириш.	Турлича сценарий бўйича ўтиши мумкин. 1. “Савол-жавоблар”- ўқитувчи бўлим ёки тўлиқ курс бўйича талабалар саволларига жавоб беради. 2. “Савол-жавоблар-мунозаралар”: ўқитувчи нафақат саволларга жавоб беради, балки жавобларни излашни ҳам ташкиллаштиради.
Якуний маъруза	
Билимларни батафсил ёритиш ва аниқлаштиришларсиз тизимлаштириш.	Курсни ўрганишни якунлайди, бутун давр мобайнида ўтилганларни умумлаштиради. Якуний маърузада ўқитувчи курснинг асосий ғояларини ажратади, келгусидаги тезкор-хизмат фаолиятда ва бошқа фанларни ўрганишда олган билимларни қандай қўллаш йўллари кўрсатади, фан бўйича якуний назорат хусусиятини тушунтиради, якуний назорат вариантларининг мураккаб саволларини тушунтиради.

Слайдли тақдиротга қўйиладиган асосий талаблар

- слайдлар сони ўқув материал мазмунини тўлиқ очиб бериш учун етарли бўлиши керак;
- слайдда бир қаторда 6-дан ортиқ сўз, 8-та қатор кетма-кет жойлашган бўлиши мумкин эмас.
- барча маълумотлар тузилмага келтирилган бўлиши керак;
- слайдлар қоидаларга мувофиқ расмийлаштирилган бўлиши керак.

Слайдларни расмийлаштириш қоидалари

- **Матн** маълумотларга бой, мантикий бир-бири билан узвий боғланган, аниқ ва равшан, содда тилда ёзилган бўлиши лозим.
- **Расмлар** аниқ ва равшан, йирик ўлчамда бўлиши керак, улар безатиш эмас балки намойиш этиш вазифасини бажариши керак.
- **Жадвалдаги** маълумотлар яққол кўриниб турадиган бўлиши керак ва ҳар бир жадвални номи бўлиши шарт.
- **Чизмалар** бир блокдан иккинчисига аниқ, равшан ва мантикий ўтишлар билан таъминланган бўлиши лозим.

2. Амалий машғулотларни ташкил этишнинг асосий шакллари

Амалий машғулоти:

- ўқувчиларни ўқитувчи билан ва ўзаро фаол суҳбатга киришишига йўналтирилган,
- назарий билимларни амалий фаолиятда амалга ошириш учун шароитни таъминловчи,
- олинган билимларни амалий фойдаланиш имкониятларини муҳокама қилишга мўлжалланган машғулотнинг ўқитиш шакли.

Амалий машғулотнинг мазмунига қўйиладиган талаблар

- муҳокамага мунозарали саволлар олиб чиқилади;
- муҳокама қилинувчи саволлар илм-фаннинг эришган замонавий ютуқлари томони билан кўриб чиқилади;
- назария ва амалиётни узвий бирлиги очиб берилади;
- муҳокама қилинувчи материалнинг талабаларнинг бўлғуси касбий фаолияти билан алоқаси таъминланади;
- кўриб чиқиладиган материал адабиётда мавжуд эмас ёки материал, қисман баён этилган.

Амалий машғулотлар турлари ва уларга хос хусусиятлари

Амалий машғулот тури	Амалий машғулот шакли, унинг ўзига хос хусусиятлари
<p>Талабаларнинг назарий билимларини тизимлаштириш, тузилмага келтири, мустаҳкамлаш, кенгайтириш:</p> <ul style="list-style-type: none"> - методологик нуқтаи назаридан энг муҳим ва ўзига хос фан мавзуларининг яхши ўрганиш. - тушуниш ва ўзлаштириш учун мураккаб бўлган мавзу саволларини батафсил ўрганиш. - касбий тайёргарлик сифатини аниқловчи, алоҳида асосий бўлган мавзуларни батафсил ўрганиш. 	<p>Кенг қўламли суҳбат. Ҳамма учун умумий бўлган тавсия этиладиган мажбурий ва қўшимча адабиётлар билан машғулотнинг ҳар бир режа саволларига талабаларни тайёргарлигини назарда тутати. Фаоллаштиришни барча воситаларини қўллаш билан: сўзга чиқувчига ва барча гуруҳга яхши ўйлаб тузилган аниқ фойдаланган саволлар, сўзга чиқувчи талабаларни кучли ва кучсиз томонларига талбалар диққатларини қарата олиш, талабалар диққати ва қизиқишини, иш жараёнида очиб бериладиган, янги томонларга ўша вақтни ўзида ажратиб кўрсатиш ва бошқалар асосида кўпчилик талабаларни саволларни муҳокама қилишга жалб қилиш имконини беради. Кенг қўламли суҳбат баъзи саволлар бўйича алоҳида талабаларни аввалдан режалаштирилган қўшимча равишда сўзга чиқишларини истисно қилмайди, балки, тахмин қилади. Бироқ бундай маълумотлар муҳокама учун асос бўлмайди, балки муҳокама қилинган саволлар учун тўлдирувчи бўлади.</p> <p>Маъруза ва рефератлар муҳокамаси. Муҳокамага 12—15 дақиқа давомийлигидаги 2-3 маърузадан кўп бўлмаган маърузалар олиб чиқилади. Баъзида қўшимча маърузачи ва оппонентлар (муҳолифлар) белгиланади. Охириги чиқувчилар мазмунни қайтармаслик учун, маъруза матни билан танишадилар. Бироқ кўп ҳолларда, маърузачи ва оппонентлар, қўшимча маърузачилардан ташқари, ҳеч ким семинарга жиддий тайёрланмайди. Сўзга чиқувчиларни ўзлари ҳам фақат бир саволни ўрганадилар. Шу билан бирга, одатий семинар ишига “қуруқ назариялик” элементини киритиб, бундай машғулотлар талабаларда баъзи қизиқишларни уйғотади. Талабаларни ҳар бирини қўшимча маърузачи ёки оппонент сифатида тайёрланиб қилишга ўргатиш жуда муҳим ҳисобланади. Рефератли маърузаларни якуний семинарда, унинг асосий саволлари аввалдан муҳокама қилиб бўлинган, катта бир мавзу бўйича кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ бўлади.</p> <p>Пресс-конференция. Қисқа сўзга чиқишдан сўнг биринчи савол бўйича маърузачига (агарда маърузалар бир қатор талабаларга берилган бўлса, ўқитувчининг ўзи улардан бирига сўз беради) сўз берилади. Шундан сўнг ҳар бир талаба маъруза мавзуси бўйича унга савол бериши лозим. Савол ва жавоблар семинарнинг марказий қисмини ташкил этади. Қанча кўп жиддий тайёргарлик кўрилса, саволлар шунчалик чуқур ва маҳоратли берилади. Саволларга аввал маърузачи жавоб беради, сўнгра у ёки бошқалар бўйича истаган бир талаба ўз фикрини билдириши мумкин. Бундай ҳолатларда қўшимча маърузачилар, агарда шундайлар</p>

<p><i>Илм-фаннингалоҳида хусусий муаммоларини чуқурроқ ишлаб чиқиш.</i></p>	<p>белгиланган бўлса, фаол бўладилар. Ўқитувчи ҳар бир муҳокама қилинаётган савол бўйича, ёки семинар якунида ўз хулосасини қилади.</p> <p>Ўзаро ўқиш.</p> <p>Тушуниш ва ўзлаштириш учун энг кўп мураккабликдаги саволларни ўрганиш асосий мақсадга эга бўлган, семинар. Семинар мобайнида талабаларни ўзаро ўқишга йўналтириш муҳим ҳисобланади: ҳар кичик-гуруҳга мавзунинг бир саволи берилади, бу бўйича улар ишлайдилар ва бунга асос (эксперт варақлар – саволни ёритиш режаси, тайёрланган маълумотларни визуал тақдим этиш бўйича тавсиялар) берилади. Эксперт гуруҳларнинг иш натижалари тақдимотидан сўнг ўқитувчи хулосалар қилади.</p> <p>Юмолоқ (ёзма /оғзаки) стол.</p> <p>Ўтган мавзу бўйича билимларни чиқурлаштириш ва аниқлаштириш, бор билимларни сафарбар қилиш ва ҳар хил вазиятларда уларни қўллаш, ўз фикрларини қисқа ва асосланган ҳолда баён қилиш кўникмаларини ривожлантириш асосий мақсадга эга бўлган, семинар.</p> <p>Ҳар хил сценарийлар бўйича ўтказилиши мумкин.</p> <p>1. «Ёзма юмолоқ стол» - талабанинг саволи / ечими топилиши керак бўлган ғоя ёзилган варақ, доира бўйича узатилади ва ҳар бир иштирокчи ўз мулоҳазаларини қўшади.</p> <p>2. «Оғзаки юмолоқ стол» - ҳар бир талаба қўйилган саволнинг жавобига ўз қўшимчаларини киритади / олдинги иштирокчи томонидан таклиф қилинган ғояни қўллаб-қувватлайди ва ривожлантиради.</p> <p>Спецсеминар.</p> <p>Бакалавриятнинг 4 курсида, магистратурада ўтказилади. Илмий мавзу бўйича ёш тадқиқотчиларни мулоқат мактабини ифодалайди. Спецсеминар вақтида талабаларнинг гуруҳларда ишлашга ва уни баҳолашга, илмий тадқиқотлар усулларида фойдаланишга интилишлари катта рол ўйнайди.</p> <p>Спецсеминарнинг якуний машғулотида ўқитувчи, қоидага кўра, семинарларни ва талабаларнинг илмий ишларини муҳокама қилинган муаммоларни келгусида тадқиқотлар қилиш истиқболларини ва талабаларни уларда иштирок этиш имкониятини очиб умумлаштиради.</p>
<p>Махсус (касбий) ва умумқув кўникма ва амалий малакаларни шакллантириш:</p> <p>- амалий муаммоли вазиятни таҳлил қилиш ва ечиш жараёнида ҳаракатлар алгоритминини аниқлаш билан боғлиқ эгаллаган назарий билимларни амалий қўллаш.</p>	<p>Таълимий ўйин.</p> <p>Ўқитиш самарадорлигини унинг иштирокчиларини нафақат билимларни олиш жараёнига фаол жалб қилиш, балки уларни (ҳозир ва шу ерда) фойдаланиш орқали оширишга имкон беради; ўзгарувчан вазиятларда ўзини тутиш тактика кўникмаларини шаллантиради; вырабатывает динамику ролевого поведения; амалиёт имитациясини ифодалайди; аниқ кўникма ва малакаларни шакллантиришга ва ишлаб беришга қаратилган.</p> <p>Семинар натижавийлигини унинг ташкилий-услубий таъминоти белгилайди: ўйиннинг технологик харитасини ишлаб чиқиш; ўйин атрибутларини ва материаллар пакетини: вазият баёни, иштирокчилар учун йўриқномалар, персонажлар таърифи (агар ўйин ролли ёки ишбилармон бўлса) ёки вазиятли кўрсатмалар (агар ўйин моделлаштирувчи бўлса) тайёрлаш.</p> <p>Амалий топшириқларни бажариш.</p> <p>Амалий топшириқларнинг кўпчилиги кичик гуруҳлар таркибида бажарилади ва қуйидаги босқичларни ўз ичига олади: йўриқнома бериш → ўқув топшириқни бажариш бўйича йўриқнома билан</p>

	<p>танишиш → топшириқни бажариш → натижаларнинг оммавий тақдимоти → натижаларни умумлаштириш ва баҳолаш.</p> <p>Масалалар ечиш бўйича машқ.</p> <p>Якка тартибда амалга оширилади ва қуйидаги босқичларни ўз ичига олади: йўриқнома бериш – масалани ечиш – натижаларни танлама тақдимоти - умумлаштириш.</p> <p>Муаммоли масалалар ва вазиятларни ечиш.</p> <p>Муаммоли масалалар ва вазиятларни ишлаб чиқиш жуда катта меҳнат талаб қилади. Лекин талабалар томонидан амалий касбий фаолиятдан олинган муаммоли масалаларни ечиш ва муаммоли вазиятларни кўриб таҳлил қилиш назарияни ҳақиқий амалиёт билан боғлашга имкон беради. Бу ўқитишни фаоллаштиришга имкон беради, талабаларга ўрганилаётган материални амалий фойдасини тушунишга ёрдам беради.</p> <p>Таълим берувчи амалий муаммоли вазиятларни (кейсларни) ечиш.</p> <p>Кейс (муаммоли вазиятдан фарқли равишда) талабаларни муаммони ифодалаш, муаммоли вазиятни таҳлил қилиш ва баҳолаш, уни мақсадга мувофиқ ечим вариантларини қидиришга йўналтирувчи ташкилотлар, инсонлар гуруҳи ёки алоҳида индивидларни ҳаётининг муайян шароитларини ёзма равишда тақдим этилган баёнини ўз ичига олади.</p> <p>Кейсни ечиш жараёни қуйидаги босқичларини ўз ичига олиш муҳим:</p> <ul style="list-style-type: none"> → муаммони якка тартибда таҳлил қилиш ва ечиш, → якка тартибда топилган ечимни биргаликда (кичик гуруҳларда) таҳлил қилиш, ўзаро мақбул ечим вариантини расмийлаштириш, → гуруҳ ишини тақдимоти, → муаммони ечиш усул ва воситаларининг энг мақбул вариантини жамоавий тарзда танлаш. <p>Фиклаш жараёни, муаммоли вазиятни ечиш жараёнида пайдо бўлинган, мустақил топилган далиллар ориентирларни, касбий бойликларни топишга ва мустақамлаштиришга, келгуси касбий фаолияти билан алоқани англашга кўмаклашади.</p> <p>Ўқув лойиҳаларнинг тақдимоти ва баҳоланиши</p> <p>Ушбу ўқув машғулоти тайёрлашда ўқитувчининг роли қуйидагилардан иборат: лойиҳа топшириғини ишлаб чиқиш; талабаларга маълумотларни излашда ёрдам бериш; ўзи ахборот манбаи бўлиши; бутун жараёни мувофиқлаштири; иштирокчиларни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш; узлуксиз қайта алоқани амалга ошириш; маслаҳат бериш.</p> <p>Ушбу ўқув машғулотида гуруҳлар ўз фаолиятининг натижалари тўғрисида маъруза қилишади ва уни белгиланган шаклда тақдим этишади (лойиҳавий фаолиятнинг натижаларини, ҳамда лойиҳа маҳсулотини тасвирий ва оғзаки тақдимот кўринишида).</p> <p>Ўқитувчи гуруҳларнинг ўзаро баҳоланишини ташкиллаштиради ва лойиҳа иштирокчининг фаолиятини баҳолайди.</p>
<p>Талабаларни назарий ва амалий тайёргарлик даражасини назорат қилиш ва баҳолаш</p>	<p>Коллоквиум.</p> <p>Ўқитувчининг талабалар билан коллоквиумлари (суҳбатлашуви) одатда курснинг у ёки бу мавзуси бўйича билимларини аниқлаш, уни чуқурлаштириш мақсадида олиб боради. У қўпинча 1) дастурда кўзда тутилмаган, лекин талабаларда қизиқиш уйғотган қўшимча мавзулар бўйича; 2) фаннинг алоҳида мураккаб, лекин талабалар томонидан етарли даражада ўзлаштирилмаган мавзулари бўйича қўшимча дарслар мобайнида; 3) охириги семинар машғулотида жавоб бермаган талабаларни бириш даражасини аниқлаш учун.</p> <p>Семинар-коллоквиум мобайнида маъруза, реферат ва бошқ. Ёзма ишлар текширилиши мумкин.</p> <p>Ёзма (назорат) иш.</p> <p>Талабалар назорат саволларига жавоб берадилар/ тестларни ечадилар/ назорат топшириқларини бажарадилар. Уларнинг тўпламини тўғри</p>

	тузиш муҳим ҳисобланади: улар режалаштирилаётган ўқув материални ўзлаштириш даражасига мос келишлиги керак ва уларни текширишни таъминлаши керак.
--	---

3. Маъруза ва амалий машғулотларда қўлланиладиган педагогик технологиялар

“SWOT-таҳлил” методи.

Методнинг мақсади: мавжуд назарий билимлар ва амалий тажрибаларни таҳлил қилиш, таққослаш орқали муаммони ҳал этиш йўллари топишга, билимларни мустаҳкамлаш, такрорлаш, баҳолашга, мустақил, танқидий фикрлашни, ностандарт тафаккурни шакллантиришга хизмат қилади.

S – (strength)	• кучли томонлари
W – (weakness)	• заиф, кучсиз томонлари
O – (opportunity)	• имкониятлари
T – (threat)	• тўсиқлар

Намуна:

Топширик: Бухгалтерия ҳисоботини шакллантиришни SWOT таҳлилини ушбу жадвалга туширинг.

S	кучли томонлари	Молиявий ҳисоботни халқаро тизимида тайёрланиши
W	кучсиз томонлари	Ҳисобот турлари бўйича маълумотларни йиғиш
O	имкониятлари (ички)	Ҳисоб сиёсати асосида ички имкониятлар, яъни чораклик, йиллик ҳисобот маълумотларини шакллантириш
T	Тўсиқлар (ташқи)	Назорат нуқтаи назардан ҳўжалик фаолиятини бошқаришда бошқарув қарорларини амалга ошмаслиги

АҚЛИЙ ҲУЖУМ МЕТОДИ

Ақлий ҳужум (брейнстроминг-ақллар тўзони) – амалий ёки илмий муаммолар ечиш ғоясини жамоавий юзага келтиришда қўлланиладиган метод.

❖Метод чегараланган вақт оралиғи ичида аниқ муаммо (савол, масала)ни ечишнинг ноанъанавий йўллари излаш бўйича ўқувчиларни ақлий фаолиятини йўналтиришга асосланган.

❖Ўқув машғулотидagi ақлий ҳужум учунмуаммони танлаш қуйидаги тамойиллар бўйича амалга оширилади:

- танланган муаммо назарий ва амалий аҳамиятга эга бўлиши ҳамда ўқувчиларда фаол қизиқиш уйғотиши керак;
- кўп ҳар хил маънодаги ечим вариантларига эга бўлиши керак.

Ўқитиш технологиясини ишлаб чиқишда ақлий ҳужум методи ўқув машғулотининг бир лавҳаси ёки бутун машғулоти ўтказиш асоси сифатида режалаштирилган бўлиши мумкин.



Ақлий ҳужум методининг технологик чизмаси.

ИНСЕРТ ТЕХНИКАСИ

ИНСЕРТ (инглизча сўздан олинган бўлиб - **INSERT** – **I**nteractive- интерфаол **N**oting – белгилаш **S**ystem - тизим **f**or-учун **E**ffective – самарали **R**eadings – ўқиш **a**nd– ва **T**hinking – фикрлаш деган маънони англатади).

1) Самарали ўқиш ва фикрлаш учун матнда белгилар қўйишнинг интерфаол тизими ҳисобланади.


Матнни белгилаш тизими:

(√) - менинг билганимни тасдиқловчи ахборот;

(+) –мен учун янги ахборот;

(-) - менинг билганларимга, зид ахборот;

(?) - мени ўйлантириб қўйди. Бу бўйича менга қўшимча ахборот керак.



ИНСЕРТ техникасининг технологик чизмаси (2-вариант).

ПИНБОРД ТЕХНИКАСИ

Пинборд–(инглизчадан: *pin*- маҳкамлаш, *board* – ёзув тахтаси) – ўқувчиларни тизимли ва мантикий фикр билдиришга ўргатадиган метод.

Пинборд техникаси:

1) муаммоли масалалар ва вазиятлар, ақлий ҳужум ва амалий ўқитиш методлари билан бирга жамоавий тарзда (гуруҳларда) муаммони ечиш вариантларини баҳолаш ҳамда улар ичидан энг яхшисини танлаш имконини беради (3-расм);

2) ақлий ҳужум ва амалий ўқитиш методлари билан бирга жамоавий тарзда (гуруҳларда) тоифали шарҳ ўтказиш имконини беради.

Ўқитувчи муаммони белгилайди (ўқув топшириқ) ва иштирокчиларга уни ечиш бўйича ўз нуқтаи назарларини баён қилишни таклиф этади.

Ўқитувчи тўғри жамоавий ақлий ҳужумни ташкиллаштиради, бошланишини рағбатлантиради

Ўқитувчи энг мақбул, самарали ва бошқа ғояларни таклиф қилишади, муҳокама қилишади, баҳолашади, танлашади ва уларни таянч фикрлар (сўзлар сони 2 тдан ошмаслик керак!) кўринишида карточкаларга ёки варақларга ёзишади ва ёзув тахтасига ёпиштиришади.

Гуруҳ вакиллари, ўқитувчи томонидан белгиланган ўқувчилар (2-3 киши) ёзув тахтасига чиқишади ва бошқалар билан маслаҳатлашиб: (1) хато ва такрорланувчи ғояларни олиб ташлашади; (2) тортишув туғдирган ғояларни аниқлаштиришади; (3) ғояларни тизимлаштириш аломатларини белгилашади; (4) ушбу аломатларбўйича барча ғояларни(карточкалар, варақлар) ёзув тахтасида гуруҳлаштиришади; (5) кўрсаткич, чизиқ ва бошқа белгилар ёрдамида уларнинг ўзаромуносабатларини кўрсатишади; жамоавий ягона ёки қарама-қарши позиция ишлаб чиқади

Ўқитувчи иш натижаларини баҳолайди ва умумлаштиради рағбатлантиради

Пинборд техникасининг технологик чизмаси.

БАҲС-МУНОЗАРА МЕТОДИ

Баҳс (мунозара)ўқитишнинг фаол методларидан бўлиб, аниқ муаммо бўйича фикр алмашиш, муҳокама қилишдан иборат. Баҳс орқали мунозарали савол, жамоавий муаммолар,баҳс, ўзаро фикрлар тортишувини ҳар томонлама муҳокама қилиш мумкин

КЕЙС–СТАДИ МЕТОДИ

КЕЙС – (ингл. case – тўпلام, аниқ вазият) – назарий билимларни амалий вазифаларни ечиш жараёнида қўллаш имконини берувчи *ўқитиш воситаси*.

Кейсда баён қилинган вазиятни ўрганиб ва таҳлил қилиб, ўқувчилар ўзининг келгусидаги касбий фаолиятида ўхшаш вазиятларда қўллаши мумкин бўлган тайёр ечимни олади.

Кейсда баён қилинган вазиятлар (касбий), амалий машғулотларда ечиладиган вазиятли масалалардан тубдан фарқ қилинади. Агар вазиятли масалаларда ҳар доим шарт (нима берилаган) ва талаб (нимани топиш керак) берилган бўлса, кейсда, қоидага кўра, бундай параметрлар мавжуд эмас.

Ўқувчига тақдим этилган ихтиёрий кейсда:

- кейснинг белгиланиши ва топшириқ/саволлар аниқ ифодаланган бўлиши керак;
- баён қилинган муаммоли вазиятни ечиш учун керакли ва етарли хажмда маълумотларни ўз ичига олиши керак
- кейсни ечиш учун *услубий кўрсатмалар* бўлиши керак.

Кейс-стади (ингл.case– тўплам, аниқ вазият, стади-ўқитиш)–амалий ўқитиш вазиятларметоди.

Кейс-стади - ўқитиш, ахборотлар, коммуникация ва бошқарувнинг қўйилган таълим мақсадини амалга ошириш ва кейс-стадида баён қилинган амалий муаммоли вазиятни ҳал қилиш жараёнида прогноз қилинадиган ўқув натижаларига кафолатли етишишни воситали тарзда таъминлайдиган бир тартибга келтирилган оптимал усуллари ва воситалари мажмуидан иборат бўлган ўқитиш технологиясидир.

Ушбу метод ўқувчиларни қуйидагиларга ундайди:

- муаммони шакллантиришга;
- амалий вазиятни таҳлил қилиш ва баҳолашга;
- муаммо ечимини энг мақбул вариантини танлашга.

Ўқув машғулотнинг ўқитиш технологиясини танлашни икки асосий далил белгилайди:

1. Кейснинг ҳажми (қисқа, ўртача миқдордаги, катта)
2. Ўқув топшириғини тақдим этиш усули:
 - саволли (саволлар кейсдан кейин келтирилади)
 - топшириқли (топшириқ кейс кириш қисмининг охирида келтирилади)

МУАММОЛИ МАСАЛА ВА ВАЗИЯТЛАР МЕТОДИ

Муаммоли масала ва вазиятлар методи- таълим берувчининг муаммоли вазиятларни яратишга ва таълим олувчиларнинг фаол билиш фаолиятларига асосланган. У аниқ вазиятни таҳлил қилиш, баҳолаш ва кейинги қарорни қабул қилишдан иборат.

Муаммоли масала ва вазиятлар методидан фойдаланиш орқали назария амалиёт билан боғланиб, ўрганилаётган материал таълим олувчилар учун янада муҳимлиги ортади.

Муаммоли масала ва вазиятлар методи педагогик технологиясининг чизмаси 17-расмда келтирилган.

Муаммоли топшириқ фактларни ўрганиш ёки реал ҳаётдан олинган вазият ва баъзи инсонларнинг қизиқарли қарашларини ўз ичига олиши мумкин. Таълим берувчи ўқувчиларга бераётган топшириқ қандай бўлишидан қатъий назар муаммоли характерга эга бўлиши зарур

ЎҚУВ ЛОЙИҲА МЕТОДИ

Ушбу методнинг моҳияти шундан иборатки, маълум муддат ичида (битта ўқув машғулот доирасидан 2-3 ой муддат ичида) таълим олувчи гуруҳли ёки яқка тартибда берилган мавзу юзасидан лойиҳа топшириғини бажаради. Унинг вазифаси – муайян фойдаланувчига йўналтирилган янги маълумот олиш, белгиланган муддат ичида берилган у ёки бу муаммони илмий, техникавий ечимидан иборат.

Ўқув лойиҳаси тушунчаси:

- муайян истеъмолчига мўлжалланган, муаммоларни излаш, тадқиқ қилиш ва ечиш, натижани ноёб (моддий ёки интеллектуал) маҳсулот кўринишида расмийлаштиришга қаратилган. Талабларнинг мустақил ўқув фаолиятини ташкил қилиш *усули*;

- назарий билимлар орқали амалий вазифаларни ечишга қаратилган ўқув *восита ва қуроллари*;

- ривожлантирувчи, таълим-тарбия ҳамда билимларни кенгайтириш, чуқурлаштириш ва малакаларни шакллантиришга қаратилган *дидактик восита*.

Лойиҳа тури ва унинг асосий белгилари

Лойиҳанинг асосий белгилари	Лойиҳа тури
<i>Предмет жиҳатидан мазмунли соҳа</i>	
Бир предмет доирасида, баъзан бошқа предметдан билимларни жалб этиш орқали	Ягона лойиҳа
Бир неча билимлар соҳасига тааллуқли бўлган	Фанлараро
<i>Лойиҳа миқёси</i>	

Лойиҳанинг ҳажми	Кичик, ўрта, йирик
Иштирокчилар сони	Якка, гуруҳли
Амалга ошириш даврининг изчиллиги	
1-2 ҳафта давомида ишлаб чиқилади	Қисқа муддатли
Бир ой давомида ишлаб чиқилади	Ўрта муддатли
Бир ойдан кўпроқ вақтда ишлаб чиқилади	Узоқ муддатли
Ўқув режасига киритилганлиги	
Лойиҳа устида аудиториядан ташқари мустақил ишлаш фанни ўрганиш якунида, унинг натижалари тақдироти ва баҳоланиши – якуний семинар/амалий, лаборатория машғулотида режалаштирилади. Якуний назорат доирасида баҳоланиши мумкин	Якуний
Ўқув курсидан таълим бериш мазмунининг бир қисми аудиториядан ташқари лойиҳавий мустақил ишга ажратилади. Натижалар мазкур ўқиш даврига режалаштирилган семинар/амалий/лаборатория машғулотида тақдим этилади	Оралик
Аудиториядан ташқари мустақил фаолият доирасида ҳажми бўйича катта ўқув бўлими ёки бутун курс давомида бажариш режалаштирилади. Оралик натижалар семинар/амалий/лаборатория машғулотида тақдим этилади ва баҳоланади	Очиқ (бевосита)

Ўқув лойиҳа усулини қўллаш жараёнида педагогнинг вазифаси қуйидагилардан иборат: лойиҳа топшириғини ишлаб чиқиш, ўқувчиларга ахборотни йиғишда ёрдам бериш, ахборот манбаи сифатида иштирок этиш, жараёни бошқариш, иштирокчиларни қўллаб-қувватлаш, узлуксиз равишда қайтар алоқа усуллари қўллаш, маслаҳат бериш.

КЛАСТЕР (кластер-тутам, боғлам)-ахборот харитасини тузиш йўли- барча тузилманинг моҳиятини умумлаштириш ва аниқлаш учун қандайдир бирор асосий омил атрофида ғояларни йиғиш асосида аниқ бирор мазмунни келтириб чиқаради.

Билимларни фаоллаштиришни тезлаштиради, фикрлаш жараёнига мавзу бўйича янги ўзаро боғланишли тасаввурларни эркин ва кенг жалб қилишда ёрдам беради.

<p align="center">Кластерни тузиш бўйича ўқув топшириғига йўриқнома</p> <p>1. Катта қоғоз варағи марказида калит сўз ёки 1-2 сўздан иборат мавзу номини айлана ичига ёзинг.</p> <p>2. Калит сўз билан бирлашдиган ён томонига кичкина ҳажмдаги айлана- “йўлдошча” ичига мавзу билан алоқадор сўз ёки сўз бирикмасини ёзинг. Уларни чизиқ билан “бош” сўзга боғланг.</p> <p>3. Ушбу “йўлдошча”ларда “кичик йўлдошлар” ҳам бўлиши мумкин, улар ичига яна сўз ёки иборалар ёзиб ажратилган вақт тугагунга қадар ёки ғоялар тугамагунга қадар давом эттирилади.</p>
--

ТОИФАЛИ ЖАДВАЛ–маълумотларнинг умумий жиҳатларидан айнан ўзига хос томонларини ифодалаб, маълумотларни бирлаштиришни таъминлайди.

Тизимли фикрлаш,маълумотларни таркиблаштириш ва тизимлаштириш кўникмасини ривожлантиради.

<p align="center">Тоифали жадвални тузиш бўйича ўқув топшириғига йўриқнома</p>

1. Ўқув ахборотни ўзига хосжиҳат (тоифа)ларини ажратинг.

2. Жадвалнинг биринчи горизонтал қаторига ажратилган тоифаларни ёзинг, тоифалар тагига яъни иккинчи қаторга ушбу тоифанинг ўзига хос томонларини акс эттирувчи ахборотни киритинг.

Диққат қилинг!

Иш жараёнида тоифаларнинг айрим номлари ўзгариши мумкин. Янгилари пайдо бўлиши мумкин.

КОНЦЕПТУАЛ ЖАДВАЛ - ўрганилаётган ҳодиса, тушунча, қараш, мавзу ва шу кабиларни икки ва ундан ортиқ жиҳатлари бўйича таққослаш имконини беради.

Концептуал жадвалда вертикал тик қатор бўйича таққосланган (фикр, назариялар) ҳолда жойлаштирилади; горизонтал қаторга эса таққосланаётган турли тавсифларва хусусиятлар ёзилади.

**Концептуал жадвални тузиш юзасидан
йўриқнома**

1. Ўқув топшириқда кўрсатилган назариялар, ёндашишлар, тушунчалар, объектларни таққослаш учун уларни рўйхатини тузинг.

2. Жадвални расмийлаштиринг: вертикал (тик) қаторга - таққосланаётган тушунчалар, объектлар, назариялар ёзилади; горизонтал ётиқ қаторларга

3. таққосланаётган уларнинг бир нечта аниқланган жиҳатлари ёзилади.

ТЕСТ САВОЛЛАРИ

1. Контракт бу нима?

- а) индивидларнинг эркин танлови асосида, бошқарув алмашинуви ва унинг ҳимояси тўғрисидаги келишув;
- б) агент ва бошлиқнинг муаммони ҳал қилиш усули;
- с) фирма моделининг агент иттифоқи сифатида фойдаланиши
- д) хусусий мулкнинг тузилиши;
- е) мулкчилик алоқаси тузилишини аниқловчи омил.

2. Контракт турлари?

- а) классик ва ўринли;
- б) қийин, ўринли, им ;
- с) классик, неоклассик, им ;
- д) чатишма(гибрид), оддий, ўринли ;
- е) кўргазмали, қийин, оддий.

3. Шартнома- турли мулкдорлар эгалигидаги, ўз савдо белгисига эга бўйган товар ишлаб чиқарувчилар ўртасида тузилади. Бу ерда қандай контракт назарда тутилмоқда?

- а) Классик;
- б) Неоклассик;
- с) Кўргазмали;
- д) чатишма(гибрид);
- е) классик ёки неоклассик.

4. Қуйида келтирилган омиллардан қай бирини ташклиот баҳолаш мумкин?

сифатида

- а) талабалар гуруҳи;
- б) олий ўқув юрти;
- с) йўл ҳаракати қоидалари;
- д) ёдгорлик ўрнатишга қарши ҳаракат.

5. Фирманинг аниқланиши?

- a) Бу индивидларнинг иш фаолиятида алоқа воситасини бажарадиган, номутоносив, танланмаган аймақинув;
- b) Сотувчи ва харидорнинг ўзаро савдоси жойлашган учинчи даражали бозор;
- c) бу қўлаб нархлар тақсимотини тартибга солувчи номутоносив алмақинув;
- d) ресурслар ва маҳсулотлар бозорида битим аралашуви жараёни.

6. Фирманинг типологияси?

- a) очиқ, хусусий, шерикчилик асосида(ҳамкорлик), бошқарилмайдиган;
- b) хусусий тадбиркорлик, ўзини бошқарувчи, фойда келтирмайдиган, давлатга тегишли, бошқариладиган;
- c) ўзини бошқарадиган, фойда келтирмайдиган, фойда келтирадиган;
- d) хусусий, фойда келтирадиган, очиқ.

7. Қуйида келтирилган фирмаларнинг қайси бири бошқарувчи бир вақтда барча 5 ҳуқуққа эга бўлган классик фирмага мисол бўла олади?

- a) ўзини бошқарувчи;
- b) фойда келтирмайдиган;
- c) давлатга қарашли;
- d) бошқарувчан;
- e) хусусий тадбиркорлик.

8. Институт бу нима?

- a) бу атрофдагиларга фақат яхшилик қилувчи гуруҳ;
- b) бу ижтимоий бойлик тақдим этиш учун солиштирма мулкнинг ташкилий тузилишидир;
- c) бу ҳар бир шахсни мазкур қоидаларни ёки бир неча қоидаларни ижро этишга мажбур этилишини ташқи механизмдан ташкил топган механизмдир;
- d) бу омилар ва мулкдор эгалик ҳуқуқлари маҳсулотнинг барча шаклларида биронтаси берилган бозорларда трансакциялари ўрнини эгалламайдиган жараёндир.

9. Қайси турдаги фирмаларда ҳамма мулкдорлар ҳуқуқлари алоҳида омиларга ажратилгани каби умумий омиларга нисбаттан ҳам ажратилган?

- a) ўзини бошқарувчи турдаги
- b) фойда келтирмайдиган турдаги
- c) давлатга тегишли турдаги фирмаларда
- d) бошқарилмайдиган турдаги
- e) хусусий турдаги

10. Назорат қилиш ҳуқуқи ташкилот аъзоларига нисбаттан таъзаладиган назорат бошқарувчиларга ҳам тааллуқлидир. Қандай фирма тўғрисида гап кетмоқда?

- a) давлатга қарашли бўлган фирма
- b) фойда келтирмайдиган
- c) бошқариладиган
- d) ўзини бошқарувчи
- e) хусусий тадбиркорлик

11. Муносабатчилик контракт бу нима?

- a) бу контракт қоидаларига асосан махсус баҳога эга бўлган актив ёки сектор
- b) келишув муддати тугагунига қадар, томонлар ўртасида келишмовчиликлар бўлиб ўтган тақдирда ҳам шартноманинг бузулмаслигини тақлиф этади
- c) тарафларнинг узок муддатга ҳамкорлигини тақлиф қилувчи, тўлиқ бўлмаган контракт

- d) келишув муддати тугагунига қадар томонлар ўртасида келишмовчилик бўлиб ўтган тақдирда шартноманинг тўхтатилишини таклиф этадиган, тўлиқ бўлган контракт
- e) қўшимча ҳаражатларнинг келиб чиқиши натижасида шартномага учинчи тарафнинг қўшилишини таклиф қиладиган, тўлиқ бўлмаган контракт

12. Классик контрактнинг гранти бўлиб нима ҳисобланади?

- a) унинг бажарлиш гранти давлатдир.
- b) шартноманинг ижро этилиш гранти учинчи тарафдир.
- c) шартноманинг ижро этилиш гранти бир ёки иккала тарафдир.
- d) иккала тараф ҳам грантдир.
- e) иқтисодий агент грант ҳисобланади.

13. Иқтисодий ислохотларга таъриф беринг!

- a) иқтисодиёт кенг қўламдаги ишлаб чиқариш ҳаражатларини камайтириш имконини беради;
- b) иқтисодиётни бошқариш йўлида катта ўзгартиришлар киритиш сиёсат орқали амалга оширилади;
- c) қай бирини танлашдан қатъий назар харидорга бир хил фойда келтирувчи маҳсулот йиғиндиси;
- d) ишлаб чиқариш сони ва маҳсулот нархини тўғридан-тўғри алоқадорлигини таъминлайдиган қонуний таклиф.

14. Ҳусусийлаштириш бу нима?

- a) давлатга тегишли бўлган мулкнинг ҳусусийлаштирилиши;
- b) тезкор ва узоқ муддатга чўзиладиган депозитлар билан шуғлланадиган жамғарма;
- c) белгиланган муддатга банк орқали жалб қилинадиган тезкор жамғармалар;
- d) бозор шароитида шартномалар тузувчи ҳусусий тадбиркорлик.

15. Социалистик реформа деганда нима тушунилади?

- a) сиёсий ва социалистик йўл билин социалистик муаммоларни ҳал этиш;
- b) бозор миқёсида иқтисодий ресурслар ишлаб чиқариш омили;
- c) кўплаб қарорларнинг ҳисобга олиниши, мулкдорларнинг қабул қиладиган маҳсулоти, пул ва фойдаси;

16. Халқаро иқтисодий ислохот нима?

- a) Бозорда турли хил гуруҳларнинг фойдаси ўхшашлиги тўғрисида фикр етказиб бериш;
- b) гуруҳларнинг тушунчаси давлат йўналишига мос келиши мумкин;
- c) бу ишлаб чиқариш ҳўжалигининг халқаро ишлаб чиқаришга алоқадор, илмий-техникавий корпорацияси, экспорт ва импорт маҳсулотларини ташқи бозорга чиқиши;
- d) бу халқаро ташкилотларнинг акция ва кредитларига эга бўлиш.

17. Институционализмнинг маъноси қайси пунктда тўғри кўрсатилган?

- a) илгари бошқа келишувлар устуворлик қилган соҳалардаги келишувлардан бирининг нормалари асосида амалга ошадиган келишувлар;
- b) ўзаро ҳамкорликнинг ўзи бир-бирини истисно этувчи нормалар асосида амалга оширилиши мумкин бўлган келишувлар;
- c) неоклассика тамойилларидаги чекловларни ҳисобга олган ҳолда бозор моделини тузишга йўналтирилган назария;
- d) ҳўжалик юритишнинг бозор механизмини ўткинчи деб қарайдиган таълимот.

18. “Методологик холизм” тамойили нимани билдиради?

- a) индивидлар бирламчи, институтлар иккиламчи деб қарайдиган тамойил;
- b) тадқиқотларга жамият ўзининг “табiiй ҳолатида” асос қилиб олинади;
- c) институтлар бирламчи, индивидлар иккиламчи деб қарайдиган тамойил;

d) ўз тадқиқотларини ижтимоий дарвинизмдан фойдаланмасдан олиб боради.

19. “Янги” институционал мактаб вакиллари қайси пунктда кўрсатилган.

- a) Р.Коуз, Д.Норт, О.Уильямсон, Р.Познер, М.Олсон, Ф.Хайек;
- b) Т.Веблен, Ж.Р.Коммонс, У. Митчеллер, Й. Шумпетер, Ж.К.Гэлбрейт, Ф.Найт, К.Полани, К.Айрес, Г.Мюрдаль;
- c) Й. Шумпетер, Ж.К.Гэлбрейт, Ф.Найт, К.Полани, К.Айрес, Г.Мюрдаль;
- d) Т.Веблен, Р.Коуз, Ж.Р.Коммонс, Д.Норт, У. Митчеллер, О.Уильямсон.

20. “Эски” институционал мактаб вакиллари қайси пунктда тўғри кўрсатилган?

- a) Т.Веблен, Р.Коуз, Ж.Р.Коммонс, Д.Норт, У. Митчеллер, О.Уильямсон;
- b) Р.Коуз, Д.Норт, О.Уильямсон, Р.Познер, М.Олсон, Ф.Хайек;
- d) Т.Веблен, Р.Коуз, Ж.Р.Коммонс, Д.Норт, У. Митчеллер, О.Уильямсон;
- b) Т.Веблен, Ж.Р.Коммонс, У. Митчеллер, Й. Шумпетер, Ж.К.Гэлбрейт, Ф.Найт, К.Полани, К.Айрес, Г.Мюрдаль.

21. Методологик индивидуализмнинг тўғри маъносини аниқланг.

- a) индивидлар институтларнинг манфаатлари ҳамда хатти-ҳаракатлари орқали тушунтирилади;
- b) институтлар бирламчи, индивидлар иккиламчи деб қарайдиган тамойил;
- c) асосан индуктив усулга асосланиб, алоҳида ҳолатлардан умумлаштиришга томон интиладиган назария;
- d) институтларни индивидларнинг манфаатлари ҳамда хатти-ҳаракатлари орқали тушунтирадиган тамойил.

22. Норма бу нима?



- a) бу ижтимоий бойлик тақдим этиш учун солиштира мулкнинг ташкилий тузилишидир;
- b) бу институционал муҳитда индивидларнинг ўз танловини амалга оширишда фойдаланадиган асосий унсур ҳисобланади;
- c) бу жамият аъзолари ўртасидаги ўзаро муносабатларни белгилаб берувчи расмий қоидалар йиғиндисидир;
- d) бу омиллар ва мулкдор эгалик ҳуқуқлари маҳсулотнинг барча шаклларида биронтаси берилган бозорларда трансаксиялари ўрнини эгалламайдиган жараёндир.

23. “Иқтисодий империализм” деганда қандай маъно тушунилади?



- a) асосан индуктив усулга асосланиб, алоҳида ҳолатлардан умумлаштиришга томон интиладиган талимот;
- b) жамият аъзолари ўртасидаги ўзаро муносабатларни белгилаб берувчи расмий қоидалар ва норасмий нормалар йиғиндисидир;
- c) неоклассик ёндашув асосида жамият тўғрисидаги фанларнинг тарқоқ оиласини умумлаштириш;
- d) институционал муҳитда индивидларнинг ўз танловини амалга оширишда фойдаланадиган асосий унсур ҳисобланади.

Тарқатма материаллар

Такдимотлар








1. Шартнома тўшунчаси

Шартнома – белгиланган институционал доираларда шахсларнинг оғли равишда ва эркин танлаши натижаси ҳисобланган мулкчилик ҳуқуқлари билан алмашиш ва уларни ҳимоялаш тўғрисидаги келишув



3. Шартномаларнинг хиллари

Энди ёллаш тўғрисидаги шартнома билан сотиш тўғрисидаги шартномани ўзаро таккослаган ҳолда, бевосита шартнома таркибини муҳофама қилишга киришамиз. Шартноманинг учта базавий хили маълум



Классик шартнома, унда ўзаро ҳамкорликнинг барча шартлари аниқ ва тўла-тўқис белгиланган, сотиш тўғрисидаги шартномадан ҳосил бўлган шартнома.

9-Мавзу. Фирма назарияси

РЕЖА

1. «Принципал» билан «агент» ўртасидаги ўзаро муносабатлар муаммоси

2. «Принципал-агент» муаммоларини ҳал этиш вариантлари

3. Фирманинг ички тузилмаси

4. Фирмалар типологияси ва уларнинг ривожланиш траекторияси

5. Фирмаларнинг асосий хиллари

1. «Принципал» билан «агент» ўртасидаги ўзаро муносабатлар муаммоси


Ташкилот таркибига кирувчи «агентлар» сонининг ўсиши, агентлар ҳаракати устидан назорат қилиш учун талаб этиладиган «принципал» харажатларининг ошишини белгилаб беради.

«Агент»ни назорат қилиш зарураги ва назоратни амалга оширишни истамаслик ўртасидаги танловдан либрат бўлган «принципал» муаммавий ҳолатини ўйинлар назариясидан қуйидаги модел ёрдамида қўриш мумкин.

Ташкилот *ичида* ахборот асимметриясининг пайдо бўлиши сабабларини аниқлаш учун, институционал тизим сифатида бўйруқбозлик тизимини тадқиқ қилган Фридрих фон Хайекнинг неботларини эслаймиз.

3. Фирманинг ички тузилмаси

Принципал-агент» муаммоси ҳал этилиши муқобил моделлардаги ташкилотнинг ички тузилиши асосида ётади. Фирма ички тузилишининг қуйидаги тўртта варианты кенг тарқалган:



1

2

3

4

Иккинчи босқич:
ташкилий
тузилмаларнинг
қийёсланиши




1. Унитар

2. Холдинг

3. Аралаш

4. Мультидивизионал







Фанга доир видео маърузалар, видео роликлар

1. <https://www.youtube.com/watch?v=JUVsHYibL8M>
2. <https://www.youtube.com/watch?v=2FcnK6kAuzA>
3. <https://www.youtube.com/watch?v=32sQA0sWz1E>
4. <https://www.youtube.com/watch?v=RMHECuURGnM>
5. https://www.youtube.com/watch?v=k_tTbL5sC7I
6. <https://www.youtube.com/watch?v=7yBU31LBY9Q>
7. <https://www.youtube.com/watch?v=jgDPqgWySVA>
8. <https://www.youtube.com/watch?v=Ng4Ifp0Mgog>
9. <https://www.youtube.com/watch?v=HfbbHplOCw0>
10. <https://www.youtube.com/watch?v=cmpclb9Vas0>
11. <https://www.youtube.com/watch?v=9GqFofQ7-4U>

РЕЙТИНГ БАҲОЛАШ ТИЗИМИ

Рейтинг назорати жадвали (кузги)

Назорат тури	Рейтинг баҳолашлар			Жами	Саралаш бали
	1	2	3		
ЖН (40 %) шу жумладан	20	20		40	
ОН (30 б.)	15	15		30	
ЯН (30 б.)	-	-	30	30	
Жами:	20	20	60	100	55

КУЗГИ СЕМЕСТР

№			Сентябр				Октябр				Ноябр				Декабр				Январ				
			04 – 09	11 – 16	18 – 23	25– 30	02 – 07	09 – 14	16 – 21	23 – 28	30 – 04	06 – 11	13 – 18	20 – 25	27 – 02	04 – 09	11 – 16	18 – 23	25 – 29	08 – 13	15 – 20		
			1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16	17	18	19		
Ж Н 4 0 %		Мустаки л таълим								8								8				16	
		Амалиёт								12									12			24	
2	О Н 3 0 %	Ёзма иш									6								6			12	
		Мустаки л таълим											9							9		18	
3	ЯН – 30%																				30	30	
	Жами						35				35								30	100			
	Жами бўйича						35				70								100	100			

Баҳо	5	4	3	2
Рейтинг	86-100	71-85	55-70	< 55
Фанни ўзлаштириш кўрсаткичлари	154-179	127 - 152	98 -125	<98

ЭСЛАТМА: 7-семестрда ўқитиладиган “Институционал иқтисодиёт. Ижтимоий соҳа иқтисодиёти” фанининг ўқув хажми 179 соатни ташкил этганлиги сабабли фан коэффициентини 1,79 бўлади. Фан бўйича ўзлаштиришни аниқлашда талаба тўплаган бали 1,79 га кўпайтирилади ва бутунгача яхлитлаб олинади.

Рейтинг назорати жадвали (бахорги)

Назорат тури	Рейтинг баҳолашлар			Жами	Саралаш бали
	1	2	3		
ЖН (40 %) шу жумладан	10	10	20	40	
ОН (30 б.)	10	10	10	30	
ЯН (30 б.)	-	-	30	30	
Жами:	20	20	60	100	55

БАҲОРГИ СЕМЕСТР

№	Феврал			Март			Апрел			Май			Июн	

			1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16	17	18	19		
			5 – 10	12 – 17	19 – 24	26 – 03	05 – 10	12 – 17	19 – 24	26 – 31	02 – 07	09 – 14	16 – 21	23 – 28	30 – 05	07 – 12	14– 19	21 – 26	28 – 02	04 – 09	11 – 16		
1	ЖН 40 %	Мустақил таълим						5						5						6			16
		Амалиёт				7							8							9			24
2	ОН 30 %	Ёзма иш									6								6				12
		Мустақил таълим						6						6					6				18
3	ЯН – 30%																					30	30
	Жами		18						25						27						30	100	
	Жами бўйича ГП		18						43						70						100	100	

Баҳо	5	4	3	2
Рейтинг	86-100	71-85	55-70	< 55
Фанни ўзлаштириш кўрсаткичлари	191-222	158 - 189	122 -155	<122

ЭСЛАТМА: 8-семестрда ўқитиладиган “Институционал иқтисодиёт. Ижтимоий соҳа иқтисодиёти” фанининг ўқув ҳажми 222 соатни ташкил этганлиги сабабли фан коэффициентини 2,22 бўлади. Фан бўйича ўзлаштиришни аниқлашда талаба тўплаган бали 2,22га кўпайтирилади ва бутунгача яхлитлаб олинади.

ЖНни баҳолаш мезонлари

“Институционал иқтисодиёт. Ижтимоий соҳа иқтисодиёти” фани бўйича жорий баҳолаш талабанинг амалий машғулотидаги ўзлаштиришни аниқлаш учун қўлланилади. ЖН ҳар бир амалий машғулотида сўров ўтказиш, савол ва жавоб, топшириқларини бажариш ва ҳимоя қилиш каби шаклларда амалга оширилади. ЖН ҳар 5-6 машғулотида сўров ўтказиш, ишларини бажариш, савол ва жавоб, суҳбат, ҳамда ҳисобот топшириш каби шаклларда амалга оширилади. Талабага ЖН да бутун баллар қўйилади.

Талабанинг амалий машғулотларни ўзлаштириш даражаси қуйидаги мезон асосида аниқланади

Баҳолаш кўрсаткичи	Баҳолаш мезонлари	рейтинг бали
Аъло, 86-100%	Етарли назарий билимга эга. Топшириқларни мустақил ечган. Берилган саволларга тўлиқ жавоб беради. Масаланинг моҳиятига тўлиқ тушунади. Аудиторияда фаол. Ўқув тартиб интизомига тўлиқ риоя қилади. Топшириқларни намунали расмийлаштирган.	
Яхши, 71-85%	Етарли назарий билимга эга. Топшириқларни ечган. Берилган саволларга етарли жавоб беради. Масаланинг моҳиятини тушунади. Ўқув тартиб интизомига тўлиқ риоя қилади.	
Қониқарли, 55-70%	Топшириқларни ечишга ҳаракат қилади. Берилган саволларга жавоб беришга ҳаракат қилади. Масаланинг моҳиятини чала тушунган. Ўқув тартиб интизомига риоя қилади.	

Қониқарс из 0-54%	Талаба амалий машғулот дарси мавзусига назарий тайёрланиб келмаса, мавзу бўйича масала, мисол ва саволларига жавоб бера олмаса, дарсга сушт қатнашса билим даражаси қониқарсиз баҳоланади	
----------------------	---	--

4.3. ОНни баҳолаш

Оралиқ назорат “Институционал иқтисодиёт. Ижтимоий соҳа иқтисодиёти” фанининг бир неча мавзуларини қамраб олган бўлими бўйича, тегишли назарий ва амалий машғулотлар ўтиб бўлингандан сўнг ёзма равишда амалга оширилади. Бундан мақсад талабаларнинг тегишли саволларни билиши ёки муаммоларни ечиш кўникмалари ва малакалари аниқланади. 3-та ОН ўтказиш режалаштирилган бўлиб 10 балдан иборат. ОН назорат ишлари ёзма иш ва тест усулида ўтказилиши назарда тутилган, ёзма иш ва тест саволлари ишчи ўқув дастур асосида тайёрланади. ОН га ажратилган баллдан 55% дан паст балл тўплаган талаба ўзлаштирмаган ҳисобланади. ОН ни ўзлаштирмаган талабаларга қайта топшириш имконияти берилади. ОН бўйича ҳолинадиган тестлар кафедра мудирини раҳбарлигида ташкил этилади ва кафедрада ўқув йилининг охиригача сақланади.

4.4. ЯНни баҳолаш

Якуний назорат “Институционал иқтисодиёт” фанининг барча мавзуларини қамраб олган бўлиб, назарий ва амалий машғулотлар ўтиб бўлингандан сўнг ёзма равишда амалга оширилади. Бундан мақсад талабаларнинг фан бўйича ўзлаштириш кўрсаткичлари, яъни билим даражаси ёки муаммоларни ечиш кўникмалари ва малакалари аниқланади. ЯН назорат ишлари тест усулида ҳам ўтказилиши назарда тутилган, тест саволлари ишчи ўқув дастури асосида тайёрланади. ОН ва ЖНларга ажратилган баллдан 55% дан паст балл тўплаган талаба ўзлаштирмаган ҳисобланади ва ЯНга киритилмайди. ЯНни ўзлаштирмаган талабаларга қайта топшириш имконияти берилади. ЯН бўйича ҳолинадиган ёзма иш вариантлари кафедра мудирини раҳбарлигида тузилади ва деканатларга топширилади.

Тест усулида ЯН ни баҳолаш мезонлари:

ЯН тест ва ёзма иш шаклида ўтказилади ва талабанинг жавоблари 30 баллик тизимда баҳоланади. Бунда тестга ажратилган 30 балл 30 саволлар сонига бўлиниб, бир саволга қўйиладиган балл топилади (1 балл) уни тўғри жавоблар сонига кўпайтириб, ва ёзма ишдаги 3 та назарий саволларга 10 баллдан, жами назарий саволга 30 балл баҳоланиб талабанинг ЯН да тўплаган баллари аниқланади.

Эслатма: Талабанинг умумий бали ҳисобланганда яхлитлаб олинади.